

М. ИВАНИН

ИККИ БЮОК САРКАРДА:

ЧИНГИЗХОН

ВА

АМИР ТЕМУР

Тошкент-

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг «Фай» изашвили
www.ziyouz.com kutubxonasi

63.3 (2Уз)

И 16

«ХАЗИНА» ижодий илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси

Таржимон: АКМАЛЖОН МАҲҚАМОВ

Муҳаррирлар: ЮСУФ МУЗАФФАР, УРФОН ОТАЖОН

Рассом: МИҚОИЛ ибн ИСМОИЛ

**Н 056300(000)-3-659
М 351(04)94**

© «Хазни», Тошкент, 1994 й.

ISBN-5-648-01970-X

СУЗ БОШИ

Құдратли давлатлар төмөннен дүнени бўлиб олиш сиёсатида фаол қатнашган ҳамда бутун дунёга ўз таъсирини ўтказиш учун саъй ҳаракатда бўлган Россия давлатида «олтин ём билари ер юзида сочилиб ётган», ҳисобсиз бойликлар диёри бўлган жаннатмакон Урта Осиёни босиб олиш, Урта Осиё орқали Ҳиндистонга ва у ердан Ҳинд уммоғига чиқиши иштиёқи бошқа мамлакатларни босиб олиш иштиёқидан анча устуноқ эди. Урта Осиёни ва унинг бойликларини қўлга кириши ҳамда бу бойликлар воситаси билан бошқа мамлакатларни бўйсундириш режасини «Урушни уруш билан таъминла» деган Цезарона қоидани яхши ўзлаштириб олган рус императори Пётр Биринчинин шахсан ўзи тузиб чиқкан эди.

Бу жуда узоқни кўзлаб тузилган режасини амалга оширишни у Александр Бекович Черкасский, Флорио Беневени каби жосусларини шу иқлимдаги ўлкаларни ҳар тарафлама үрганиш учун юборишдан бошлади. Россиянинг кейинги ҳукмдорлари ҳам мазкур режани амалга ошириш учун саъй ҳаракатда бўлдиilar: кўплаб жосуслар юбордилар, бир қанча экспедициялар уюштирилар, бу ўлкаларга яқин ерларда бир қанча истеҳкомлар ҳамда таянч нуқталари курдирдилар ва ҳоказо ва ҳоказо.

Аммо босқинчиларнинг кўплаб ҳаракатлари зое кетаверди, уюштирилган экспедициялар (юришлар деб тушуниш керак) чилпакка чиқаверди. Айниқса 1839—1840-йилларда Ҳивани босиб олиш учун уюштирилган катта экспедициянинг улкан талафотлар билан ортга қайтиши Россия учун жуда қимматга тушди. Уша йили қиши жуда қаттиқ келгандиги, Урта Осиё иқлими, жуғрофияси ва бошқа шу каби маълумотларни яхши билмасликлари сабабли энг замонавий қурол-яроғлар билан тиш-тирногигача қуролланган рус босқинчилари атиги пилтали милицилар, камону қиличу наизалар билан ҳимояланган «қарим ёввойи Урта осиёликлар»нинг кичик бир ўлкасини ҳам босиб оломмай, катта талафотлар билан ортга қайтишга мажбур бўлдиilar. Бундай бўлишини хаёлига ҳам келтирмаган, бир катта ҳамла билан Сутун «қолоқ» Урта Осиёни босиб олишни мўлжаллаган рус саркардаларининг бошлари деворга урилиб, кўзлари мошдек очилди ва бу кўзлари энди Россиядан Тангрининг инояти илиа ўтиш мушкул бўлган сувсиз чўллар воситасида ҳимояланган Урта Осиёда илгор бўлмасада, ҳар ҳолда катта ҳарбий тажрибага, ўзининг жаңг қилиш стратегия ва тактикаларига эга бўлган ҳарбий кучлар мавжуд эканлигини кўрди ҳамда фақат қурол-яроғ устунилиги билан бу кучларни енгиш бўлмаслигини босқинчилар англаб етдилар. Бу кучларни енгиш учун Урта Осиёни фақат жуғрофий, иқлимий ва сиёсий жиҳатлардан үрганишнинг ўзи кифоя қилас, балки бу ердаги ҳарбий кучларнинг стратегия ва тактикаларни ишлаб чиқиш, бу иқлимини босиб олишининг қадамбақадам режаларини тузиб чиқиш лозим эди. (Мазкур ҳарбий стратегия ва тактикалар ишлаб чиқилган давр эса узоқ асрларга — номларининг ўзиёқ дунёни титратган Чингизхон ва Амир Темур замонларига бориб тақаларди.)

Юқорида тилга олинган Хива экспедициясида қатнашган подполковник Михаил Игнатьевич Иванин ҳам бу ишга жиддий киришгандардан бири эди.

Ижтимоий келиб чиқиши Чернигов губерниясидаги дворянлар оиласидан бўлган М. И. Иванин 1801-йилда туғилган бўлиб, бошланғич таълимни 1-кадетлар корпусида олган. У ўзини ҳарбий ишга баҳинда этиб, 1822-йилдан артиллерия бригадасида прaporшчилик увони билан ҳарбий хизматни бошлайди ҳамда ўз билим ва малакаларини ошириб, амал пиллапояларидан кўтарила боради. 1835-йилдан у Оренбург ўлкасида хизмат қила бошлайдики, унинг ҳарбий-адабий фаолиятининг бошланиши мана шу даврга тўғри келади.

Хива экспедицияси айнан шу Оренбург ўлкасидан уюштирилган эди. Катта талафотлар билан ортга қайтишга мажбур бўлган бу экспедиция (аниқроғи юриш) М. И. Иваниннинг ҳаётида чуқур из қолдирди. Бу экспедицияда унинг соғлиғига жиддий путур етди ва на-тижада у ҳарбий хизматни пойттахта — Бош штабга кўчиришга мажбур бўлди. Мана шу даврлардан бошлаб у Осиё (хусусан Урта Осиё) ҳалқларининг тарихи ва ҳарбий санъатини чуқур ўргана бошлади; бир неча ўн йиллар давомиди у Осиё ҳалқларининг тарихи ҳамда ҳарбий санъати ҳақида кўплаб маълумотлар тўплади. Хизмати юза-сидан Осиёнинг жуда қисмини кезиб чиқсан ҳарбий мутахассис М. И. Иванин тўплаган маълумотларини маълум миқдорда текшириб кўриш, чоғишириб чиқиш, хуллас чуқур таҳлил қилиб, объектив ба-ҳолаш имкониятига эга эди. Қилган тадқиқотларини жамлаб у мақо-лалар, рисолалар кўринишида чоп эттириб турди. «Описание зимнего похода в Хиву в 1839—1840 годах» (1839—1840-йилларда Хивага уюштирилган қишки юриш баённомаси), «О внутренней Букеевской Орде» (Ички Букеев Урдаси ҳақида) каби асарлар шулар жумласидан-дир.

Соғлиғи маълум миқдорда тикланғандан сўнг 1853-йилда у Ички Қирғиз (Қозоқ) Урдасини бошқариш меваққат кенгашига Давлат мулклари назорати томонидан маслаҳатчи этиб тайинланди ва кейинги йили бу кенгашининг раислиги лавозимига кўтарилади. Кейинроқ у Қавказга хизматга юборилади. Бу ерда кўплаб махсус топшириқларни бажаради, экспедицияларда иштирок этади ҳамда аъло хизматлари өвазига 1857-йилда генерал-майор увонини олади. 1858-йилда Россиянинг Туркия билан Осиёдаги чегараларини аниқлаш комиссиясида қатнашади. 1864—1871-йилларда у қўшинларни темир йўллар ва сув йўллари орқали ташиб комиссиясининг раиси (1866-йилда генерал-лейтенант увонини олиб), Россия темир йўлларининг ҳолати ҳақидаги тўлиқ маълумотларни тўплаш комиссиясининг раиси, Бош штаб кошида ташкил этилган қўшинларни темир йўллар ва сув йўллари бўйлаб ташиб доимий комитетининг аъзоси лавозимларида ишлайди. 1871-йилда эса Бош штаб ҳарбий-илмий комитетининг аъзоси бўлади.

М. И. Иванин 1836—1845-йилларда «О военном искусстве и за-весениях монголо-татар и среднеазиатских народов при Чингизхане и Тамерлане» (Мўғул-татарлар ва Урта Осиё ҳалқларининг Чингизхон ҳамда Амир Темур даврларидаги ҳарбий санъатлари ва истилолари ҳақида) номли асарини ёзиб «Военный журнал»да чоп эттирган эди. 1870 йилларга келиб у тўплаган барча маълумотларини бир ипга тизиб чиқади ва мазкур асарини қайта ишлаб, тўлдириб (унинг ҳажми даст-лабкисидан тўрт баробар ортиқ эди). 1874 йилда ҳарбий-илмий комитетнинг ҳукмига ҳавола қиласди. Аммо 1872-йилдан бошлаб соғлиғи муттасил ёмонлаша борган М. И. Иванин 1874-йилнинг 27-сен-тяброда (ўз китобининг чоп этилишини кўра олмай) вафот этади.

М. И. Иваниннинг мазкур асари 1875-йилда Санкт-Петербургда Бош штабнинг ҳарбий-илмий комитети томонидан нашр эттирилади.

Китобга генерал-лейтенант киаз Н. С. Голицын масъул муҳаррирлик қилган ҳамда сўз боши ёзган.

Асар сиртдан қараганда Чингизхон ва Амир Темурнинг ҳарбий сәнъатларини, улар юритган сиёсатни, уларнинг истилолари тарихини ўрганишга бағишланган. Китобда Чингизхон ва Амир Темур каби зотларнинг ҳарбий фаолиятларига, тарихий воқеаларга, Осиё ва Овруло ҳалқларининг ўша даврлардаги турмуш тарзлари ва фаолиятларига бир қадар холисанлиллоҳ илмий баҳо берилган. Асада айниқса Амир Темур давридаги тарихий воқеалар чуқурроқ таҳлил қилинган, унинг шахсияти ва фаолияти, ҳарбий санъати, қолаверса жаҳон тарихида тутган ўрни хусусларida чуқурроқ тұхталиниб, аңчагина ҳаққоний баҳо берилған.

Аммо китобни синчиклаброқ ўқинган киши унинг қандай қилиб Ўрта Осиёни босиб олиш ва тасарруфда тутиб туриш мумкин, деган саволга жавобан ёзилганилгини англаб етмай иложи йўқ. Лекин, бу саволга жавоблар бевосита асосий матидан эмас, балки кўплаб ўринларда келтирилган изоҳлардан ҳамда асарнинг хулоса қисмидан ўрин олган. Жумладан у бир изоҳида шундай дейди: «Бунинг учун (яъни Ўрта Осиё ва Ҳиндистонни босиб олиш учун — Ю. М.) қўшин таркиби ва ташкил этилишини бир қанча ўзгартириш, уларни озиқ-овқат билан таъминлаш усусларини ва озиқ-овқат заҳираларини ташишини яхшилаш керак. Бундан ташқари, Осиёни яқиндан билиш ва у ерларда бўлиб ўтган урушларни чуқур ўрганиш яхши иатижга бериши керак», — мана нима учун ҳарбий мутахассис М. И. Иванин мўғул-татарлар ва Ўрта осиёликларнинг ҳарбий санъатини ва тарихини шу қадар зўр бериб, чуқур ўрганганди.

Кези келганда шуни ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, буюк аждодимиз Соҳибқирон Амир Темурнинг ҳарбий санъати нафақат чор Россиясининг босқинчи зобитлари томонидан, балки большевиклар томонидан ҳам чуқур ўрганилган. 1918 йилда ташкил этилган «Қизил комиссарлар курслари»да Амир Темурнинг ҳарбий санъати алоҳида ўргатилган. Шу туфайли ҳам мазкур курсларда таҳсил олган Михаил Фрунзе, Аркадий Гайдар каби саркардалар Соҳибқирон Темур шахсина жуда ҳурматлаганлар ва ҳар иккилари ҳам тўнгич ўғилларига Темур деб ном қўйганлар.

Рус генерали М. Иванин чор ҳукуматига Ўрта Осиёни босиб олиш ва Ҳиндистонга йўл очиш режаларини кўрсатиш билангина чекланмай, ҳатто Англия (ўша пайтда Англия Осиёни жанубдан забт этмоқда эди) ва Хитой (Шарқий Туркистон Хитойнинг тасарруфида эди) ҳукуматларига ҳам Осиёни бўлиб олиш ва уни тасарруфда тутиб туриш юзасидан маслаҳатлар берганки, мазкур маслаҳатлар алал-оқибат замалга оширилганилгига тарих то шу бугунгача гувоҳ бўлиб турибди. Жумладан «Хулоса»да у шундай фикрларни билдиради: «...Ўрта Осиёни сиёсий жиҳатдан унинг ҳозирги аҳволида тутиб туриш учун биз Англия билан дўстона ҳамда ўзаро мағафалларга асосланган ҳаракатлар қилишга келишиб олишимиз керак бўлади... Ўрта Осиё унинг ҳалқларини ягона бир жамиятга бирлашишга қўймайдиган воситаларга эга бўлган иккى кучли давлат (яъни Россия ва Хитой — Ю. М.) нинг тасарруфида ёки таъсири остидадир. Хитойнинг моҳирона ва айёр сиёсати Ўрта Осиёнинг шарқий қисмини ўз қўлларида тутиб турибди... қолган қисми қисман бизнинг тасарруфимизда, қисман эса таъсиримиз остидадир... Ҳудди шунингдек, Англия ҳам жанубдан ҳаракат қилиб бу ишда (яъни Осиёни бўлиб олишда — Ю. М.) қатнашиши мумкин, чунки Ҳиндистон дамиша истилочилар учун лаззатли луқма бўлиб келганлиги туфайли Англиянинг хусусий манфаатлари Ўрта Осиёда кучли ерлик давлат юзага келишига йўл қўймаслик, бунинг учун эса Ўрта Осиё ҳалқларини янги такомиллашган курол-

яроғ билан таъминламаслиқ лозимлигини кўрсатиб турибди». Мана сизга ялангочланган ғосқинчилик сиёсатининг изҳори!

Аммо бу асар биз учун яна шу жиҳатлари билан даққатга савоварки, унда Осиё ва Оврупанинг катта бир қисми ҳалқларининг Чингизхон ва унинг авлодлари давридаги тарихи ҳамда тарихимизнинг яқин кунларгача атайлаб қора чапланиб келинган ёрқин бир қисми — Амир Темур ҳукмронлиги даври бир қадар холисанлилоҳ ёритилган; бу иккى буюқ саркарданнинг ҳарбий санъати, истилолари тарихи ҳамда улкан салтанат тузини ва уни бошқариш учун юргизган сиёсатлари ҳарбий мутахассис ва сиёсатчи нигоҳи билан чуқур таҳлил қилиб чиқилган. (Мана шу туфайли ҳамда қисқалик ва асарнинг муаллиф қўйган номига мазмұнан яқинлик нуқтани назаридан қўлингиздаги мазкур китобга «Иккى буюқ саркарда: Чингизхон ва Амир Темур» деб ном берилди.)

Аммо асарнинг баъзи ўринлари бир ёқтамаликлар, масалага ноҳолисона ёндошишлардан ҳам ҳоли эмас. Жумладан, Қозоғистон ва Қирғизистон олимларининг ишончли манбалар асосида аниқлашлирича, Чингизхон ҳарбий санъатни кўпроқ ўша вақтларда Мўгулистанда кўчманчилик қилиб яшаган туркӣ қабилалардан ўзлаштирган. Муаллиф эса етарли асосларен Чингизхон ҳарбий санъатни хитойликлардан ёки қуврингилар ва тазиқлар остида ўша ёқларга бориб қолган насронийлардан (?) ўзлаштирган бўлса керак, деган фикрга ўқувчини ишонтиришга уринадикӣ, бундай ўринлар асарни тақиидий назар билан ўқиши заруратини туғдидради. Мана шу каби изоҳталаб ва ёки ноҳолисона ўринлар изоҳлар билан баҳоли қудрат равшанлаштирилди (муаллиф изоҳлари эса китобнинг охирига кўчирилди).

Барча мубоҳасали ва исботталаб ўринтарига қарамай асар нафқат оддий китобхонлар учун, балки тарихчилар, ҳарбий мутахассислар, сиёсагашунослар, элшунослар (этнографлар), жуғрофюнлар (географлар) учун ҳам қимматлидир. Асарга мазкур соҳалар мутахассисларида түғилажак қизиқишларни пазарда тутиб, унда учрайдиган исмлар, жуғрофий ва этник номлар кўрсаткичларини Рашидиддин (Фазлуллоҳ ибн Имомуддавла Абулхайр Ҳамадоний ат-Табиби) ниет «Жомеъ-эт-таворих», Шарафуддин Али Яздийнинг «Зафарнома» номли асарлари, шунингдек «Темур тузуклари» каби қимматли манбаларга баҳоли қудрат чоғиштирган ҳолда чиқилди ҳамда баъзи ўринларда учрайдиган чалкашликлар, ғализликларни изоҳлар билан равшанлаштиришга ҳаракат қилинди. Аммо барча исмлар, жуғрофий ва этник номлар эски рус талафузида ёзилганлиги туфайли баъзи номларининг аслини тиклашга муваффақ бўла олмадик. Шу туфайли баъзи номлар, атамаларини ёзилишида ҳатолар, чалкашликлар бўлиши табиий (қолаверса муаллифнинг ўзи ҳам кўп номларни, фактларни тўлиқ аниқлай олмаган) ва бунинг учун сиз аэзиз китобхонидан узр сўрабхимиз ҳамда китобда учраши мумкун бўлган барча ҳатолар, камчиликлар ҳақидаги фикр-мулоҳазаларингизни миннатдорчиллик билан қабул қиласиз.

Юсуф Музаффар

МҮГУЛ-ТАТАРЛАР ИСТИЛОЛАРИГА УМУМИЙ НАЗАР

Хеч бир халқ мүгул-татарлар Чингизхон даврида ва Урта Осиё халқлари Амир Темур* даврида босиб олган ҳудудлари каби бепоён ҳудудларни босиб ололмаган ва бу ишда улар эришгән тезкорликка эришолмаган. Чингизхон хонлик даврининг бошларида ўзига тобе 13000 атрофидаги ўтов ёки оиласа эга бўлган бўлса, умрининг охирларида турли тилларда сўзловчи ва турли динларга мансуб бўлган 720 та халқ унга тобе эди. Унинг набиралари ҳозирги Хитой, Ҳиндистоннинг бир қисми, Қурия, бутун Урта Осиё, ҳозирги Россиянинг ҳамда жанубий Осиёнинг Ҳинддан Фуротгача бўлган деярли барча қисмига ҳукмронлик қилишган, бу ҳудудлар эса бор-йўғи 60—70 йил давомида босиб олинган эди. Бундай бепоён ҳудудларнинг босиб олинишини ва деярли ҳамиша эришиб келинган изчил ғалабаларни мўғуллар қўшинларининг бошқа давлатлар қўшинларидан қурол-яроғларининг сифати, улардан моҳирона фойдалана билиш, тартиб-интизом, тўғри жойлашиш жиҳатдан устунлиги билан ҳамда лашкарбошиларининг ўткир Фикрлай олишлари, ажойиб стратегик ва тактик қоидалардан фойдалана олишлари билан изоҳлаш мумкин. Ваҳоланки, бу халқнинг ҳозирги ҳолатини кўриб уларнинг аввалги ҳарбий-тузилиши ва ҳолатини тасаввур қилиш қийин. Аммо худди шунинг каби асримизнинг 30—40 йилларидаги роҳиблар билан тўлиб кетган Рим ва папа қўшинларини кўрганлар ҳам 20 аср аввал бу шаҳардан Урта Ер денгизи атрофидаги барча давлатларни забт этган зич сафланган легионлар чиққанлигини тасаввур қила олишлари қийин-ку ахир!

Мўғуллар қилган истилоларнинг ўзига хос фарқли томони шундаки, бу истилолар отлиқ аскарлар кўмагида амалга оширилган ва биз 3—4 минг кишилик қўшин билан

* Европада Амир Темур Тамерлан (Темурланг) номи билан машҳурdir. Муаллиф М. И. Иванин ҳам шу номни қўллаган. Аммо биз барча ўринларда бу зотнинг асл исмини қайта тикладик. (Мұхарр.)

базўр ўтадиган чўллардан юз минглаб аскарга эга бўлган бу отлиқ қўшинлар анчайин қийинчилликсиз ўта олганлар.

Чингизхон ва Амир Темур истилолари даврини инсоният учун энг фалокатли ва қонга беланган давр деб ҳисоблайдилар. Лекин гап ҳокимият ва инсон учун энг қиммат баҳо нарсаларни эгаллаб олиш ҳақида боргандা ҳамма босқинчилар ҳам шафқатсизликда деярли бир хилдирлар. Спартанликлар ўзларини боққан илотларни бир неча ма-ротаба қиличдан ўтказганлар; Арастунинг шогирди бўлмиш Исқандар Зулқарнайн (Александр Македонский) Фивани талон-тарож қилган, Тир аҳолисини шафқатсиз қатли ом қилган, қаршилик кўрсатган шаҳарлар аҳолисини қириб ташлаган; Цезар Галлияда шафқатсизлиги бўйича Исқандар Зулқарнайндан қолишмаган ва ҳоказо. Менинг ўйлашимча, мўғул-татарларнинг шафқатсизликлари бир қанча бўртириб кўрсатилган. Мўғул-татарларнинг шахсий манфаатлари учун деҳқонлар, ҳунармандлар ва саводогарлар керак эди. Агар улар итоат этсалар мўғуллар уларга заар етказмас, балки ҳомийлик ҳам қиласдилар. Мўғуллар дин эркинлигини ҳам эътироф қиласдилар. Хубилайхоннинг аслзода аъёни кўриннишида Чингизхон ерларига келган Марко Поло (1269—1289 йилларда) нинг ёзишича, у ерларда масалан, Табриз, Самарқанд, Қашғар ва Хитойда у кўплаб христианларни кўрган. Марко Полонинг айтишича, Тангутдаги катта ва ажойиб шаҳар бўлган Кампиён шаҳрида (ҳозирда йўқ бўлиб кетган бўлиши эҳтимол), гарчи шаҳар аҳолисининг кўп қисми бутпараст бўлсада, христианлар учта ҳашаматли черковга эга бўлганлар. Марко Полонинг айтишига қараганда, Кобино шаҳрида (Қобул бўлиши эҳтимол) сайқалланган пўлатдан ажойиб кўзгулар ясашган. Хубилайхон салтанатида қарийб 20 йил яшаган Марко Поло таърифига қараганда, хон ўз фуқароларининг турмуш шароитини яхшилаш учун доимо ғамхўрлик қилиб келган. Хон Хитойнинг жанубий вилоятларини шимолий вилоятлар билан бирлаштирувчи улкан ариқ (канал) қаздирган эди. Бу ариқ орқали молларни очиқ денгизга чиқмасдан ташиш мумкин эди. У ўзининг ерларидаги асосий йўлларда почта хизматини жорий этди ва Хитойнинг барча вилоятларида ишлатила бошланган қофоз пулларни босиб чиқарди (буни ҳукумат кредитлари исбот қила олади).

Хубилайхон ишончли одамларини ўз салтанатининг турли вилоятларига халқнинг ҳол-аҳволини билиш учун юборар, агарда унга қаердадир ҳосил бўлмаганлиги, моллар қирилганлиги ва бошқа фалокатлар ҳақида хабар берадиган бўлсалар, унда шундай фалокатлар бошига туш-

тән ахолидан нафақат солиқ олиш түхтатилар, балки эх-тиёжға яраша уларга моддий ёрдам ҳам беріб туриларди.

Ботухон Дунайдан Волга ва Үролгача бұлған Россия жанубий чүлларини ва Қозоқ чүлларининг бир қисмими әгаллаб олганидан сүңг үз күчманчи фуқароларини жойлаштириш билан шуғулдана бошлади. У үз күчманчи қабылаларига ерларни шимолдан жанубға қараб шундай тақсимлаб бердики, иқтим шароитларига қараб улар жанубда қишлоғ олишлари, баҳор келиши билан-шымолға қараб Россиянинг ўрмон миңтақалары төмөн күчишлари, августда эса үз қишловларига қайта күчишлари мүмкін әди. Шу пайтнинг үзида қиши пайтида озиқ-овқат билан таъминлашни яхшилаш мақсадида улар түрли дөн маңсулотларини әкиш ва уларни пайхон бўлишдан асраш чораларини кўра бошладилар.

Кримдаги туз қазиб олинадиган (эҳтимол Элтон ҳам) ва бошқа кўллар хазина ихтиёрига топширилди; хон ёрлиқларидан маълум бўлған нон дўконлари Олтин Ўрда барпо бўлған биринчи пайтлардан бошлаб ишлай бошлаган. Бу ҳақда 1246 йил мўғул-татар ерларига саёҳат қилган Плано-Карпини айтиб ўтган. * Бундай дўконлар очарчилик бўлған пайтларда озиқ-овқат билан таъминлаш учун мўлжалланган әди. Түрли хил солиқ ва бож солишлар жорий этилди. Халокухон Эрондаги заарали Оссасунлар мазҳабини қириб ташлаб, христианларга ва турли фанларга ҳомийлик қила бошлади. Қуйида мисол қилиб келтирилган ва Чингизхоннинг барча қўшинларида шубҳасиз мавжуд бўлған унинг сарой ва қўшин аъёнлари мансабларидан мўғул-татар лашкарлари тартибсиз ўрда эмас, балки күчманчи ҳалқ қўшинларига мослаштирилиб, тўғри тартибда тузилган мунтазам лашкар сифатида намоён бўлади. Бу лашкарлар үз давридаги кўнгиллилардан тузилган қўшинлардан тубдан фарқ қиласа әди.

Бу ҳол Чингизийлар бошқарувчи биринчи пайтларда ҳалқ учун фойдали бўлганини, Чингизийлар маълумоти бўйича үз асридан үзиди кетганлигини кўрсатади. Шунинг учун Чингизхон қўшинлари (Амир Темур ҳақида кейинроқ гапирамиз) ҳам үз замондошларидан қуролланиш, саф тортиш, тартиб, ҳарбий тарбия, тактик қоидалар ва стратегик мулоҳазалар масалаларида устунроқ турар әди деб тахмин қилиш лозим бўлади. Уларнинг бир неча ўн йиллар давомида мунтазам равишда эришган муваффакиятларини ҳам шу билан изоҳлаш мүмкін.

Аммо мўғул-татарлар ва Ўрта Осиё ҳалқлари ўзларининг истилоларга бўлған иштиёқларининг зўрлиги билан босиб олинишига қаршилик кўрсатадиган ҳалқларнинг

ҳукуматлари ва лашкарлари учун ниҳоятда даҳшатли эдилар ҳамда бу қаршилик қанчалик матонатли бўлса, магълуб томон шунчалик оз раҳм-шафқат кутиши керак эди.

Истилоларга бўлган иштиёқ уларда фанатизм даражасига етгач, улар халқаро ҳукуқларни ҳам назар-писанд қилмай қўйдилар ва ҳатто уруш очиш учун тузукроқ баҳоналар ҳам қидириб ўтирмайдиган бўлдилар. Улар тўғридан-тўғри бўйсунишни ва бож-ҳироҷ тўлашни талаб қилишар, рад жавоби бериладиган бўлса салтанатларни вайрон қилишар, бу салтанатлар ҳуқмронлари сулолалини қириб ташлашар эди. Улар кўплаб шундай салтанатларни бирлаштириб бепоён давлатлар тузган эдиларки, бу давлатлар сони Чингизхон ўғиллари сонига мос равишда тўртта эди. Агар тарих ўт-чўпсиз ва сувсиз бўлган юзлаб чақиримли чўллар билан ажратиб қўйилган ҳамда аҳолиси кам сонли бўлган мўғул-татарлар ва Ўрта Осиё халқларининг фавқулодда улкан куч-қудратини намоён қилган бўлса, бу куч-қудратнинг сири кўчманчиларнинг ҳарбий тартибда жойлашганлигига ва уларнинг битта халқ каби бирлашишларида эди. Кўчманчи халқлар эркинликни қанчалик севишини, кўчманчи ҳаётни ўтроқ ҳаёт кечиришдан афзал кўришини ҳисобга оладиган бўлсак бир неча минг чақирим майдонда кўчиб яшовчи бундай халқларни ўз ҳуқмига бўйсундира олган, уларга кўпманили қўшин бўлиш учун тартиб бера олган одам қанчалик иродат кучига, ҳарбий, маъмурий ва сиёсий қобилиятга эга бўлганлигини тасаввур қилиш мумкин.

Чингизхон ҳақидаги мавжуд тарихий маълумотлардан у Ўрта Осиёнинг бепоён чўлларида кўчиб юрувчи халқларни қандай воситалар билан ўзига бўйсундира олган эканлигини аниқлаш мумкин эмас. Шунинг учун унинг Хитой билан, Хоразм сultonни Муҳаммад билан бўлган урушга қадар олиб борган дастлабки ҳарбий ҳаракатлари қисқача баён этилган. Аммо, Амир Темурнинг дастлабки ҳаракатлари ҳақида тўлиқроқ маълумотлар мавжуд бўлиб, улар ҳақида кейин батафсилроқ тўхталиб ўтамиз.

Мўғул-татарлар ва Ўрта Осиё халқлари тарихи биз учун шу туфайли ҳам муҳим аҳамиятга эгаки, биз иккι асрдан ортиқроқ улар зулми остида яшадик, кейинги уч аср давомида эса улар билан доимий тўқнашув ва алоқада бўлдик, бундай қўшничилик бизни жануб ва шарқда доимий ҳарбий ҳолатда бўлишимизни талаб этди. Бундай ҳол бизнинг тушунчаларимиз, феъл-атворимиз, урф-одатларимизда, ҳарбий ва фуқаролик тузилишларида ўзининг чукур изини қолдирмасдан иложи йўқ эди. Ҳатто Буюк Петрнинг улуғ даҳоси ҳам, унинг матонатли темир иродаси ҳам ма-

на шу зулмдан қолган изларни ўчириб ташлаш ва шу халқ-лар билан бўладиган тўқнашувлардан халос бўлишни таъминлай олмади. Энди эса биз уларнинг кўп қисмини ўз таъсиrimиз ва ҳукмимизга бўйсундира бориб, улар билан янги муносабатлар қураяпмиз.

Хозирги пайтда мўғул-татарлар ва Ўрта Осиё халқлари тарихини ёритиш учун маълумот ва ҳужжатлар етиш-маслиги туфайли мен фақатгина уларнинг Чингизхон ва Амир Темур давридаги ҳарбий санъати ҳолатини таърифлаш билан чекландим.

Чунки бу икки лашкарбоши қўшин ташкил қилиш, уларни бошқариш, ҳал қилувчи пайтда жанг майдонига қўшинларни юбориш, тўсиқларни босиб ўтиш учун тадбирлар ўйлаб топиш, узоқни кўра билиш маҳорати, баҳодирона ташабbus 'ва характер кучи билан қадимги ва янти даврдаги буюк ҳарбий даҳолар билан бир қаторда турдилар. Бунга қўшимча сифатида мен уларнинг баъзи бир юришларини ҳам баён қилиб ўтдим. Қўшинлар юриши керак бўлган йўналиш, чўлни босиб ўтиш учун ажратилган вақт, уруш режасини тузиш ва ҳоказоларни аниқлик билан таърифлаш мақсадга мувофиқ бўларди. Лекин, ҳозирда бу лашкарбошилар босиб ўтган ерларнинг аниқ харитаси ва маълумотлари қўлимизда бўлмагани, кўплаб дарёлар, шаҳарлар, тоб ўйларининг номлари ноаниқлиги, ўзгариб-бузилиб кетганлиги туфайли бу йўллар тавсифини аниқ келтира олмаймиз.

Ишонамизки, Ўрта Осиё ҳақидаги узлуксиз кўпайиб бораётган маълумотлар ушбу лашкарбошилар юришларини яна ҳам батоғ силроқ таърифлаш учун имкон беради. Бунда биз чўл ва тоб ўйлари, дарёлар, кўллар, харобалар, шаҳарлар, тоб дараларининг маҳаллий номларини, яъни мўғулча ёки қалмоқча, хитойча ёки қозоқча ёзадиган бўлсак тушунчамиз янада кенгроқ бўлади¹.

Мўғул-татарларнинг Чингизхон давридаги ва Ўрта Осиё халқларининг Амир Темур давридаги ҳарбий санъатини ҳамда турли даврларда бўлиб ўтган уларнинг юришларини таърифлаш учун мен уларни икки қисмга бўлдим:

биринчиси — Мўғул-татарларнинг Чингизхон давридаги ҳарбий санъати баёни;

иккинчиси — Ўрта Осиё халқларининг Амир Темур давридаги ҳарбий санъати баёни.

I қисм

МҮГУЛ-ТАТАРЛАРНИНГ ЧИНГИЗХОН ДАВРИДАГИ ҲАРБИЙ САНЬАТИ ҲАҚИДА

МҮГУЛЛАРНИНГ ХИТОЙ БИЛАН МУНОСАБАТЛАРИ ҲАМДА ХИТОЙЛАРНИНГ ҲАРБИЙ САНЬАТИ ҲАҚИДА

Мүгул-татар қўшинларининг шак-шубҳасиз мунтазам, ҳарбий нуқтаи назардан тўғри тузилишга эга бўлганлигини ва қатъий интизомга риоя қилганлигини, ҳарбий саркардалар вазифалари тўғри тақсимлаб берилганлигини, уларнинг отлиқлари майдонда моҳирлик билан от сура олганлигини, қалъаларни қамал қилиб, забт эта олганлигини, жанг қилиш қонун-қоидаларини яхши билганлигини тан олсак, қонуний савол туғилади: ярим ёввойи бўлган мўгул-татар чорвачилари ўша давр ҳарбий санъатининг барча турлари ҳақида қаердан маълумот олган эканлар?

Маълумки, шарқий Рим империясидаги насоролар ва бошқа христиан мазҳаблари қувфинга учраганларида улар ўз эътиқодларини сақлаб қолиш учун Арабистон ва Эрондан бошпана топмоқчи бўлганлар. Бу мамлакатларда ислом дини тарқалиши муносабати билан улар янада узоққа — шарққа қараб кетишга мажбур бўлганлар. Уша даврда Ўрта Осиёнинг маъжусийлар (бутпарастлар) яшаган шарқий қисмидаги тўла дин эркинлиги мавжуд эди ва у ерда христианлар, айниқса насоролар оз бўлганлиги ҳақида тарихий маълумотлар борки, булардан христианлар бу ерларга фуқаролик асослари ва билим, шунингдек римликлар ҳамда юнонларнинг ҳарбий санъати ҳақида маълумотлар олиб келганлар ва бу маълумотлар мўгулларга ҳам етиб борган деб тахмин қилиш мумкин.* Аммо ўша даврда ҳарбий санъати такомилига етган маълумотли Хитой билан қўшничилик мўгуллар учун ҳарбий санъатининг турли жабҳаларини ўрганишда энг яхши мактаб бўлганлиги эҳтимоли янада каттароқдир.

* Муаллифнинг бу тахмини, фикримизча, эҳтимолдан жуда йироқ ва мубоҳаса талабдир. Қозогистонлик ва Қирғизистонлик олимлар Чингизхон ҳарбий санъатини ўша вақтларда Мўгулистанда кўчманчилик қилиб яшаган туркӣ қабилалардан ўзлаштирганини ишончли манбалар асосида аниқлаганлар. Чингизхоннинг ҳарбий санъати бу — кўчманчи халқларниң ҳарбий санъати эканлиги ҳам (бу ҳақда қўйнда батафсил ўқийсиз) мазкур фикринг исботи бўла олади (*муҳарр.*)

Эрамиздан* анча олдинги даврларда ёқ Хитойнинг шимол томонида кўчманчилик қилиб юрувчи чорвадор халқлар бу империяга бостириб кира бошлаганлар. Улар баъзан фақат босқинлар қилиб, мамлакатнинг бир қисмини вайрон қилиб, ўлжа ва асиrlар олиб, тезлик билан ўз чўлларига қайтиб кетар эдилар. Баъзан эса улар хитойликларни ипак ва ип газламалар, чой, кумуш, олтин билан бож тўлашга мажбур этар, баъзан ўз хонларига Хитой маликаларини никоҳлаш йўли билан иттифоқларини мустаҳкамлар ёки бож ўрнига Хитойда* от ва чорва билан савдо қилиш ҳуқуқини талаб қиласар, шарт қабул қилинмаган тақдирда янгитдан босқин қилиш билан қўрқитар эдилар. Баъзан Хитойнинг иттифоқчиси сифатида келишилган ҳақ учун хизмат қилиб, унинг чегараларини қўриқлашар, баъзан эса бутун вилоятларни босиб олиб, кўчманчиликни ташлашар ва ўз подшоликларини барпо қилиб, Хитой удумларини қабул қиласар эдилар. Кейинчалик эса жанговарликни йўқотиб хитойликлар ёки бошқа қабилалар томонидан яна ўз чўлларига ҳайдаб юборилар эдилар. Баъзан хитойлар ўз навбатида Хитой деворининг шимолидаги ёки шимоли-гарбидаги кўчманчи қабилаларни енгib, уларнинг бир қисмини ўз хизматларига олиб, шимолий чегараларига жойлаштирадилар. Баъзан ўзаро урушлар натижасида Хитой халқининг бир қисми ўз ватанларини ташлаб, Мўғулистонга келиб яшар эдилар. Чингизхоннинг бобоси ва отаси ҳам гарчи ўзларини шимолий Хитой ҳукмдорларига қарам деб тан олсаларда, Хитойга босқинлар қилганлар.

Шундай қилиб, мўгуллар юз йиллар давомида хитойлар билан бўлган кўп алоқалар туфайли улардан ҳарбий санъатни қабул қилган бўлишлари мумкин. Чингизхон даврида шимолий Хитойни эгаллаб турган ва аввал бошда Чингизхон бож тўлаб турган хуннлар билан ҳам алоқалар давом этган; Чингизхон уларнинг хоқони саройига ўзи борар ёки ўз элчиларини юборар эди. Шу туфайли фавқулодда ҳарбий қобилиятга эга бўлган, улкан ишларни режалаштириб юрган Чингизхон хитойлардан кўчманчи халқлар лашкарлари учун фойдали бўлган ҳар қандай ҳарбий санъатни қабул қилиб, ўзига қарам қабилаларга уни жорий этганлиги шубҳасизdir. Шунинг учун мўгуллар ҳарбий санъатини таҳлил этишдан аввал унинг хитойлар-

* Кўп ўринларда муаллиф «эрамиз» сўзи ўрнига эскича одатта кўра «Йсонинг таваллуд вақти» жумласини қўллаган. Биз ўкувчига қўллайлик учун «эрамиз...» деб тузатдик (муҳарр.).

да илгари вақтларда қай ахволда бўлганлигини қисқача баён этиб ўтишни лозим топдим².

Илм-фани эрамиздан 2 минг йиллар олдин юзага келган, доим кўчманчи халқлар ва ички низолар хавф солиб турган бу халқ гоҳ бўлиниб, гоҳ бир улуғ хоқонликка бирлашиб, ҳамиша ҳам тинчлиги бўлмаган ҳамда вақти-вақти билан ўзи ҳам босқинчиликка ва бинобарин ўз ҳарбий санъатини такомиллаштиришга интилган.

Уларнинг ҳарбий ёзувчиларининг қолдирган маълумотларига қараганда, эрамиздан бир неча асрлар олдиноқ хитойларда қатъий интизомга ўргатилган мунтазам қўшин бўлиб, уларнинг саркардалари ўртасида вазифалар аниқ тақсимлаб берилар, жангчилар ва ҳатто отлар ҳам машқ қилдирилар эди. Қўшин юришлар учун жанговар қурол ва озиқ-овқат захираси ҳамда қурол ва араваларни созлаш учун лозим бўлган асбоб-ускуналар билан, усталар, дурадгорлар билан таъминланар, маблағ ва маош олар эди. Аммо, ўша давр ёзувчиларининг фикрича, қўшинни душман ҳисобига боқа олган саркардагина яхши саркарда ҳисобланган.

Қўшиннинг асосий кучи пнёдалардан иборат бўлиб, саркарда У Дзининг фикрича, 50 000 кишилик лашкарга жанг пайтидаги ҳаракатлар учун 3000 та отлиқ ва 500 арава етарли эди. Булардан ташқари, қалъаларга яқинлашиб келиш ва қамал қилиш учун қўлланиладиган, устига чарм қопланган ўқ ўтмас аравалар ҳам ишлатиларди. Уларнинг қуроллари асосан камон, қилич, найза, ойболта, совут, қалқон, дубулға ва бошқа қуроллардан иборат эди. Хуллас пороҳ ихтиро қилингунча Европада қўлланилган барча қуроллар хитойларга ҳам маълум эди. Жангчилар ҳаракат ва жанг қилиш учун турли маҳсус имо-ишоралар (сигналлар)ни ажратишига ўргатилар эди. Бу сигналлар турли рангдаги байроқлар ва белгиларни пастга эгиш ёки бир қанча турлари бўлган нофора, жом ва қўнгироқларни чалиш орқали берилар эди. Шундай қилиб, жангга ҳозирланиш, лашкарларни жой-жойига қўйиш, қуролланиш, овқат тарқатиш, сафланиш, байроқни кўтариш, ҳаракатга келиш ва ҳужумни бошлашнинг ҳаммаси турли белгилар воситасида бажарилар эди. Байроқдорлар, аравакашлар, отлиқлар, пиёдалар, қўшиннинг илғори ва охиридагилар учун алоҳида белгилар бўлар эди. Бу белгиларининг берилиш тезлиги эса ҳаракат тезлигини аниқларди.

Урдугоҳ жойлашган ерда одатда аскарлар тупроқдан истеъдом қилишар ва уни ҳодалардан қилинган иҳота билан мустаҳкамлар эдилар. Жангга киришдан олдин буй-

руқ олиш учун барча ногорачилар, байроқдорлар бош қўмондон ҳузурига тўпланишар эди. Уларнинг жанг қилишга берган белгилари билан олдинда аравалар, уларнинг икки ёнида отлиқлар, пиёдалар эса аравалардан кейин, ўқ етиб бормайдиган масофада жойлашишар ва шу тартибда душман томон юришар эди. Пиёдалар жангга кириши лозим бўлганда аравалар уларни олдинга ўтказиб юборар эдилар. Олишув камондан ўқ отишдан бошланиб, кейин низабозлик ва қиличбозликка ўтилар, агар душман енгилса, уларни отлиқлар ўраб олар эдилар.

Хитойлар кўпроқ қандай тарзда сафланганликлари но маълум, уларнинг гаройиб номлари европаликлар учун қоронгу. Пекинг борган миссионерлар томонидан бизга берилган хитой ёзувчиларининг баён, тушунтиришлари ва чизмалари балки унчалик тўғри эмасдир; шунинг учун уларни тушуниш жуда мушкул. Шундай бўлсада, баъзи чизмалардан хитойлар саф-саф тўпланиб (колонна бўлиб) тўртбурчак ёки доира шаклида сафланганлар, деган хуласага келиш мумкин. Тўртбурчак ёки доира шаклида сафланнишда олдинги қаторда аравалар, уларнинг кетидан пиёдалар, улардан кейин отлиқлар сафланишар, ўртада эса махсус аравалар, пиёдалар, отлиқлар билан иҳоталанган бош қўмондон жойлашар эди. Бундай сафланиш очиқ ерларда лашкари асосан отлиқлардан иборат бўлган саҳролардаги кўчманчи халқлар билан тўқнашувларда қўлланилган бўлиши мумкин. Хитойлар кичик тўртбурчак ва доира шаклини ҳам қўллаган бўлсалар керак, чунки ҳозир ҳам улар кичик тўртбурчак, тўда ва доираларга йиғилиб, уларни шахмат шаклида жойлаштирадилар.

Жангда оғир қўшинлар, яъни совут кийган жангчилар ўртада, енгил қўшинлар эса отлиқлар паноҳида — чеккада жойлашган. Жанг олдидан саркарда қисқагина нутқ сўзлаб, буйруқлар берган. Лашкарлар бир маромда қадам ташлаб, отлиқлар эса мусиқа остида хайқириқлар билан, отларини кишинатиб юришни бошлашган. Жанг вақтида лашкарбоши қўшинни кузатиб борар, лозим бўлганда лашкарларининг жойлашувини ўзgartирав, шошилинч ёрдам бериш учун отлиқлардан фойдаланар эди. Душманни яксон қылгач, ўзини ўнглаб олишига имкон бермай, зудлик билан таъқиб қилиш ва бир зарба билан янчиб ташлаш қоида сифатида қабул қилинган.

Хитойлар қўшиннинг барини бир жойда сақлаш лозим эканлигини, агар бунга имкон бўлмаса қўшин қисмларини донмо бир-бирига мадад оладиган қилиб жойлаштириш кераклигини билганлар. Душман кучларини эса имкон қадар чалғитиб, бўлиб юборишга ва улар бўлинган тақ-

дирда ҳар бир бўлимига алоҳида устун бўлган кучлар билан ҳужум қилишга ҳаракат қилгандар.

Юриш вақтида хитойлар қўшинининг илфор қисми (авангард), илфор қисмдан кейинги қисми (аръергард), сўл ва ўнг қаноти, асосий қисми бўлар эди. Юк аравалари энг кейинда, сафланган жангчилардан сўнг борарди. Йўл бошловчи, алоқачи, айғоқчилар орқали жойнинг қандайлигини, ўрмонни, сувми, ботқоқ ёки тоғликини, хуллас қўшини учун фойдали ёки заарарли бўладиган ҳамма нарсани ўрганиб чиқишар, душман томонга айғоқчи юбориб яширин алоқалар ўринатар эдилар. Уларнинг ёзувчиларининг фикрига қараганда, душманга қўққисдан ҳужум қилишни ёки у ҳақда тўлиқ маълумотга эга бўлишни яrim ғалаба деб билишган³. Эрамиз бошлангандан кейинги даврда ҳам хитойликларнинг ҳарбий санъати шундай бўлган, фарқи фақат аравалардан аста-секин воз кечганлари дадир.

Ҳарбий истеҳкомлар қуриш ҳам хитойликларга яхши маълум бўлган. Улар сувли хандақлардан, дарёлардан ўтиш йўлларини билганлар, лаҳм қазиш, қалъа деворларига чиқиш, душман ҳаракатини кузатиш учун мосламалар, ўзиюрар миноралар ясаш, лозим бўлиб қолса қўприклиар, иҳоталар қуришни билганлар, уларда ёнгинни ўчириш учун маҳсус қувурлар бўлган, ўқдан сақланувчи маҳсус қалқонлар, ўқ ва тош отадиган манжаниқ (катапульта) лар ясаганлар.

Порохнинг хусусиятлари хитойларга қадимдан маълум бўлган. Эрамиздан олдинги IV асрда ёқ уларнинг олимлари ал-кимё фани билан шуғулланиб, хомхаёл бўлганлар ва абадий умр кўриш йўлларини, ёки европалик алхимиклар каби сунъий олтин ясаш йўлларини қидирганлар. Турли тажрибаларни қўллаб табиатнинг турли сирларини билиб олганлар ва шубҳасиз шу йўл билан порох сирларидан ҳам воқиф бўлганлар. Маълум бўлишича, хитойликларнинг европаликлар келгунларига қадар порохдан фойдаланишлари хавф-хатардан ҳоли бўлмаган. Уларнинг ёзувчилари нинг хабарларига кўра, порохни қўллаш душмандан кўра кўпроқ ўзларига талофтот келтириши мумкин бўлган. Фақат III асрда яшаган Кун Мин исмли лашкарбошигина порохдан усталик билан фойдалана олган. Жумладан, кўчманчи қабилаларга қарши порох ва ўқ тўлдирилган гранаталардан фойдаланган. Уларни душман ўтадиган йўлга кўмиб қўйиб, душман яқинлашгач портлатгични ёқиб юборган⁴.

Ишончли маълумотларга қараганда порохни қуролга солиб ишлатиш XI асрдан маълум бўлган. Бу уларда ки-

тоб босиб чиқаришнинг бошланиши билан бир даврга тўғри келади.

Мўғуллар 1232 йилда хуннларнинг жанубий пойтахти бўлмиш Қхай Фин Фуни қамал қылганларида хитойлар* душманга қарши чўян тувакча (граната)лар отганлар. Улар пороҳ воситасида портлаб мўғулларга кўп талафотлар келтирган. Улар ўтли найзалар ҳам ишлатганилар. Бу найзаларга ёнувчи бириммалар жойлаб, арбалетлардан** отганлар.

Сўзиз, бундай ҳарбий санъатга эга бўлган, машқларда пишиган лашкари, моҳир саркардалари бўлган хитойлар саводсиз лашкарлардан доим катта устунликка эга бўлишлари мумкин эди. Биз буни ўз давримиизда Осиё ҳалқлари билан бўлган урушларда кўрмоқдамиз. Ана шу такомилни ҳарбий санъатдаги иктиrolарни Чингизхон ва унинг авлодлари хитойлардан қабул қылганлар. Мўғулларнинг улкан ютуқлари ва ғалабаларининг бош сабаби ана шунда. Хитойларнинг сиёсати қуролларидан ҳам даҳшатли бўлган. Уларнинг тушунча ва қонунларига кўра Осмон ўғлига қаршилик кўрсатган одам исёнкор деб қабул қилинган ва енгилган тақдирда ўлимдан қочиб қутулиш жуда мушкул бўлган. Шу туфайли душманни енгиш учун ҳеч бир хатти-ҳаракат ман этилмаган.

Мана уларнинг ҳарбий ёзувчиларидан бирининг насиҳати: «Душманда нимаини яхши нарса бўлса, уни издан чиқаринг, уларнинг амалдорларини ва машҳур кишиларини мавқеларига ярашмайдиган ишларга жалб этинглар, лозим бўлганда эса фош этинглар. Душманнинг энг ярамас одамлари билан маҳфий алоқада бўлинглар, ҳукуматига ҳалақит беринглар, ҳар ерда низо уруфини сочинглар, норозилик туғдиринглар, кичикларни катталарга, хизматчиларни бошлиқларига қарши қайраб қўйинглар. Душманнингиз қўшинларини кийим-бошсиз, озиқ-овқатсиз қолдиришга ҳаракат қилинг. Феълини бўшаштирувчи мусиқаларни ишга солинг. Тамоман расво қилиш учун бузуқ аёлларни юборинг. Такаллуф, ваъдалар ва совраларга сахий бўлинг, унинг сирларини билиш учун пулни аяманг, чунки бу пуллар қанча кўп сарфлассангиз шунча катта фоизи билан ўзингизга қайтади. Ҳар ерда айгоқчиларингиз бўлин». Хитой Маккиағеллисининг айтишича, кимки бу воситалардан фойдалана олса ва душман орасига низо уру-

* Муалляф хўннларни ҳам негадир ~~хитой~~ ~~деб~~ ~~тумон~~ бўлшиларни ишга солинг. Кимки бўлса керак (*муҳарр*).
** Мўлжаллагичи ва қўндоғи бўлган ~~номи~~ ~~имон~~ ~~кимки~~ (*муҳарр*).

ғини соча олса, у ҳоким бўлишга ҳақли ва давлат учун чин хазина ҳамда таянчдир⁵.

Бироқ хитойликларнинг маккор ва фосиқ сиёсатлари ўзларини ҳам ўзга халқлар зулмидан сақлаб қола олмади. Эрамиз бошланишидан кейинги давр ичида аксари хитой бўлмаган сулолалар Хитой таҳтига эгалик қилдилар. Улар Хитойни қандай қилиб бўлмасин қўлга киритиш учун ўзлариники каби сиёсатни қўллаб, унга яна жуда шафқат-сиэ жазоларни ҳам қўшдилар.

Хулосада шуни ҳам айтиш керакки, хитойликлар томонидан патқалам ва қофознинг ихтиро этилиши (эрэмиздан аввал), кейин эса китоб чоп этиш (Х аср) ғоялар алмашиниви ва ахборот йиғилиши учун яхши шароит яратди.

Мўғуллар истилоси тарихи шуни кўрсатадини, уларнинг ҳукмдорлари Хитой билан қўшни бўлганликларидан ва унинг илм-фанидан усталик билан фойдалангандар, олимларни ҳурматлаб⁶, қўшни мамлакатдаги фойдали ишлар ва нарсалар тўғрисидаги барча маълумотларни олиб турганлар, ҳарбий санъат ва ҳарбий сиёсатда эса ўз устозларидан ҳам ўзиб кетганлар.

МУҒУЛИСТОНГА БИР НИГОҲ: ЧИНГИЗХОННИНГ ХИТОЙГА ЮРИШИ (1211 ЙИЛ)ГА ҚАДАР ҚИЛГАН ҲАРБИЙ ҲАРАҚАТЛАРИ

Чингизхон номини олган Темучиннинг асосий улусини ташкил этган мўғуллар Толи, Керулен ва Онон дарёларининг боши ва қўйилиш ерларида кўчманчилик қилганлар⁷. Бу дарёлардан суғориладиган ерлар чўлсимон текисликлардан иборат эмас, балки Хингон тизмалари ва унинг тармоқлари билан кесиб қўйилган. Тоғлар оралиғидаги водийларда чучук сувлар, ўтлоқлар мўл бўлиб, кўчманчиларга кўплаб чорва моллари, айниқса урушлар учун асосий восита бўлган от боқишига имконият берган. Тоғ ёнбағирлари ўрмонлар билан қопланган. Жойнинг бундай турли-туманлиги уруш пайтларида яхши ҳимояланишга, душмандан чорва ва буюмларни яширишга, пиёда бўлиб турли тактик ҳаракатлар қилишга имкон беради. Кескин иқлим ва кўчманчи ҳаёт тарзи кишиларнинг соглигини мустаҳкамлаб, уруш машаққатларини енгишга лаёқатли қиласди. Чингизхон овни уруш мактаби деб атаган ва тинчлик даврида ҳайвонлар билан уруш олиб борган. У ҳайвонлар уясини толиб, тайинланган жойга қувлаб борган, уларнинг йўлларини кесиб, ўз қўшинларида чаққонлик билан жой хусусиятларидан фойдаланишни, тартиб билан ҳаракат қилишни, мерганлик, от миниш ва ҳарбий

сабоқни такомил эттирган. Үз ҳарбий даҳосини шу ерларда чиниқтирган, кейинчалик бутун дунёни босиб олишни режалаштирган бу фавқулодда қобилиятли шахс айни ма-на шу ерларда туғилиб вояга етган*.

Унинг улусини ўраб турган ва унга яқин бўлган жалоирлар, меркитлар, кероитлар, боёвутлар, барғутлар, ўйротлар, тойжутлар (ёки тойчутлар), татарлар, найманлар ва бошқалар ҳам деярли худди шундай шаронтларда яшаганлар ва шундай ҳарбий воситаларга эга бўлганлар. Мўғулистандан жануброқда жойлашган Fўби чўли, айниқса унинг шимолий қисми ер сатҳидан 2 дан 10 футгача (1 фут 30,48 см. га teng) чуқурликда суви бўлган қудуқларга, ўртамиёна бўлса ҳам, тупроғи шўрхоклиги туфайли чорвани тез семиртирувчи ўтларга бой бўлганлиги кўплаб чорва молларини боқишига имкон берган. Бу ерлар айниқса бизнинг қитъамиздаги ҳалқлар сув тақчил бўлган чўлларни кесиб ўтишларида асосий восита бўлмиш саҳро кемалари деб аталувчи таяларни боқиши учун қулай бўлган. Шундай қилиб, мўғуллар ва улар билан қўшни бўлган қабилалар уруш учун барча имкониятларга эга эдилар, фақат уларни бирлаштира оладиган ва истилолар учун йўллай оладиган бир зот керак эди. Чингизхонга қадар бўлган иқтидорли кишилар Хитойга ҳужум қилиш, баъзан унинг бир қисминигина босиб олиш ёки бу осмон империясига бож солиш билангида чегаралангандар. Чингизхон эса ўз назарини узоқларга солди. У фақатгина Хитойни эмас, балки бутун Осиёни ва Европанинг бир қисмини босиб олишни режалаштириди.

Бу буюк кўчманчи бу режаларини амалга ошириш учун атрофидаги кўчманчи қабилаларни бўйсундириб, улар ўртасида интизомни ўрнатиш ва улардан лашкар тузиш лозимлигини фаҳмлади. Бироқ бу қабилаларнинг кўпчилиги унинг улусидан кучлироқ эди, шунинг учун уларни ўзига қарши қўзғотиб қуроллантирмаслик учун жуда эҳтиёткорлик билан ҳаракат қилиши лозим эди. Чингизхон фаолиятининг бошида муваффақият ва ғалабаларга жуда секин эришганлигининг сабаби ана шунда.

Биз бутун дунёнинг бурчакларига даҳшатли исми етиб борган бу ажойиб даҳонинг ёшлиги қандай ўтганлигидан ва қандай ривожланиб, шаклланганлигидан бехабармиз. Сақланиб қолган маълумотлардан шу нарса маълумки, Темучиннинг отаси ва бобоси баҳодир аскарлар бўлиб,

* у 1161-йилда турилган. (Рашидуддин Фазлulloҳ эса «Жомеъат-Таворих» номли асаридаги Чингизхоннинг 547-ҳижрий (1152—1153-милодий) йилада туғилганини таъкидлайди (муҳарр.).

Хитойни талаганлар ва ўзларининг мардликлари, ҳарбий ютуқлари учун ботир, баҳодир номини олганлар⁸. Бу ном кишига фақат жасурлиги учунгина эмас, балки ақлзаковати учун ҳам берилган. Шунинг учун улар шубҳасиз, ўз авлодлари учун, македониялик Филипп ўғли Искандар учун ҳарбий қўшин қолдиргандек, яхши қўшин ва ҳарбий мактаб қолдирганлар.

Бироқ, Темучин отасидан 13 ёшда етим қолган ва боғоси ҳамда отаси бўйсундирган барча қабилаларни итоатда сақлай олмаган. Унинг отасига итоат этган 30 000 ёки 40 000 оиласдан кўп қисми унинг ёшлигидан фойдаланиб кетиб қолган. Фақат катта бобосидан қолган оиласаргина унга садоқат кўрсатишган. Душманлари кучли бўлгани учун у бир неча бор ўлимдан қолган⁹, балки агар атрофида ақлли, садоқатли устоз ва ҳимоячилари бўлмаганда ўлиб кетиши ҳам ҳеч гап эмас эди. Улар унинг ҳаётини ва меросининг бир қисмини сақлаб қолганлар. Балофатта етгач қурултой (оксоқоллар мажлиси)да у хон этиб сайланди. Темучин ўзининг биринчи юришларida фақат 13 000 кишилик лашкар йиға олган. Бироқ, ўз қўли остидагиларга сахий, одил бўлгани, улар хизматини тақдирлаб тургани туфайли у шуҳратга эришган, қўл остидагиларнинг меҳрини қозонган, натижада бошқа қабила жангчиларини ҳам ўзига жалб қила олган. Ўз кучларидан тўғри ва оқилона фойдалана олгани, ўринли буйруқлар бера олгани учун лашкар сафи кенгайиб, кучи оша борган. Темучин гоҳ қурол, гоҳ сиёsat билан иш кўриб, ўзининг жасурлиги билан аскарларига ўрнак бўлиб, қаттиққўллик ва тартибни жорий қилиб, одилликка суюниб, оқибатда қўщилари учун даҳшатли бўлган кучли қўшин барпо этишга эришган.

Уша даврда Мўғулистанни уч кучли қабила ўраб турарди: ғарбдан найманлар, жанубдан кероитлар (херелар), шарқдан татарлар. Темучин Мўғулистаннинг ўртада бўлганидан усталик билан фойдаланди. Бу қабилаларга алоҳида-алоҳида ҳужумлар қилди, бирининг ҳужум қилмоқчи эканлигини бошқасига етказиб турди, уларнинг ўзига қарши кучли қўшин бўлиб бирлашувига имкон бермади. Бироқ, кучли қабилалар билан урушишдан олдин у Мўғулистанни ўраб турган кичик қабилаларни бўйсундирishi керак эди, шу туфайли унинг дастлабки жасоратлари босқинлардан иборат бўлиши керак.

Унинг дастлабки ҳаракатларидан бири ундан ажralиб чиқиб кетган кучли тойжут қабиласини бўйсундириш бўлди. Кўп ҳаракатлардан сўнг ўзига тегишли 13 000 аскар билан уларнинг 30 000 кишилик қўшинини енгишга эриш-

ди¹⁰. Бу муваффақиятдан сўнг кўп майдада қабилалар унинг томонинг ўтиши.

1194 йилда Арғун ва Амур дарёлари бўйида кўчиб юрган татар халқининг бир қисми шимолий Хитойни эгаллаб турган нючжиларга қарши қўзғолдилар. Нючжилар ҳукмдори уларнинг қўшинини бостириш учун аскар юбориб, шу билан бир вақтда қўзғолончиларга қарши курашиш учун бошқа кўчманчи қабилаларни таклиф қилди. Темучин бу таклифни хурсандлик билан қабул қилди, чунки улар мўғулларнинг қадимий душманлари эди. У Онон дарёси ёқасида шимолга томон нючжилар таъқиб қилаётган тарларга ташланиб уларнинг йилқи ва подаларини, юк араваларини тортиб олди. Зотан бу қабила ўша пайтда энг бой қабила эди. Темучин бу ҳаракатидан уч тарафлама манфаатдор бўлди: Биринчидан, нючжилар ҳоқонининг ишончини қозонди. У эса кейинчалик ҳам Темучиннинг шуҳратпастлик режаларига жуда узоқ вақтгача панжа орасидан қараб юрди. Иккинчидан, йилқи ва бойликларини тортиб олиб душманни кучсизлантириб қўйди. Учинчидан, бу бойликлар воситасида тарафдорларини ўз тарафига оғдириб, қўшинлари сонини кўпайтириш имкониятига эга бўлди.

1196 йилда Темучин кучли кероит қабиласининг бошлиғи, ўз укаси Эрка Қора томонидан таҳтдан туширилиб, бошпанасиз дарбадар юрган Онхонга (ёки Ўнгхон) бошпана беради. Чингизхон унга моддий ёрдам бериб, кероит таҳтини қайта эгаллашига ҳам кўмаклашди. Тез орада Онхон ўзи бошқа қабилалар билан мустақил урушлар қила оладиган даражага етди. Чингизхон у билан бирлашиб, 1196 йилда меркит қабилаларига ҳужум қилиб, уларни енгди ва талон-тарож қилди. 1199 йилда эса найманларнинг ички низоларидан фойдаланиб уларга ҳужум бошлади, Темучиннинг ғалабалари бошқа қабилаларнинг унга қарши қуролланишларига олиб келди. уни кучсизлантириш учун иттифоқ тузилди. Аммо Темучин уларнинг бирлашишларига йўл қўймасдан иттифоқдош қўшинларни бўлиб юбориб, янчидан ташлади ва катта бойликни кўлга киритди.

Бу муваффақиятлардан сўнг у шу қадар кучайиб кетдики, 1202 йилда 70 000 оиласи бўлган бой татар қабилаларига ўзи ҳужум бошлашга журъат этди ва уларни енгиб, катта ўлжани қўлга киритди. Татарлар билан иттифоқда бўлган найманлар, ўйротлар ва бошқалар Темучинга қарши курашга отланиб етиб келганларида кечиккан эдилар ва улар муваффақиятсиз қайтиб кетдилар.

Бу орада унинг рақибларини иғвоси сабаб бўлиб, аввал иттифоқдош бўлган Онхон билан ўрталарида низо-

чиқади ва Темучин керонтларни енгиб, бу қабилани буткул тарқатиб юборади.

Темучин қиличидан қочиб юрган қабилалар ҳисобига кучайган найман хони Тоёнгхон (1204 й.) ўнгфут қабиласининг бошлиғи Олаҳуш Тегин Ҳуриё билан иттифоқ тузиб уни Темучинга қарши курашга чақиради. Аммо Олаҳуш Тегин Темучинни бундан хабардор этди. Чунки унинг ўзи сал аввалроқ ўз хоҳиши билан Чингизхонга тобеъ бўлганди. Мўғул хони душманидан олдинроқ курашга отланиб, 1204-йилда найманларни тор-мор этди. Тоёнгхон жанг майдонида ҳалок бўлди. Бу ғалаба Темучинни Мўгулистанни ўраб турган барча қабилалардан кучли қилиб юборди. Бу ғалабага қадар унинг ҳокимияти мустаҳкам эмас эди. У ўз душманларини фақатгина айрим зарбалар бериш ва уларнинг мол-мулкларини тортиб олиш билан кучсизлантиради холос. Аммо бу жангдан сўнг у қатъий устунликка эришди. Уз ҳокимиятини янада мустаҳкамлаш учун у яна кучли татарлар қабиласига ҳужум қилиб, уларни енгиб, ўзининг энг қайсар душманларини қириб ташлади, қолган татарларни эса улусига қўшиб олди. Бундан сўнг у кучли давлатларга кўз тикди. 1205 йилда тонғутлар ерига бостириб кирди ва беҳисоб ўлжаларни (айниқса кўплаб туяларни) қўлга киритди. Бу юришдан сўнг энди ўз ҳукмронлигини қонунлаштириш учун 1206 йилда Онон дарёсининг юқори қисмida қурултой чақириб, унга барча енгилган қабилаларнинг бошлиқларини таклиф қилди. Нуфузли кишиларга тортиқлар қилиб, шу қурултойда у ўзи учун ҳам, қўли остидагилар учун ҳам фахрли бўлган Чингизхон (Д' Ососон таъбирича, кучлилар ҳоқони) номини олди. Шу қурултойда қўлланма сифатида у Есо номи билан машҳур бўлган ўз қонунларидан фойдаланишини таклиф қилди.

Шундай қилиб Темучин кичик бир хондан Манжуриядан Иртишгача, Бойқолдан Тонғутгача бўлган ерларда кўчиб юрувчи кўп сонли жангари қабилалар ва хуннлар (нючжи) империяси ҳукмдорига ҳамда кучли подшоликларига кўркув солувчи кимсага айланди.

Чингизхон қурултойни тарқатиб юборгандан сўнг унга итоат этишдан бўйин товлаган найман қабиласи ерларига тўсатдан ҳужум қилди ва қурултойга келмаган унинг ҳукмдори Тоёнгхоннинг акасини ов қилиб юрган ерида ўлдириб, унинг оиласи ҳамда чорвасининг бир қисми ва бутун мол-мулкини қўлга киритди. Бу ҳалқнинг қолган қисми ва бошқа бўйсунмаган қабилалар меркитлар хони ва Тоёнгхоннинг ўғли Қушлуқ (Кучлук (?)) билан Иртишининг ортига қочиб кетдилар.

1207-йилда Чингизхон бож тўламаганлари учун тонғрут

салтанатига ҳужум қилиб, уларнинг ерларининг бир қисми хонавайрон қилди. Шу йилнинг ўзида унга яна кем, кемжут ва қирғиз қабилалари таслим бўлдилар. Иртиш дарёсининг нариги қирғоғига қочиб ўтиб кетган қабилалар қолдиқлари атрофига Чингизхондан норози бўлганларни тўплаб ғулув чиқариб, ҳали мустаҳкам бўлган Чингизхон салтанатига хавф солиши мумкин эди. Шунинг учун Чингизхон узоқ ерларга юриш бошлашдан олдин уларни янчидан ташлаш мақсадида 1208 йил юриш эълон қиласди, ўйротлар ерларидан ўтаётгандага норози бўлганларни бўйсундиради ва улар ҳисобига ўз қўшинлари сафини мустаҳкамлайди. Тоёнгхоннинг ўғли Қушлуқ эса Қора Хитойга қочиб қутулади.

1209 йилнинг кузида Чингизхон учинчи марта тонгфутларга қарши юриш қилиб, уларнинг қўшинларини тор-мор ўтиб, Ҳуанхэ дарёсининг чап қирғоғида жойлашган пойтахт шаҳар Нин Гя (ёки шимолий Хитой талаффузида Нин ся) ни қамал қиласди. Бироқ тонгфут шоҳининг қизини ўз никоҳига олгач, у билан сулҳ тузиб, Мўгулистонга қайтади.

1210 йилда Чингизхон уйғурларни ва улар билан бирга Қора Хитойга тобеъ бўлган кичик қабилаларни ўз фуқаролигига олди.

IX асрда уйғурлар кучли давлатни ташкил этар эдилар. Уларнинг бир қисми будда, бошқа қисми эса христиан динига мансуб бўлиб, чорвачиликдан деҳқончиликка ўтган, юксак маданиятли халқ эди. Чингизхон улардан мўрул ёзуви учун алифбони "қабул қиласди ва шу ёзувода мўгулларнинг фарзандларини ўқитишни буюради. Унинг аксари мирза ва котиблари ана шу қабиладан эди. Мўгулистоннинг савдо-сотиғи буткул уйғурлар қўлида эди¹¹.

Атрофдаги қўчманчи қабилаларни енгиди, улар устидан тўла ҳукмронликка эришиб қўшинлар сонини ҳамда уруш қуролларини кўпайтириб, Чингизхон ючжилар истибодидини йўқ қиласди ва Хитойни босиб олишга киришди. Эндиги уруш бир босқинда енгиладиган қўчманчилар билан эмас, кўп снали, ўтроқ, кучли ва маданиятли, жуда кўп мустаҳкам қалъаларга эга бўлган ва бу қалъаларни қамал қилиш қўчманчилар учун мушкул бўлган халқ билан бўлиши лозим эди. Лекин Чингизхоннинг буюк заковати ҳамма тўсиқ ва қийинчиликларни енга олишга қодир эди.

Чингизхоннинг бу ва бундан кейинги юришларини таърифлашдан олдин, унинг халқларни енгиш учун қандай қонуниятлардан фойдалангани, уларни ўз итоатида ушлаш учун қандай қонунлар ишлаб чиққани ва шундай катта

ҳудудга эга бўлган империяни қандай воситалардан фойдаланиб ташкил этганини кўриб чиқайлик.

ЧИНГИЗХОННИНГ ҚОНУНЛАРИ ҲАМДА ҲАРБИЙ ТУЗИЛМАЛАРИ, ҚОИДАЛАРИ ВА СИЕСАТИ

Чингизхоннинг айтишича, унга қадар ўғрилик, ваҳшийлик, талончиликлар, тартибсизликлар, хиёнат ва жирканч иллатлар оддий бир ҳол эди. Фарзандлар ота-оналарига итоат этмас, ёшлар катталарга қулоқ солмас, эрлар ўз хотинларига ишонмас, хотинлар эрларига бўйсунмас, бойлар камбағалларга ёрдам бермас эдилар¹². Чингизхон бундай ҳолга нафрат билан қарап, бўйсундирилган халқлар орасида биринчи навбатда тартиб ва адолат ўрнатиш, одамлар ва уларнинг мулклари хавфсизлигини таъминлаш ҳақида қайгуарди. У кучли чора-тадбирлар кўриб, ўзига қарам шаҳарлар, ерлар ва йўлларни талончиликлардан, саёҳатчилар, савдогарлар ва уларнинг молларини талонтарож қилинишидан холос этди. Унинг мақсади савдосотиққа, ўз сўзи билан айтганда, унга тегишли бепоён салтанатда ҳатто олтинни ҳам ҳеч қандай босқинчилик ва сиқувга дучор бўлмай худди оддий буюм каби бошда кўтариб юриш даражасидаги хавфсизлик ва қулайлик яратиш эди. Бу ниятни амалга ошириш учун у ҳамма йўлларда йўловчилар хавфсизлигини таъминловчи ҳарбий бекатлар қурдириб, у ерда жангчилар бўлинмаларини жойлаштириди¹³.

Юқорида қайд этилган жиноят ва иллатлар бўлмаслиги учун у маҳсус қарор чиқарди: каттароқ ўғрилик, масалан, от, тия ва бошқа нарсаларни ўғирлаганлик учун — ўлим жазоси, кичикроқ ўғрилик учун, агар ўғри ўғирлаган нарсасининг нархидан уч баробар (бошқа маълумотларга қараганда тўққиз баробар) ортиқ ҳақ тўлай олмаса, 7 дан 700 тагача қамчи уриш билан жазоланаарди. Фоҳишалик ҳам ўлим жазоси билан жазоланаарди. Бунда йўлдан оздирувчини жиноят устида қўлга олган киши уни ўша жойда ўлдириш ҳуқуқига эга эди (бундай ҳуқуқ, суюқоёқ аёлнинг эри ёки қариндошларигагина берилган бўлиши эҳтимол).

Чингизхон жанжаллашаётган ва муштлашаётган одамлар орасига тушишни, бақириш ва сўкишни таъқиқлаб қўйди. Бундан мақсади муросага келиши қийин бўлган яrim ёввойи халқлар орасидаги адоваратга сабаб қолдирмаслик ва уларнинг дағал феълларини юмшатиш эди. Айғоқчилар, сохта гувоҳлар, жодугарлар, бошқаларга зарар ет-

казувчилар, ахлоқсиз одамлар, нотабиний лаззат олиш билан шуғулланувчилар, табиатни булғатувчилар ва амалидан фойдаланувчи пораҳўрлар ўлим жазосига ҳукм қилинади. Айбланувчиларни фақатгина жиноят устида қўлга олингандা ва улар ўз айбларига иқрор бўлганларидағина жазога маҳкум этардилар. Агарда улар ўз айбларини бўйинларига олмасалар унда уларни қийноққа солардилар¹⁴.

Чингизхон мўғуллар мойил бўлган ўткир (спиртли) ичимликлар истеъмол қилинишига қарши эди. У «ўткир ичимликларни бир ойда уч мартадан кўп ичмаслик керак, агар бир маротаба ичилса яна ҳам яхши, умуман ичилмаса ундан ҳам яхши, лекин бундай одамни топиш деярли мумкин эмас» дерди. Чингизхон ўлимидан кейин ичкиликбозлик шунчалик кучайиб кетдики, ҳатто унинг ўғиллари ҳам бу иллатдан ўзларини тўхтата олмадилар. Тулуй ичкиликбозлик туфайли ўлди, ўгадай укасидан ажраганидан сўнг, ичкилик мусибатимни енгиллаштиради, деб аввалгидан ҳам кўпроқ ича бошлади. У ўзининг бош вазири Елу Чусойчининг насиҳатларига қулоқ солмасдан, ўткир ичимликларни ҳаддан зиёд ичиши туфайли оламдан ўтди.

Оқил қонуншунослар ҳамиша интилиб келган, қандай мақсадларда бўлишидан қатъи назар, одамларни маънавий ўстиришни кўзда тутадиган қонунларни жорий этишини Чингизхон сиёсати унинг таҳтга ўтирган дастлабки давриданоқ талаб этарди. Кўчманчи турмуш тарзида мустаҳкам тўсиқларга ҳам, ертўлаларга ҳам, темир танба ва қулларга эга омборхоналарга ҳам, умуман кўчмас мулкка ва ерга эгалик қилиб бўлмайди. Чўлда аҳолининг сийрақлиги ва кўчиш жойларининг камлиги туфайли ўғрилик қилиш, қўлга тушишдан хавфсираласдан талон-тарож қилиш ва одам ўлдириш билан шуғулланиш қийин эмас. Бунда биргина муваффақиятли босқин ёки эпчиллик билан қилинган ўғрилик бир кечада камбағални бой қилиши ва аксинча бойни камбағал қилиши мумкин эди. Шунинг учун одамлар ва уларнинг мулкларининг хавфсизлигини таъминлаш кўчманчи халқлар учун ўтроқ халқларга қараганда муҳимроқдир. Темучин ўз халқига мана шу хавфсизликни яратиб, бадавлат ва демакки, нуфузли бўлган кишиларнинг атрофига жам бўлишига эришди ва бу билан ўз кучини мустаҳкамлади. Иллатлар ва жиноятларни ҳокимият кучи ҳамда одиллик билан йўқота бориб, зўравонликдан ҳимоя қилиб, у ёввойи халқларда ўзаро низо ва ички бесаранжомликнинг асосий сабаби бўлган душманлик ва қасос олиш каби иллатларни йўқотишга ва бу билан ўзига тобеъ қабилаларнинг чамбарчас борланишига эришди. Шундай йўллар билан одамларга маънавий таъ-

сир ўтказиб, у энди ўз ислоҳотлағини дадиллик билан амалга ошириши мумкин эди.

Ўзбошимчалик ва бошқаларнинг ҳақ-ҳуқуқини поймол қилишни йўқотиш, тартиб ва интизом ўрнатиш, ички тузилишни барқарорлаштириш, осойишталик ва давлат ҳокимиyatини қарор топтириш учун муҳим бўлган Чингизхон қонунларидан бизга қўйидагилари маълум: ҳар бир қабиланинг кўчиб яшashi учун маълум майдон аниқлаб берилган эди. Ҳар бир қабиладаги ўтовлар ўнлик, юзлик ва мингликларга бирлаштирилган бўлиб, ўнбоши, юзбоши ва мингбошилар томонидан бошқарилиб туриларди. Кўшиғ тўпланаётган пайтда ҳар ўнта ўтвдан битта, иккита ва ҳоказо жангчилар жалб қилинар¹⁵, улар ўз навбатида жангга керакли анжомлар ва озиқ-овқатлар билан таъминланган бўлишлари керак эди.

Кўшинлар ҳам бўлинмаларга бўлинниб, ҳар ўн жангчига бошчилик қилиш учун ўнбоши сайланар эди. Тўққизта ўнлик ўз ўнлигига эга бўлган юзбошига бўйсунар эди. Мингликлар ва туманлар ҳам мана шу асосда ташкил топган эди.

Хон буйруқлари унинг ихтиёридаги амалдорлар (адъютантлар) томонидан бевосита туманбегиларга ва қабила бошлиқларига етказилар, улар эса ўз қўл остидагиларга етказар эдилар. Бошлиқларга бошқа бошлиқقا тобеъ жангчиларни қабул қилиш қатъий манъ этилган эди. Ҳатто аслзодалар ва хоннинг яқин қарнидошларининг ҳам ўз бошлигини ташлаб келганларни қабул қилишга ҳақла-ри йўқ эди. Бошқа хўжайинга тобеъ одамга бошпана, озиқ-овқат, сув ёки кийим-кечак бериш ўлим жазоси билан манъ этилар, агар шундай одам қўлга тушса уни ўз хўжайинига дарҳол топшириш лозим эди¹⁶. Ҳеч ким ўз бошлигининг сўзини рад эта олмас, итоатсизлик рўй берган ҳолда айбордor қаттиқ жазога тортилар эди. Чингизхоннинг айтишича, ҳатто юз минг кишилик қўшинга бошчилик қиливчи саркарда ҳам ўз ҳукмдорининг буйруғини бажармаган ҳолда маълум жазога, ҳаттоки ўлимга ҳукм қилиниши мумкин бўлиб, бунда жазони амалга ошириш учун ҳукмдор томонидан оддий жангчи юборилиши ҳам мумкин эди. Белгиланган жойга қўйилган ҳар бир бошлиқ бошқалар ёрдамга муҳтоҷ бўлган тақдирда ҳам рухсатсиз ўз жойидан кета олмас, ўз навбатида бошқалар ҳам ундан ёрдам кутишга ҳақлари йўқ эди. Бу қонунни бузган ўлим билан жазоланарди. Тинчлик пайтларида жангчилар қуроли маҳсус аслаҳаоналарда сақланарди. Юриш олдидан ёки ов қилиш учун улар қуролларини олишар, лекин яхши сақлашлари лозим бўлиб, қурол ишлатишга эҳтиёж бўл-

маганда яна топширишлари керак эди. Чингизхон жангчиларининг донмо дуруст аҳволда бўлиб, биринчи чорлашдаёқ юришга жўнашга шай бўлишларини талаб қиласади.

Юриш олдидан ёки жангга тайёргарлик пайтида қўшин кўрги үтказилиб, унда қурол-яроғ ва сафарга керакли анжомлар кўздан кечириларди. Кимнинг қурол-яроғи тайёр бўлмаса жазолаидарди. Яхши жангчилар етарли таъминланмаган бўлса нафақа бериларди. Бошлиқлар эҳтиёж туғилганда фақат ва фақат ҳукмдорга мурожаат этишлари лозим бўлиб, аке ҳолда ўлим жазосига маҳкум этилардилар¹⁷.

Уларнинг қуроллари ўқ, камон (қўшимча бир неча камон ва ўқ тўла садоқ ҳам олишар, ўқлари ҳаддан зиёд үткир бўлар эди), ойболта, найзадан иборат бўлиб, найза учига душман отлиқларини эгардан тортиб тушириш учун мўлжалланган маҳсус чангак ҳам ўрнатилар эди. Баъзи жангчилар темир чўқморга эга эдилар. Бундан ташқари ҳар бир жангчи ўзи билан ўқ учини үткирлаш учун эгов, бигиз, игна, ип ва элак олиши шарт эди¹⁸. Яхши қуролланган жангчилар бироз эгик қилич тақишар, темир тасмали чарм дубулға, сараланган жангчилар эса темир дубулға кийишар эди. Отлиқ аскарлар қўшимча отларга эга бўлиб, енгил ва оғир отлиқ қўшинга бўлинар эдилар. Енгил отлиқлар қоровул (қўшиндан илгарироққа қўйиладиган соқчи пост) учун қўлланилиб, жангни бошлаб беришар, отлиқларга ва отларга камондан ўқ узиб, улар қаторини бузишар, бу билан оғир отлиқлар ҳаракатини енгиллаштириб беришар эди. Енгил отлиқлар чекинаётган душман қўшинларини таъқиб қилиш учун ҳам қўлланилар эди.

Мўгуллар уч ёшлиқ пайтларидан камондан ўқ узишни ўргана бошлашлари туфайли моҳир ўқчи бўлиб этишардилар. Кичик болаларга кичик камон ва ўқлар бериб, уларнинг ўсишлари давомида камон ва ўқ ҳажмини катталаштириб борар эдилар. Мудофаа қуроллари пишиқ ва қалин чармдан бўлиб, унга буқа ва бошқа териси қалин ҳайвонлар териси ишлатиларди. Улар отда юришга ҳам ёшлиқ чоғларидан ўргана бошлар эдилар.

Юришга кетаётган мўгуллар ўзлари билан қуролдан ташқари катта бўлмаган чодир ҳам олишлари керак эди. Ҳар бир жангчи иккитадан меш олар, улардан бири сув, иккинчиси эса қурут учун мўлжалланган эди. Қурут улар учун тез ҳаракат пайтида овқат ўрнини босар эди. Лекин шароит бўлган жойда улар ўзларининг кичик қозончаларида гўшт қайнатишар, қурут ёки бошқа овқат бўлмаганда отларининг қонини чиқариб ичишар, мана шу усул билан ўн кунлаб озиқланишлари мумкин эди.

Мұғуллар қалъаларни юонолар ва римликлар құллаган қоидаларга амал қилиб қамал қиласылар. Махсус буйруқсиз душманни талон-тарож қилиш үлім жазоси билан жазоланарди. Лекин ҳар бир жангчи тенг үлжа олишга қақыл бўлиб, хонга ўз улущидан маълум қисмини бож тариқасида бериши лозим эди. Мұғуллар ва уларга тобеъ кўчманчи қабилалар ҳарбий табақаларни ташкил этар эдилар. Қурол кўтаришга қодир ҳар бир киши жангчи бўла олар эди. Шунинг учун хоннинг ҳар бир фуқаросига хизматкор сифатида мұғуллардан фойдаланиш манъ этилган эди. Чингизхон учун қўшинлари таъминлаш ҳеч қандай қийинчилик туғдирмас эди. Унинг қўшинлари нафакат маош олмас, балки йилига от, қорамол ёки қўй (ҳар 100 тадан битта), намат ва ҳоказодар кўринишида солиқ тўлар эдилар. Урушда ёки овда бўлган жангчи солиқдан озод қилинмас, унинг ўрнига хотини ёки бошқа яқин кишиси солиқ тўлаб туришга мажбур эди¹⁹. Агар эр қонунни бажаришдан қочиб юрган бўлса, унинг хотинини соқчилар олиб кетиб, оила тўлаши лозим бўлган солиқни тўлашга мажбур қиласылар. Қўшиннинг орқасида борадиган аёллар эркаклар жангга кетганларида энг оғир ишларни қилишга мажбур эдилар²⁰. Тинчлик пайтларида жангчилар бекор юришлариниң олдини олиш учун жамоатчилик ишларига жалб қилинар ва ҳафтасига бир маротаба хон юмушларини бажариш учун юбориладилар. Чингизхоннинг талаби бўйича, жангчилар тинчлик даврида аҳолига нисбатан беозор ва мулоийм муносабатда бўлишлари, ҳеч кимни хафа қиласыларни керак эди. Бошлиқлар ўзларига тобеъ кишилар эҳтиёжларига диққат билан аҳамият беришлари, кўчишлар эвига бўлиши, одамлар ва отлар кучлари сақланиши керак эди. Кунлардан бир кун, ўз лашкарбошлари фазилатларини таҳлил қила туриб, Чингизхон шундай деган эди: «Мен Исадойдан мардроқ одамни билмайман. У эга бўлган нодир фазилатларга бошқалар мансуб эмас. Энг қийин кўчишлар ҳам уни чарчата олмайди. У очликни ҳам, сувсизликни ҳам сезмайди ва ўз жангчиларини ҳам шу ишларга қодир деб ўйлади. Мана шундай ўйлаши сабабли ҳам у бош қўмондонлик қиласа олмайди».

Чўлда кўпинча озиқ-овқат етишмаслиги туфайли Чингизхон овқат ўрнида ҳайвонларнинг қони ва ички аъзоларини ишлатишга буйруқ берарди²¹. У ҳар бир нарсани тоза деб эълон қилиб, бирор нарсани ҳаром дейиши манъ этарди. Март ойидан октябргача кийик, ёввойи эчки, ёввойи эщак (ёввойи от ва қулон бўлса керак), қуён ва турли паррандаларни ов қилиш манъ этиларди. Бунинг

сабаби, мана шу вақт орасида бу ҳайвонларнинг урчиш пайти бўлиб, шу билан бирга чорвадор халқларда ёз ойларда озиқ-овқатдан камчилик бўлмас эди. Юриш пайтарида эса ёввойи ҳайвонлар қўшинни озиқлантириш учун керак бўлиши мумкин эди.

Бирор киши вафот этган бўлса ҳеч кимнинг (тўғридан тўғри авлодларидан ташқари) марҳум мол-мулкини эгаллаб олишга ҳаққи йўқ эди.

Чингизхон чўлда меҳмонга бўлган иззатни сақлашни қаттиқ туриб талаб қиласар, бирор киши овқат тановувул қилаётган бўлса ёнидаги одамни албатта ўзига шерик бўлишга таклиф қилишни қонун билан мустаҳкамлаб қўйган эди. Ҳар бир киши таклиф қилинмасдан овқатланаётган одамга шерик бўла оларди. Бу қонун озиқ-овқат етишмагандан камбағаллар бойлар озиқ-овқатидан истеъмол қилишлари мумкин бўлсин учун татбиқ этилган бўлса керак (бу урф-одат қозоқларда ҳозирда ҳам сақланиб қолган).

Мўгуллар хитойлар сингари бокишига қурблари етганча хотин ва чўри (никоҳсиз хотин) ушлаб туришлари мумкин эди. Улардан бўлган фарзандларнинг ҳаммаси қонуний ҳисобланарди²². Хотинлар орасидан энг катта (бош) хотин тайинланарди. Оилалар орасидаги дўстликни сақлаб туриш учун ҳатто ўлган фарзандларининг ҳам никоҳ маросимини ўтказишарди. Бу маросим тириклар ўртасида бўлган никоҳ каби иззатланарди. Айтишларича, Чингизхон буйруғига кўра, йил бошида қабила бошлиқлари ёки туманбегилар ҳар бир қабиладаги мингта ўтовдан битта энг гўзал ва эътиборли қизни хонга тортиқ қилишар, бу қизлар хоннинг ўзига ёки ўғилларига хотинликка ёки ҳарамга олинар эдилар. Шу тадбир билан Чингизхон турли қабилалар билан қариндош тутинар эди (бу тадбир қабилаларнинг унга бўлган муносабатини билиш учун қўлланилган бўлса ҳам эҳтимол).

Йил бошида у ўз олдига асосий бошлиқларни тўплаб, уларга буйруқлар берар, бўлажак режалар ҳақида уларнинг фикр-мулоҳазаларини ўрганар эди. Унинг ҳокимияти кенгайиб бориши билан алоқани тезлатиш ниятида у почта (ём) хизматини жорий этди. Ўгадай даврида Елу Чусой таклифига биноан почта станцияларидағи ўзбошимчаликларни бартараф этиш учун бекатларда ким қанча отолици ва нималарни талаб қилиши мумкинлиги ҳақида маҳсус кўрсатмалар ишлаб чиқилди. Бекатлар орасидаги масофа бир кунлик йўлга тенг эди. Уларни таъминлаш учун маълум миқдорда пул ажратиларди²³.

Юқоридаги қарорлар кўпроқ Чингизхон бўйсундириш-

га эришган кўчманчи қабилаларга тааллуқли бўлиб, қўнимсиз, жангари ва ўэбошимчаликка мойил чорвадор қабилаларни сиёснӣ жиҳатдан бирлаштиришга қаратилган эди. Чингизхон бу қарорларни чиқариб, улар фақатгина назария бўлиб қолмасдан балки амалда қўлланилиши учун ҳам ҳаракат қилди ва бошқаларни бу қарорларни бажаришга мажбур қила олди. У буни қаттиқ чоралар кўриш ва одамларни тўғри танлай билиш йўли билан амалга оширди. Чингизхоннинг аттишича, ўзининг давлат шоҳсупасининг юқори поғоналарига кўтарилишининг бош сабаби—одамларни тўғри танлаш ва жой-жойига қўя олиш қобилиятида эди. У ўз меросхўрларига асосий дикқатни бошлиқлар ва бошқа мансабларга тайинланиши керак бўлган одамларни тўғри баҳолай олишга қаратишни, агарда улар бошқариш учун ўзларига муносиб ва лаёқатли одамларни танлай олсалар унинг салтанати минг йиллар ҳукм сурини мумкинлигини алоҳида уқтиради. Чингизхоннинг аттишича, у раҳбарлик лавозимларини одамларнинг иқтидорига қараб бўлиб беради: жасур ва ақлли одамга қўшинга бошчилик қилишни, серғайрат ва тадбиркор одамларга юқ ортилган араваларни бошқаришни, боқибекам одамларга чорвага қарашни топширади. Унбошиликни қойилмақом қилиб бажара оладиган одамга мингбошиликни ҳам ишониб топширса бўлади, дерди. У мўғуллардан ўз ўғилларини моҳирона от минишга, ўқотишга, кураш тушишга, қурол билан муомала қилишга ўргатишларини талаб қилас, зеро фарзандлар юқори мансабларга қариндош-уругчилик йўли билан эмас, балки ўз меҳнатлари билан эришишга умид қилишлари мумкинлигини уқтиради.

Биз Чингизхон ҳокимияти тузилишини яҳши билмаймиз. Бошқаришнинг асосий қисмларини у ўз ўғилларига топшириб қўйган эди. Жўчи Чингизхоннинг шахсий молмулкига бошчилик қилас, Чигатой эса адлия бўлими ҳамда илтимосномаларни эшитиш ва қабул қилишга жавоб беради. Чигатойнинг қатъиятлилиги ва ўз вазифаларини аниқ ҳамда пухта бажаришга одатланганилигини билган Чингизхон унга ўз қарорларининг бажарилишини назорат қилиб туришни ҳам топширган эди. Ўгадайга молиявий ишлар, Тулуйга эса ҳарбий қисмни назорат қилиш юклатилган эди. Аммо қабилаларга ва қўшиннинг турли қисмларига бошчилик қилиш учун Чингизхон маҳсус бошлиқлар тайинлаган эди. Уларнинг ва умуман мўғуллар олий раҳбарларининг ҳақ-ҳуқуқлари бизга маълум эмас, лекин улар чекланган бўлиши керак, чунки масалан, мўрул лашкарбешилари ўз қабилаларида фақатгина мингбошигача

бўлган лавозимдан юқори лавозимни бера олмас эдилар. Мўғулларнинг бизнинг даврда армия штаби таркибига кирувчи лавозимларидан қуйидагилари маълум:

1) *Юртчи* — бош штабга тегишли офицерлар тури. Уларнинг (юртчиларнинг) бош қўмондони генерал-квартиромейстер мансабига тўғри келади. Бу мансабдорларнинг асосий вазифаси ёзги ва қишики кўчиб юриш ерларини таъминлаш, уруш ёки ов пайтидаги қўшин ҳаракати чоғида ўрдugoҳларни белгилаш, хоннинг ҳамда қўшин асосий қўмондонларининг қароргоҳлари жойлашиши лозим бўлган ерларни ва умуман бошқа қўшинлар ўтовларини жойлаштириш ерини аниқлаш эдик, бунинг учун маҳсус қоидалар жорий қилинганлиги шубҳасизdir. Бутун ўрдugoҳнинг жойлашиши хон ўтовининг жойлашишига қараб белгиланарди. Хон ўтовларининг ўнг томонида ҳокимлар, амирлар ва қўшин бошлиқларининг ўтовлари жойлашар, ҷап тарафда эса вазирлар, тўралар ва девон ёки кенгаш ҳайъати аъзоларининг ўтовлари жойлашар эди. Турк қабиласига мансуб катта амалдорлар ўз қароргоҳларини амирлар оромгоҳлари орасига, эронликлар эса вазирлар қароргоҳлари орасига ўрнатар эдилар²⁴. Котиблар, қозилар ва муҳим диний амалдорлар хон ўтови қаршисида жойлашар эдилар. Чўл ва сувсиз ерлар бўйлаб юриш чоғида юртчилар юриш учун қанча озиқ-овқат ва сув кераклигини аниқлашлари, умуман йўл давомида қаерда ичмилик сув ва ем-хашак борлигини билишлари керак эди. Утроқ аҳоли яшайдиган ерларда дон экинларини лашкарлар пайҳон қилмаслиги учун улар ўрдugoҳларни экин майдонларидан анча узоқда жойлаштиришлари керак эди.

2) *Тевачи* — тұякашлар. Улар асосан қўшин орқасидан бораётган юкчи тұяларни назорат қилган бўлишлари керак*.

3) *Бўларғувчи* (ёки *Бўлонғозилар*) — улар маҳсус аскарлар гуруҳига эга бўлиб, асосий вазифаси — ўрдugoҳдан қўзғалган пайтда ўтовларни айланиб, одамлар, буюмлар, қорамол, қуллар ва бошқа нарсалар қолиб кетган-кетмаганигини назорат қилиш, эсдан чиқарилган нарсаларни эгаларига қайтариш эди. Уларнинг қароргоҳи ўрдugoҳ жойлашган ернинг энг баланд қисмига жойлашар, маҳсус белгига эга бўлишар, буюм йўқотганлар кўплаб ўтовлар

* Муаллиф бу ўринда янглишган. Аслида «тевачи» бўлиши керак. Тавачилар — жойларга лашкар тўплаш учун юбориладиган амалдорлар бўлиб, улар катта ваколатларга эга бўлганлар. Бу ҳақда қаранг: А. Ю. Якубовский. «Олтин Ўрданинг юксалиши ва таназзули» (муҳарр).

ицидан уларнинг қароргоҳини мана шу белгига қараб топа олар эдилар. Йўқотган буюмини қайтариб олиш учун унинг эгаси бўларғувчининг олдига келиб буюмининг белгила-рини айтиб бергач уни қайтариб олар, аммо бунинг учун маълум миқдорда пул тўлаши шарт эди. Йўқотилган от, тuya, ўргатилган лочин, қурол ва бошқа нарсаларни топиб олганлар унинг эгасини билмасалар бўларғувчига келтириб беришлари лозим бўлиб, акс ҳолда ўғри деб эълон қилинардилар. Девон аъзолари эгасига қайтариб берилган нарсалар учун тушган пул миқдори ҳақидаги ҳисобларни текшириб турардилар.

4) *Баковул* — қўшинга маош бериш, ўлжани сақлаш ва тўғри тақсимлаш билан шуғулланарди. У қўлга киритилган ўлжаларга ўз муҳрини қўярди.

5) *Торғувчи* — (ёки *Жорғувчи*) — қўшин муҳрини сақловчи ҳамда қози. У қўшиндаги турли мансабдорлар орасида бўладиган можароларни ҳал қиласарди.

6) *Ясовуллар* — уларнинг вазифаси, афтидан, қўшин мансабдорларига маросим, кўрик, ов ва ўрдugoҳдан чиқиш пайтларида эгаллашлари лозим бўлган жойларини кўрса-тишдан иборат эди. Хаммернинг айтишича, катта ясовул армия генерал-интенданти вазифасини ҳам ўтарди.

Албатта, бошқаришнинг турли соҳалари, масалан одамлар сонини ҳисоблаш, почта ҳизматини юритиш, юришлар вақтида яраланганилар ва касалларга қарааш ва шу кабилалар бўйича ҳам бошқа амалдорлар бўлган бўлиши керак. Бойқолдан ғарбдаги ўрмонларда яшовчи теленгут, орасут ва гештим қабилалари ўша пайтларда гиёҳларнинг хосијатларини билишлари ва моҳир табибликлари билан машҳур эдилар. Балки улар юришлар чоғида табиблик қилишгандир.

Мўғулларнинг давлат унвонлари ва мансабларидан қуйидагилари бизга маълум: Хитойда қабул қилинганидек, ҳукмрон хонга қариндошлиқ даражасига қараб синфларга ажратилган улуғ, ўрта ва кичик ҳокимлар; ўлка ҳокимлари, саркардалар, тўралар, шаҳар ва вилоят ҳокимлари, доругалар, олий ёки қуий ҳарбий ҳокимлар (қўшинларнинг катта ёки кичик қисмларига бошчилик қилувчилар бўлса керак), низомчилар (қонунларнинг бажарилишини назорат қилувчилар) ва ҳоказо.

Чингизхон ўз авлодларига уруш олиб бориш, таслим этилган халқлар билан муомала қилиш ва босиб олинган ерларда қандай сиёsat юритиш ҳақида тузук қолдириб кетган. Бу қоидалар бизгача етиб келмаган, лекин замонавий Шарқ ва Европа ёзувчилари келтирган парчалардан

ҳамда мӯгуллар истилолари тарихидан бу қоидалар ҳақида маълум тушунчага эга бўлиш мумкин.

Уруш бошлашдан аввал Чингизхон ҳужум қилмоқчи бўлган давлатининг ички ҳолати ва унинг ҳарбий воситалари ҳақида аниқ маълумотлар тўплар, у ердаги ҳокимиятдан норози кишилар билан махфий алоқалар ўрнатиб, уларга яхши ўлжалар ва катта лавозимлар вавда қилиб, ўз хизматига олишга ҳаракат қиласр эди. Қудратли бўлиб олгач, дунёни босиб олишни режалаштирган Чингизхон уруш бошлаш учун ҳар доим ҳам дурустроқ баҳоналар қидириб ўтирасди.

Одатда, ҳужум олдидан у ўша давлат ҳукмдорига иродаси суст кишиларни қўрқувга солувчи ва ўзининг хурофий асрини яхши билишини кўрсатувчи жумлалардан иборат қисқагина номаси орқали бўйсунишни таклиф қиласди. Масалан, Мӯғул ҳукмдорига ёзган хатида у шундай деган эди: «Тангirim менга ва менинг фарзандларимга бутун Ер юзини ҳукмронлик қилиш учун берди. Кимки менга бўйсунса ҳаётини, бойликларини, ҳокимияти ва оиласини сақлаб қолади. Аммо, кимки қулоқ солмай, қаршилик қиласа, у нима кунларга тушишини ёлғиз Худо билади. Агар сен бўйсуниб менинг қўшинларимни ўз ерларингдан ўтказиб юборсанг, мен сенга дўст бўламан, акс ҳолда менинг кўп сонли лашкарларим етиб келганидан сўнг сенинг давлатинг ва бойликларинг нима бўлишини мен айта олмайман». Узининг ўлпон тўлашга розилитини билдирган ҳукмдор гаровга одамлар беришга, халқни ҳисобдан ўтказишига, вилоятларни бошқариш учун мӯғул мансабдорларини қабул қилишга, ер маҳсулотларининг ўндан бир қисмини беришга, ҳар ўн кишидан бирини аскарликка беришга ва ҳар 100 бош молдан биттасини беришга мажбур эди.

Юришга қурултойда қарор қилингандан сўнг киришлилар эди. Қурултойда қўшинни йиғиш учун зарур бўлган барча тадбирлар, ҳар ўнликдан қанчадан киши кераклиги, қўшиннинг йиғилиш вақти ва жойи ҳал қилинарди.

100 000 отлиқдан иборат қўшин ҳаракат бошлашидан аввал лашкарни қўққисдан бўладиган ҳужумлардан асраш учун иккι кунилик йўлга қоровуллар (илғор қисм), шунингдек орқа томонга ва ён томонларга тегишли қисмлар юбориларди. Марко Полонинг айтишича, қўшин ҳаракати пайтида ҳар бир жангчига ўртacha 18 тадан қўшимча отлар олинарди (бунинг сабаби ҳаракат тезлигини сусайтираслик бўлиб, чарчаган отларни тезлик билан янгилирига алмаштириш эди). Чарчаб ҳолдан тойган отларни қўшин орқасига юборар эдилар.

Чингизхон урушни турли ерлардан бостириб кириш

билин башлаб, бу билан душманга ўз кучларини бир жойга тўплашга йўл қўймас ва уларни бўлинингга мажбур этарди. Агар у қаршиликка учрамаса, унда давлат ичкарисига кира бориб, уни талон-тарож қилар, подани қўлга киритар, аҳолини қирап, қўшинининг бир қисми эса қалъа ва қўрғонлар ҳимоячи аскарлари (горизон) нинг ҳаракатини кузатиб турар эди. Илғор ва ён тарафдаги қисмлар талон-тарожда қатнашмас, уларнинг вазифаси душман ҳаракатини кузатиб туриб, қўшинни қўққисдан бўладиган ҳужумдан эҳтиёт қилиш эди.

Мустаҳкам шаҳарни қамал қилишдан аввал у озиқовқат етказиб бериши мумкин бўлган шаҳар атрофини хонавайрон қиларди. Кейин эса ҳимоячи аскарларни ҳамла пайтида пистирмага туширишга ёки жангга тортишга, уларнинг бир қисмини қириб ташлаб, ҳимояни кучсизлантиришга ҳаракат қиларди. Мўғуллар кейин шаҳарни шоҳ девор ёки тупроқ девор билан ўраб олардилар. Асиirlар ва маҳаллий халқ қамал ишларини бажарар, мўғуллар доимо ўз кучларини сақлашга ҳаракат қилганлари ҳамда, кўчманчи халқ бўлганлари туфайли қамал пайтида муваффақиятли ҳаракат қила олмаганликлари сабабли ўтроқ кишилардан ва асиirlардан фойдаланишар, уларнинг ортидан кузатиб бориб, ҳужум ва жанг қилишга мажбур қилишар эди. Кимки қочишга уринса ўлдирадилар. Қалъани қамал қилишдан аввал атроф жойлар ҳокимларига ўз фуқаролари билан белгиланган ҳарбий қуроллар ёки бошқа воситаларни олиб қамал қилиш учун етиб келишларини буюрадилар. Қулоқ солмаганлар ўлдириларди. Тўхтосиз ҳужумлар билан ҳимоячиларни (гарнizonни) толиқтириш йўли билан қалъани топширишни тезларат эдилар. Чингизхон Хитой ва Эрондан келтирилган моҳир муҳандислар ёрдамида ҳарбий машиналар қурдирган эди. Сув ва олов шаҳарларни вайрон қилишда баб-барвар хизмат қиларди. Мўғуллар нефтдан, грегориан (юнон) оловидан, оловли ўқдан (ракета бўлса керак) фойдаланишни билишар, улар ёрдамида иншоотларга ўт қўйишар, сув тошқинлари уюштиришар, ҳандақлар қазиб, ер ости йўллари қуришар эди. Шаҳар зовурлари олдига ўрнатилган ҳарбий машиналарни-шоҳ-шаббалар билан ўраб беркитишар, деворларни манжаниқ (катапульта) ёрдамида ирғитиладиган тошлар билан бузишар, қалъа деворига чиқиши ёнгиллаштириш учун унинг тагига тупроқ ва тош ташлашар, зовурларни ҳарбий машиналардан ирғитиладиган тупроқ тўлдирилган қоллар билан тўлдирадилар. Баъзида улар сохта чекиниш уюштиришар, гарнizon алданганда тўсатдан ҳужум қилиб, шаҳар ичкарисига киришга муваффақ бўлардилар.

Бошланган қамални жуда кам ҳолларда тұхтатишар, ша-
ҳар ёки қалъани асосан очлик ёки бошқа йўл билан таслим
бўлишга мажбур этардилар. Кучли шаҳарни қўлга кири-
тиш учун маккорликлар ишлатишар, ваъдалар ва ёлғон-
ларни қуюқ қилишар, ҳар қандай йўл билан шаҳарни
эгаллашга ҳаракат қилишарди. Чунки ўзлари ортларида
гарнizonлар қолдиришмас ва шу туфайли ўзларини бе-
зовта қилувчи бирон-бир кучни қўймасликлари лозим эди.

Душман қўшинлари яқинлашиб келаётгани ҳақида ха-
бар келиши билан қамал, талон-тарож, мол ўтлатиш ва
ҳоказолар учун тарқаб кетган қисмлар тезлик билан тўп-
ланишар, бу иш отлиқ аскарлардан иборат, ажойиб қў-
шинлардан ташкил топган, разведка ва қоровуллик
хизмати яхши йўлга қўйилган қўшин учун қийин эмасди.
Мўгуллар душманни қириб ташлаш учун мардликдан кў-
ра айёрлик ишлатишни маъқул кўрадилар. Улар қўқ-
қисдан ҳужум қилиш ва пистирма қўйишдан кўп фойда-
ланардилар. Агар душман қўшини уларнидан кўпроқ
ва кучлироқ бўлса, чекинишар, уларни ажратиш йўлини
қидиришарди. Жангларда душманни ўраб олишга ҳара-
кат қилишар эди. Агар кучли қаршиликка учрасалар,
худди чекинаётган бўлиб, душманни ичкарига, ўз қўшин-
лари томонга ўтказиб юборишар, шу пайтнинг ўзида унга
камондан беҳисоб ўқ узишар, бу билан душманга катта
талафот еткәзсалар ёки уни тўзитиб юборсалар, у ҳолда
дарҳол ҳужумга ўтиб, уни қириб ташлар эдилар. Сохта
чекиниш пайтида енгил қуролланғанликлари ва қўшимча
отларға эга бўлғанликлари сабабли, душман отлиқ аскар-
ларини толиқтиришар, шунда тезлик билан янги отларга
миниб, душманга ҳамла қилишар ёки ён қанотларга ёйи-
либ уни ўраб олишар эди. Улар ҳужумни узоқдан, от чоп-
тириб келаётган чоғларида камондан ўқ отиш билан бош-
лаб, душманга яқинлашганда қилич ва наизаларни ишга
солишар ва жангни ниҳоясига етказар эдилар.

Қўшинларининг қисмлари турли сигналлардан фойда-
ланиб, катта тезлик ва енгиллик билан мөҳир ҳаракатлар
(маневрлар) қилишар эди. Бошлиқлар қўшин орқасида
туриб жангнинг боришини кузатишар, турли белгилар во-
ситасида буйруқлар берар эдилар. Үлжани ўзбошимчалик
билан қўлга киритишга кетган жангчиларни ўлимга ҳукм
қилардилар.

Чингизхон ўз юришларини асосан кузда от ва туялар
яхши ҳолатда бўлган пайтда бошлар эди. Мўгуллар ўз
юришлари давомида ҳар йили ўз от ва туяларининг аҳво-
линин яхшилаш учун жазирама ёз пайтларида дам оларди-
лар. Лекин ўз қўнимгоҳларнга жойлашиш ёки кўчиш ол-

дидаң бехатар яшаш учун мамлакатнинг жуда катта қисмини вайрон қилишар, кейин эса асиirlар ва асиralар хизматидан фойдаланиб майшат қилар эдилар.

Давлатни хонавайрон қилиш, унинг қурол кўтаришга лаёқатли аҳолисини қирib ташлаш мӯғуллар ҳарбий системасининг асосий қоидаларидан бири эди. Чингизхон ўз қарорларида таслим бўлмаган ва бош кўтаргандарни ўлдиришни буюрган эди. Мӯғуллар қонунига кўра мағлуб бўлганларнинг оиласари ва мол-мулклари ғолибларнинг шахсий мулкига айланар эди. Аҳоли сони кўп бўлған давлатларда мӯғуллар тирик қолдиришни истамаганларни ёки аввал ўз ҳамюргларига қарши қўлланганларни уларга бўлган зарурат йўқолгач қириб ташлардилар.

Жангларда ва қамал пайтларида асиirlар кучидан фойдаланиш, таслим бўлган ҳалқлардан қўшинга аскар олишнинг мажбурий бўлиши, ўлжани қўлга киритишга ўч бўлган бошқа кўчманчи ҳалқларнинг уларга қўшилиши, уруш пайтида биринчи навбатда иттифоқчилар жангчilarини жангга киритиш ва ўз жангчilарини резервда ушлаб туриш — мана шуларнинг ҳаммаси тўхтовсиз урушлар олиб боргани билан мӯғуллар сонининг камайишига эмас, балки, аксинча кўпайиб боришига олиб келди. Абулғозийнинг айтишича, Чингизхон отаси ўлган пайтда 40 000 та оиласа эга бўлган бўлса, ўлимидан кейин эса ўғилларига мӯғул жангчilarнинг ўзидан 120 мингини қолдириб кетди.

Мӯғулларнинг ҳарбий юриш пайтидаги асосий таоми қутилилган гўшт, қурут, тариқ ва ундан иборат эди. Озиқовқат етишмаганда қўшимча олинган отлар ва тияларни сўйишар, ҳаром ўлган молларни ҳам истеъмол қилаверардилар. Ўзларига тобеъ ерлардан кета туриб, қўшин ўтиши керак бўлган ерларга олдиндан бўлинмалар юборишар, улар ўз навбатида йўлда учрайдиган ўт-ўланларни қўриклишар, йўл бўйида жойлашиб олган қўшин ва қўнимгоҳларни бошқа ерга кўчириш, йўлларни, кўприкларни тузатиш, кечувни ташкил қилиш ва бошқа ишлар учун жавоб берардилар. Мўлжалланган йўл бўйида яшовчи аҳолини қўшин учун нон ва шароб олиб келишга мажбур этардилар. Урдугоҳларга жойлашишда душман томондан хавф сезсалар хандақлар қазиб жойлашардилар. Жанг пайтида қисмлар бўйича бир нечта қаторларга жойлашишар, бунда олдинги қаторларда иттифоқчилар қўшинлари туришар, мӯғуллар эса резервда бўлар эдилар.

Чингизхоннинг ҳарбий қоидаларидан бири — душманни мағлуб этмасдан ёки кучсизлантирмасдан аввал тинчлик шартномасини тузмаслик эди. Жаҳонга ҳоким бўлиш фикри туғилгач, балки у мана шу қоида билан авлодла-

рини ўзи бошлаган ишни давом эттиришга жалб этмоқчи бўлгандир. Бироқ, бу мақсаддан қатъи назар Чингизхоннинг мазкур қоидаси мўғулларнинг кўчманчи ҳаёт хусусиятларига асосланган эканлигини кўрамиз.

Чингизхон ов қилишни уруш мактаби деб атар ва ўз авлодларига овни ҳукмдор учун лойиқ машгулот деб ҳисоблашни маслаҳат берган эди. Унинг учун ов қилиш маневр тури ҳисобланниб, қиши бошида ўтказиларди. Аввалио ҳайвонлар уяларини аниқлаш учун одамлар юборилар, кейин эса атрофдаги қабилалардан ҳайвонларни белгиланган жойга ҳайдаб бориш учун ўнликлардан кишилар ажратиларди. Баъзида ҳайвонлар жуда узоқ масофаларга ҳайдаб бориларди. Қўшинлар ўнг қанот, марказ ва сўл қанотга бўлинган бўлиб, уларни ўз хотинлари ва чўриларини бирга олган бошлиқлар бошқарадилар. Ҳаракат пайтида бошлиқлар хонга ҳайвонлар ҳайдаб келтирилган жойлар ва уларнинг миқдори ҳақида хабар берардилар. Доира айланасига бир неча чақиримни ташкил этгунча секин-аста торайтириб бориларди. Жангчилар шу қадар зичлашар эдиларки, улар бир-бирларига тегиб турар эдилар. Ҳайвонларни ҳайдаб бориладиган жой арқонларга тортилган наматлар билан ўраб олинарди. Ҳайвоннинг чиқиб кетишига йўл қўйган жангчиларни бўшанғликлари учун қаттиқ жазолардилар. Хон даврага ўз хотинлари ва аъёнлари билан кириб, ҳайвонни биринчи бўлиб ўлдирадир эди. Кейин эса доирадан ташқаридағи тепаликка жойлашиб, ҳокимлар, аъёнлар, лашкарбошилар, кичик бошлиқлар ва оддий жангчиларнинг ов қилишини кузатиб турарди. Бу томоша бир неча кун давом этиши мумкин эди. Ниҳоят доира ичидаги озгина ҳайвонлар қолганидан сўнг хон олдига қариялар келиб, қолган ҳайвонларни ўлдири-масликни, улар кейинги ов пайтигача кўпайишлари учун уларни қўйиб юборишларини сўрадилар. Овдан сўнг ўлдирилган ҳайвонларни бўлишиб олардилар. Саккиз кун давомида вақтичоғлик қўлгач, қўшинлар яна ўз жойларига қайтар эдилар. Чингизхон қўшинлари уруш пайтларидаги одамларни деярли шундай овлар эдилар.

Чингизхон ва мўғуллар кўчманчи ҳалқ бўлганликлари туфайли ҳамда ўз қўшинлари бўлмиш хитойликлар сингари, у қадар диндор эмасдилар ва турли динларга умуман бепарво муносабатда бўлардилар. Бунга боғлиқ бўлмаган ҳолда, Чингизхоннинг сиёсий қоидаларида динга бўлган муносабат давр руҳи билан боғланган эди. У салб юришлари, христианларнинг мусулмонлар билан буюк урушлари даврида яшаган, уларнинг ҳам, буларнинг ҳам мутаассиблигини, бир диннинг ўзидағи мазҳаблар ўртасида

бўладиган келишмовчиликларни, шиалар ва суннийлар ўртасидаги ўзаро нафратни яхши билар ва моҳир сиёсатчи бўлгани туфайли бошқа динга мансуб кишилар ориятига тегмаслик учун ҳеч қайси динга ўз муносабатини билдириш, дунёга ҳоким бўлишни мақсад қилганидан сўнг ҳамма динларга хайриҳоҳлик қила бошлаган эди. Чингизхон руҳонийларнинг одамларга таъсирини яхши билгани учун уларга хайриҳоҳлик қиласар эди. Унинг Хоразм султони билан олиб борган уруши давридаги воқеалардан у рӯҳонийларни қанчалик ўзига боғлаб олганини кўриш мумкин. У ўз фуқароларига бирон-бир мазҳабга эргашини таъқиқлаб, ўзи ҳам ҳеч қандай динга амал қилмаганининг ва ҳеч бир дин ёки мазҳабни бошқаларидан устун қўймасликка уринганининг сабаби мана шунда. Қадриятлар ва маълумотлар келтирган ҳар қандай киши қайси динга мансублигидан қатъни назар унинг саройига йўл топа оларди. Унинг диний ва сиёсий ишларга қаратилган ва ўз ворисларига мўлжалланган қарорларидан бизга қўйидагилари етиб келган:

1. Осмон ва Ерии яратувчи, ҳаёт ва ўлим, бойлик ва камбағаллик берувчи, ибодатларимизни қабул қиладиган ёки қилмайдиган ягона Худони тан олиш. Дин эркинлиги ни ўрнатиш, фақат Худонинг ягоналиги тан олинса бас;

2. Ислом дини бошлиқлари, қаландарлар, қорилар, дарвешлар, сўғилар, ювғувчилар, зоҳидлар, гадойлар, қозилар, табиблар солиқ тўлашдан, оғир ишлардан ва жамоат ишларидан озод этиладилар²⁵;

3. Курултойда ҳокимлар, лашкарбошилар ва бошқалар томонидан сайланмасдан ўзини хон деб эълон қилган киши ўлим жазоси билан жазоланади. Таnlанаётган хон Чингизхон оиласидаги энг билимдон, ўқимишли ва лаёкатли киши бўлиши керак. Агар уни давлат қонунлари билан ҳисоблашмагани учун таҳтдан олсалар, унда уни дарҳол ўз қариндошлари ва атрофидағи яқин кишилари билан қалъага қамаш даркор. Оила аъзоларини қамаш кераклигининг сабаби — улар баҳтсизлик аломати бўлиб, қасос олиш учун ҳаракат қилишлари мумкин. Таҳтдан олиб ташланган хон ва унинг баҳтсизлигига шерик бўлганларни ҳамма керакли нарсалар билан таъминлаб туриш керак. Лекин ҳеч ким бу давлат жиноятчилари билан алоқа қилишлари керак эмас.

Мўғулларда таҳтга Чингизхон ворислари ва авлодлари эгалик қиласар эдилар. Хон ўлгач аъёнлар (Эронда етти асосий қабиладан) мотам белгиси бўлган оқ кўйлак кийиб буш вазир ҳузурида тўпланишар эди. Хон сайлангандан кейин маълум тоат-ибодатдан сўнг янги хонни сарой ёки

чодир ўртасидаги қора кигизга ўтказишар ва: «Бошингни кўтариб, қуёшга қара. Сен сояси бўлган абадий Яратувчини билиб ол, ўз ҳокимлигинг даврида осмонда ердагига қараганда янада баландроқда бўлиш учун унинг илохий иродасига амал қил. Агар сен бу хоҳишга қарши борсанг, бу дунёда қаттиқ жазога дучор бўласан, ҳамма бойликларингдан сенда фақатгина мана шу ўтирган кигизинг қолади», дер эдилар. Шунда хон улардан: «Менинг буйруқларимни бажарасизларми, мен юборган ерга борасизларми, мен чақирганимда етиб келасизларми, мен буюрган одамни ўлдирасизларми?» деб улардан сўради. Тасдиқ жавобини олгач, хон ниҳоят шундай дерди: «Ҳозирдан эътиборан менинг сўзим сизларга қилич бўлсин». Шундан сўнг мулоғимлар уни кигизда кўтариб, унда тебратишар, ҳалққа кўрсатишар, кейин эса тахтга ўтқазар эдилар. Бу маросим сўнггида мотам тутаётганлар мотам либосларини ечиб, қизил кўйлак кийишар, бошларини эса жигалар билан безашар эди. Қози ёки шаҳар ҳокими хон ва малика бошига тож кийдирар, маликага ҳам хонга кўрсатилгандек иззат кўрсатиларди. Сўнгра аъёнлар, вилоят ҳокимлари, қўшин бошлиқлари хонни табриклаб, унга уч мартаба таъзим қилишар ва унинг оёқларини ўпишар эди. Хон сайлаш каби чуқур ўрнашиб қолган одат мўғул давлатининг бесаранжомлигига, ўзаро урушларга ва салтанатининг қулашига олиб келди. Чингизхон ўлимидан олдин ўз ўрнига Ўгадайни тайинлаганда мана шу урф-одатни йўқотмоқчи бўлган бўлиши эҳтимол;

4. Чингизхон ўзининг ворислари дабдабали ва узундан-узоқ унвонларни қабул қилмасликларини, хон исми билангина чекланишларини, ўз фуқаролари хонга фақат исменинайтибгина мурожаат қилишларини тилаган ёди. Бу билан у ўз авлодларини хушомад заҳаридан эҳтиёт қилмоқчи бўлган бўлса керак. Дабдабали унвонлар қудратни оширмасдан, фақатгина кибр ва манманлик уйғотади. Ўзига «Худонинг ердаги сояси» унвонини олган Хоразм султони салтанатининг емирилиши бунга далилдир. Бироқ Чингизхон авлодлари, айниқса Эрондагилари унинг бу маслаҳатига қулоқ солмадилар;

5. Мўғуллар ўз ёзувларига эга бўлмаганликлари туфайли Чингизхон уйғур алифбосини ўзлаштиришга қарор қилиб, Есо ёки Улуг Есо деб аталувчи ўзининг қонунларини мўғул тилида ёзишлари учун бир неча мўғул болага янги ёзувни ўрганишни буюрди. Пўлат тахтага битилган мана шу қонунларининг бир нусхаси давлат хазинасида сақланарди. Янги хон тахтига ўтираётганида ёки муҳим ишлар пайтида ҳокимлар йигилишиб, Есони олиб келишни

буоришар ва унга қараб ишни ҳал қилишар эди (бу ҳол Эронда узоқ вақт давом этган).

Унинг қонунларида, шунингдек, лашкарбошилар учун урушни олиб бориш, қалъаларни қамал қилиб, қўлга киритиш қоидалари ва шу кабилар ҳам айтилган эди. Чингизхон қонунларини унинг авлодлари узоқ вақт давомида ислом динидаги ҳалқлар Қуръонни қандай эъзозласалар шундай эъзозлаб келдилар. Қўплаб хонлар мана шу қонунларни мусулмонлар Қуръон ўқиганлари сингари белгиланган кунларда ўзларининг иштирокларида фуқароларига ўқитишар эди²⁶.

Гарчи Чингизхон ерларининг бепоёнлиги ва тезлик билан босиб олинганлиги унинг кўчманчи ҳалқлардан тузган мунтазам тартибли қўшинларининг устунилигини, уларга жанговар руҳ бера олганини исботласада, гарчи у кўчманчиларга ёппасига ҳарбий солиқ солган бўлиб, уларнинг болаларини ёшлигиданоқ қурол-яроғ билан муомала қилишга ўргатишга мажбур қилган бўлсада (отда юришни айтмасам ҳам бўлади, чунки кўчманчиларининг болалари уч ёшлик пайтлариданоқ отда юришни ўрганиб оладилар), гарчи у ўз лашкарбошиларига уруш олиб бориш, жангларда ғалаба қозониш ва қалъаларни қўлга киритиш учун яхши қоидалар берган бўлсада ва гарчи бу снёсий қоидалар унинг авлодлари томонидан у барпо этган буюк империянинг сақланиши ва юксалтириб борилиши учун мўлжалланган бўлсада, уларнинг асосида емирилиш куртаклари бор эди. Чингизхоннинг айтишича, у ўз муваффақиятларига муносиб ёрдамчилар танлай билан маҳорати туфайли эришган бўлиб, агар унинг авлодлари ҳам бошқариш ва қўшинига бошчилик қилиш учун муносиб одамларни танлай билсалар, унинг салтанати минг йиллар ҳукм суриши мумкин эди. Чингизхон буни доимо ўз авлодларига уқтиради. Унинг яна бир қоидаси ёки маслаҳати — хонликка ўз авлодларидан энг билимдон ва лаёқатли кишини кўтариш эди. Бу маслаҳатларни бериш осон, лекин тажриба кўрсатганидек уларни амалда бажариш жуда мушкул эди. Лаёқатли, бошқариш ва уруш олиб бориш учун фойдали бўлган одамларни фақат ўзи шундай хусусиятларга эга бўлган одамгина танлай олардики, қўшинга бошчилик қилиш ва ҳалқни бошқариш учун керак бўлган бундай одамларни ёшлик чоғида кўп қийинчиликлар кўрган, тақдир синовлари ва бевафоликларини бошидан кечирган, олдиндан кўра билиш фазилатига эга бўлган Чингизхон каби одамларгина танлай олиши мумкин эди. Аммо буюк ҳукмдорларнинг фарзандларини гўдаклигиданоқ лаганбардорлик, сертакаллуфлик, хушомадгўйлик, кейинроқ эса тил-

ёғламалик, фитна, иккюзламачилик ва муғомбирлик ўраб олган бўлиб, бўлажак таҳт вориси ёки даъвогарига унинг мажбуриятлари ҳақида бузилған тушунчалар беришар, ундан ҳақиқий ҳолатни беркитиб, айёр, ўз манфаатини кўзлаб иш қилувчилар шаҳзодалар ёнидан ҳалол ва ишибилармон кишиларни узоқлаштиришар, ўзларининг шахсий, ғаразгўй ниятларини амалга ошириш йўлида улардан қурол сифатида фойдаланаар эдилар. Шу одамларнинг ўзини ўлдириш ёки афв этиш, кўтариш ва бойитиш, таҳқирлаш ва хонавайрон қилиш учун чексиз ҳуқуқ оладиган хонни сайлаш пайтида қурултой ёки кенгаш аъзолари Чингизхон қоидаларига амал қилиб энг лаёкатли ва билимдон одамни хон этиб сайлай оларми билар? Уларнинг шахсий манфаатлари, шахсий хавфсизлиги хон этиб иродаси суст ва иқтидори чекланган кишини танлашни тақозо этарди. Буларга мўғул-татарларда ичкиликбозликка мойиллик, кўп хотинлилик, хонларга босиб олинган ерлардан гўзал хотин-қизларни олиб келиб тортиқ қилиш каби иллатлар қўшилди. Буларнинг ҳаммаси Чингизхон авлодларининг маънавий бузилишига, соғлиги ва ақлий фаолиятига зарар етказишга олиб келди. Бунинг натижасида Чингизхон империяси у орзу қилганидек минг йиллар эмас, балки юз йиллар ҳам яшай олмади. Хонларнинг ҳарбий ва маъмурӣ ишларга бўлган иқтидорларининг сусайиб кетиши натижасида уларнинг ҳокимияти кучсизланаб, бунинг оқибатида кўплаб ҳокимият талаб қилувчи кишилар пайдо бўлди. Гарчи кўчманчи қабилалар жанговарлиги ва Чингизхон кўрсатмаларининг маълум қисми бош хонлар ҳокимияти қулагандан кейин ҳам сақланиб қолган бўлса-да, империя кўплаб алоҳида, бош хонлар ҳокимиятидан озод бўлишга интилган ҳокимиятларга бўлиниб кетди.

Чингизхон ўз ўрнига Угадайни тайинлаганда, сайлов билан хон танлаш усулининг зарарли эканлигини англаган бўлиши керак. Аммо унинг империяси ривожлана боргани сари ортиб борган ва кучли бўлган аслзодаларни (ёки қабила оқсоқолларини) у хон сайловини бекор қилишга мажбур қила олармиди? Ваҳоланки, қабилалар ва халқларни фақатгина уруш билан эмас, балки сиёsat билан ҳам бўйсундирувчи бу зот уларни қириб ташлай олмас, балки, аксинча, ўткир сиёsatdon бўлгани туфайли ҳам, уларни мукофотлар, мансаблар, қурултойда қатнаштириш ва бошқа усуллар билан ўзига оғдирав эди-да. Шунинг учун ҳам гарчи унинг аслзодаларнинг аҳамияти ва кучини қирқиши мақсади туманбошилик, мингбошилик ва бошқа мансабларга махсус бошлиқларни тайинлаши ҳамда мазкур қўшин қисмларини бир қабила жангчиларидан эмас, балки

унинг бутун Үрдасидаги жангчилардан тузишида яққол намоён бўлиб турган бўлсада (масалан, бирор-бир мақсад учун қўшин керак бўлса, ҳар ўн ўтовдан бир нечтадан жангчилар ажратиларди; шу тарзда турли элатлардан юз, минг, ўн минг кишилик қисмлар тузиларди), у хонликка сайловни йўқ қилишга ботина олмаган бўлса керак. Үгадай мазкур қўшин таркибидаги қабилалар намояндалари ни аралаштириб юбориш сиёсатини шу даражага етказдики, у ғарбни босиб олиш учун Хитой жангчиларини, Хитойни босиб олиш учун эса мўғул жангчиларини юбо-ришни кўзлаган эди.

Нихоят, босиб олинган ерлар кенгайиб бориши билан қўшин сонини ҳам ошириб бориш, уни мағлуб этилган қабила ёки иттифоқчи давлатлардаги одамлар ҳисобига тўлдириш керак эди. Бунинг натижасида қўшин қаторига тартиб-интизом ва Чингизхон қарорлари билан ҳам таниш бўлган одамлар келиб қўшилардилар. Шу сабабли дастлабки қўшинга сингдирилган ҳарбий руҳ оз-оздан ўзгариб, барҳам топиб борди. 1253-йили Олтиш Үрдада бўлган Рубруквиснинг айтишича, Чингизхон ўлимидан 25 йил кейин инсон хавфсизлиги у орзу қилганидек таъминланмаган эди.

Рубруквиснинг ҳикоя қилишича, у Қrimдан Волга орқасида кўчиб юрган Ботухон томон бораётганида асирга тушган рус, венгер ва олонлар тўдаси уни қўрқитиб юборган эди. Улар 20—30 кишилик тўдалар бўлиб олиб, кечаси учраганларни тунашар ва ўлдиришар, кундузи эса беркинишар эди. Улар қароқчилик қилаётгандан чарчаган отларини ташлаб, подалардан бошқа отларни олишар, эрталаб эса ўз хўжайнлари олдига қайтишар эди. Татарлар ўз қўнимгоҳларини аравалар, катта тугунлар ва сандиқлар билан ўраб олишларига кечалари бўладиган ана шундай хужумлар сабаб бўлса керак.

Агарда Ботухоннинг ўзи ва унинг лашкарлари жойлашган Үрдада-ки хавфсизлик таъминланмаган бўлса, у ҳолда у ғарбий Европани босиб олиш учун юриш қиласа Булғория, Россия, Польша ва Венгрияни босиб олишда ортирилган бойниклар, хотинлари ва фарзандлари хавфсизлигига ким ҳам кафолат бера оларди? Уруш бир неча йилларга чўзилиб кетиши, бу даврда эса мағлуб халқлар бош кўтариб, мўғул-татарлар қолдириб кетган оила аъзоларини ўлдириб, бойникларини эгаллаб олишлари мумкин эди. Ғарбий Европани босиб олиш режасининг амалга ошмаганлигига шу нарса сабаб бўлган бўлиши эҳтимол. Бундан кейин Үрда ичida ҳам тартибсизликлар ва ўзаро низолар бошланиб кетди.

Буюк ҳарбий даҳолар урушга эҳтирос қўйиб, жуда катта ерларни қўлга киритган бўлсалар ҳам, узоқ давр мавжуд бўлган давлатлар барпо этиш жуда камчилликка насиб этганлигини тарихдан кўрса бўлади.

Чингизхоннинг ҳарбий-сиёсий қоида ва қонунларининг баёнидан сўнг, уларнинг амалда қандай қўлланилганлигини ва ҳарбий ҳаракатларини таҳлил қилиб чиқайлик. Баённимизни хронологик (даврий) тартибга амал қилиб, унинг хуннлар империясига қилган юришидан бошлаш тўғрироқ бўларди, лекин бу ердаги уруш тўхтовсиз йигирма йилдан ортиқроқ (Чингизхон ўлимидан кейин ҳам) давом этганлиги учун, уни бошқа ҳарбий юришлари билан узвий боғлиқликда кўриб чиқиш мақсадида мен ўз тадқиқотимнинг охирига қўйиб, аввал мўғул-татарларнинг Хоразм султони салтанатига қилган юришини баён қилишни лозим топдим.

ЧИНГИЗХОННИНГ ХОРАЗМ СУЛТОНИ МУҲАММАД БИЛАН ҚИЛГАН УРУШИ

(1220—1224 йиллар)

Япон ва Сариқ денгизлардан Иртиш дарёсигача, Сибирдан Хитойгача бўлган халқларни бўйсундириб, Таангфут подшоҳлигини тор-мор қилиб, хуннлар хонадони бошқараётган Нюочжи империясини қучсизлантириб, уларни батамом босиб олишни моҳир лашкарбоши Муҳири (ёки Мохоли) га топшириб, Чингизхон 1218 йилда ўз нигоҳини ғарбдаги ерларга қаратди.

Бу даврда унинг ерларининг жануби-ғарбида иккита катта империя Қора Хитой ва Хоразм салтанатлари мавжуд эди.

Қора Хитой империясига XII асрнинг бошида хуннлар шимолий Хитойга ҳокимлик қилувчи қиданлар империясига вайрон қилинганидан сўнг Туркистонга қочиб борган Хитой ҳокими Елу Тайша томонидан асос солинган эди. Хитой қўшинларининг қолдиқлари билан Туркистонга келган Елу Тайша Қашғар, Ерканд, Хўтан шаҳарларини ўз ичига олган уйғурлар ерларини, Мовароуннаҳрнинг бир қисмини ҳамда Хоразмни босиб олиб, Тибетдан Жайхунгача ва Сибир тоғларигача бўлган ерларда кучли давлат барпо этиб, Гўрхон яъни буюк хон унвонини қабул қилди. Елу Тайша авлодлари унинг буюк хусусиятларини сақлаб қола олмадилар. 1167 йилда унинг тахтига ўтирган набираси Чилуқу фақатгина ов ва вақтичоғлиққа берилib кет-

ди. Елу Тайша асос солган империя тезда инқирозга юз тутди. Унинг ҳокимиятининг бўшлигидан фойдаланган уйғур ва пойтахти Самарқандда бўлган Мовароуннаҳр ҳонлари ҳамда Хоразм сultonни ундан ажralиб чиқишиди.

1212 йили у ўз куёви, сўнгги найман хонининг ўғли Кушлуқ томонидан таҳтдан ағдарилди. Кушлуқ 1208-йили Чингизхон қиличидан қочиб унинг ерларига келган эди. Кушлуқ Қора Хитой империясидаги аҳволни яхшилаш ўрнига, унинг фармонига кўра ўз динидан чиқиб, ўзи мансуб бўлган христиан динига ёки хотини мансуб бўлган будда динига киришни истмаган, бу империядаги аҳолининг катта қисмини ташкил этувчи мусулмонларни қувғинга олиб, мазкур империяни янада барбод бўлишга олиб келди.

Хоразм сultonни Муҳаммад 1200-йили ўз отаси Тўқуш (ёки Текеш) ўлимидан сўнг Хоразм, ғарбий Хурросон ва Ироқи Ажамни мерос қилиб олди. Бу ерларга у кейинчалик Балх, Ҳирот, Мозандарон ва Кармон ерларини босиб, қўшиб олди. Муҳаммад ўзини ўта кучли деб ҳисоблаб, қора хитойлар империясига ҳужум қилди. Аммо 1208 йили қора хитойлар томонидан тор-мор қилиниб, ўзига яқин кишилардан бири билан асирга тушди. Мана шу киши ўзини дадил тутиб, Муҳаммадни ўз қули деб зълон қилди ва бунинг исботи сифатида одамлар олдида унинг юзига тарсаки урди. Бир неча кундан сўнг ўзини пул тўлаш эвазига озод қилишни таклиф қилиб, Муҳаммадни пул олиб келиш учун юборишига эришди. Шундай қилиб Муҳаммад асирикдан озод бўлди. Ўз ерларига қайтиб келган Муҳаммад унга ўлпон тўлашни тан олган Мовароуннаҳр хони Усмон билан иттифоқ тузиб, яна Қора Хитойга юриш бошлади. Бу гал унга омад қулиб боқиб, Қора Хитой императори қўшинини тор-мор қилди ва унинг ерларининг Ўтторогача бўлган қисмини босиб олди. 1210 йил Муҳаммад томонидан қўйилган Самарқанд ҳокимидан норози бўлган Усмон яна Қора Хитойлар томонига ўтиб кетди. Бундан қаттиқ ғазабланган Муҳаммад Самарқандни қамал билан қўлга киритиб Усмонни қатл этди, унинг ерларини ўзиникига қўшиб олиб ўз пойтахтини Самарқандга кўчирди.

Кейинги 1212—1215 йиллар давомида у Ҳиротдан Ҳиндгача чўзилган Гўр ҳонлигини, кейин эса Ғазни ерларини қўлга киритди. Ғазни шаҳрининг ҳужжатлар сақланадиган кўриқхонасидан Бағдод ҳалифаси Носирнинг Ғазни ва Гўр ҳукмдорларини топиб олади. Бу қофозлар оқибатда Хоразм сultonни тақдирига ҳалокатли таъсир кўрсатди.

Бағдод ҳалифаси 1180 йилдан бери ҳукмронлик қилар

ва халифаликнинг аввалги бепоён ерларидан сақланиб қолган Кузистон ва Ироқи Араб ерларигагина эга эди.

Мусулмон дунёсида халифалар устунлиги анча бўшшиб қолган, уларнинг исмлари фақатгина номозларда хутбага қўшиб ўқилар, тангаларда зарб этилар, ислом дини руҳонийлари эгаллаган мансаблари халқ томонидан қонуний деб тан олиниши учун улардан буни тасдиқлатиб олардилар холос. Халифалар ҳокимиятини қенгайтиришга Хоразм сultonлари энг катта тўсиқ бўлгани учун Носир қўшни давлатларни уларга қарши гижгижлаб, ҳамма ерда норозилик ва ғалаёнларни кучайтиришга уринади. Муҳаммад Фазнида топилган қофозлардан халифанинг унга қарши қилаётган ҳаракатларини билиб, уни жазолашга аҳд қилди. Катта салтанатга эга бўлган, ўз ихтиёрида 400 000 қўшин тўплаган Муҳаммад, халифа Носирдан ўзининг Сultonлик унвонини тасдиқлашни, унинг исмини хутбага қўшиб ўқитишини ва унинг одамини Бағдодга ҳоким қилиб тайинлашни талаб қилди. Ундан рад жавобини олгач Муҳаммад Аббосийларни халифалиқдан маҳрум этишга қарор қилди. Бу хавфли иш олдидан ўзини фуқаролар кўзи олдида оқлаш учун у шариат пешволарини тўплаб, уларга шундай савол билан мурожаат этди: «Агар Муҳаммад пайғамбарга ноиблик қилиш қонун бўйича Ҳусайн авлодларига тааллуқли бўлсаю, Аббосийлар уни ўғирлаб олган бўлсалар, агар Аббосийлар мусулмонлар раҳбари зинмасидаги дастлабки бурчлардан бўлмиш—мусулмонларга ҳомийлик қилиш ҳамда ғайридинларни ҳақ йўлига бошлаш ва бўйсундириш учун муқаддас урушлар олиб бориш вазифасини бажармаган бўлсалар ва баз устига ҳақиқий халифа, Оллоҳнинг номини улуғлаш ва мусулмонларнинг душманларини қиришни ўзининг муқаддас бурчи деб билган ўз ҳукмдорини ҳар ерда нафрат билан таъқиб қилиб юрса, у ҳолда бу ҳукмдор мазкур халифани ағдариб ташлаб, унинг ўрнига муносиб одамни кўтаришга ҳаққи борми ёйўқми?» Мажлис аҳли бундай ҳолда Носирнинг қулатилиши қонуний бўлади, деб эълон қилдилар.

Руҳонийлар розилигини олгач Муҳаммад термизлик, Алининг издоши Сайд Ало Қўл Мулкни халифа сифатида тан олди ва бундан кейин Носирнинг исмини хутбага қўшиб ўқимасликка ҳамда янги тангаларда зарб этмасликка фармон берди.

Эрондаги Алининг кўплаб мухлислари дин раҳбари сифатида ниҳоят унинг авлодларидан бирини кўришга умид боғладилар. Муҳаммад бошлаган ишини амалга ошириш учун 1217 йилда қўшин билан Бағдодга йўл олди. Ҳали эгалланмаган халифа ерларини ўз лашкарбоши-

ларига бўлиб бериш учун Ҳамадонда тўхтаб, уларга ёрлиқлар топширди ва солиқ тўлаш режасини ишлаб чиқди. Бағдодга эса 15000 отлиқдан иборат авонгорини* юборди. Ҳали куз бўлишига қарамай бирданига қаттиқ совуқ тушиб, жуда кўп қор ёғди ва бунинг натижасида унинг кўшини тоғдан ўтаётган пайтда жуда кўп жангчилар ва отлар ҳалок бўлди. Бу авонгорниг қолдиқлари турк ва курд қабилалари томонидан қириб ташланди. Хурофотчилар авонгорниг ҳалокатини Ҳудонинг разабига йўйдилар. Бу вақтда мўғуллар куч-қудратидан хавфсираган Муҳаммад бошлаган ишини кейинга суришга қарор қилди. Лекин Али муҳлислари ва Аббосийларга содиқ кишилар ўртасидаги вақт ўтиши билан сусайган душманлик яна қайта кучга кириб, ҳар икки мазҳаб муҳлисларидан ташкил топган Муҳаммад салтанати ғалаёнга келди. Моҳир Чингизхон бепоён ерларга эгалик қилишига қарамай қудрати мустаҳкам заминига суюнмаган рақибиға зарба бериш мумкин бўлганд фурсатни топа билди ва бу вазиятдан моҳирона фойдалана олди.

Халқлар тарихи бизга шуни кўрсатадики, ҳокимиятнинг бузилиши ва ҳаддан ташқари истибодд инқилобга сабабчи бўлади. Аммо, агар истибодд ва ҳукуматнинг разиллиги асрлар бўйи давом этса, бу ҳол бутун халқлар феълининг бузилишига олиб келиб, халқ ғурури ва ватанга бўлган мұҳаббатини ўлдиради, давлатнинг ички кучини барбод қиласди. Биргина ташқи туртки бўлса бас — бундай давлатнинг қулаши мүқаррар. Бир босқинчидан иккичи босқинчининг қўлига осонликча ўтиб турадиган Осиё халқларининг кўп қисмини тақдири мана шундай.

Хоразм салтанатининг турли уруғлардан ташкил топганлиги ва ҳокимиятнинг Муҳаммад ҳамда унинг онаси Туркон Хотун орасида бўлинганлиги бу салтанатни шундоқ ҳам бўшаштириб қўйган эди. Бу бўш асосга ўринатилган кошона эди. Бу ердаги халқлар турли қабилаларга мансуб бўлиб, тиллари ва тушунчаларига кўра бир-бирларига ёт, бир-бирларидан бепоён чўллар ҳамда диний мутаассиблик билан ажратилган эдилар. Муҳаммаднинг омадли қуроли билан бир давлатга бирлашган бўлса-да, улар Муҳаммад сулоласига содиқ эмас, тушунча, фикр ва руҳларида ҳеч қандай умумийлик йўқ, ўзаро манфаатдорлик ва қонун билан бирлашмаган, умуми, буюк бир жамиятнинг фуқароси деб аташга лойиқ ҳеч нимага эга эмас

* Бу сўз асли туркийча бўлиб, кейинчалик француз тилига «авантгард» шаклида ўзлаштирилган. Бу сўз ҳақида қаранг: Мирзо Улурбек «Тарихи эрбъ улус» (*муҳарр*).

эдилар. Биз ўз ватанига мұхаббат деб атайдиган маңнавий күчга — диний мутаассибликка ҳам эга әмас әдилар. Чунки улар бу даврда бир-бирларига ашаддий қарама-қарши бўлган мазҳабларга бўлинганд әдилар. Қуйида мўфуллар ҳужуми пайтида бу мазҳабларга тааллуқли кишилар киройи ўз кўрликлари туфайли бир-бирларини қиришда мазкур (мўфул) жангчиларнинг ваҳшийликларидан фойдаланганларининг гувоҳи бўламиз.

Мұхаммаднинг қўшинлари асосан туркманлар ва қанғаллардан* ташкил топган әди. Уларнинг биринчиси Салжуқийлар даврида Эронни босиб олган туркий ўғузлар авлодлари бўлиб, иккинчиси эса Мұхаммаднинг хизматига унинг онаси Туркон Хотуннинг таклифига биноан келган әди. Туркон Хотун Қаспий денгизининг шимолида кўчиб юрувчи қанғалларнинг бир қабиласи хонининг қизи бўлиб, бу қабилалар орасида кучли бўлган қариндошларга эга, шу сабабдан улардан кўплари ўзларига тобеъ одамлар билан Мұхаммад хизматига келган әдилар. Туркон Хотуннинг ўз ўғли устидан ҳукмронлиги ва қанғал қўшинларининг жасурлиги бир вақтнинг ўзида ҳам қўшин қисмлари лашкарбошлари ҳам вилоятлар ҳокимлари бўлган унинг қариндошларининг Мұхаммадга ва унинг салтанатига катта таъсир кўрсатишига сабабчи бўлди. Султоннинг қудрати унга бўлган садоқати ишончсиз, итоати омонат бўлмиш мазкур ҳарбий аслзодалар томонидан бўшаштириб борилди. Деярли ярим ёввойи бўлган қўчманчи халқлардан ташкил топган қўшинлар тинч халқ учун бало келтирадар, ўзлари ўтган ерларни хонавайрон қилардилар.

Туркон Хотуннинг Мұхаммад устидан ҳукмронлик қилиши, бошқариш бирлигини яна ҳам изидан чиқарар, ўзига тегишли қабила бошлиқларидан тузилган гуруҳ бошлиғи бўлгани ва қайсарлигидан ҳокимиятни бошқаришда ўғли каби кучга эга бўлиб олгани учун унинг номидан бериладиган ва Мұхаммад хоҳишига қарши бўлган буйруқлар ҳам худди ўғли берган буйруқлар каби амалга оширилаверди. Туркон Хотун ўзига ўзи дунё маликаси унвонини бериб, буйруқларига «Тинчлик ва дин ҳомийси, коинот аёллари маликаси Туркон» деб имзо чекар әди²⁷.

Чингизхон бундай давлат билан жангга киришаётib мұваффақиятга эришишига ишонса бўларди. Шубҳасиз, фақатгина ҳарбий куч ва Мұхаммаднинг омади Хоразм салтанатидаги турли табиатли қисмларни бир таркибда ушлаб турарди. Лекин, ташқаридан кучли туртки берилса бас — у вайрон бўлар әди. Икки рақибни солиштирадиган

* Асл матнда: «канкал» (муҳарр.).

бўлсак, Муҳаммад фақатгина ўз ерларини кенгайтира олганини, Чингизхон эса фақат кенгайтирибгина қолмасдан, ички кучларни барпо этиб, мустаҳкамлаганини, яхши тартибли, жиҳозланган қўшин тузга олганини, ўз империясини бошқаришда кўпроқ бирдамликка эришганини кўрамиз.

Чингизхон ўз империясини яратадиганда савдо муносабатларига қулайлик яратган, унинг хавфсизлигини таъминлаган, савдодан кўчманчи халқларга зарур бўлган молларни олиб келишдан ташқари бошқа давлатлар ҳақида маълумотлар тўплаш учун ҳам фойдаланган эди. Эҳтимол худди шу усул билан у Муҳаммад салтанатининг ички заифлиги ва бесаранижомлиги ҳақида билиб олган бўлиши мумкин.

Лекин Муҳаммад салтанатининг кучсизлиги ҳақидаги аниқроқ ва батафсилоқ маълумотларни Чингизхон Муҳаммадни таҳтдан ағдариш учун хавф солиб турган Бағдод халифаси Носирдан олган бўлиши ҳам мумкин эди. Ислом ёзувларни Чингизхоннинг Муҳаммад ерларига қиласан босқинини Бағдод ҳалифасининг маҳфий фитнаси билан боғлашлари асоссиз эмас. Халифа очиқдан-очиқ Чингизхон олдига ўз элчиларини юбора олмас, чунки шу мақсад учун юборилган элчилар Чингизхон ерларига Муҳаммад ерларидан ўта олмас эдилар. Лекин шарқда яшовчи (кўп қисми суннийлар бўлган) мусулмонлар Маккага ҳажга борганларида йўл-йўлакай Бағдодга киришарди. Халифа учун улар ичидан Аббосийларга содиқ кишини топиб, Чингизхонга Муҳаммадга қарши урущ бошлашни хат орқали ёки оғзаки ҳолда таклиф қилиш ва шу билан бирга Муҳаммад салтанатининг ички ҳолати ҳақида маълумот юбориш қийин иш эмасди. Чингизхон эса бу салтанатининг кучсизлигини билгач, ўзининг фотиҳликка бўлган иштиёқининг кучлилиги туфайли ушбу маҳфий таклифга рози бўлмаслиги мумкин эмас эди.

Шу мақсадда Муҳаммад билан алоқа боғлаш учун Чингизхон унинг ҳузурига икки давлат ўртасида савдо муносабатларини бошлаш, савдонинг хавфсизлигини таъминлаш ҳақида келишиб олиш топширилган элчиларни юбордикни, бундан уруш очиш учун қулай баҳоналар топиш мақсадини кўзлаган бўлиши ҳам эҳтимол. Элчи Бухорода сulton ҳузурига кириб, унга инъомлар топшириб, ўз ҳукмдори номидан шундай деди: «Сенга ўз саломимни йўллайман. Мен сенинг подшоҳлигинингнинг кенглиги ва қудратини яхши биламан. Сен кўплаб халқлар устидан ҳукмронлик қиласан, шунинг учун сен билан тинчликда яшашни истардим. Мен сени ўзимнинг энг суюкли ўғлимдеб ҳисоблагучиман. Мен Хутойни забт этганим ва ундан

шимолда яшовчи ҳамма халқларни бўйсундирганим сенга маълум. Шуни билгинки, менинг салтанатим чумоли уясидек жангчилар уяси ҳамда кумуш конидир ва менда бирорвинг мулкига эгалик қилишин исташ эҳтиёжи йўқ. Уйлайманки, фуқароларимизнинг савдо муносабатларини ривожлантиришдан иккимиз ҳам манфаатдор бўламиз». Муҳаммад билан илк муносабатларни ўрнатишданоқ Чингизхон уни ўғлим деб устунликни олмоқчи бўлди. Элчининг дадил нутқидан довдираб қолган Муҳаммад унга дўстона жавоб бериб, қайтариб юборди.

Чингизхон ҳоҳишига кўра унинг қариндош-уруглари, аъёнлар ва қўшин бошлиқлари унинг ўрдасида савдо қиувчи мусулмон савдогарларга ўзларига қарам мусулмонлардан қўшиб, уларга пул бериб, Хоразм салтанатидан ноёб моллар сотиб олиш учун 450 кишилик катта карvon юбордилар. Улар Хоразмнинг чегарадаги шаҳри бўлмиш Утрорга етиб келганларида шаҳар ҳокими Иналчуқ карвондаги қимматбаҳо молларни эгаллаб олиш ниятида савдогарларни ушлаб қолишга буйруқ берди. У Муҳаммадга, булар айғоқчилар эканлиги, чунки Утрор аҳолисидан савдога алоқаси йўқ нарсалар ҳақида сўраб-сuriштирганилари, аҳолига Чингизхоннинг даҳшатли кучлари ва босқинлари ҳақида, тез орада Утрор халқи ҳеч кутмаган нарсанинг гувоҳи бўлиши тўғрисида сўзлаб таҳлика уйғотганилари ҳақида хабар етказди. Чингизхон савдо карвони билан Хоразм давлати ҳолатини ва унга борадиган қулай йўлларни ўргапиш учун айғоқчилар юборган, деб ҳисоблаш мумкин. Муҳаммад карвон билан келган кишиларни қатл этишга буйруқ берди²⁸.

Бу қотилликни эшитган Чингизхон, ёзишларича қаттиқ разабдан йиғлаб юборди, кейин бир баланд тоғ чўққисига кўтарилиб бўйнига камари осилган, бошяланг ҳолда ерга йиқилади. У қасос олиш учун мадад беришни сўраб осмонга илтижо қилиб, уч кечаю-уч кундуз рўза тутиб, ибодат қиласди²⁹.

Муҳаммадга қарши юришга чоғланган Чингизхон авваламбор унинг эски душмани Қушлуқ ҳокимлик қилаётган Қора Хитойни босиб олиб, сўл қанотининг хавфсизлигини таъминлашни мўлжаллаган ҳолда у ерга 1218 йили ўз лашкарбошиси Жебени 20000 кишилик қўшин билан юборди. Шу пайтнинг ўзида Чингизхон, отаси аввал Муҳаммаднинг отасига хизмат қилган бир турк миллатига мансуб кишининг ёнига иккита мўғулни қўшиб, Муҳаммад хузурига ўз талабини изҳор қилишга юборди. Муҳаммадга Чингизхонномидан мурожаат қилган бу киши шундай дейди: «Сен, мен юборган савдогарларнинг ҳеч бирига ёмон-

лик қилмайман, деб сўз берган эдинг. Сен ўз сўзингда тура олмадинг. Ёлон ҳукмдорни бадном қиласди. Агар сен савдогарлар Утрорда менинг буйруғимсиз ўлдирилган, деб мени ишончирмоқчи бўлсанг, унда Утрор ҳокимини менга топшир, мен уни жазолай, акс ҳолда урушга тайёргарлигинги кўравер».

Бундан ғазабланган Муҳаммад ҳақоратланган Чингизхонга жавоб бериш у ёқда турсин, балки элчини қатл этишини буюрди, унинг ҳамроҳлари бўлган икки кишининг соқолини олдириб, орқага қайтариб юборди.

Мана шу воқеадан сўнг Муҳаммад Самарқандда қўшин тўплаб. Қушлуқ ерларига бормоқчи бўлди, лекин мўғуллар таъқиб қилиб келаётган мёркитлар қабиласи Хоразмденгиз шимолидаги қанғаллар ерларига чекинаётганини эшитиб, кўпроқ қўшин тўплаш учун вақтингчалик тўхташга мажбур бўлди.

Бу пайтда Қора Хитойга шарқ тарафдан бостириб кириб, Қашгарга яқинлашган Жебе ўз эътиқодлари учун Қушлуқ томонидан қувғин қилинаётган ислом дининга мансуб аҳолига эътиқод эркинлиги беришни эълон қилди. Бундан хурсанд бўлган ва мўғуллар томонидан гиж-гижланган мусулмонлар Қушлуқ жангчилари жойлашган уйларга ҳужум қилиб, уларни ўлдиридилар, мўғуллар қўшинининг қолдиқлари билан қочаётган Қушлуқни таъқиб қила бориб, Бадахшон тоғларида унга етиб олдилар ва ўлдириб, қўшинини қириб ташладилар. Ўша даврда савдо, дәҳқончилик ва механика санъати ривожланган Қора Хитой ерлари Чингизхон ерларига қўшиб олинди.

Бу орада қўшинларини кучайтиришга эришган Муҳаммад мёркитларни қувиб келаётган мўғул қўшинини топиш учун Самарқанддан шимол тарафга йўл олди. Уларга етиб олиб, ҳужум қилишга шайланиб турганда мўғул қўшинининг бошлиғи унга Муҳаммад қўшинларига дўстона муносабатда бўлиш буйругини олганлигини билдириб, мёркитлардан тортиб олинган ўлжа ва асирларнинг бир қисмини таклиф қилди. Лашкари душманницидан анча кўп сонли бўлгани учун Муҳаммад таклифни рад этиб, мўғуллар бошлиғига шундай деди: «Агар Чингизхон сенга мен билан жанг қилмасликни буюрган бўлса, Худо менга сенга ҳужум қилишни буюраяпти ва мен бутпарастларни қириб ташлаб, унинг меҳрини қозонмоқчиман». Жангга киришга мажбур қилинган мўғуллар қатгиқ жанг қилиб, ғалабага эришишларига бир баҳа қолди. Улар Муҳаммаднинг сўл қаноти жангчиларини қочишга мажбур этдилар ва марказга ташланиб, унинг тартибини буза бошладилар. Лекин лашкарнинг ўнг қанотида жанг қилаётган султоннинг ўғли

Жалолиддин шу қанотдаги мұғулларни ясонаң қилиб үз вақтида қуролдошларига ёрдамга етиб келди ва жангни янгилашга эришди. Бу жанг кечгача давом этди.

Кечаси мұғуллар катта алангалар ёқиб қўйиб, шундай тезлик билан чекиндиларки, кун чиқишига қадар иккى кунлик йўлни босиб ўтдилар. Мұғулларнинг бу қўшини меркитларни таъқиб қилишдан ташқари, кўп сонли қўшинларнинг уларнинг ерларини Муҳаммад ерларидан ажратиб турувчи чўллардан ўтиш имкониятларини ўрганиш ва Хоразм салтанатига борувчи йўлларни разведка қилиш учун юборилган бўлиши эҳтимол. Абулғозийнинг ёзишича бу қўшинга Жўчи бошчилик қилган.

Юқоридаги жанг Муҳаммадда чуқур таассурот қолдириб, мұғуллар мардлиги ҳақидаги юксак фикрларга ишонишга олиб келди. У ўз яқинларига: «Мен ҳеч қачон бундай ажойиб қўшинларни кўрган эмасман», деганди.

Қора Хитойни босиб олгандан сўнг Чингизхон 1218 йили қурултой чақирди. Қурултойда Муҳаммад билан бўладиган уруш масаласи ҳал қилиниб, мўлжалланаётган юриш учун қўшин тузиш масалалари устида келишиб олинди.

1218 йилнинг охирида Чингизхон ўз кучлари билан Муҳаммадга қарши ҳаракатни бошлади. Кейинги йил ёз ойларида отларни боқиб, қувватга киритиш учун Иртиш дарёси соҳилларида тўхтаб, кузда ҳаракатини давом эттириди.

Муҳаммаднинг лашкари 400 000 га яқин жангчилардан иборат бўлиб, душман қўшинидан кўпроқ бўлса ҳам, Чингизхон қўшинларининг яқинлашиб келаётгани уни кучли саросимага солди. Чунки унинг кўп сонли қўшинида тартиб, интизом, ҳукмдорга сўзсиз бўйсуниш, бошлиқларга ишонч, меҳнатга, қийинчиликларга, йўқчиликларга чидам лаёқати каби хусусиятлар йўқ эди. Мана шу хислатларнинг барига эга бўлган мұғуллар қўшини дўшманга даҳшат сола олар эди. Бунинг устига Муҳаммад жангчиларида мўғуллардаги каби жангга ундейдиган сабаб йўқ эди. Улар ўзларига келиб чиқишилари ва тиллари жиҳатидан ёт бўлган ҳалқларни ҳимоя қилишар, ғалабага эришган тақдирда ҳам катта фойда, яъни ўлжа ололмас здилар. Мұғуллар эса бой давлатларга ҳужум қилиб, ғалабадан сўнг ўлжа билан рағбатлантирилар эдилар.

Эҳтимол Муҳаммад ўз қўшинларининг жасурлиги ва содиқлигига кўп ишонмагани учун ҳам унда руҳий тушкунлик пайдо бўлган бўлса керак. Меркитларни таъқиб қилган мўғулларга қарши қилинган мубаффақиятсиз ҳужумдан сўнг у ҳавфли душман билан очиқ жанг қилишга ботина олмади, ўзининг баязи лашкарбошиларининг Чингизхон унинг ерларининг маълум қисмини талон-тарож қилиб,

ўз чўлларига қайтиб кетади, деган фикрига қўшилиб, ўз қўшинларини душман ҳужумини қайтариш учун тўпламади, лекин уларни Мовароуннаҳр ва Хоразм шаҳарларига бўлиб юбориб, ўзини жанг майдонидан олиб қочди. У баъзи бир моҳир лашкарбошилари маслаҳатига юрмай, на чўлдан толиқиб чиққан Чингизхон отларининг ҳолатидан, на Сайхун ва Жайхун дарёлари ташкил этган мудофаа чизикларидан фойдалана билмади.

Чингизхон ўзининг Иртищ қирғоқларидан Сайхунгача бўлган сафари чоғида ҳеч қандай қаршиликка учрамади. Биз у қайси йўллар бўйлаб келганини билмаймиз, лекин у ҳозирда карвонлар қатнайдиган Семипалатинскдан Или дарёсигача, у ердан Верная (Олма-Ота) гача, у ердан эса Туркистон ёки Тошкентга борадиган йўллардан борган бўлиши эҳтимол. Утрорга яқинлашиб келган Чингизхон шак-шубҳасиз, Муҳаммад қўшинлари қалъаларга жойлашиб олганини билиб, Мовароуннаҳрга ҳужум қилишга буйруқ берди ва қўшинни тўрт қисмга бўлди: У Чифатой ва Угадайни Утрорга, Жўчини улардан ўнгроққа — Сайхун бўйлаб пастга — Жандга, учинчи катта бўлмаган қисмни Бинокатга юборди. Бу қисмларга Сайхун бўйлаб жойлашган шаҳарларни қўлга киритишни буюриб, Чингизхон асосий кучлар билан Мовароуннаҳрнинг катта қисмини Муҳаммадни бошқа ерларидан кесиб қўйиш ва қамал қилинган шаҳарларга ёрдам юборилишига тўсқинлик қилиш учун Бухорога йўл олди.

Чингизхон уруш бошлаган давлатида ўринашиб олиш ниятида эмасди. У ўз аждодлари урф-одатларига қарши бориб кўчманчи ҳаётни ташлаши ўйламас, босиб олинган ерларга шимолнинг ичкарисидан туриб ўзи ўйлаб топган тартиб бўйича, яъни душман қўшинларини қириб ташлаб, унинг аҳолисининг маълум қисмини асрликка олиб бошқаришни кўзларди. Бунинг учун у қалъаларни вайрон қилиши, қўшинни қириб ташлаши, аҳоли сонини қисқартириши, бойликларни тортиб олиши, умуман, давлатни кучсизлантириб, силласини қуритиб, халқни ваҳимага солиб, ўзи қўйган одамлари воситасида уни бошқариб туриши керак эди. Унинг набираси Ботухон Россияни бошқаришда худди шундай йўл тутди. Қисмат сингари шафқатсиз бўлган Чингизхон ўзи тузган режасини изчиллик билан амалга ошира бошлади. Мана шу қонли уруш тарихини ёзган тарихчиларнинг айтишича, ҳеч қандай уруш шунчалик кўп ўлим, ваҳшийлик ва вайронгарчилик олиб келмаган. Агар Чингизхон одамлар сонини камайтиришни лозим деб топса шўрлик аҳолини мўғулларнинг қаттол қиличидан ҳеч нарса -- ўз хоҳиши билан бўйсуниш ҳам, товон

тўлаш ҳам, ялиниб-ёлворишилар ҳам сақлаб қололмас эди. Чингизхон мусулмонлар мутаассиблигини, уларнинг бут-парастлардан — демак, унинг ўзидан ва фуқароларидан ҳам жирканишиларини яхши билар, шунинг учун уларга ишонмас эди. У муваффақият қозониш учун ҳеч қандай воситадан хазар қилмас, ёлғон, ҳийла, мунофиқлик мӯғулларнинг даҳшатли қуроллари қаторида баб-баробар ишлатилар эди.

Чигатой олти ойлик қамалдан сўнг Утрорни қўлга киритди, унинг барча аҳолисини ҳайдаб чиқариб, шаҳарни вайрон қилди.

Жандга йўл олган Жўчи йўл-йўлакай Сифноқ аҳолисини қирди, кўп шаҳарлар қаторида Ўзганд, Жанд, Янгиканд шаҳарларини вайрон қилди. Янгиканд шахри Сайхун дарёсининг Хоразм (Орол) дengизга қўйилиш жойидан икки кунлик масофада жойлашган эди.

Шу пайтда уйғурларнинг 10 000 кишилик бўлинмаси ўз ерларига қайтиб кетиш учун рухсат олди, уларнинг ўрнига эса мӯғуллар туркманларни хизматга оддилар.

Жўчи уларни нўён Тайнал билан Хоразм томонга жўнатди. Тайнал туркманлар бўлинмасига бошчилик қилиши мӯғул зобити (офицери)га топширди. Юриш пайтида ўзбошимчаликка одатланган туркманлар бу бошлиқни ўлдирдилар. Авонфорда бўлган Тайнал бу воқеани эшитиши билан орқага қайтиб, туркманларнинг кўпини қириб ташлади; уларнинг тирик қолганлари Амой ва Марв шаҳарлари томон қочиб ўз жонларини сақлаб қолдилар.

Чингизхон томонидан сўлга, Бинокент томонга юборилган учинчи қисм 5000 отлиқдан иборат эди. Бинокентни қўлга киритгач, бу қисм мардонавор жангчи Темурмалик қўмандонлик қилувчи Хўжанд қальясига яқинлашди. У эса сараланган 1000 та жангчи билан Сайхун дарёсидаги мустаҳкам қальяси бўлган оролга жойлашди. Бу қалья қирғоқдан анча олисда бўлиб, душман ўқлари ва тошларидан бехатар эди. Мӯғуллар оролгача бўлган масофага тўғон қуришга киришдилар. 20000 жангчи ва 50 000 асири билан мададлантирилгач улар қамал ишларини бошлаб юбордилар. Үнликлар ва юзликларга бўлинган асиirlар мӯғул зобитлари бошчилигида дарёдан уч фарсах масофа да жойлашган тоғлардан тошлар олиб келишлари ва тўғон ясаш учун дарёга ташлашлари керак эди. Темурмалик 12 та кема ясатиб, уларнинг ташқи қисмини кигиз билан ўради, кигиз устига ёнмаслик учун сирка аралаштирилган қалин лой чаплади. У мана шу кемаларда қирғоқка сузуб келиб, мӯғулларга жуда кўп зáрар етказди. Ниҳоят Хўжандда узоқ туриб бўлмаслигини тушунган Темурмалик

70 та кемада дарёning қуби қисмiga сузib бориб, Хоразм (Орол) денгизи ва Жайхун орқали Урганчга сузib боришга қарор қилди. Лекин Жанд ёнида Жўчи дарёга кемалардан кўприк қурдириб, баллистлар* ўрнатганлигини билгач, у қирғоққа чиқиб, қуруқлик орқали Урганчга етиб келди. Бу ерда у Жалолиддин билан бирлашиб, то ўлимигача у билан бирга бўлди.

Шу орада Чингизхон ўз ўғли Тулуй билан 1220 йилнинг март ойида Бухорога етиб келди. Бир неча кунлик тўхтovсиз қилинган ҳужумдан сўнг шаҳарни сақлаб қолиш учун жасорат билан қаршилик кўрсатаётган 20 000 жангчига эга бўлган гарнизон қалъадан ташқарига чиқди ва душман орасини ёриб ўтишга муваффақ бўлди. Лекин Жайхун яқинида ўраб олиниб, деярли буткул қириб ташланди. Таслим бўлган шаҳарни Чингизхон талашга буюрди, кейин эса унга ўт қўйдирди. Аҳолининг кўп қисми қамал ишларида фойдаланиш учун асири олиб кетилди.

Бу ердан у 40 000 кишилик гарнизон турган Самарқандга йўл олди. Шаҳар мустаҳкам истеҳкомга эга, шунинг учун узоқ давом этиши мумкин бўлган қамалга дош берга олар эди. Чингизхон у ерга отлиқлари билан етиб келди. Кейинги кун пиёда жангчилар ва асиirlar кўринди. Ҳар бир ўнликда биттадан байроқ бор эди. Қўшинлар шаҳардан олисроқда жойлашдилар. Бундай ҳийла ишлатиб, Чингизхон шаҳар гарнизонида ўз қўшинларининг ғоят кўплигига ишонч ўйғотишга ва аҳолини умидсизликка туширишга эришди. Биринчи икки кун давомида у шаҳар атрофини кўздан кечириб, унинг мудофаа истеҳкомларининг жойлашишини ўрганди. Учинчи кун асиirlar ва мўғулларга шаҳарга яқинлашишни буюрди. Шаҳар аҳолиси ичидаги энг қизиқон кишилар қўшиндан кўмак бўлмаса ҳам, қалъадан чиқиб ҳужум қилиштаги киришдилар. Мўғуллар секин-аста чекина бориб, уларни пистирмага туширишга эришдилар ва кўпларини қириб ташладилар. Бу ҳол гарнизон қўшинлари тетиклигининг йўқолишига олиб келди. Гарниzonning катта қисмини ташкил этган ва туркий миллатга мансуб бўлган қанғаллар мўғуллар уларни ўз ватандошларидек қабул қиладилар, деб хаёл қилиб, ўз итоаткорликларини билдирилар. Чингизхон албатта уларни ўзига хизматга олишга ваъда берди. Улар шаҳардан ўз оиласари ва мол-мулклари билан чиқиб кетишли. Қамалининг тўртинчи куни Самарқанд қозиси ва муфтийси шариат пешволари билан Чингизхон ҳузурига шафқат сўраб келдилар. Чингизхон шафқат қилишга ваъда бергач,

* Оғир нарсаларни узоққа отувчи қурол тури (*муҳарр*).

1220 йил 1 апрелида Самарқанд эшиклари очиб берилди. Ишни истеҳкомларни бузишдан бошладилар. Аҳолини ўлим жазоси билан қўрқитиб шаҳардан чиқишига мажбур этдилар. Шаҳарда фақат қози ва муфтийга ўз атрофидағи анчагина бўлган одамлари билан қолишга рухсат берилди. Уларни қўриқлаш учун қоровуллар тайниланди. Қейин шаҳар талон-тарож қилинди (1220 йилнинг апрелида). Таслим бўлган қанғаллар эронликлардан ажратилиб, бир текисликда жойлаштирилдилар. Уларнинг от ва қуролларини олиб қўйдилар. Мўғуллар қоидаларига кўра, улар хизматига кираётганилар худди улар каби кийиниб, уларнинг урф-одатларига амал қилишлари керак эди. Улар бошидаги сочни олд томонидан қириб ташлаб, мўғуллар каби кокил ясадилар. Лекин, эртаси тунда 30 000 оиласининг ҳаммасини қиличдан ўтказиб, от ва бойликларини ўзлари олдилар.

Шаҳардаги 30 000 га яқин ҳунарманд ва рассомларни Чингизхон ўз фарзандлари, хотинлари ва қўшини бошлиқларига ҳади қилди. Аҳолининг бир қисми турли ишларни бажариш учун хизматга олинди, 50 000 га яқин аҳоли 200 000 олтин танга бадал тўлаш ҳисобига афв этилиб, шаҳарга қайтиб келди. Мовароуннаҳрнинг кўп аҳолиси Сайхун дарёси бўйидаги шаҳарларни қўлга олиб, Хоразм тарафга юриш учун буйруқ олган Чингизхон фарзандлари хизматига юборилди³⁰.

Самарқандда туриб Султон Муҳаммад қўшинлари сонининг камлиги ва у Жайхун дарёсининг нариги қирғоғига ўтиб кетганини эшитган Чингизхон хаёлига зўр ва дадил фикр келди. У сultonга қарши туманбегилар Жебе ва Субутой бошчилигидаги 30 000 отлиқни юборишга қарор қилди. Уларга агар кучли қўшининг дуч келсалар жангга кирмасдан, асосий қўшиннинг етиб келишини кутиш, агар сulton чекинадиган бўлса, уни тезлик билан таъқиб қилиш, йўлда учраган мустаҳкам шаҳарларни айланиб ўтиш, таслим бўлганларни шафқат қилиш, қаршилик кўрсатганиларни янчиб ташлаш ҳақида буйруқ берди. Ўзлашкарбошиларини ушбу мардонавор топшириқни бажариш учун юбораётib Чингизхон шундай деган эди: «Сиз ўйлаётганингиздан камроқ тўсиқларга учрайсиз, сизлар билан тез орада ўз улусимизда учрашишимизга умид қиласман». Шундай қилиб, Чингизхон ўлка хусусиятларини ва душманнинг ҳолатини яхши биларди.

Чингизхон Самарқандни қамал қилаётган пайтда умидсизликка тушган Муҳаммад Самарқанд йўлидан Нахшабари бораётib аҳолига ўзини қутқариш учун ўзи чора кўришни, чунки унда уларни ҳимоя қила олишга етарли

жангчилар йўқлигини билдири. У ўз вазирлари ва лашкарбошилари билан давлатни қутқариш чоралари ҳақида маслаҳатлашди. Тажрибали жангчилар ҳозир Мовароуннахри ҳимоя қилиш пайти эмаслигини, Хурросон ва Ироқни ҳимоя қилиш билан чекланиш зарурлигини, қалъалардаги ҳамма қўшинни тўплаб лашкар тузишни, умуммусулмонлар қўзғолонини кўрсатиб, Жайҳун чизигини ҳимоя қилишни маслаҳат бердилар. Бошқалари эса қўшинни Ғазнига тўплашни, зарурат бўлиб қолса у ердан Ҳиндистонга яширинишни маслаҳат бердилар. Муҳаммад бу охирги маслаҳатни қабул қилишни ўйлаб туриб, лекин кейинчалик ироқлик бўлган бир вазирнинг маслаҳатига кўра Ироқи Ажам томон чекинишга қарор қилди. Вазирнинг ишонтиришича, Муҳаммад Ироқда одамлар ва қурол топа олар эди. Жалолиддин Жайҳунни ҳимоя қилишни маслаҳат берди. Муҳаммаднинг чекиниш каби ҳалокатли мақсадини билган Жалолиддин султондан мўғуллар билан жанг қилишга рухсат беришни илтимос қилиб, шундай деди: «Бахтсизлик юз берган тақдирда ҳеч бўлмаганда, халқлар бизларни лаънатларга кўмиб, биз улардан фақатгина солиқлар олганимизни ва хавф туғилган пайтда мўттуллар ғазабига дучор қилганимизни таъна қила олмайдилар».

Лекин бу илтимослар беҳуда эди. Муҳаммаднинг руҳий ҳолати жуда бир тушкун аҳволда бўлиб, нуқул: ёвузлик ва яхшиликнинг ўз чегараси бўлади, тақдирда бўлган фалокатдан қочиб қутулиб бўлмайди, юлдузларнинг қулай жойлашиш пайтини кутиш лозим, дерди. Ким уни бундай янгилиш йўлга бошлади? Унинг асирида осмон ёритқичларига қараб қилинган башоратларга ишонилган бўлса ҳам, шак-шубҳасиз, башорат қилганларнинг ўzlари бу нарсаларга ишонмас эдилар³¹.

Султон Бухоро ва Самарқанд қўлдан кетганлигини Балхда туриб эшилди. Унинг ёнидаги қўшинлари турк ёки туркманлардан ташкил топган бўлиб, уларнинг бошликлари Туркон Хотуннинг қариндошларидан эди. Улар ўз султонига суиқасд қилишга аҳд қилишди. Буни сезиб қолган Муҳаммад кечаси жойини ўзгартириб, бошқа чодирга кириб олди. Эртаси куни у кечаси чодирнинг кўплаб ўқлар билан тешиб ташланганилигини кўрди. Бу ҳол уни янада саросимага солиб қўйди. 18-апрел куни шоша-пиша Нисшопурга жўнади. Айтишларича, Муҳаммад у ерда ов ва вақтихушлик билан машғул бўлиб, аҳолига мўғулларга қаршилик қилмасликни, улардан фақат беркинишни маслаҳат берган. У мўғуллар Жайҳундан тез орада ўтмайдилар деб хаёл қилиб, қаршилик учун ҳеч қандай чора-тад-

бир кўрмади. Лекин уч ҳафтадан сўнг мўғуллар Хурсонга етиб келганликларини эшигдан Муҳаммад кўп бўлмаган мулошимлари билан ов қилишни баҳона қилиб Нишопурдан Ироққа жўнади. У чиқиб кетиши билан шаҳарда саросима бошланди.

Шу орада Жебе ва Субутой Термиз ёнида кўприксиз ва кемасиз Жайхун дарёсидан кечиб ўтдилар. Улар мешларни шоҳ-шаббалар билан тўлдириб, уларнинг устига ўз қурол-яроғларини ва бошқа буюмларини қўйиб, белларига бойладилар ва отларининг думидан ушлаб Жайхун дарёсини кечиб ўтдилар.

Бу ердан улар Балхга йўл олдилар. Шаҳар аҳолиси уларга итоат билдириб, совға-саломлар билан вакил юбордилар. Балхга ўз ҳокимларини тайинлаган мўғуллар тезда Зове шаҳри орқали Нишопурга жўнадилар. Йўл давомида учраган одамларни ушлаб, қийнаш йўли билан Муҳаммаднинг қаёққа йўналғанлигини билишга уриндилар. Ҳар бир шаҳарга таслим бўлишни талаб қилувчи кишиларни жўнатдилар. Улар шаҳар аҳолисига тез орада Чингизхон асосий кучлар билан етиб келишини, шаҳарни тоғшириш рад этилган чоғда улкан фалокатлар бўлиши мумкинлигини билдириб, пўписа қилдилар. Улар таслим бўлган шаҳарларда мўғул бошлиқларни қолдириб, уларни муҳр билан таъминлашар, кучсиз шаҳарларни босиб олишар, кучлиларини эса айланиб ўтишар эди. Чунки уларнинг асосий мақсади Муҳаммадни қувиб етиш эди. 24 май куни уларнинг илғор қисми Нишопурга етиб келди. 5 июнда эса Жебе ҳам етиб келди. Нишопур аҳолиси унга озиқ-овқат олиб келиб, ўз сultonлари асирга олинганидан сўнггина таслим бўлишларини эълон қилишди. Шунда Жебе Чингизхон номидан қуйидагиларни баён қилди: «Бошлиқлар, аъёнлар ва раият, билингларки, Худо шарқдан ғарбгача бўлган ерларни менинг ҳукмимга берди. Ким итоат этса шафқат қилинади, лекин қаршилик кўрсатгандарнинг ҳолигавой; улар ўз фарзандлари, хотинлари ва яқин кишиларни билан биргалиқда қатл этиладилар». Жебе аҳолига ўз орқасидан келаётган мўғул қисмларига озиқ-овқат етказиб беришни тайинлаб, агар қирилиб кетишини истамасалар ўз деворларининг мустаҳкамлигига ва ҳимоя қилувчиларнинг сонига ишонмасликларини тайинлади.

Йўл давомида Муҳаммад қўшинларининг бир қисми ва талон-тарожда иштирок этишни истаган разил одамлар қўшилган мўғул қисмлари Нишопурда иккига бўлиндилар. Субутой Домағон ва Самнонга, Жебе эса Мозандаронга йўл олди. Рай шаҳри ёнида улар яна бирлашдилар. Бу

шаҳарда турли мазҳабларга тааллуқли бўлган аҳолининг бир-бирига бўлган нафрати уларнинг ҳалокатига сабабчи бўлди. Шу мазҳаблардан бирига тааллуқли бўлган одамлар Жебега вакил юбориб, душман мазҳабдаги кишиларни қириб ташлашни илтимос қилди. Мўғул лашкарбошиси уларнинг хоҳишини амалга оширди, лекин кейин ўз дин дошларига хиёнат қилган одамларнинг содиқлигига ишона олмайман, деб буларни ҳам қириб ташлади.

Нишопурни ташлаб кетган Муҳаммад бу орада Қазвинга етиб келди. 30000 кишилик қўшин тўпланган бу шаҳарда у тўхтаб, ўз кучларини кўпайтирмоқчи бўлди. Лекин Рай шаҳридаги қирғинни эшитиб, қаттиқ саросимага тушди. Мўғуллар сингдирган қўрқинч шу даражада кучли эдик, натижада бу хабарни эшитган ҳокимлар, аъёнлар ва қўшин — ҳар ким ўз жонини қутқариш мақсадида бирданига тарқаб кетди.

Султон аввал Бағдодга йўл олди, кейин Филон тарафга бурилди, у ердан эса Каспий денгизи қирғоқлари бўйлаб Мозандаронга юрди. Бу ерда у мўғуллар бу вилоятга кириб, унинг савдо-сотиқ шаҳри бўлган Астробод ва асосий шаҳри Амойни талон-тарож қилганларини эшитди. Ҳар ерда мўғуллар томонидан таъқиб қилинаётган баҳтиқаро султон вилоят амирлари маслаҳатига кўра вақтинчалик Каспий денгизидаги оролларнинг бирига яширинишига қарор қилди. Ўз изини яшириш мақсадида у маҳфий равишида дengiz bўйида жойлашган бир қишлоққа келди. Бу ерда у бир неча кун бўлиб, кунда мачитга қатнади. У ерда кўз ёшларини шашқатор қилиб намоз ўқиб, агарда аввали қудрати тикланса бутун салтанатда адолат ўрнатишга вайда бериб, Худога илтижолар қилди.

Шу пайтда амакиси ва жияни Муҳаммаднинг буйруғига биноан қатл қилиниб, ерлари тортиб олинган бир Мозандарон боёни ҳамроҳлигида мўғул отлиқлари пайдо бўлдилар. Бу боён қасос олиш ва Муҳаммад унинг қариндошларидан тортиб олган ерларни қайтариб олиш ниятида мўғуллар томонига ўтган эди. Муҳаммад кемага ўтириб, қирғоқдан узоқлашишга зўрга улгурди,³² бошқалар ўзларини сувга отиб сузиб кетаётганларида мўғуллар отган ўқлардан ва чўкиш натижасида ҳалок бўлдилар. Муҳаммад эса жонини сақлаб қолди.

Оролда ўрнатилган чодирда яшаб, Муҳаммад Мозандарон аҳолисидан озиқ-овқат ва яшаш учун керакли бошка нарсалар олиб турди. Султон улар кўрсатган илтифотни ўз қўли билан ёзилган турли мансаблар берилиши ҳақидаги ёрликлар билан ёки буюмлар совға қилиб тақдирлаб турди. Кейинчалик унинг ўғли Жалолиддин улар

кўрсатган яхшиликни мукофотлашни ўзига муқаддас вазифа деб қабул қилди. Ўз ҳарамининг душман томонидан асирга олинганинги эшитган Мұҳаммад бетоб бўлиб қолди. У ўлими яқинлашиб келаётганини сезиб, фақатги на Жалолиддин салтанатни сақлаб қолиши мумкинлигини айтиб, унинг белига қилич тақди, уни ўз валида деб эълон қилиб, ака-уқаларига унинг сўзидан чиқмасликни васият қилди³³. Бир неча кундан сўнг (1221 йил 10 февралда) у оламдан ўтди. Халифа билан уруш бошлишдан аввал ҳамиша омади чопган, ўз ерларини майдада ёки кучсиз ҳукмдорлар ерларини эгаллаб олиш ҳисобига кенгайтирган Мұҳаммад қашшоқликда оламдан ўтди. Айтишларича, уни ўрашга кафани ҳам қолмаган экан*.

Мұҳаммад Жайхундан ўтишдан аввал ўз онасидан унинг ҳарами билан Мозандаронга кетишни сўраган. Чингизхон ўз навбатида онанинг ўз ўғли билан бўлган келишмовчиликларини, Мұҳаммаднинг лашкарбошиларининг кўп қисми онаси қабиласидан эканлигини билгани учун, бу имкониятдан фойдаланиб қолиш ниятида Туркон Хотун олдига одам юбориб, унга ўғлининг яхшиликни билмаслиги маълумлигини билдирган, уни Хоразмдан қувмасликка ваъда берган, агар ишонмаса Чингизхон олдига ижобий тасдиқ олиш учун ўз одамини юбориши мумкинлигини айтган, уруш тамом бўлгандан сўнг унга Хуросонни тақдим қилишга ваъда берган эди. Шундай қилиб бу ваҳший кимса душманга қарши ҳар қандай усул билан ҳаракат қилишдан тап тортмас, унга зарар етказиш ва ўзаро низо чиқариш учун ҳар бир имкониятдан фойдалана олар эди.

Чингизхон тақлифини Туркон Хотун жавобсиз қолдириб, ўғли Мұҳаммадга тегишли ерларни талон-тарож қилгач, Чингиз ўз чўлларига қайтиб кетади, деб хаёл қилиб, Мұҳаммад томонидан ўз мулкларидан маҳрум қилинган ва Хоразм зинданларида сақлангаётган боёнларни қилишдан ўtkазиш ҳақида ваҳшиёна буйруқ берди. Шундан сўнг ўзи Дористон йўли орқали Мозандаронга бориб, у ердаги тоғлардан бирида жойлашган, забт этиш мушкил бўлган Илол қалъасига жойлашиб олди. Мўғуллар бу қалъани қамал қилдилар. Қалъа тез-тез туман тушиб, ёмғир ёғиб турадиган ерда жойлашгани учун у ерлик аҳоли қурғочилик ҳоллари учун сув ушлаб турмас эди. Айтишларича, мўғуллар келганида у ерларда жуда кам бўладиган қур-

* Султон бўлган одамининг кафансиз қолишига ишониш қийин. Фикримизча Ўрта Осиёлик ёзувчилар, Мұҳаммад буткул кафангадо бўлган эди, қабилида ёзган бўлсадар, муаллиф сўзмасўз таржима орқали шу мазмунни англаган бўлса керак (*муҳарр*):

гоқчилик бошланган. Сув етишмаслиги сабабли гарнizon таслим бўлишга мажбур бўлди, аммо мўғуллар қалъани қўлга киритишлари билан ёға бошлади. Қалъадаги вазият ўта мушкуллашгач, Туркон Хотунга тезда қочишини ва набираси Жалолиддиндан паноҳ топишни маслаҳат бердилар. Шу пайтларда Жалолиддин кўп сонли қўшин тўплашга муваффақ бўлди, деган мишишлар тарқалган эди. Туркон Хотун эса, бу таклифга рози бўлишдан кўра мўғуллар қўлидаги асирик даҳшатларига дучор бўлиш афзалроқ, деб жавоб берди. Унинг бу набирасига бўлган нафрати шунчалик кучли эди.

Асирга тушган Туркон Хотун Чингизхон ҳузурига юборилди. Чингизхон Муҳаммад салтанатини босиб олгандан сўнг Туркон Хотуни Мўғулистанга жўнатди. У 1233 йил ўша ерда оламдан ўтди. Унинг арзандаси бўлган вазир Носириддин ўлимга ҳукм қилинди. Муҳаммаднинг асирига олинган ўғиллари ҳам қатл қилиндилар. Унинг қизлари Чингизхон ўғиллари ва лашкарбошиларига чўри қилиб берилди. Айтишларича, Муҳаммаднинг хотинларидан бири бир бўёқчига хотин қилиб берилган. Муҳаммаднинг ҳазинасига Чингизхон эга бўлди.

Султоннинг ўлимидан сўнг унинг ёнида бўлган уч ўғли Каспий денгизи ва Болхон кўрфази орқали Ҳоразмга етиб келишди. Тез орада улар 70000 кишилик қўшин тўплашга эришдилар. Туркман ва қанғаллардан ташкил топган бу кўшиннинг саркардалари Жалолиддиннинг қатъиятли ва мустаҳкам иродага эга эканлигини, улардан ўзига сўзсиз бўйсунишини талаб қилишини билганлари учун унга қарши фитна уюштирилар.

1221 йил 10 феврал куни Жалолиддин юқорида айтиб ўтилганидек мўғуллар қиличидан Ҳўжандан қочган Темурмалиқ бошчилик қилган 300 отлиқ билан суиқасдан қочиб қутулишга улгурди ва Ҳоразмни Хуросондан ажратиб турувчи чўлни 16 кунда босиб ўтиб, эсон-омон Насо шахрига етиб келди.

Самарқандни босиб олган Чингизхон Нахшаб атрофидаги уйларга ўз отларини боқиб семиртириш ниятида жойлашиб, у ерда 1220 йилнинг кузигача турди. Бу пайтда Муҳаммаднинг ўғиллари Ҳоразмга келиб, у ерда каттагина куч тўплаганлари Чингизхоннинг эътиборини тортди. У дарҳол Жўчи, Чигатой ва Үгадай бошчилигига Ҳоразмга қўшин жўнатди. Душманнинг Ҳоразмдан Хуросонга чекинишини кесиб қўйиш учун у Ҳоразм чўлларининг жанубий чеккасига қисмлар жойлаштириди. Жалолиддин Насога етиб келган пайтида 700 кишилик отзиқлар қисми шаҳар яқинида турар эди. Лекин бу жасур саркарда уларга

мардларча ташланиб, уларни яксон қилди ва эсон-омон Нишонурга, у ердан эса отаси томонидан мулк сифатида берилган Фазнига келиб, бу ерда қўшин тўплашга кириши. Жалолиддиндан уч кун кейин қочиб кетган акаларининг қисмати уники қадар омадли бўлгани йўқ, улар Насо яқинида мўғуллар тарафидан тор-мор қилиниб, бошларидан жудо бўлдилар. Бу бахтсиз шаҳзодаларнинг каллаларини мўғуллар ўз найзаларига илиб бутун вилоят бўйлаб кўтариб юрдилар.

Муҳаммаднинг ўғиллари кетганидан кўп ўтмай Жўчи нинг 50000 кишилик қўшини Хоразм пойтахти Урганчга яқинлашиб келди. Мўлжал бўйича улар Урганчга қишида етиб келишлари керак эди. Бу шаҳар Жайхун дарёси чап ирмоғининг икки тарафидаги жойлашган эди. Бошлиқсиз қолган шаҳар аҳолиси Туркон Хотуннинг қариндоши бўлмиш Қамарни бош қўмондон этиб сайлашди. Мўғуллар авонғори одатдагидек гарнizonни пистирмага тушириб, катта талафот берди. Қўшимча кучлар етиб келиши билан Жўчи Урганчни ўраб олиб, ҳарбий машиналар ўрната бошлади. Шаҳарга ёғдириш учун тош етишмаслиги сабабли, мўғуллар тут дарахтини думалоқ қилиб кесиб, оғир бўлиши учун сувга бўқтирилар. Мана шу тайёргарликлар пайтида улар одатдагига кўра шаҳар аҳолиси руҳиятига таъсир қилишга, гоҳ қўрқитиб уларни таҳликага солишга, гоҳ ёлғон ваъдалар билан алдашга уриндилар, кейин эса асиirlар ёрдамида шаҳар атрофидаги хандақни 10 кун ичида тўлдириб, қамални бошладилар. Улар Жайхун устига қурилган кўпирикни эгаллаб олиш учун³⁴ 3000 кишини тайинладилар, лекин уларнинг ҳаммаси ҳалок бўлди. Шу сабабдан Жўчи ва Чигатой орасида низо чиқди. Берилаётган буйруқлар бир-бирига зид бўлди, қамал ишлари суст борди, тартиб-интизом бўшашиб кетди, қамал қилинаётганлар бундан фойдаланиб мўғулларга жуда кўп талофат етказдилар. Қамал 7 ойгача чўзилиб кетди. Ниҳоят Чингизхон ўғиллари ўртасидаги низодан хабардор бўлиб, қамал қилишни Үгадайга топширди. У ўз навбатида акукаларни яраштиришга ва тартиб ўрнатишга эришиб, умумий қамални бошлади. Лекин аҳоли шаҳарнинг бошқа қисмларига чекиниб, зўр бериб ҳимояланди. Улар бир кўчадан сиқиб чиқарилсалар, бошқасига чекинардилар. Шаҳарда 7 кун давом этган жангларда аёллар ҳам ва ҳатто болалар ҳам иштирок этдилар. Шаҳарни қўлга киритгандан сўнг мўғуллар аҳолига уйларидан чиқиши, рассом ва ҳунармандларга алоҳида йиғилишни буюрдилар. 10000 дан ортиқроқ тўпланган рассом ва ҳунармандларнинг ҳаётини сақлаб қолиб, Мўгулистонга юбордилар, аҳолининг қол-

ган қисмини қиличдан ўтказдилар. Шундан сўнг шаҳар талон-тарож қилинди. Бўйдан кейин мўғуллар Жайхун тўғонларини бузиб юборишидан бошланган сув тошқини шундоқ ҳам вайрон қилинган баҳтиқаро шаҳарни текислаб ташлади.

Чингизхон ўғиллари Хоразмда урушаётган пайтида унинг ўзи 1220-йил кузида Термизга юриш қилиб, уни 10 кунлик қамалдан сўнг қўлга киритди. У ердан туриб Бадахшон ва унинг атрофларини талон-тарож қилиш учун қисмлар юбориб турди. 1221 йилнинг баҳорида Жайхунни кечиб ўтиб, Балх томонга йўналди. Балх аҳолиси унга қимматбаҳо инъомлар юбориб, итоат этншларини билдирилар. Шу пайтда у Жалолиддин Фазнида эканлигини ва унга қарши бориш учун қўшин тўплаётганлигини билиб қолди. Балх аҳолисига ишонмасдан, ҳамда ўз орқасида кучли шаҳарни қолдирмаслик учун Чингизхон шаҳарнинг барча аҳолисини ўлдиришни буюрди. Шаҳар талон-тарож қилиниб, ёндириб юборилди. Унинг истеҳкомлари эса кўмиб ташланди.

Бу ердан мўғул босқинчиси ўзи юборган лашкарлари қамалини 7 ой ушлаб турган қучли қалъаси бўлган Толуқон тоғли ўлкасига йўл олди. Чингизхон ўзи билан бирга олиб келган кўплаб асиrlарни мўғул қўшинлари олдиде туриб жангга киришга мажбур этди, чекинганларни ўлдириди. У таҳтасупа ўрнатиб, қалъа девори баландлигига турроқ ташиб келишни буюрди ва у ерга баллистлар ўрнатиб, шаҳарни ўқса тутди. Аянчили аҳволга тўшган гарнizon ёриб чиқишига қарор қилди. Отлиқ жангчилар тоғларга қочиб қутулдилар, пиёдаларнинг деярли ҳаммаси ҳалок бўлди. 7 ойдан ортиқроқ қаршилик кўрсатган қалъанинг қўлга киритган мўғуллар у ерда бирон тирик жон ҳам, бутун гишт ҳам қолдирмадилар.

Жобе ва Субутой Мозандаронга кетганларидан сўнг, Жалолиддин эришган мұваффақиятлар ҳақидаги ёлғон мишишлар Хуросон аҳолисини руҳлантириб юборди. Баъзи бир шаҳарларда қўзғолонлар бошланди. Буни эшитган Чингизхон (тахминан 1220 йилнинг өхира, яъни у ҳали Жайхун дарёсининг чап қирғоғида бўлган пайтда) Хуросоннинг обод вилоятларига 70 000 жангчига эга қўшин билан ўз ўғли Тулуйни юборди. У Амой яқинида Жайхунни кечиб ўтиб Марв томон юрди, 1221 йил 25 февралда Марвга етиб келиб Марв ва Нишопурни қўлга киритди, аҳолини қиличдан ўтказиб, шаҳарларга ўт қўйди. Нишопурни ишғол қилиш аҳолининг тиши-тирноғи билан қаршилик қилиши ва мўғулларнинг ваҳшийлиги билан эътиборни тортади. Шу шаҳарда илғор қисмлар билан Тулуй-

дан илгари етиб келган Чингизхоннинг қуёви Тўғочор ҳалок бўлди. Бу шаҳар аҳолиси айрим ҳужумлар билан мӯғулларга жуда катта зарап етказдилар. Улар ўз қисматларини билганлари учун кучли мудофаага тайёрландилар, истеҳкомларни мустаҳкамладилар, шаҳар деворларига ўқотиш учун 3000 та баллист ва тош иргитиш учун 500 та манжаниқ ўрнатдилар. Мӯғуллар кўрган тайёргарлик уларнидан ёмон эмас эди. Нишопурга қарашли ҳамма вилоятларни олдиндан яксон қилган мӯғуллар, ишғол учун 3000 баллист, 300 манжаниқ, ёнаётган нефт қўйилган хумларни улоқтирувчи 700 та машина, штурм қилиш учун мўлжаллангав 4000 наврон, 2500 қоп тош тайёрлаб қўйдилар. Қамал бошлангандан икки кун кейин, яъни 1221-йил 7 апрелда хандақ тўлдирилди. Кейинги кун деворда 70 та раҳна очишга эришилиб, 10000 кишилик мӯғуллар ишғолни бошлиди. Кўчаларда жанг олиб борган аҳоли мӯғулларга дош беролмай кейинги кун шаҳарни қўлдан бердилар. Одам ўлдириш тўрт кун давом этди. Чингизхоннинг қизи, Тўғочорнинг беваси 10000 мӯғул жангчиси билан ўзи шаҳарга кириб, дуч келган одамни ўлдиришни буюрди. Одамлар ўликлар ёнига ётиб ўзини ўлганга солиб жонини сақлаётганларини эшитиб Тулуй ҳамманинг бошини танасидан жудо қилишни, кесилган каллалардан минора (пираамида) ясашни буюрди. Шаҳарни вайрон қилиш 15 кун давом этди, шаҳар ҳаробалари ўрнига арпа экдилар. Тулуй кетаётib ертўла ва бошқа ерларда беркиниб, жон сақлаб қолган одамларни ўлдириш учун жангчиларнинг бир қисмини қолдириб кетди. Фақат 4000 тагина ҳунарманд омон қолдирилиб, Мӯғулистанга юборилди.

Қасос олишга тўйган Тулуй Ҳирот тарафга юрди. 8 кунлик қамалдан сўнг Ҳирот аҳолиси таслим бўлди. Тулуй уларни афв этиб, фақат Жалолиддинга қарашли 12000 кишилик қисми ўлдиришга буюрди. Шундан кейин ўз отасига қўшилиш мақсадида Толуқон тарафга юрди.

Бу пайтда Султон Жалолиддин қўлга киритаётган муваффақиятлар Чингизхонни безовта қила бошлади. Султон 70000 отлиқ аскар тўплаб, ўзининг (Жалолиддиннинг) ҳаракатини кузатиш ва Чингизхон ҳаракатларини пана қилиб туриш учун қўйилган 30000 лик қўшинга эга мӯғуллар лашкарбошиси Қутуқу турган Қобул ва Бомиён тарафга юрди.

Жалолиддин Қутуқуга ҳужум қилди: у ўз жангчилари-та отдан тушиб, жиловларни белларнга боғлашни ва камон билан жанг қилишни буюрди. Кун бўйи давом этган жанг ҳеч бир томонга ғалаба келтирмади. Кейинги куни Қутуқу ўз душманини, янги қўшинлар келиб қўшилди, деб

ишонтириш учун кигиз ва чопонлар орасига похол солиб ва бош қийим кийгизиб қўриқчи ясашни, уларни қўшимча отлар устига ўтказиб, туялар карвони ва аравалар орасига сафлашни буюрди. Унинг бу ҳийласи иш беришига бир баҳя қолди. Жалолиддиннинг атрофидагилар душман қаторида янги қўшинлар чизиғини кўришлари билан чекинишни маслаҳат бердилар. Лекин Султон бунга қулоқ солмасдан, аввалги кундагидек отдан тушиб жанг қилишни буюрди. Мўғуллар ўз кучларини душманнинг сўл қанотига қаратиб, ҳужумга ташландилар, лекин камонлардан ўққа тутилиб, орқага чекиндилар. Кўп вақт ўтмасдан улар яна ҳужум бошладилар. Шунда Султон карнай чалишга буйруқ берди. Ушбу шартли белгига асосан жангчилар эпчиллик билан ўз отларига ўтириб, шовқин-сурон билан ҳужумга ташландилар. Уларнинг бир қисми мўғуллар йўлини қирқиб қўйиш учун шошилди. Үраб олинишидан хавфсираган мўғуллар қочишга тушдилар. Лекин жанг майдони жарликлар билан кесилган бўлгани учун уларнинг қўшинининг кўп қисми жарларга қулагб ёки Султон аскарлари қиличидан ҳалок бўлдилар.

Аммо ғалабанинг ўзи Жалолиддин учун ҳалокатли бўлди. Үлжа бўлишаётган пайтда унинг лашкарбошиларидан — қангалилар йўлбошчиси Аминмалик ва туркманлар бошлиғи Оғроқмалик бир ажойиб араб отини талашиб қолдилар. Чингизхон мубаффақиятларининг сабабларидан бири бўлган Мұҳаммад салтанатидаги ички нифоқ унинг қулашини сўнгига етказди. Тортишиш пайтида қизишиб кетган Амин Оғроқнинг бошига қамчи билан урди. Оғроқ ранжитилганининг алами билан қўшиндан ажраб кетди. Бунинг натижасида Жалолиддиннинг қўшини ярмига қискарди.

Шу орада Чингизхон Тулуй, Чиратой ва Үгадай келиб қўшилиши билан (Жўчи Урганчин олганидан сўнг Сайхундан шимолроққа юборилган эди) 1221 йилнинг кузида Султон Жалолиддинга қарши юрди. Жалолиддин Чингизхоннинг кўп сонли кучларига қаршилик қила олмаслигига кўзи етиб, Фазнига, кейин эса Синд (Ҳинд) дарёси томонга чекинди.

Мўғул хони уни тезлик билан таъқиб қила бошлади. Синд дарёсига яқинлашганда Жалолиддин кейинги куни дарёни кечиб ўтмоқчилигини эшитиб, ўша кечанинг ўзида ўз душманини қўлга олиш учун шиддат билан кечув жойига йўналди. У Султон қўшинининг орқадаги қисмига етиб олиб тор-мор қилди ва 1221 йилнинг 9 декабрида Жалолиддиннинг ярим ой шаклида жойлаштирилган ҳамда қанотлари билан Синд дарёсига тиralган кучсизгина қўши-

нини ўраб олди. Эрта тонгда у шундай шитоб билан ҳужум қилди, бунинг натижасида Жалолиддиннинг ўнг ва сўл қанотлари тез орада тор-мор қилинди. Марказда кам кучлар билан қолган султон ёриб чиқиш мақсадида тушгача жанг қилди. Мўгуллар уни борган сари сиқиб бордилар, аммо Чингизхон тириклайн қўлга олиши буюргани учун унга ўқ узмадилар. Қутулишнинг ҳеч қандай чораси қолмаганини кўрган Жалолиддин ёнидаги бақувват отга сакраб миниб, сўнгги бора, ёвқурларча ҳужум қилиб, мўгулларни орқага силжишга мажбур этди. Кейин отини бирданига қайриб Синд томон чоптириди. У 20 фут* ба-ландликдаги қиялиқдан ўзини дарёга ташлади ва бир қўлида қалқон, иккинчи қўлида байроқни ушлаб, сузиб кета бошлади. Чингизхон дарё қирғоғига от чоптириб келиб, унинг кетидан қувишга шайланган жангчиларни тўхтатди. Уз ўғилларига Жалолиддинни ўрнак қилиб кўрсатиб, «шундай фарзандга эга бўлган отани баҳтли деса бўлади», деди.

Жалолиддин Синд дарёсидан эсон-омон сузиб ўтди. Унга шу тариқа қутилиб қолган ўзининг 4000 дан ошиқ жангчиси қўшилди ва улар Деҳли томон йўл олдилар.

Чингизхон уларни таъқиб қилиб бориш учун ўзининг иккита туманбегиларини юборди. Лекин улар султон изларини топа олмасдан ва улар учун нотаниш бўлган давлат ичкарисига киришдан хавфсираб, Синд дарёсининг юқори ўнг қирғоғи бўйлаб ҳаракат қилаётган асосий қўшин билан қўшилиш учун орқага қайтдилар (1222 йил).

Үгадай кейинчалик султон учун янги қўшинлар тўплашга имконият бериши мумкин бўлган Газни шаҳрини талон-тарож қилиш учун юборилди. Ҳисобини олиш баҳонасида шаҳардан олиб чиқилган бахтиқаро аҳоли қиличдан ўтказилди. Рассомлар ва ҳунармандлар эса Мўгулистанга юборилди. Шундан сўнг Үгадай Сеистонга юриш ҳақида ижозат сўради, лекин ҳавонинг жуда иссиқлиги сабабли Чингизхон унга рухсат бермай, орқага қайтишини буюрди.

Ҳирот шаҳри ҳам Газнининг бошига тушган кўргуликдан қочиб қутула олмади. Султоннинг мўғул лашкарбошиси Қутуқу устидан қилган ғалабасидан сўнг Ҳирот шаҳри аҳолиси мўғуллар зулмидан қутилиш учун зимдан тайёрланиб, улар томонидан қўйилган бошлиқларни ўлдирдилар. Жалолиддинни таъқиб қилиш пайтида бу воқеадан хабар топган Чингизхон аҳолини жазолаш учун Ҳиротга Элчиқадойни юборди. Евуз мўғул босиб олинган ерлардан

* Фут — 30, 48 см га teng узунлик ўлчови.

қамал ишлари учун танлаб олинган 50000 киши билан шаҳарни қамал қилишга киришди.

Ҳирот аҳолиси етти ярим ой душман ҳужумини мардонавор қайтариб турди. Лекин, ниҳоят аҳоли орасида ўзаро келишмовчилик чиқди. Мӯғуллар бундан фойдаланиб 1222 йил 14 июнда шаҳарни ёппасига ҳужум қилиш ўли билан олишга эришдилар. Қотилликлар, босқинчиликлар, вайрон қилиш ва ўт қўйишлар бутун хафта бўйи давом этди. Ўзига берилган тошириқни бажарган Элчиқадой асосий қўшин билан бирлашиш ниятида қайтиб кетди. Лекин бир неча кундан сўнг у Ҳиротга умумий қирғин пайтида қутулиб қолган одамларни ўлдириш учун 2000 кишилик қисм юборди. Айтишларича кўп сонли аҳолиси бўлган шаҳарда бор-йўғи 16 одам тирик қолган.

Чингизхон Ўгадай, Элчиқадой ва Жалолиддинни таъқиб қилиш учун Синд ортига юборилган қисмларнинг етиб келишини кутиб Синдинг юқори қисмига қараб секин харакат қилди. Улар билан қўшилгандан сўнг Синд атрофидаги қишлоғга қолди. Бу ерда унинг қўшини орасида юқумли касаллик тарқалди. Қишлоғ тугаши билан 1223-йилнинг баҳорида Чингизхон Тибет ва Ҳиндистон орқали Мӯғулистанга қайтишни мўлжаллаган эди. У йўлга тушишдан аввал ҳар бир чодирда 10 тадан 20 тагача бўлган асиirlарга кўп миқдордаги гуручни тозалашни буюрди. Бу ишни тугаллашлари билан Чингизхон уларни ўлдиришни буюрди. Тибет томон юрган қўшин қор ва қалин ўрмон билан қопланган тоғларда жуда кўп қийинчиликларга дучор бўлгани учун Чингизхон ўз режасидан воз кечиб, Пешоварга, у ердан эса Бомиёнга бориб, ёзни асосий аравалар карвони турган Болхонда ўтказди. Бу ердан ў Бухоро ва Самарқандга борди. Қишини шу ерда, асосан ов билан ўтказиб, 1224 йил баҳорида яна йўлга тушди.

Муҳаммаднинг қонга ботирилган салтанатини ташлаб чиқаётib, Чингизхон унинг онаси, хотинлари ва қариндошларига қўшин бораётган йўлда туришни буюриб, кейин эса уларни ўзи билан олиб кетди. Бу бахтиқаролар дод-фарёд қилиб ўз ватавлари билан видолашибди.

Агар зафар қучган римликлар аравалари орқасидан асирга олинган шоҳлар ўз оиласи, лашкарбошилари ва бошқалар билан борган бўлсалар, унда ярим ёввойи мӯғуллар шафқатсизлик ва инсон изтиробларига бефарқликда улардан қолиша олармидилар! Ўз улусига кириб боришдан аввал Чингизхон қўшинларига катта базм бериб кейин уларни тарқатиб юборди. Шундан сўнг 1225-йил Февралида ўзининг мероси бўлган ўрдасига кириб келди.

Чингизхон Муҳаммад салтанатининг шарқий қисмини

вайрон қилиб юрган пайтда, унинг саркардалари Жебе ва Субутой баҳтиқаро Муҳаммад изларини йўқотиб, Ироқи Ажамни ҳароб қилиб, Кум ва Қазвинни талон-тарож қилдилар, шундан кейин Табризга ўлпон олдилар. Бу шаҳар талон-тарождан катта миқдорда пул, от ва бошқа жониворлар кўрнишида ўлпон тўлаш ҳисобига сақланиб қолди. Бу ердан мӯғуллар Қаспий денгизи бўйларига қайтиб келиб, Муғон чўлларида қишлишди.

Йўл давомида талончиликдан ҳеч қачон хазар қилмайдиган туркман ва курдлар ҳисобига қўшин сонини ошириб, қиши ўртасида Туркистонга қараб юрдилар. 1221-йили Тифлис яқинидаги гуржилар қўшинини тор-мор қилиб, яна Табриз томонга юрдилар. У ердан янги ўлпон ундириб, Маҳора шаҳри аҳолисини қириб ташладилар ва Халифа Носир ерларига бориш учун Арбиль шаҳри томон ҳаракат қилдилар. Лекин ёнма-ён фақат иккита отлиқ юра оладиган тоғ йўлларидаги қийинчиликлар уларни орқага қайтишга мажбур қилди³⁵.

Улар Ҳамадонга қараб юрдилар. Бу шаҳар аҳолиси талаб қилинаётган ўлпонни тўлашга рози бўлмасдан, қаршилик кўрсатишга журъат қилди. Мӯғуллар бу шаҳар аҳолисини қиличдан ўтказиб, шаҳарга ўт қўйдилар. Кейин Ардабилга юриб, уни талон-тарож қилганларидан сўнг яна Табриз ёнида пайдо бўлдилар. Шаҳарнинг яхши мустаҳкамланганлигини ва аҳолининг қаршилик кўрсатишга тайёрлигини кўриб пул ва матолардан иборат бўлган ўлпон олиш билан чегараланиб, Аррас (Аракс) дарёси яқинидаги жойлашган Бойлақонни қамал қилиш учун йўл олдилар. Бу шаҳар яқинидаги тошлар бўлмагани туфайли мӯғуллар манжаниқдан улоқтириш учун дараҳтларни бўлак-бўлак қилиб кесдилар. 1222 йил сентябрида шаҳарни ялпи ҳужум билан қўлга киритиб, сўнг жирканч ишларни қилдилар. Аёлларни номусига тёғиб сўнг ўлдирдилар, ҳомиладор аёлларнинг қорниларини ёриб ҳомиласини йўқ қилдилар. Мӯғуллар Бойлақон атрофини ҳаробазорга айлантириб Ганжа шаҳри томонга юрдилар. Бу шаҳар аҳолиси жуда жанговар руҳга эгалигини билиб, ўлпон олиш билан қаноатландилар ва Гуржи斯顿 томон юришни давом эттиридилар. Пистирма қўйиш йўли билан 30000 кишилик гуржилар қўшинини тор-мор қилиб, Ширвои вилояти томон юрдилар. Шамоҳни талон-тарож қилиб, Дарбандни қўлга киритдилар, лекин унинг қўргонини қўлга киритолмай, шимол томонга юрдилар. Тоғлардан ошиб ўтиб, улар ўзларига қарши курашиш учун иттифоқ тузган олон, лезгин, черкас ва қипчоқларга дуч келдилар. Узаро бўлган жангда ҳеч қайси томон ғалаба қозонмади. Шунда мӯғуллар ўзларининг

синалган воситалари — ҳйла ва ҳиёнат йўлига ўтдилар. Улар қипчоқлар олдига вакил юбориб, ўз уруғдошларига қарши уруш қилишни истамасликларини, ўз қардошлари билан тинч муносабатда бўлиш ниятида эканликларини айтиб, совға-салом сифатида олтин ва қимматбаҳо кийимлар таклиф қилдилар. Бундай пуч ваъдаларга учган қипчоқлар ўз иттифоқчиларини ташлаб кетдилар. Шунда мўгуллар қипчоқлар кетгандан кейин кучсизланиб қолган душманни осонгина енгишга эришдилар. Бу пайтда қипчоқлар мўгуллар билан тузиленган тинчлик шартномасига ишониб, ёч қандай эҳтиёткорлик чорасини кўрмасдан ўз ерларига тарқаб кетдилар. Мўгуллар уларнинг изларидан бориб, тарқаб кетган қипчоқлар қисмларига қўққисдан ҳужум қилдилар. Уларнинг кўп қисмини қириб ташлаб, кейин Россия чегаралари томон юрдилар.

Соҳта чекиниш йўли билан бизнинг князларимизни Дасти Қипчоққа олиб чиқиб, ҳозирги Мариупол шаҳри яқинидаги Калка дарёси ёнида қаттиқ жанг берганлари (1224 йил 31 майда)³⁶ ва унинг натижаси бизга ўз тарихимиздан маълум. Рус қўшинларини узил-кесил мағлубиятга учратганларидан ва Днепр дарёсигача таъкиб қилиб борганларидан сўнг, мўгуллар Днепр дарёсининг куйи қисмига қараб ҳаракат қилиб, Кримга кирдилар ва Судоқ шаҳрини қўлга киритдилар. Бу шаҳар генуялкларга қарашли бўлиб, Қора денизнинг жанубий ва шимолий қирғоқлари ўртасидаги савдо омбори ҳисобланар, қипчоқлар бу ерда қуллар, мўйна, чарм ва ҳоказолар эвазига буғдой ва матолар олар эдилар.

Шу йилнинг охирида мўгуллар булғорлар ерига кириб бориб, уларни пистирмага туширдилар ва тор-мор қилдилар. Уларнинг кўпмингли қўшинидан атиги 4000 жангчигина омон қолди. Бу ердан саксинлар (?) ерлари орқали орқага қайтдилар. Шундай қилиб, улар бизга ҳарбий тарихдан маълум бўлган энг мардонавор ва моҳир ҳаракатлардан бирини амалга оширдилар.

Жебе ва Субутойнинг Қавказ ортида қилган ҳаракати билан бошқа бир ҳаракат ҳам боғлиқ эди. Лекин бу ҳаракат амалга ошмай қолди.

Жўчи Хоразмни босиб олганидан кейин 1221 йилнинг кузида Сайхун дарёсининг шимолига юборилгани ҳақида юқорида айтиб ўтилган эди. Муҳаммаднинг асосий кучлари туркман ва қанғаллардан ташкил тоғган бўлиб, улар мўгуллар таъкиб қилган шаронтда Хоразм ва Каспий денизларидан шимолда жойлашган чўлларга қочиб боришлари, бу ерда қўшилиб, Чингизхонни шимолий ерлари билан боғловчи йўлнинг ён томонида катта куч ташкил

етишлари, Чингизхонни Кавказ бўйнидан ўтиб ўз ўрдаларига Қаспий ва Орол дengizlарининг шимолий тарафидан қайтиб келиши керак бўлган Жебе ва Субутой қўшинларидан ажратиб қўйишлари мумкин эди.

Шунинг учун ўз аждодларининг улуси ва Жебе ҳамда Субутой қўшинлари билан бўладиган алоқасини таъминлаш мақсадида Чингизхон Жўчига Қаспий ва Хоразм дengизи шимолида яшовчи кўчманчи халқларни кузатиб туришни буюрди. Кейинчалик Жебе ва Субутой Кавказга кириб боргандаридан сўнг Жўчига қипчоқларга қарши боришга бўйруқ берди. Шундай қилиб, Жўчининг Ўрол ва Волга дарёлари орқасидаги қипчоқлар ерида қилган ҳаракати Жебе ва Субутой ҳаракатларини енгиллаштириш ва Чингизхон босиб олган ерларни Қаспий дengизигача кенгайтириши керак эди. Қасаллик туфайлими ёки бошқа саббларга кўрами, Жўчи ўз отаси берган фармойишини бажара олмади.

Сайхун дарёсининг шимолида, Қаспий дengизининг шарқи ва шимоли-шарқида кўчиб юрувчи туркман ва қанғаллар қабилалари қачон мўғуллар томонидан бўйсундирилгани маълум эмас. Эҳтимол уларнинг қаршилиги жiddий бўлмаган, чунки бу-қабилаларнинг бўйсундирилиши ҳақида тарихий маълумотлар йўқ. Балки мўғуллар Туркон Хотунин асирда ушлашлари сабабли, унинг таъсирида қанғал қабилаларни қурол кучи билан эмас, балки сиёsat билан кўлга ололгандирлар?

Бу юришни таҳлил қилиб, шуни кўрамизки, Чингизхон ўз муваффақиятларига Хоразм салтанатидаги ички бузилишлар, унинг қисмларининг турлилиги ва диндаги келишмовчиликлар туфайли, мана шу нуқсонлардан моҳирона фойдалана олганлиги туфайли эришди. У ўша пайтда салбчилар билан қақшатқич кураш олиб борган мусулмонларнинг диний мутаассиблигини ҳамда руҳонийлар ва бообру одамларга ҳомийлик қилиб, бошқаларига эса, эҳтимол халифа Носир орқали таъсир этиб занфлаштира олди. Сайхун дарёси бўйига етиб келиб, сulton ўз қўшинларини қалъаларга бўлиб жойлаштирганини ва ўзи билан унча катта бўлмаган қўшин олганини эшитган Чингизхон унинг хатосидан моҳирлик билан фойдалана олди. У ўз қўшинларининг фақат бир қисминигина Сайхун бўйларида жойлашган қалъаларни ишғол қилиш учун қолдириб, ўзи эса тезда Бухоро тарафга йўл олди ва бу ҳаракати билан бошлаб юборилган қамални пана қилди ҳамда Мовароуннаҳр ва унинг пойтахти Самарқандни сultonнинг бошқа ерларидан ажратиб қўйди; Бухорони кўлга киритганидан сўнг Самарқанд томонга юрди. Бу ерда Муҳаммад кам

сонли қўшинга эга эканлигини әшитиб. Субутой ва Жебени 30000 отлик билан султонга кучли қўшин тўплаш имкониятини бермаслик ниятида таъқиб қилиш учун юборди. Унинг ҳарбий саркардалари бу мураккаб топшириқини бажаришга эришдилар. Улар йўлга чиққанларидан 2 ой ўтгандан кейин (5-июлда) 1000 чақиримдан кўпроқ масосани босиб ўтиб, Нишопурга, қишига келиб Аррасга, ундан кейин Муғон чўлларига етиб келдилар. Йўл давомида Мұхаммаднинг қўшинини тўзитиб, кўплаб шаҳарларни қўлга киритдилар. Улар баҳордан қишигача 2000 чақиримдан кўпроқ масофани босиб ўтдилар. Бунда уларни тезоқар Жайҳун ҳам, қумли чўллар ҳам, баланд тоғлар ҳам — ҳеч нарса тўхтата олмади.

Чингизхон Хоразмда янги қўшин ташкил этилаётганини әшитиб, жуда катта кучлар билан ҳаракат қилиб, бу ерларни босиб олди. Кейин эса тезликда ўз муваффақиятлари билан аҳоли кайфиятини тетиклаштиришга ҳамда саркардаси Кутуқуни енгишга эришган Жалолиддинга қарши юрди. Чингизхон ҳеч бир ерда душманинг катта кучларини тўплантирмаслик учун доимо қисмлар билан ҳаракат қилди. Кейин эса, Жебе ва Субутой Кавказ бўйнидан ўтиб олганларидан сўнг, керак бўлиб қолганда уларга ёрдам бериш учун Жўчини Каспий ва Хоразм денизларининг шимолий томонига юборди. Шу билан бирга у Жўчига Хоразм салтанатини босиб олишни охирига етказиш, салтанат қўшинларининг асосини ташкил этган ва шу ерларда яшайдиган қанғал ва туркманларни мағлуб этиш ёки тарқатиб юборишни ҳам буюрди. Чингизхон узоқ давом этган ҳаракатлар ва катта майдонларда олиб боријган жанглар билан бирга кўплаб қамалларни ўюстириди, кучли қалъа ва қўргонларни мағлуб аҳолининг ўз қўли билан олишга эришди, улардан қамал ишларида ва янги ҳужум пайтларида фойдаланди, мўгуллар эса шаҳарларни олиш пайтида деярли панада бўлдилар. Мана шуларнинг ҳаммасини Чингизхон уч йилда амалга оширди!

Унинг қўшини сони ҳаддан зиёд кўп бўлган деб ҳисоблаш нотўғри бўлади. Уша даврларда унга тегишли чўл ерлар ҳозирги Манжурия, Мўғулистон ва Ҳурта Осиёнинг то Иртиш дарёсигача бўлган бир қисмини ташкил этарди. Ҳозирги Мўғулистонда бир асрлик тинчликдан сўнг, қурол кўтаришга лаёқатли 270 000 жангчи бор деб ҳисобланади. Агар бунга мўгулларга қарашли бошқа ерлардан тўплаш мумкин бўлган 300 000 кишилик қўшинни қўшадиган бўлсак, унда Чингизхон Хоразм салтанатига бостириб киришидан аввал унинг ҳарбий кучлари жами 600 000 жангчидан ошмас эди. Шимолдаги кўчманчи халқлар бир

ҳокимиятга бирлашиб Хитойга юриш қилган пайтларида ҳам бу сондан кўпроқ бўлган қўшин тўплай олмас эдиар. Лекин, Чингизхон бу қўшинлардан катта қисмини қатъий жанглар кетаётган Хитойга юбориши, маълум қисмини унга итоат этган қабилаларни ушлаб туриш учун Мўғулистанда қолдириши керак эди. Шунинг учун Муҳаммадга ҳужум бошлашдан аввал унинг қўшини 250 000 жангчидан ошиши мумкин эмас эди.

* Хулоса қилиб шуни айтишим керакки, мўғуллар томонидан қилинган қотилликлар шарқ ёзувчилари томонидан, менимча, уларга бўлган нафратлари туфайли бўрттириб кўрсатилган. Уларнинг айтишларича Урганчин олишда 2 400 000 киши, Ҳиротни олишда 1 600 000 киши ўлдирилган ва ҳоказо. Ҳўш, у ҳолда қандай қилиб бу шаҳарлар ярим йиллаб қамалга бардош бера олганлар? Биламизки, ҳатто бизнинг давримизда ҳам кўп сонли гарнizonни (айниқса қисқа вақт ичida) ярим йилга етадиган озиқ-овқат билан таъминлаш осон иш эмас. Унда қандай қилиб мўғуллар тўсатдан қилган ҳужумлари пайтида миллионлаб одамларга озиқ-овқат ғамлаш мумкин бўлган? Бу ёзувчиларнинг айтишича, мўғуллар қамал пайтида ўн минглаб тинч аҳоли кучидан фойдаланганлар. Агар мўғуллар аҳолини ўлдирадиган бўлсалар, унда бу одамларни қаердан олганлар? Бундан ташқари, Эронда доимий ички урушлар бўлиб турадиган пайтда шунча аҳоли бўлиши мумкинимди?

Хива воҳаси аҳолиси ҳаммаси бўлиб 2 миллион кишини ташкил этади, шарқ ёзувчилари ҳисоби бўйича эса фақатгина Урганчининг ўзида 2 400 000 одам ўлдирилгац эмиш! Боз устига мана шундай даҳшатли урушлар пайтида ўлганларни санашга вақт бўлганми ўзи? Мўғуллар ўлдирилган душман сони билан кеккайиб юришлари мумкин бўлгани учун атайнин бу сонни ошириб кўрсатганлар; ахир бизнинг давримизда бизда ҳам «Мусулмонларни аяш на даркор» деган иборага кўра шундай қилинадику. Мўғулларнинг ошириб кўрсатган сонлари эса ёзувчиларни чалғитган, чунки улар ўлдирилганлар сонини мўғуллардан олган бўлишлари эҳтимол.

ЧИНГИЗХОН ВА УГАДАЙНИНГ ХИТОЙГА ҚИЛГАН ЮРИШЛАРИ

(1211—1234 йиллар)

XII аср охирида Хитой қўйидаги уч қисмга бўлинган эди:

1) Шимолий Хитойни эгалловчи Нючжи империяси;

2) Сун империяси. Бу империя ҳокимлик қилувчи сұлола номи билан аталиб, жанубий Хитойни эгаллаган, шимол тарафдан Хон ва Хуанхэ дарёлари билан Нючжи империясидан чегараланған зди:

3) Тонгғут подшоҳлиги. Бу подшоҳлик Хитайнинг шимоли-шарқини эгаллаган бўлиб, унга Хасринг охирида тонгғут кўчманчи қабилаларининг бошлиғи Ли-китзин томонидан асос солинган зди. Чингизхон даврида ушбу подшоҳлик заифлашиб қолиб, нючжиларга ўлпон тўларди. Бу баҳтиқаро подшоҳлик Чингизхон учун ўтроқ халқлар билан жанг қилишда тажриба мактаби бўлиб хизмат қилган зди. Нючжилар билан уруш бошлашдан олдин Чингизхон у ерга ўч маротаба — 1206, 1207 ва 1209 йилларда юриш қилган зди. Бу юришлар Чингизхоннинг юксалиши учун поғоналар бўлиб хизмат қилди. Улар во-ситасида Чингизхон Хитойга борувчи йўлларни, ўтроқ халқлар билан уруш олиб бориш учун қандай тайёргарлик кўриш кераклигини ўрганган ва тонгғут подшоҳлигини заифлаштириб, Нючжи империяси билан бўладиган уруш учун ўнг томондан ўзининг хавфсизлигини таъминлаган зди.

Хасрда шимолий Хитой ҳозирги Манжурияда яшовчи ва бутун Осмон (Хитой) империясига ҳукмронлик қилган қидан қабилалари томонидан Тонг сулоласидан ажратиб қўйилган зди. Аммо, XII асрнинг бошида нючжилар деб аталувчи ҳамда Амур дарёси бўйларида яшовчи Тунгус қабиласининг бошлиғи Агуда қиданларни тор-мор қилиб, уларнинг императорини асирга олади ҳамда Хон ва Хуанхэ дарёлари тарафидаги шимолий Хитойни босиб олиб, ўз подшоҳлигини Олтин, яъни хитойчасига Хунн* деб атайди. Шунинг учун нючжиларни хунилар деб ҳам аташади.

Хунилар шимолий Хитойдан ташқари ҳозирги Манжурия ерларига ҳам ҳокимлик қилишарди. Хитайнинг шимолий чегараларига қўшни кўчманчи қабилалар ҳам хуниларга ҳирож тўлардилар. Бу қабилалар ўртасида ўзаро душманлик ҳукм сургани учун уларни бошқариш осон зди. Лекин, улар Чингизхон томонидан бир ҳокимиятга бирлаштирилганларидан сўнг бутун Хитойга хавф sola бошладилар. Нима учун хунилар Чингизхонга Хитой итоатида бўлган турли қабилаларни бўйсундиришга ва кучайиб кетишига йўл қўйиб бердилар, дейдиган бўлсак, буни ўша даврдаги хунилар ҳокимининг узоқни кўра билмаслиги ва

* Асл матнда «Гинь» (*муҳарр.*).

баъзи мулозимларининг сотқинлигидан (шубҳасиз Чингизхон уларга маош тўлаб турган), мазкур ҳокимиятпаратнинг ўз ниятларини моҳирлик билан яшира билганлигидан, ҳирож тўлаш шартларини қойилмақом қилиб бажарив турганлигидан ҳамда ҳукмронлик қилаётган сулолага зоҳирий итоаткорлигидан дейиш мумкин.

Чингизхон 1206-йилдан бошлабоқ хуннлар билан уруш қилиш режаларини туза бошлади. У қочоқлар ва асрлардан нючжилар императори ўз фуқароларига нисбатан ёвузликлар қилаётгани натижасида уларни ўзига қарши қилиб қўяётганини, император атрофидагилардан баъзилари Темучиндан шубҳаланиб, уни ўлдиришни таклиф қилганларини билиб олди. Бундан ғазабланган Чингизхон нючжилар ҳокими билан ҳамма алоқаларини узиб қўйди. Лекин 1210 йилгача Чингизхон ва хуннлар ўртасида ҳеч қандай очиқ ҳарбий ҳаракатлар бўлгани йўқ. Шу йили, нючжилар императори Мадаки ўлимидан сўнг унинг вориси Юн Цзи Хэй Чингизхондан ўлпон олишга ўз одамларни юборди. Вакил Хитой одатларига кўра император буйруғини Чингизхон тиз чўкиб қабул қилишини талаб қилди. Шунда Чингизхон, янги император ким, деб сўради. Вакил Юн Цзи деб жавоб берди. «Менинг ўлашимча Осмон ўғли бошқаларга ўҳшамаган бўлиши керак эди, лекин унинг олдида ўзимни таҳқирлашга муносибманми, деб иккilanаяпман», деган сўзлар билан Чингизхон вакилни қайтариб юбориб, урушга тайёргарлик кўра бошлади.

Юриш олдидан Чингизхон ўз мақсадини амалга оширишда Тангридан мадад сўради. Баланд төғ чўққисига чиқиб, тиз чўқдида, қўйидагича муножот қилди: «О боқий яратгувчи, мен ўз амакиларим Барқон ва Хамиқойни ёвузларча ўлдирган хунн императорларидан қонли қасос олиш учун қуролландим. Агар сен менинг ниятимни маъқуллассанг, ўзинг кўмак бер. Ерда эса одамлар, оққўнгил руҳлар ва ёвуз руҳлар менинг душманларимни енгиш учун бирлашишларига амр қил». Шундай қилиб, Чингизхонда қасос олишга ташалик қон тўкиш, бойлик ва ҳокимиятга ташалик билан чамбарчас боелиқ эди.

Юришта тайёргарликни тугатган Чингизхон 1211 йил март ойида Керулен дарёси бўйларидан Хитой томон йўл олди. Унинг қўшинлари фақат отлиқлардан иборат эди. Улар орасида ўрнатилган қаттиқ интизом ҳамда тўғри тузилиш буйруқ ва тартибларни аниқ бажаришга кафолат бера оларди. Жангчилар чармдан қилинган дубулға ва совут кийишган, ёй, ойболта, қилич ва найза билан қуролланган эдилар. Ҳар бир жангчи бир нечта қўшимча отга эга эди. Озуқа эҳтиёжлари учун қўшин ортидан кўпсонли

моллар подаси борар, тез ҳаракат пайтида ишлатиш учун ҳар бир жангчи ўзи билан қуритилган гўшт ва қурт олган эди.

Юришга Чингизхон билан унинг тўртта ўғли — Жўчи, Чигатой, Ўгадай ва Тулуйлар боришиди.

Юқорида мўғул қўшинлари ўтиши керак бўлган Fўби чўлларининг табиати таърифланган эди. Бунга шуни қўшимча қилиш керакки, ушбу чўл иккига — шарқий ва ғарбий қисмларга бўлинган эди.

Чўлнинг шарқий қисми торроқ, қаттиқ тупроқли бўлиб, сочиувчан қумлар кам, ўт-ўлан гарчи камчил бўлсада, ёғингарчилик пайтида ҳамма ерида ўсар, шунинг учун у ердан юриш осон эди. Бу ерларда сув ер юзасига жуда яқин жойлашгани учун бир кишининг ўзи кунига 20 тадан 30 тагача қудуқ қазий олар эди. Ҳатто бу ерларда ўтлаб юрувчи ёввойи отлар ҳам ўз туёқлари билан кавлаб сув топа олар эдилар. Мазкур шарқий қисм Манжуриядан Ордоснинг ғарбий томонигача ёйилган эди. Уша пайтларда Чингизхонга қарашли бўлган бу улкан чўлнинг ғарбий қисми икки минтақага бўлинган, жанубий минтақа Тиён-Шон (Тангритоғ) нинг жанубий тарафи бўйлаб то Ёркентгача ва Тибет чегарасигача чўзилган, шимолий минтақа эса Тиён-Шон тогининг шимолий қисмида жойлашган эди. Бу қисм жанубий минтақага қараганда сув ва ўт-ўланларга бой бўлиб, деярли Чуғуchoққача чўзилган эди. Жанубий чўлнинг ғарбий қисми асосан чуқур қумликлардан иборат бўлиб, шарқий қисмига қараганда кенгроқ, сув ва ўт-ўланлар камроқ эди. Шарқий қисмнинг эни 280 чақиримга яқин, жанубий чегарасидан узоқлашган сари ҳосилсиз ерлар тамом бўла бориб, дарёлар билан суғорила-диган, чорвачилик ва деҳқончилик учун қулай бўлган ҳосилдор ерлар бошланар эди. Унинг шимолий деворга яқин қисмида хитойликлар кўплаб подшоҳликка қарашли от ва туялар подасини боқишар эди. Чингизхон даврида бу ерда ўнгутлар яшашар, хитойлардан маош олиб уларнинг чегараларини қўриқлашар эди.

Керулендан Хитой дёворининг энг яқин еригача бўлган масофа 750 чақиримга тенг бўлиб; бу масофани 40 кунда босиб ўтиш мумкин эди. Бу йўлнинг катта қисми мол боқиши учун қулай ерлар эди.

Юришни март ойида бошлаган Чингизхон чўлни ёз чилласига қадар босиб ўтишга улгурди. У ўнгутлар ерига келганидан сўнг юришни кузда давом эттириш мақсадида, одатига кўра ёз давомида отларини яхшилаб боқди. Юқорида айтилганидек, ўнгутлар хони Олақуш Тегин 1204 йилдан Чингизхон тарафда бўлиб, яширинча (маълум

пайтгача бўлса керак) унга бўйсунган эди. Чингизхон унинг ерларига етиб келиши билан эса Чингизхон тарафига очиқдан-очиқ ўтиб олди. Бу ҳол мўғулларнинг дастлабки ҳарбий ҳаракатларини анча енгиллаштириди. Чунки хуннлар императорига тегишли отлар, туялар ва бошқа моллар подасининг кўп қисми мўғуллар қўлига ўтган эди.

Лекин, Чингизхон қайси тарафдан Хитойга кириши керак эди? Тўғридан-тўғри Пекинга юриш фойдасиз эди. У даврда Пекинда хуннлар қароргоҳи жойлашган эди. Хитойдан пойтахтга кираверишдаги тоғ йўлларида мустаҳкам мудофаа иншоотлари қурилган ва улар сараланган жангчилар билан ҳимояланган бўлиши шубҳасиз. Ҳозирги Манжурия хуннлар қўлида бўлиб, у ерлар тоғ ва ўрмонлар билан кесилган бўлгани учун, Чингизхонни орқа тарафдан ва чап қанотдан осонлик билан безовта қилиш, истеъмол учун олинган молларни қириб ташлаш ёки олиб кетиш мумкин эди. Мана шу сабаблар, эҳтимол, Чингизхонни тўғри Пекинга эмас, балки Пекиндан шимоли-ғарбда 360 чақарим масофада жойлашган Да Тхунга боришга мажбур этган бўлса керак. Лекин Чингизхон Хитойга бостириб кирадиган жойини яшириш мақсадида атайлаб Пекинга таҳдид қилган бўлиши ҳам мумкин. Бунга қуйида кўрсатиладиган хуннларнинг тоғдаги муҳим йўлларидан бирини қўриқлаб турувчи Ву Ша Пху қалъасини ҳимоя қилиш учун кўрсатма беришга улгурмаганликлари асос бўлади. Мўғуллар қалъани кучли қаршиликсиз қўлга киритиб, Да Тхун томонга, у ердан эса Буюк деворнинг иккита тармоғи орасидан Пекинга қараб юрдилар.

Бу ҳаракат сабабини тушунтириш учун Хитойнинг кўчманчиларга қарши ишлатган ҳарбий усуулларини кўриб чиқиши керак.

Хитойда хачир ва әшаклардан ташқари кўп мол боқмайдилар. Дехқончиликда ҳўқиз, туя, от, кўтос ишлатишар, зарурат бўлганда бу молларни Мўғулистон ва Тонгтутдан келтиришарди. Император саройи ва Пекиндаги қўшин учун керакли отларни Хитой деворининг шимолида ўнггувлар боқиб юрадиган император отлари орасидан топардилар. Туя, қўй ва бошқа моллар подалари ҳам ўша ерларда боқиларди. Уруш пайтида, айниқса шошилич юришлар чоғида отлиқлар, аравалар, истеъмол учун асосий восита бўлувчи бу уюр ва подалар бевосита ҳокимият ғулки ҳисобланса ҳам, лекин кўчманчи халқ чўпонлари назоратида эди. Бу молларни кўчманчи халқлардан улар фақат итоатда бўлганларида ёки фойда қўришлари мумкин бўлгандагина олишнинг иложи бўларди. Шундай қилиб, чўл халқлари билан уруш олиб бориш учун муҳим

бўлган воситалардан бири — отлиқ қўшин ташкил этиш воситаси, юк ташиш ва озиқ-овқат воситалари Хитойда ташқарида, чўлдаги халқнинг ўзларининг қўлларида эди. Чингизхон бостириб киришидан аввал аҳоли сонининг кўплиги сабабли Хитой ерларининг ичкарисида чорванинг кўрбўлмаганига шубҳа қўймасак ҳам бўлади. Шундай қилиб, императоргга қарашли отлар уюрини ўнггувлар хони кўмагида Чингизхон тортиб олишга муваффақ бўлди.

1211 йилнинг сентяброда ҳарбий ҳаракатлар бошланishi билан Чингизхон гарбий пойтахт деб аталувчи Да Тхунга кириш йўлини тўсиб турган Ву Ша Пху қалъасини қўлга киритиш учун туманбеги Жебени юборди. Жебе қалъага, унинг гарнизонини кучайтириб, мудофаа ҳолатига келтиришга улгурмасларидан ялли ҳужум билан қўлга киритишга эришди. Шундан сўнг мўғуллар Да Тхунда кўзатувчи қисм қолдириб, унинг атрофида жойлашган яна бир неча қалъаларни ҳам қўлга киритганларидан кейин, деворининг жанубий тарафи бўйлаб Пекинга юрдилар. Улар хуннлар қўшинини яксон қилиб, Бао Ан Чжеу шаҳрини қўлга киритдилар. Ноябр ойида эса тоғ дарасида қурилган ва Хитойни шимолдан пана қилиб турувчи мухим ва энг кучли қалъа Цзюй Юн (Хюйюн Хуан) га кириб бордилар. Бу орада Чингизхон ўлканн талон-тарож қилиш ва император подаларини ҳайдаб келиш учун ҳар тарафга бўлинмалар юборди. У қишига бориб император подаларини қўлга киритишга муваффақ бўлди.

Кейинги йил қиданлар хуннлар императорига қарши ғалаён кўтармоқчи эканликларини эшишиб, улар олдига Жебени юборди. У ўз навбатида 60 000 кишилик хуннлар армиясини тор-мор қилиб, уларни Ляо Дундан сиқиб чиқарди. Чингизхоннинг ўзи эса бўлинмалари билан мамлакатни хонавайрон қилишга, Да Тхун қалъасига ёрдам учун келаётган хуннлар қўшинини тор-мор қилишга эришиди. Қалъани эса қамал қилиб турди. Лекин, гарнизоннинг қаттиқ туриб ҳимояланиши ва Чингизхоннинг қалъа олдиди ўқ билан яраланиши уни қамални тўхтатишига ва Хитой девори орқасига кетишга мажбур қилди. Мўғуллар Ляо Дунни олишлари ва Хитой деворидан шимолдаги ерларни эгаллашлари билан хуннлар императорини унинг шимолий ерларидан бутунлай узиб қўйдилар.

1213-йилнинг августида Чингизхон яна Хитойга кириб, бир неча тўқнашувлардан сўнг ниюжиларни яксон қилди. У қайтиб кетишга мажбур бўлганидан сўнг хуннлар эгаллааб олган шаҳарларни яна қайтариб олиб, Цзюй Юн тарафга қараб ҳаракат қилди. Лекин хуннлар бу ерда куч-

ли гарнizon қолдирғанларини, шунинг учун бу ердан Пекингга бориш мушкул эканлигини билиб, Чингизхон қалъяни шимол тарафида кузатувчи қисм қолдирди, уни Цзи Цзин Хуандан жануби-ғарб томондан айланиб ўтиб, пойтахт атрофини шипшийден қилди. Бу орада унинг қисмларидан бири Манжурия ва Ляо Дундан Хитойга кирувчи йўлни ҳимоя қилиб турадиган Ху Бей Кхеу қалъясини эгаллаб олди. Шу пайтинг ўзида Ляо Дундан қайтаётисб Цзюй Юнга жануби-ғарбдан яқинлашган Жебе уни эгаллаб олиб, кейин шу қалъани кузатиб турган қўшинлар билан бирлашди ва Пекинни кузатиб туриш учун каттагина қисм юборди.

Бу пайтда хунилар пойхатида ғалаён бошланди. Хунилар лашкарининг бош қўмондони Гушаҳу императорни ўлдириб, ўрнига унинг қариндоши Утубуни ўтқазди. Ўз навбатида Гушаҳу ҳам ўлдирилди. Бу воқеадан сўнг тартибсизликлар янада кучайиб кетди. Аҳоли ўз шахсий ҳавфсизлиги ҳақида қайғуриб, Чингизхон тарафга ўта бошлади. Қўплаб бошлиқлар ўз жангчилари билан Чингизхон хизматига ўта бошладилар. Бунинг натижасида хунилар қўшинни сони камайиб кетди. Шундан сўнг Чингизхон Пекиннинг шимолида кузатиб турувчи қисм қолдириб, қўшинни уч қисмга бўлди ва уларни Хитойни вайрон қилиш учун юборди. Чингизхоннинг ўзи Хитойнинг ўрта қисмида ҳракат қилди. Мўғуллар гуллаб-яшнаган 90 та шаҳарни талон-тарож қилдилар. Улар бир шаҳардан асирга олингандарни ўз қўшинларининг олди қисмига жойлаштириб бошқа шаҳарга ҳужум қиласдилар. Аҳоли ўз таниш ва қариндошларини кўрганидан сўнг қаршилик қилишга ботинолмасдан таслим бўларди. Мўғуллар мана шу усул билан Хитойнинг Хуанхэгача бўлган қарийб ҳамма шаҳарларини қўлга киритишга эришдилар. Фақатгина 9 та шаҳар мўғуллар ваҳшийлигидан сақланиб қолди. Қимматбахо маъданлар, ипак газламалар, асиirlар, қорамол ва отлардан иборат сон-саноқсиз хазинани қўлга киритган мўғуллар 1214 йилнинг апрелида бирлашиб, Пекиндан шимолроқда жойлашиб олдилар.

Ўз лашкарбошиларининг Пекинга юриб, уни қамал билан олиш ва талон-тарож қилиш таклифларини рад қилиб, Чингизхон, хунилар императори олдига одам юборди ва унга қуйидагиларни айтишни буюрди: «Сенинг Хуанхедан шимол томондаги ерларингнинг ҳаммаси менинг қўлимга ўтди. Сен фақат пойтахтгагина эгасан. Тангрим сени шу қадар беҳолликка солди ва агар мен сени сиқувга ола борсам, унда буни Тангримнинг ғазаби деб қабул қилишиниг керак. Мен шундай ҳам сенинг ерларингни ташлаб

кетаман, сен лашкарбошиларимнинг ғазабини юмшатиши учун менинг қўшинимни мукофотлашни истайсанми?» Чингизхоннинг таклифига қарата хуннлар бош қўмондони императорга мўғуллар қўшини касалга чалиниб, камайиб қолган, отлари эса ҳолдан тойган, деб, жангга киришиши маслаҳат берди. Лекин вазирлардан бири Фусин шундай деди: «Бизнинг қўшинларимиз оиласлари турли вилоятларда яшайди. Агар пойтахтдан чиқиб курашсак ва мағлубиятга учрайдиган бўлсак, унда қўшинлар ўз оиласлари томон тарқаб кетадилар. Фалабага эришган чоғимизда ҳам уларга ишониб бўлмайди. Шунинг учун пойтахтни хавф остида қолдириш керак эмас». У мўғуллар кетганидан сўнг давлатнинг келажак хавфсизлигини таъминлаш чораларини кўриш мумкинлигини айтиб, тинчлик шартномасини қабул қилишини таклиф қилди.

Тинчлик шартномаси имзоланиб, мўғуллар кетганидан сўнг, Утубу пойтахтни Хуанхэ дарёсининг жанубида жойлашган Бян Гинга (ҳозирги Кай Фин Фуга) кўчиришга қарор қилди. Пекиндан беш мил узоқлашганларида Утубу ўзи билан кетаётгаян қўшин жангчиларига қамал пайтида олган от ва қуродларини топширишни буюрди. Мана шу буйруқ бажарилиши пайтида қиданлардан ташкил топгав отлиқ корпус ғазабланиб, Чингизхонга ўз итоаткорликларини билдириб ва ёрдам сўраб одам юборишади. Чингизхон тинчлик шартномасига биноан қимматбаҳо инъомлар олган ва Хитой маликасини хотинликка олган бўлишига қарамай, хуннлар орасида бошланган тартибсизликларни эшитгач, тез орада шимолий Хитойни босиб олишга умид қилиб, узоқ ўйлаб ўтирмай ҳарбий ҳаракатларни қайтадан бошлади. Чингизхон томонидан таклиф қилинган тинчлик холислик сабабли эмас, балки узоққа қаратилган мўлжал сабабли эди. Чунки Чингизхон бу пайтда ўзининг ашаддий душмани бўлган Қушлуқ қорахитойлар империясини эгаллаб олганини, Чингизхон ҳокимиятини тан олмаган найман ва меркит қабилаларининг қолдиқларини ўзига қўшиб олганини ва Мўгулистонни ўз босқинлари билан безовта қила бошлаганини билган эди.

Қидан жангчиларининг унга фуқаро бўлиш истаклари ни эшитган Чингизхон ўз ҳарбий бошлиқлари Самха ва Мингандаг тезда мўғул қисмлари ва унинг хизматига ўтган нючжилар билан қиданларга бориб қўшилишини буюрди, кейин эса умумий кучлар билан Пекинни қамал қилди. Ўз ҳукмдори томонидан ташлаб кетилган бу баҳтиқаро пойтахтозиқ-овқат етишмаслиги туфайли мўғуллар томонидан эгаллаб олиниб, 1215-йилнинг июнида ваҳшийларнинг даҳшатли зўравонликлари ва ёвузликларига дучор бўлди. Ут

кўйиб юборилган император саройи бир ойдан ошиқ ёнди. Император хазинаси Хитой деворидан ташқарида, Дол Нордан жануби-гарбда, Пекиндан шимоли-гарбда бир неча кунлик йўлдаги ерларда кўчиб юрган Чингизхонга етказиб берилди.

Пойтахт олингандан сўнг хуннлар томонидан ағдарилган Ляо (қиданлар) сулоласига мансуб, отаси хуннлар ҳокимиятида давлат вазири мансабида бўлган, ўзи эса Пекин сенатининг (Олий кенгашининг) аъзоси бўлган Елу Чусой янги ҳукмдорга итоат этиш учун ўзини унга таништиришни сўради. Чингизхон уни қабул қиласкан «Ляо ва хуни сулолалари бир-бирларига доимо душман бўлишган, мен сен учун қасос олдим» — деди. Елу Чусой эса «Бобом, отам ва мен хуннлар фуқароси эдик. Агар мен аввалги ҳукмдорим ва отамга қарши душманлик ҳиссисда бўладитан бўлсан, унда мунофиқлик қилган бўламан» — деб эътиroz билдириди. Олижаноблик билан берилган жавоб, баланд бўй, бутун юзни қоплаб олган соқол, мағур қомат, жозибали товуш Чингизхонга маъқул бўлди. У Елу Чусойнинг давлат арбоби каби фикр юритишини ва беғаразлигини юқори баҳолаб, ўзи билан олиб қолди, кейинчалик эса ҳеч қачон ундан айрилмади. Чингизхон Елу Чусойни юришларида ўзи билан бирга олиб юриб, унга ўзининг муваффақиятлари ҳақида ёритқичларнинг жойлашишига қараб башоратлар қилишни ва бу башоратларни қўй кургини кўйдириб фол очиш усули билан тасдиқлашни буюриб*, ундан ўз сиёсатининг қуроли сифатида фойдаланаарди.

Елу Чусой Чингизхоннинг ишончини тўла қозонишга эришиб, кейинчалик 20 йил вазирлик мансабида бўлган вақтида мўғулларнинг ёввойи шижоатини тийишга, уларнинг хонавайрон қилувчи ҳалокатли кучини қирқишига ва миллионлаб одамларни уларнинг очкӯзлиги ва қонхўрлигидан қутқариб қолицига эришид³⁸.

Пекинни қўлга киритган Чингизхон хуннлар императорини унинг янги пойтахтида ҳам тинч қўймади. Хуннларнинг аввалги катта ерларидан Хуанхэ дарёси ва Сун империяси чегаралари орасидаги ерлар сақланиб қолган эди. Бу ерларга шимолдан кириш кенг ва тез оқувчи Хуанхэ дарёси билан, шарқдан эса дентиз билан тўсилган, шунинг учун хуннларнинг янги пойтахтига катта қўшин билан фақатгина Хуанхэ дарёси ва тик қояли Хуа-шан тоғлари ўртасидаги энсиз дарадан кириш мумкин эди. Лекин бу

* Бу усул Ўрта Осиёлик кўчмакчи халқларда ҳозирда ҳам қўлланади (муаллиф изоҳи).

дараги хўннлар империясининг қолган қисмининг калити ҳисобланган кучли Тхун Гуан қалъаси ҳимоя қилиб турарди.

Чингизхон туманбеги Самхага ўз тумани билан Гоанго (Хуанхэ) дарёсининг бошланиш қисмидан кечиб ўтишни ва Шан Си вилояти бўйлаб ҳаракат қилиб, қўққисдан ҳужум қилиш натижасида Тхун Гуан қалъасини қўлга киритишни, кейин эса хүннлар пойтахтининг жанубий қисмига бостириб киришни буюрди. Самха ўз ҳаракатини дурустроқ яшириш ниятида тонгфутлар еридан ўтиб бориб, ноябр ойида Си Ан Фу томонга юриб, кейин қўққисдан Тхун Гуан қалъасига ташланди. Лекин уни згаллашта ишончи бўлмагани туфайли дараалардан ўтиш учун темир найзаларни бир-бирига боғлаб кўпrik ясаттириб, қалъани жанубдаги төғлар орқали айланиб ўтди. Кейин эса Жу Чжеу шаҳри орқали пойтахтга яқинлашиб борди. Лекин ундан 10 чақирим узоқликда душман томонидан тор-мор қилиниб, чекинишига ва музлаган Гоанго дарёсидан ўтишга мажбур бўлди.

Кейинги йил Самха шу ҳаракатни такрорлаб, анчагина муваффақият қозонишга эришди. У Тхун Гуан орқали ўтиб, 1216-йилнинг нояброда Жу Чжеу ва бошқа шаҳарларни қўлга киритиб, пойтахт остоналаригача етиб борди, кейин қамал қилиш учун етарла кучларга эга бўлмагани туфайли қайтиб кетишга мажбур бўлди.

Самха Жу Чжеуда бўлган пайтида империя фаровонлиги ва хавфсизлиги ҳақида ҳисобот бериб турувчи цензорлар трибунали императорга мўғуллар билан уруш олиб бориш усуслари ҳақида қўйидаги мазмунда мактуб тайёрлади: «Душман Тхун Гуан орқали давлат ичкарисига кириб, пойтахтга яқинлашыпти. У пойтахтда кучли гарнизон борлигини билиб, унга ҳужум қилишдан ўзини четта олиб, отлиқ тўдалар билан пойтахтни таъминловчи карвон йўлларини кесиб қўйиш билан чегараланяпти. Мўғул қўшинларининг бошқа қисми эса атрофдаги шаҳарларни ишғол қилиб, секин-аста пойтахтни сиқиб келишяпти. Агар биз шаҳарлар мудофааси билангина чекланадиган бўлсанак, пойтахтни озиқ-овқатдан маҳрум қилиб қўямиз, чунки жамоатга қарашли дўконлар ва одамларининг ўз захиралари, ўз вақтида Пекинда жамланган озиқ-овқатларнинг юздан бирини ҳам ташкил этмайди. Олий ҳукмдор, Сиз Шан Чжеу вилоятидаги қўшинларга Тхун Гуанин ҳимоя қилишни, Алибосга (Самханинг хитойча номи бўлса керак) қарши позицияларни згаллашни, пойтахтдаги мард офицерлардан бир неча ўн кишини танлаб, уларга кичик урушлар олиб бориш учун энг яхши жангчиларни бериш-

ни, Сарық дарёдан шимолда жойлашган вилоятлар ҳам худди шу чораларни кўришларини буюришингиз мақсадга мувофиқ бўлур эди». Самханинг биргина туман билан кўп аҳолига эга пойтахт ёнида икки маротаба пайдо бўлиши ва цензорлар трибуналининг кичик урушлар ҳақидаги таклифи император отлиқ аскарларининг камсошли бўлганинги исботлайди. Чингизхоннинг Гоангодан чап тарафдаги вилоятларни талаш пайтида отларни тортиб олиши ва император от уюрларини олиб кетиши отлиқ жангчилар қисмларини ташкил қилишга ва катта бўлмаган мўғуллар енгил отлиқ аскарлар қисмларига қаршилик қилишга тўс-қинлик қилди. Лекин пиёда қисмлар билан тоғлик ерларда партизан урушини олиб бориш ҳам мўғулларга катта талафот етказиши ва уларнинг ҳаракатларини тўхтатиши мумкин эди.

Император ўзига берилган мактубни сенат мұҳокамасига топширди. Бир пайтнинг ўзида ҳам сенатор, ҳам олий қўмондон бўлган Гао Ци «цензорлар трибунали аъзолари ҳарбий санъат ҳақида тушунчага эга эмаслар ва мудофаа урушларини тушунмайдилар», деди. Бунинг натижасида доно маслаҳат эътиборсиз қолди. Мўғуллар пойтахтга яқинлашиб келгандлари сари Гао Ци фақатгина шахсий ҳавфсизлиги ҳақида ўйлаб, вилоят ва кичик шаҳарларни ҳимоясиз қолдириб, қўшинни пойтахтга йиға бошлади ва бу билан мўғулларга уерларни вайрон қилиш учун қу-лайлик яратиб берди. Хитойлик тарихчининг сўзлари билан айтганда, Нюочжи ҳукмдори алданган, унинг империясининг ҳолати кундан-кунга мушкуллашиб борардӣ.

Чингизхон шу йили ўзи йўқлигида ўрдасида бошланган ғалаёнларни бостириш учун қайтиб кетди. У меркитларни тўзитиб, тумат ва қирғизларни тийиб қўйгандан сўнг Муҳаммадга қарши урушга тайёрлана бошлади.

Фарбга юришга тайёрланаётган Чингизхон 1217 йилнинг февралида Ляо Дундан ўз саркардаси Мухири (ёки Мохоли) ни чақириб олди. Унга ҳокимлик увонини бериб, Хитойдаги қўшинлар бош қўмондони этиб тайинлади ва хуннлар империясини батамом забт этиш вазифасини юклади. Бу мақсадда унга кўчманчи халқлардан тузилган 23 000 кишилик қўшин ва қиданлар ҳамда нюочжилардан тузилган иккита қисм берди.

Мохоли бу йилнинг ўзидаёқ хуннлар империясига кириб борди. Хуннлар бу пайтда мўғул қўшинларининг вақтинча қайтиб кетишидан фойдаланиб, Пекин ва Хитойнинг шимолий қисмларидан ташқари, Хуанхэning чап тарафидаги катта ерларни қайта эгаллаб олдилар. Мохоли аввал босиб олинган шаҳар ва қалъаларни тортиб олиши керак

эди. У озгина кучи билан тезгина муваффақиятга эриша олмас эди. Уруш чўзилиб кетди. Ниҳоят 14 йиллик урушдан толиққан хуннлар Гоанго дарёсининг чап тарафидаги ҳамма ерларни ташлаб чиқиб, 200 000 дан ортиқ саралантган жангчилардан иборат ўз кучларини шу дарёнинг жанубий тарафиға ҳамда ўзларининг жанубий пойтахтларига Тхун Гуан қалъаси орқали борувчи йўлдаги тор тоғ дарасига тўпладилар. Шуни айтиш керакки, улар 1222 йилнинг августида, яъни Чингизхон Мұҳаммад билан уруш олиб бораётган пайтда, унга тинчлик таклифлари билан элчи юбордилар. Кейин шу йилнинг кузидаги яна элчилар юбордилар. Лекин Чингизхон ҳар гал ўз талабларини ошира борди ва тинчлик шартномаси тузилмади. Моҳоли 1222 йили Цзи-нан ва Дун Пхинни қўлга киритиб, бу ердан Гоанго дарёсига, уни Тоҳ То Хот ёнидан кечиб ўтиб Тонгѓут подшолиги томонга йўналди. Қўрқиб кетган Тонгѓут подшоси унга ёрдам учун 50 000 кишилик қўшин ва совсаломлар юборди. Бу қўшинлар мадади билан кучайган Моҳоли жанубга юриб. Ян Анни қамал қалди, хуннларни эса шаҳарнинг шарқ томонидаги жарлар орасидаги пистирмага олиб кириб янчиб ташлади, лекин Ян Анни қўлга кирита олмай Шан Си вилоятининг жанубига қараб юрди. 1223-йили Моҳоли вафот этиши туфайли мўғуллар қўлга киритаётган муваффақиятлар вақтингчалик тўхтаб қолди.

Хоразм салтанатини яксон қилиб, ўз ўрдасига қайтган Чингизхон Тонгѓут билан уруш бошлаш учун қайта тайёргарлик кўра бошлади ва 1225-йилнинг охирида юришга отланди. Уруш бошлашга тонгѓутлар подшосининг ўз ўғлини гаровга беришга рози бўлмагани ва ўз хизматига Чингизхоннинг ашаддий душманларидан бирини олганлиги баҳона бўлди. Юришга тайёргарлик пайтида хуннлардан тортиб олинган вилоятларда буғдой ва ипак газламалар захираси йўқлиги Чингизхонни ҳайратга солди. Унинг лашкарбошилари хитойлик фуқаролар уларга ҳеч қандай фойда келтирмаётганлари, шунинг учун уларни битта қўймай қириб ташлаб, ерларини яйловларга айлантиришни маслаҳат бердилар. Елу Чусой бу ваҳшийликка қарши туриб, ҳосилдор ерлардан ва саноатчилардан олиниши мумкин бўлган фойдаларни кўрсатиб берди ҳамда ерларга, турли маҳсулотга, май, сирка, туз, темир ва шу кабиларга эвдида бўлган солиқлар солиш йўли билан ҳар йили 500 000 атрофида кумуш лан (1 000 000 сўм кумуш билан), 80 000 тўп ипак газлама ва 400 000 қоп буғдой олиш мумкинлигини исбот қилиб берди. Чингизхон унга бу таклифни амалга оширишни топширди, лекин бу режа фақатгина Угдай даврида амалга ошди.

1226 йилнинг февралида Чингизхон Чигатойни орқа тарафда кузатиб турувчи қисем билан қолдириб, ўзи Тонгфут ерларига қараб юрди. Йўл давомида учраган одамларни қиличдан ўтказиб, шаҳар ва қишлоқларга ўт қўйди. Мўғуллар қиличидан сақланиш учун тор ва ўнгирларга беркинган одамларнинг ҳаракатлари беҳуда эди. Ҳар юзта одамдан нари бўлса бир ёки иккитагина одам омон қоларди. Қўшиллари билан тонгфутлар пойтахти Нин Сияни ишғол қилиб, подшоҳликни талон-тарож қилган Темучин хуннлар империясини забт этиш учун юрди.

1227 йилда бир йилдан ортиқ ҳимояланана олган Цин Жеу қалъаси (Шан Дун вилоятида) мўғулларга таслим бўлди. Унинг гарнizonи қалъа ичидаги барча ҳўқиз, от ва фуқароларни еб битирган, энди навбат жангчиларга келган эди. Таслим бўлишдан ўзга чора йўқлигини кўрган қалъа бошлиғи Ли Цю Аи бу ҳақда қўшинга эълон қилишдан кўрққани учун гўё ўзини-ўзи ўлдирмоқчидек қилиб кўрсатди. Бу ҳақда аввалдан келишиб олган унинг тарафорлари мўғулларга бўйсуниб, ўз тақдирларини синаб кўришни маслаҳат бердилар. Қўшни бу таклифни қабул қилганидан сўнг қалъани топширишга қарор қилинди.

Чингизхон 1227 йилнинг майида хуннлар ерига ғарбдан кириб борди. Унинг қисмлари Пхин Лян ва Фин Сянгача етиб бордилар. Чингизхоннинг ўзи эса жазирама иссиқдан сақланиш учун вақтингчалик Лиупан тоғларига бордӣ.

Бу даврда тонгфутлар пойтахти аянчли аҳволга тушган эди. Тонгфутлар ҳукмдори Ли Хян (мўғуллар уни Шидурка деб атардилар) июл ойида шаҳарни топширишга ва итоат этишга рози бўлди, лекин топширишни бир ой муҳлатга кечиктириш учун розилик беришни илтимос қилди. Чингизхон бу таклифга розилик бериб, шу кундан бошлаб уни ўз ўғли ўрнида ҳурматлашга ваъда берди. Орадан кўп вақт ўтмасдан Чингизхон оғир касалликка чалиниб, саккиз кундан сўнг 1227 йилнинг 16 августида, 66 ёшида оламдан ўтди*.

Улум тўшагида ётган чоғида у ўз лашкарбошлари билан хуннларга қарши қилинадиган ҳарбий ҳаракатлар тўғрисида фикр юритиб, шундай дейди: «Уларнинг энг сара қўшинлари жанубдан тик қояли тоғлар билан ҳимояланган, шимолдан эса Хуанхэ дарёси билан тўсилган Тхун Гуан қалъасини қўриқлаб турибдилар. Уларни бундай

* Хитой маълумотларига кўра шуцдай. Қозонлик профессор Эрдманнинг фикрига кўра эса Чингизхон 1154—1155-йилларда туғилган ва бинобарин 72 ёшида оламдан ўтган (муаллиф изоҳи). Чингизхоннинг 72 ёшда оламдан ўтганини «Жомеъ-ат-таворих»номли асарида Рашидиддин ҳам таъкидлаган (муҳарр).

ҳолатда мағлубиятга учратиш жуда мушкул. У томонга Сун империяси орқали ўтиб олиш учун ижозат сўраш керак. Хуннларни ёқтирумайдиган бу давлат бизнинг илтимосимизга енгиллик билан розилик берса керак. Унда қўшин Дин Джев ва Тхан Чжеу (Хуанхэниң жанубида) томонга йўналиши, у ердан эса тўппа-тўғри Сун Шан тоглари орқали жанубий пойтахт Да Лян (Бян Лян) томонга юриши керак. Хуннлар императори пойтахтга ёрдам бериш учун Тхун Гуандан қўшин чақиришга мажбур бўлади. Лекин бу қўшинлар узоқ сафар машаққатларидан толиққан ҳолда етиб келишади. Ана шу пайтда уларни енгиллик билан тор-мор қилиш мумкин бўлади».

У Тонгфут ҳокими билан келишилган шаҳарни топшириш вақти келгунга қадар ўз ўлимини ҳеч кимга билдирамасликни буюради*.

Чингизхон ўлимидан сўнг давом этган ноаниқликлар даврида хуннлар империясида озгира қўшин қолдирилган эди. Бундан фойдаланган хуннлар тетикланиб, мўғуллар босиб олган ерларнинг бир қисмини қайтариб олишга эришдилар. Лекин, бўлиб ўтган қурултойда Чингизхоннинг вориси этиб тасдиқланган Ўгадай 1230 йилнинг августидаги сонли қўшин билан Хитойга юриш бошлади. Хуннлар эгаллаб олган қалъаларни қайтариб олишга эришган мўғуллар Хуанхэ дарёсини юқори қисмидан (Тоҳ То ёки Нин Ся шаҳри ёнида) ўтиб олганларидан сўнг бу ердаги 60 га яқин қалъани вайрон қилиб, Фин Сян қалъасини қамал қилдилар. Хуннлар қалъани сақлаб қолиш ниятида мўғулларга қарши қўшин юборишди, лекин жанг қатъиятсизлик билан олиб борилгани натижасида улар чекинишга мажбур бўлдилар. Узоқ қилинган қаршиликдан сўнг 1231-йилнинг майида қурол-аслаҳа ва озиқ-овқат этишмаслиги сабабли Фин Сян қалъаси таслим бўлди.

Шундан сўнг Чингизхоннинг ўғиллари хуннларнинг жанубий пойтахтига кириш ва уларга охирги зарбани бериш йўлларини қидира бошладилар. Шу пайтда мўғуллар хизматига Фин Сян қалъаси таслим бўлганидан сўнг ўтган нючжилик зобит (офицер) Тулуй ёнига келиб, Хэ Нанга кириш ва у ердан жанубий пойтахтга жанубдан Хан Чжун орқали бориб, бир ой давомида Нан Ян уездидаги Хэ Нан-

* Улимидан олдин Чингизхон Тонгфут аҳолиси пойтахтни топшириш учун шаҳардан чиққач уларнинг барини қириб ташлашни ҳам буюрган эди. Унинг лашкарбошилари бу васияти ошиги билан адод этиб, Чингизхоннинг тобутини олиб унинг ўрдаси томон йўлга тушдилар ва ўз йўлларида учраган ҳар бир кимсани қилинчдан ўтказиб бордилар; бу ҳақда қаранг: Рашидиддин «Жомеъ-ат-таворих» (мухаррар).

нинг жанубий чегарасида жойлашган Дин Чжеуга етиб олиш мумкинлигини айтади. Тулуй бу таклифнинг отаси ўлими олдидан кўрсатиб кетган режа билан ўҳашалигини эслайди. У ушбу режани Ўгадайга кўрсатади. Режа ҳарбий кенгаща кўриб чиқилгандан сўнг тасдиқланади. Сунлар императорига унинг ерларидан қўшинни ўтқазиб юборишига рухсат беришни сўраш учун элчи юборилади. Тулуйга эса жанубга, у ердан Хэ Нанга бориш топширилади.

Тулуй ўтиши керак бўлган ерлар юриш учун қийин тоғликлардан иборат бўлгани учун, қўшиилар ўзлари билан озиқ-овқат захираси ололмас, йўл давомида эса уларни топиш осон эмасди. Шунинг учун Тулуй бор-йўғи 30000 отлиқ билан йўлга тушган, асосий қўшин эса аввалги йўл билан Хуанхэ дарёси тарафга кетган эди. Асосий қўшини Тхун Гуан қалъасидан настроқда дарёнинг жанубий қирғонига ўтиб олиши, Тулуй эса бу пайтда ўз ҳаракатлари билан хуннлар кучларини ўзига қаратиб туриши керак эди. Кейин эса иккала қўшин бирлашиб, 1232-йилнинг февралида пойтахтга қараб юриши керак эди.

Тулуй Сян Гуан (Бао Цзи) дан чиққанидан сўнг, хуннлар ва сунлар ўртасидаги чегара бўлмиш Хуа тоғларидан ўтиб олиб, Хан Чжун шахрини эгаллаб олди (сентябр). Шу пайтнинг ўзида у Хан Чжунинг гарбига отлиқ қисм юборди. Бу қисм Юй Бешан тоғларидан ўтиб олиб Мян Жеу ёнида бузилган уйлардан сол ясади ва унинг ёрдамида Цзя Лин дарёсини кечиб ўтиб, Пао Нин уездини харобазорга айлантирганидан сўнг Тулуйга келиб қўшилди. Ноябр ойининг охирларида Си Чуанинг шимолий қисмлари мўғуллар томонидан забт этилди. Сун империясига қарашли ерларнинг вайрон қилинишига сабаб, мўғул қўшинларининг Сун империяси ерларидан ўтиб олишига рухсат сўраб борган мўғул элчисининг сунлар тарафидан ўлдирилиши бўлди. Бу юриш пайтида мўғуллар айниқса озиқ-овқат етишмаслиги сабабли жуда кўп қийинчиликларга дучор бўлдилар. Жангчилар ўт-ўлан ва одам гўштини ейишга, тоғдаги харсангтошларни чопиб йўл очишга, қоялар ўртасидаги йўлларни тозалаб очишга мажбур бўлдилар.

Тулуй декабрда Жао Фин Гуан қалъасини қўлга киритиб, Хон дарёси бўйинга ўрдугоҳини ўрнатди. Унинг Хэ Наннинг жанубида пайдо бўлиши хуннларни ваҳимага солди. Уларнинг ҳарбий кенгашида қўшинни пойтахтга яқин шаҳарларда жойлаштириш, озиқ-овқат ва қуроляроғларнинг катта захирасини тўплаш, текисликларда яшовчи аҳолига мустаҳкамланган ерларга яширинишга буйруқ бериш таклифи киритилди. Кенгаш қатнашчила-

рининг фикрича, узоқ давом этган юришдан толиққан мұғуллар озиқ-овқат етишмаслиги сабабли хүннлар қүшинига очиқ майдонда ҳужум қилишга ботина олмай, чекинишга мажбур бўлишлари керак эди. Бундай фикр император томонидан қабул қилинмади. Унинг ўйлашича, чўзилиб кетган уруш даврида қўшин учун бор нарсаларини фидо қилган фуқаролар мушкул шаронтда ўз ҳолларига ташлаб қўйиншлари нотўғри эди. Шунинг учун у шимолий ва жанубий чегараларни ҳимоя қилишни буюрди. Кучларнинг шу тариқа бўлинниб кетиши туфайли хүннлар ҳамма ерда кучсиз эдилар. Боз устига отлиқларнинг етишмаслиги сезилиб турар, бундан фойдаланган Тулуй ҳар бир қулай вазиятдан фойдаланиб, уларнинг қўшинларини тинмасдан хавотирга солиб турарди. Бу ҳол аввалига Самха, кейин эса Тулуй хүннлар империяси ерларига кам сонли қўшин билан киришга журъат этиб, доимо муваффақият қозонгандиги сабабларини кўрсатиб беради.

Хүннлар императорининг буйруғига биноан 1232 йилнинг январида 110 000 жангчидан иборат пиёда ва 5000 отлиқ аскар мұғулларнинг шимолий қўшинларига қарши Тхун Гуан ва унинг атрофларига қўйилган, бир қисми отлиқлардан иборат бўлган 30 000 жангчига эга қўшин Хуанхэ дарёсини кузатиб туришга тайинланган ва 150 000 жангчи эса Дин Чжеу ёнида Тулуйга қарши тўпланган эди.

Аммо Тулуй Хэ Нан чегараларида пайдо бўлиб, жанубий пойтахт бўлмиш Бянга таҳдид солганида, Тхун Гуан ва бошқа қалъаларда турган жангчиларнинг бошлиқлари мұғулларга кучли қаршилик кўрсатиш мақсадида ўша атрофларда яшовчи адолига улар ўз қишлоқлари ва қичик қўргонларидан катта шаҳарларга кўчишларини ва озиқ-овқат ҳамда юкларини Шан Чжеуга ёки тоғларнинг яқинидаги мустаҳкамланган жойларга элтишларини буторган бўлишларига қарамай, хүннлар императори мазкур қалъалардаги жангчиларга пойтахтга кўмак беришга буйруқ берди. Бошлиқларнинг юқоридаги фармойишлари бажарилиб турган бир пайтда императорнинг мазкур буйруғи етиб келди ва Тхун Гуанда турган жангчилар у ерда кучли бўлмаган гарнизон қолдириб, 100 000 пиёда ва 5000 отлиқ аскар Шан Чжеу томонга юрдилар. Аммо, шу орада Ўгайдай 1232-йилнинг январида қаттиқ қаршилик кўрсатган Пху Чжеу қалъасини қўлга киритиб, орқа томондан ўзининг хавфсизлигини таъминлади ҳамда февралда Бей Поннинг яқинида Шан Чжеудан 20 чақирим пастроқда бўлган Хэ Цин Сякнинг ёнидан Хуанхэ дарёсини кечиб

ўтди. У бу ҳаракати билан пойтахтга бораётган хунн жангчиларининг (уларнинг ортидан кўплаб аҳоли ҳам борарди) йўлини тўсиб қўйдики, улар ёриб ўта олмай Вин Сян яқинидаги тўғ йўллари томонга чекиндилар. Ёғингарчилик, ҳавонинг совуқлиги ва очлик уларни ҳаддан ортиқ ҳолдан тойдиргани сабабли, хуннларнинг бир қисми аシリкка тушишга, қолганлари эса тарқаб кетишга мажбур бўлди. Мўғуллар кучсиз гарнизони бўлган Тхун Гуан қальасини қўлга киритиб, у ерда турган, Хуанхэ ва Вей Хо орқали Шан Чжеуга юборилиши керак бўлган бир неча минг қоп буғдойни тортиб олдилар. Угадай Хуанхэдан ўтиб олганидан сўнг Тулуйга тезроқ ўзи билан қўшилиш учун етиб келишини буюрди.

Бу пайтда, яъни 1232 йилнинг январида, Хон дарёсининг ўнг қирғоғида турган Тулуйга қарши Чин Чжеу рўпарасида 150 000 жангчидан иборат хуннлар қўшини турарди. То хунн лашкарбошилари ўз душманлари Хон дарёсини кечиб ўтаётган пайтида ҳужум қилиш керакми ёки йўқлиги ҳақида баҳслашиб бўлгунларича Тулуй февралда Угадай Хуанхэдан ўтиб олгандан уч кун кейин дарёни кечиб ўтишга улгурниб, тўғри душманга қарши юриш қилди ва ўз ҳаракатлари ҳақида Угадайга хабар юборди. Хуннлар билан бошланган қақшатқич жангдан сўнг оз сонли қўшинга эга мўғуллар чекинишга мажбур бўлдилар. Лекин бошқа жангда юзга яқин отлиқлар ёрдамида душманни безовта қилиб туриб, бош қўмандонларга тегишли аравалар карвонини эгаллаб олишга эришдилар. Шундан сўнг хуннлар Дин Чжеу томонга, ундан кейин эса Бян йўналиши бўйлаб чекиндилар.

Тулуй отлиқлари томонидан тўхтовсиз безовта қилиниши, ёмғир ва қор ёғиши сабабли ҳаракатнинг секинлашиши, овқат етишмаслиги ҳамда чарвоқ туфайли ҳолдан тойган хуннлар Жу Чжеу (Хун Жеу) га етиб келганиларида, шошилинч пойтахт томон бориш ҳақида буйруқ олдилар. Лекин, у пайтда Угадай уларнинг орқа тарафидан, Тулуй эса олд тарафдан ҳужум қилишлари туфайли хуннларнинг жуда камчилиги мўғуллар орасидан ёриб чиқишига эришди. Мўғуллар уларни пойтахтга таъқиб қилиб бордилар. Уларнинг маълум қисми Жу Чжеуда жонсақлаб қолди. Тулуй ҳеч ким чиқиб кета олмаслиги учун шаҳарни баланд тупроқ девор билан ўраб, бу ердаги хунн қўшини қолдиқларини қамал қилди. Жу Чжеу олингач хуннлар қўшинларининг кўп қисми ва энг моҳир лашкарбошилар ҳалок бўлдилар.

Мўғуллар апрел ойида пойтахт атрофидаги деярли ҳамма шаҳарларни эгаллаб олдилар. Чжен Чжеу ёнида

асосий кучлар билан турған Үгадай Субутойга пойтахтни қамал қилишни топшириди.

Бян шаҳри айланаси 60 чақиримга тенг эди. Унинг тарнизионида 40 000 жангчи бор эди. Унга мадад тариқасида Хуанхэ соҳилларида турған ва бошқа ерлардаги жангчилар чақирилган эди. Шундай қилиб, шаҳар аҳолиси орасидан тўплланган 20 000 жангчидан ташқари уларга кўшимча яна 40 000 жангчи келиб қўшилган эди.

Қамал бошланиши биланоқ Үгадай хуннлар императорига таслим бўлишини таклиф қилди. Музокаралар давом этиб турған пайтда Субутой қамал ишларини тўхтатмади. Хуннларнинг билдирган эътироzlарига эса шаҳарни қамал қилиш учун буйруқ олгани ва бошқа ҳеч нарсани билмаслигини айтиб, шаҳар атрофидаги хандаққа шоҳшабба ташлатишни давом эттираверди. Минглаб хитойлик асиirlар, ҳатто хотин-қизлар, қариялар ва болалар хандақни шоҳ-шабба ва похол билан тўлдиришга жалб этилди. Ҳужумни асосан шаҳардан чиқиш бурчакларига қаратиб, бу мақсадда улар қархисига юзлаб баллист ўрнатишиди.

Бамбук дараҳтидан ясалган кўплаб катапульталар ёрдамида мӯгуллар шаҳарга 2—3 бўлакка бўлинган тегирмон тошларини иргитдилар. Бир неча кунлик тўхтовсиз отишмадан сўнг, иргитилган тошлар деярли девор баландлигига тенглашди. Миноралар ва уларнинг тепасидаги эски саройлардан олинган қалин тахталардан қурилган кўшклари катта тош бўлаклари зарбидан майдамайда бўлиб сочилиб кетди. Тошлар зарбини кучсизлантириш учун нючжилар тахталарига похол ва лойга аралаштирилган от тезагини чаплаб, устига кигиз ёки ҳўқиз териси билан ўралган тахта боғлашар эди. Шунда мӯгуллар баллистлардан оловли ўқлар ота бошладилар. Улар темирдек қаттиқ бўлган пахсадеворларда фақатгина тешиклар ҳосил қила олдилар. Бу восита билан ҳам шаҳар деворини қулата олмаган мӯгуллар шаҳар атрофида 10 фут чуқурликда ва кенглинда хандақ қазиб, унга шинак (амбразура) ва миноралар ўрната бошладилар.

Қамал қилинганлар ҳам ўз навбатида шаҳар ичкарисидаги тоғдан кесиб олинган тошларни катапульта ёрдамида иргитишар, миноралардан эса пороҳ билан тўлдирилган темир (чўян бўлса керак) хумлардан иборат оловли снарядлар отишар эди. Бў хумлар пороҳ ёниши билан 120 фут масофага учиб бориши ва темир зирҳларни тешиб ўтиши мумкин эди. Уларнинг портлаши натижасида момақалдирикдек гулдираған товуш чиқарди. Шуб-

ҳасиз, бу бизнинг давримизда бомба ва граната деб аталаётган снарядлар эди.

Шаҳар девори тагини қазимоқчи бўлган мўғуллар ҳўкиз терисини ёпиниб олиб, деворга яқинлашишар, девор тагида чуқур кавлаб, унга беркинишар эди. Қамал қилингандар бақувват занжирларга боғланган оловли снарядларни девор қазувчилар беркинганд жойга туширишар, снаряд портлаган пайтда эса бирданига бир нечта одам ўлиши мумкин эди. Улар бундан ташқари порох тўлдирилган оловли дротик (ракета) ишлатишар, бу қурол 10 фут масофадаги нарсаларни ёқиб юбора олар эди. Мўғуллар айниқса мана шу икки снаряддан жуда қўрқар эдилар.

Айтишларига қараганда, икки тарафдан миллиондан ортиқ одам ҳалок бўлишига сабаб бўлган 16 кунлик тўхтовсиз қилинганд қамалдан сўнг, шаҳарни куч билан олишдан умидини узган Субутой музокаралар давом этатдан пайтда зид муносабатларни тўхтатиб туришни таклиф қилиб, Жу Чжеу тарафга қараб чекинди ва у ерда пойтахтга юборилиши керак бўлган озиқ-овқат захирасини қўлга киритди.

Бир ойдан сўнг (июнда) хуннлар пойтахтида юқумли касаллик тарқалиб, у 50 кун давом этди. Тарихчиларнинг ёзишича, шу вақт ичида шаҳар ичкарисидан 900 000 га яқин тобут олиб чиқилган экан. Музокаралар олиб борилётган бир пайтда мўғул элчиси ўз ёнидаги 30 та муловзимлари билан Бян шаҳри меҳмонхонасида хуннлар жангчилари томонидан ўлдирилади. Бундан ташқари, хуннлар императори Шан Дун вилоятидаги шаҳарлардан бирига ҳокимлик қилувчи мўғуллар лашкарбошисини ўз хизматига олади. У бошчилик қилган шаҳар ҳам хуннлар қўлига ўтади. Воқеаларнинг бундай тус олганлиги музокараларнинг тўхтاشига сабаб бўлади.

Субутой шаҳарни қамал қилиш учун янгитдан буйруқ олиб, шаҳар билан бўладиган ҳамма алоқа йўлларини кесиб қўйди. Бунинг натижасида шаҳарда очлик бошланди. Ўз пойтахтини қутқариш мумкин эмаслигидан умидсизликка тушган хуннлар императори мўғуллар кучини пойтахтдан бошқа ёққа қаратиш ниятида бошқа мустаҳкам шаҳарга яширинишга қарор қилди. Лекин Субутой Бян шаҳрини қамал қилишни давом эттираверди. Очлик ваҳимали тус ола бошлади. Кўплаб хитойлик амалдорлар ўз хотинлари билан тиламчилик қилиб, кун кўрдилар. Шаҳар аҳолиси орасидаги баъзи одамлар ўз хотин ва фарзандларини ейишгача бордилар. Очликни қондириш мақсадида чарм буюмларни қайнатиб едилар.

Бунда уйлар, дўконлар, қаҳвахоналар бузилиб, чарм қайнатиш учун ўтин сифатида ёқилди. Ниҳоят, аҳолининг аянчли аҳволи, императорнинг шаҳардан чиқиб кётиши ва хоинликлар шаҳарни 1233 йил мӯғуллар қўлига топширишга сабаб бўлди. Субутой Ёсо қонунига биноан одамларни қиришга ва шаҳарни вайрон қилишга Угадайдан рухсат сўради. Угадайнинг бош вазирни ва ишонган кишиси бўлган Елу Чусой ҳамма рассом, ҳунарманд ва амалдорлар шу шаҳарда эканлигини, уларни ўлдиришган тақдирда бошқа ерлардан бундай одамларни топа олмасликларини айтади. Угадай унинг фикрига қўшилади ва бунинг натижасида шаҳарда бўлган - 400 000 оиласидан жони сақланиб қолади.

Бу орада мӯғуллар таъқибидан яшириниб юрган хуннлар императори Хуанхэ дарёсининг шимолдаги Хе Нан вилоятида жойлашган Цай Чжеу қалъасига жойлашиб олди. Октябрда қалъя мӯғуллар ва улар билан иттифоқчилик шартномаси тузилиши натижасида кўмакка келган Сун империяси қўшинлари томонидан қамал қилинди. Мудофаа ҳаддан зиёд қаттиқ бўлиб, қурол кўтаришга қодир эркакларнинг ҳаммаси ҳимояга жалб этилган эди. Эркакча кийиниб олган аёллар мудофаачиларга ёғоч ва тошлилар етказиб бериб турдилар. Қалъя бошлиқлари ҳимоячиларга қариялар ва болаларни ўлдириб, уларнинг ёғларидан душманга отиш учун ишлатиладиган махсус оловли ўқ тайёрлашда фойдаланишни буюрди. Қамал қилингандар уч ойгача озиқ-овқатсиз қолдилар, бунинг натижасида гарнizon эгар-жабдуқ, этиклар, эски ноғоралар ва бошқа нарсаларни истеъмол қилишга мажбур бўлди. Охирида қариялар, болалар, асиirlар ва қасалларни ейишга рухсат берилди. Гарнizonдагилар одам ва ҳайвонлар сувакларини майдалаб, ун қилишар, унга кўкатлар қўшиб ейишар, яксон қилинганд бўлинмаларнинг жангчиларини еб қўйишарди. Ниҳоят бутунлай умидсизликка тушган хуннлар императори ўзини осиб қўйди, бунинг натижасида 1234 йил шаҳар ялпи ҳужум билан қўлга олинди. Шаҳарнинг олиниши билан бирга хуннлар империяси ҳам қулади.

Шундай қилиб, хуннлар империясини аҳолисининг кўплиги ҳам, Буюк Хитой девори ҳам, қалъаларнинг қаттиқ туриб ҳимоя қилиниши ҳам, тик қоялар ҳам, умуман ҳеч нарса мӯғуллар қиличидан сақлаб қололмади. Хуннлар ҳали жанговарликларини йўқотмаган эдилар ва 20 йил давомида қаттиқ туриб ўз мустақилллари учун кураш олиб бордилар. Лекин Чингизхон кўчманчи ҳалқларни ўзига бўйсундириб, Хитой девори шимолида кўчиб юрувчи ўнгфутларни ўзига қаратиб, улар ёрдамида им-

ператор подаларини ҳайдаб кетди, Хуанхэ дарёсининг шимол тарафидаги чорва моллар ва отларни тортиб олиб, нючиларни кўплаб отлиқ аскарларга эга бўлишдан маҳрум қилди. У доимо тўсатдан ҳужум қилиш системасини қўллаб, уларга хоҳлаган пайтида ҳужум қилиб, ҳаттаки отлиқ жангчиларнинг катта бўлмаган бўлинмаси билан уларнинг ерларини талоқтарож қилиб, хуннларни кучлар мувозанатини тиклаш воситаларидан маҳрум этарди. Буннинг натижасида хуннлар фақатгина шаҳар ва қалъалар мудофааси билан чекланишга мажбур бўлдилар. Бироқ, мўғуллар бу империяни сиқиб, вайрон қилиб, доимий хавотирда тутиб, ниҳоят ундаги деярли ҳамма қалъаларнинг бир қисмини хитойликлар қўли билан, бошқаларни эса очлик воситасида қўлга киритишга эришдилар. Буларнинг бари ўша даврда яхши ташкил этилган дашт отлиқ аскарлари пиёдаларга нисбатан қандай устуникларга эга бўлганлигини ҳамда улардан моҳирлик билан фойдаланиб қандай ютуқларга эришишлари мумкинлигини кўрсатади. Бунга яна шуларни қўшимча қилиш керакки, Чингизхон урушни тайёрлашни, душманни ажратиб қўйишни, иттифоқчиларни жалб этиб, улар кучидан муваффақиятли фойдаланишни яхши билар эди. Масалан, ўнгутлар билан тузилган иттифоқ натижасида у хуннларга қарши бўлган биринчи ҳарбий ҳаракатларни енгиллаштиришга эришган, кейин қиданларга кўмак бериб, душман кучларини чалғитган ва уларни шимолдан узиб қўйган, қиданлар ва хитойликлардан қўйшин тўплаб, хуннлар сулоласидан ўз фуқароларини ажратишга эришган, кейин тонгутлардан кўмак олган ва ниҳоят хуннлар империяси билан иттифоқ тузишни маслаҳат берган эди. Умуман Чингизхон сиёsatдан худди қуролдан фойдаланган каби моҳирона фойдалана олган. Мана шу нарсаларни яхши ўзлаштириб олган Үгадай ҳам қисман таҳдид ва қисман сиёsat билан сунлар империясини хуннлар билан бўлган иттифоқдан воз кечдиришга эришди.

БОТУХОННИНГ РОССИЯГА ҚИЛГАН ЮРИШЛАРИ

(1237—1240 йиллар)

Чингизхон ҳали кўчманчи қабилалар билан жанг қилиб юрган жанговар ҳаётининг бошланиш йилларида унинг йўқлигидан фойдаланган меркитлар улусига ҳужум қиладилар. Улар улусни талонтарож қилиб, ўша пайтда ҳомиладор бўлган Чингизхоннинг хотини Бўрте Фужинни асирга олиб кетадилар. Керонлар хони Онхоннинг саъий ҳаракатлари билан Бўрте Фужин озодликка чиқади. Уз

улусига қайтиб кетаётганда у ўғил туғади. Доялар бўлмагани учун, йўл давомида боланинг ҳәётини сақлаб қолиш мақсадида буғдой унидан хамир қориб, уни гўдакка чаплайди, болани ўз кўйлаги этагида кўтариб юриб, ҳәётини сақлаб қолишга ва эсон-омон ўз улусига этиб келишга эришади. Ўз онасининг чўлдаги сафари пайтида дунёга келган, дастлабки нафасиданоқ қийинчилик ва муҳтожликка рўпара бўлган, онасининг тадбиркорлиги туфайли ўлимдан қутулиб қолган бу гўдак — бутун шарқий Европани титратган, зулмидан Россия икки аср давомида өзилган, Россия князларини қатл қилиб, ювошлик билан итоат этиб туришга мажбур этган даҳшатли хонлар ажоди Жўчи эди.

Чингизхон ўз фарзандлари ва қариндошлариға қўл остидаги ерларни бўлиб берәётганда Жўчига Орол ва Каспий денгизларининг шимолидаги ғарб томонга чўзилиб кетган ерларни, яъни унинг таъбири билан айтганда «мўғул отларининг туёғи ета оладиган жойларгача» бўлган ерларни тақдим этган эди.

Шундай қилиб, Жўчи Осиё ва Европада ўзига маъқул бўладиган подшолиқни ўзи топниши керак эди.

Хоразм султони Муҳаммадни таъқиб қилиш учун Самирқанддан юборилган Чингизхон лашкарбошилари Жебе ва Субутой Каспий денгизини жанубдан айланиб ўтиб, «Кавказ бўйни» орқали қипчоқлар ерларига кириб боргани ва Кавказ дарёси ёнида (1224 йил) рус князларини тор-мор қилганликлари ҳақида юқорида айтиб ўтилган эди. Улар Днепрга бориб, у ердан Кримга, сўнгра орқага қараб йўл оладилар. Жўчи улар билан бирлашиш учун Каспий денгизининг шимолидан улар томонга қараб бориши керак эди, лекин бу юриш амалга ошмай қолди. Мўғулларнинг Днепрга қилган юришлари ҳарбий мақсадларда, айтиш керакки, маълумот тўплаш нуқтаи-назаридан қилинганди. Юриш чорида улар ғарбда жойлашган давлатлар ҳақида маълумотлар олдилар. Кўплаб қўлга олинган асрлардан улар Россия, Венгрия, Польша ерларидаги об-ҳаво, у ерларнинг хусусиятлари, улар томонга олиб борувчи йўллар, уларнинг уруш олиб бориш усуллари, уруш даврида учраши мумкин бўлган қаршиликлар, бошқариш усуллари, аҳолининг феъл-атвори, қўшин таркиби ва сифати ҳақида кўплаб маълумотлар тўплашга эришдилар. Мўғуллар бу маълумотлардан рус ерининг удел* системаси ўзаро низолар туфайли заиф эканлигини

* Удел — қадимги русда княз қўли остидаги ўлка, вилоят (муҳарр).

аиглаб етган бўлишлари мумкин эди ва ҳеч бир шубҳа йўқки, лашкарбошилар Жебе ва Субутой ўз юришлари, ўзлари кўрган ва билган ерлар ҳақидаги етказган маълумотларга асосланиб гарбни забт этиш учун бўладиган урушлар режаларнинг асослари ўша вакъларнинг ўзидаёқ Чингизхон даҳоси билан чизиб берилган бўлиши керак.

Чингизхоннинг ўғли Жўчи шу юришни амалга ошириш учун тайинланган эди. Лекин, аввал Жўчининг, кейин эса Чингизхоннинг ўлими Россиянинг иккι асрлик зулм остига тушиш вақтини бир неча йилга чўзиб юборди. Аммо Россия учун ҳалокатли бўлган 1237 йил ҳам ниҳоят этиб келди.

Хуннлар бўйсундирилгач, 1235 йилда Ўгадай қурултой чақириди ва унда бирварақайига жанубий Хитой, Қурия, Кашмир, у ердан эса Ҳиндистон ва Европага қилинадиган юришлар ҳақида келишинб олиниди.

Европага юриш қилиш учун Жўчининг ўғли Боту укалари Үрду, Шайбон ва Тонгфут билан Ўгадайнинг ўғиллари Куюк ва Қадан, Тулуйнинг ўғли Мену ва бошқалар тайинландилар. Бу юришга Боту бош қўмондон этиб тайинланди. Илгари Шарқий Европада бўлган тажрибали ва моҳир саркарда Субутой Хитойдан чақиририб келиниб, унга ёрдамчи қилиб тайинланди. Қурултой тарқатиб юборилгандан сўнг ҳокимлар урушга тайёргарлик кўриш мақсадида ўз улусларига жўнаб кетдилар ва ўзларининг кўчиб юрувчи ерларидан секин-аста тайинланган ерларга яқинлашиб кела бошладилар.

Бу юришни баён этишдан аввал шуни қайд қилишимиз керакки, Чингизхон ҳамда унинг биринчи авлодлари томонидан бепоён ерларнинг босиб олиниши ва уларнинг доимий муваффақиятлари Иртишдан то Адриатика деңгизигача, Қама дарёсидан то Қавказ ва Дунайгача бўлган ерларни бир неча йил давомида босиб олган Ботухоннинг юришлари ҳам ёввойиларча жасурлик ва одамларнинг кўплиги эвазига эмас, балки қўшиннинг тўғри тузилиши, уларни қурол билан муомала қилишга ўргатиш, тактик ҳаракатлар олиб бориш ҳамда мўғуллар уруш қилаётган давлатлар ҳақида тўғри маълумотларга эга бўлиш ва уларга асосланиб ўтқир мулоҳазалар юрита олиш эвазига амалга оширилган деб хуроса қилишга имкон беради. Бу маълумотлар Бош штаб зобитларининг маҳсус тури ҳисобланмиш юртчилар томонидан тўпланарди. Плано Карпинининг айтишича, мўғуллар Европани 18 йилда босиб олиши мўлжаллаган эдилар. Бу ҳол олдиндан Европа ҳақидаги маълумотлар тўпланиб, босиб олиш режаси ту-

зид қўйилганини кўрсатади. Демак, Ботухоннинг мувваф-фақиятли юришларини баён қилишда уларни ёввойилар тўдасининг бостириб кириши сифатида Қараб чиқмай, балки моҳирлик билан тузилган режа асосида амалга оширилган эканлигини назарда тутишимиз керак. Бундай ҳолни мен қуида, юришларни таърифлаётганда, мўгул қўшинларининг ҳарбий санъатининг характер ва хусусиятларига асосланниб тушунтиришга ҳаракат қиласман.

Мўгуллар қўшини 1236 йилнинг февралида Иртиш дарёсининг юқорисидан ва гарбий Олтойдан юриш бошлиди. Ҳеч шубҳасиз, улар ўт-ўланлар ва тоза сув мўл бўлган, душман кўзидан пана бўлган ерлардан юрганлар ва бундай юриш кўчишлардан бошқа нарса эмас. Бундай кўчишлар пайтида кўчманчилар ўз отларни ҳолдан тойдирмайдилар, балки аксинча, яхшилаб боқишга эришадилар. Уларнинг йўли ҳозирги Қарқара, Оқмулла ва Омон-қарағай приказлари, у ердан эса ҳозирги Оренбург чизифи бўйлаб ўтган бўлиши керак. Улар июн ойигача Волгага етиб олган бўлишлари мумкин, чунки Россияга олиб борувчи йўлларда жойлашган шаҳар, қишлоқлар 1229 йил, Угадайнин хон қилиб сайлаганларидан кейин, қипчоқ, саксин (?) ва булгорларни бўйсундириш учун юборилган қўшинлар томонидан забт этилган ёки кучсизлантириб қўйилган эди. Шундоқ ҳам бу ерларда яшовчи халқлар у қадар кучли эмасдилар, чунки уларнинг ўзларига қарши тез-тез ҳужум қилиб турадиган кам сонли рус князлари дружиналарининг ҳужумларини қайташишга ҳам қурблари етмасди.

Волгага етиб келгач Субутой қўшинининг бир қисми билан булгорлар ерини босиб олиш учун борди. Тез орада у булгорларнинг бош шаҳри (Булғор?) ни қўлга киритиб, талон-тарож қилди. Бу орада Ботухон ўз ҳаракатини давом эттириб, қипчоқ, буртас, мокшан, мордва, черкас ерларини, яъни, Каспий ва Азов денгизларидан Россиянинг ўша пайтдаги чегараларигача бўлган давлатларни босиб олди.

Хўш, Ботухон Русга ҳаракатни қаердан бошлаган? Ийлномачиларимизнинг айтишларича, у рязанлик князлар билан Онузада музокаралар олиб борган. Лекин биз Онузанинг ўзи нима, давлатми, дарами, шаҳар ёки дарёми эканлигини ва қаерда жойлашганлигини билмаймиз. Агар йильтомода тилга олинган Воронеж, олдинга юборилган рязанлик дружиналарининг бир қисми унинг бўйида позиция эгаллаши керак бўлган (Дон дарёсига чап тарафдан қуюловчи ва ҳозирги Тамбов ва Воронеж губернияларидан оқиб ўтувчи). Воронеж дарёси бўлса, унда Ону-

зани ва дарё жануби ёки шарқидан қидириш керак. Чунки дружина мӯгуллардан Рязан князларини тўсиб туриши ва уларнинг илғор қисмлари ҳаракатини кузатиб туриши кераклиги шубҳасиз³⁹. У ҳолда Ботухон юқорида кўрсатилган халқлар устидан ғалаба қозонганидан кейин отларни яхшилаб боқиш ва Россияга қарши мўлжалланган урушга тайёргарлик кўриш учун рус ерларидаги Дои дарёси ирмоғи ёнига жойлашган бўлиши керак. Воронеж дарёси ёнида турган рязанлик қўшинлар тақдири нима бўлганлиги бизга номаълум. Уларнинг атиги бир қисми Рязанга чекиниб, княз Феодор Георгиевич ўлими ҳақидаги хабарни олиб келган бўлиши эҳтимол. Шундан сўнг рязанлик князлар бирлашиб, ўз дружиналари билан мӯгулларга қарши юрганлар. Жанг Рязан князлиги бўсафаларида бўлиб ўтди. Бу жанг шунчалик аянчли бўлганки, Кострома йилномаларининг биррида айтилишича, фоят қаттиқ туриб қилинган мудофаадан сўнг жангчиларнинг биронтаси ҳам тирик қолмаган экан. Мӯгуллар ўз кучларининг анчагина устунлиги ва душман хатоларидан фойдаланиб, уларни ҳар томондан ўраб олиб, ҳеч кимнинг циқиб кетишига йўл қўймаган бўлишлари керак. Шундан сўнг улар князликларни талон-тарож қилиш учун Пронск тарафга ўрмонлар ичидан юриб, 16 декабрда Рязанга етиб келишди. Мӯгуллар Рязан атрофини қуршаб, ўққа тутиши ва тўхтовсиз қамал қилиб; 1237 йил 21 декабр куни 6 куилик қуршовдан сўнг шаҳарни қўлга киритишид⁴⁰.

Ботухон қишида жанг қилишни мўлжаллаб, бу ердан шимолий Россия томонга юрди. Қишида юриш қилишнинг сабаблари маълум: йилнинг бошқа фаслларида юриш қилгандан мӯгуллар ҳаракатини бизнинг ўрмонларимиз, ботқоқликлар, кўлмаклар, дарёлар, ўша пайтларда қўшинлар ҳаракати учун ноқулай бўлган йўлларнинг ярамас ҳолати мушкуллаштирган бўларди. Шу туфайли ҳам удел князликлари даврида ўзаро урушларнинг кўп қисми қиши пайтида бўлиб ўтарди. Қиши даврида ўрмондаги дарахтлар баргсиз бўлгани учун пистирма ва қўққисдан қилинадиган ҳужумлар хавфидан қутулиш мумкин ва ўрмонда беркиниб олган душманинн топиб, таъқиб қилиш осонроқ бўлади. Ботқоқликлар, кўлмаклар ва дарёлар қишида музлаб, тўшама йўл ва кўприклар қилиш ҳамда йўл тузатишлардан халос этарди. Ёзда йўллар кўп жойларда мудофаа учун қулай ва ҳар қадамда тўсиқларга эга бўлган узундан-узоқ тор йўлаклардан иборат бўларди. Қишида эса кенг дарё музликлари ва музлаган кўллар орқали ҳаракат қилиб, мӯгуллар ёздаги каби йўл азобларига дучор бўлмасдилар. Мӯгуллар қишида юриш қилаётгандарига

қарамай вақти-вақти билан ўрмон йўлларида учта арава (чаналар бўлиши ҳам эҳтимол) ёнма-ён кета олиши мумкин бўлган масофани тозалаб боришга мажбур бўлдилар. Мақсади қўлга ўлжа киритиш бўлган кўчманчи халқлар қишида бўладиган юришни хуш кўришларининг яна бир сабаби, улар бу фаслда шаҳар, қишлоқ ва яйловларда тўплланган ўтроқ халқ бойликларини, яъни, чорва моллар, дон, пичан ва бошқа тайёр нарсаларни топиб, уларга эга бўлишарди. Бундан ташқари, қиши пайтларида аҳолининг душмандан яшириниши ҳам мушкул бўларди. Қишида хандақлар қор билан тўлиб қолиши, деворни мустаҳкамлаш эса анча қийин бўлгани туфайли ҳужум қилиш ва шаҳарларни қўлга киритиш ҳам осонлашади. Боз устига кўчманчи халқлар учун ёзги дам олиш аскарларнинг биздаги қишловига ўхшайди. Улар ёз пайтлари чўлга бориб, ўз отларини боқишилари ва янги босқинларга тайёрланишлари мумкин, қишида эса бошқалар ҳисобига яшаш, отларни ҳам қишики яйловда боқишдан кўра бирорлар пичани, арпаси ва дони билан боқиш улар учун қулайроқдир.

Лекин, нима учун Ботухон аввал шимолий Россияяга, кейин эса унинг жанубига ҳужум қилишга аҳд қилди экан? Буни ҳам тушунтириш осон. Агарда у аввало жаңубий Россияга ҳужум қиласидиган бўлса, рус князлари ўз дружиналари билан шимолий Россияга чекинишлари табиий бўлиб, бу билан қўшин сони билан ҳам, жойлар хусусияти билан ҳам жанубдан кучлироқ бўлган шимол ҳимоячилар сонини ортиришга олиб келиши, бу эса ўз навбатида шимолни босиб олишини янада мушкуллаштириши мумкин эди. Воқеаларнинг бориши бизга шуни кўрсатадики, агарда Россиянинг мустаҳкамланган шаҳарлари, айтайлик, Козелск сингари мардонавор ҳимояланиб, қамалга баҳоргача бардош бера олганларида, у ҳолда баҳорги қор эриши туфайли шимолий Россия ботқоқликлари ва ўрмонларида Ботухоннинг кўп сонли отлиқларининг ҳаракат қилиши қийинлашар, боз устига бизнинг баҳор пайтида серсув бўладиган ўтларимиз чўлдаги қуруқ ем-ҳашакка ўрганган мўғулларнинг отлари учун зарарли бўлиши Ботухонни жуда қийин аҳволга солиб қўйиши мумкин эди. Ҳатто сувнинг ўзгариши ҳам кўлгина отлар учун зарарли бўлиши мумкин. Шунинг учун касал тарқаб, отларнинг ҳалок бўлиши турган гап эди. Отларсиз эса кўчманчи халқ қўшинлари руслар устидан катта устунликка эга бўла олмас эдиар. Мўғуллар орасида «ўзотини йўқотган мўғул нимага ҳам қодир» деган матал бор. Мўғуллар отларсиз ўзларини шу қадар заиф ҳис этардилар.

Шимолий Россия қўшинларини ўзининг барча кучларини ишга солиб мағлубиятга учратган Ботухон жанубий Россияни таянчсиз қолдирди, уни босиб олишни эса бўлинмалар ёрдамида амалга ошириди. Киев остоналарида мўрулларнинг кўпсонли кучлари йиғилишига сабаб эса Ботухоннинг у ердан Венгрия ва Польшани забт этиш учун йўналганлигидадир.

Мўгуллар шубҳасиз, Россия бирлашган тақдирда кучли бўлишини ва ҳар бир князлик билан алоҳида урушиб, тезлик билан ҳаракат қилиш натижасида уларни осонлиқча енгиш мумкинлигини тушунардилар. Аммо, қандай хавфли душман билан юзма-юз турғанларини билмасликлари мумкин бўлмаган князларнинг бу қадар сўқирликларини нима билан изоҳлаш мумкин? Улар ўз кучлари бирликда эканлигини тушуниллари керак эди, лекин князлардан ҳеч қайсииси бир-бирига ёрдам қўлини чўзмади. Балки, мўгулларнинг айёрлик билан олиб борган сиёсалари бизнинг князларимиз орасидаги келишмовчиликларни кучайтириб, кейин эса Ботухоннинг, биз қўйида кўрадиган, моҳирлик билан тез қилган ҳаракатлари уларнинг бирлашишига йўл қўймагандир? Ботухоннинг буюк ғалабаларини фақатгина унинг қўшинларининг сони кўплигига йўйиш керак эмас. Ксеркс, Доро ва салибчиларнинг бундан-да кўп сонли қўшинлари ҳам ҳеч қандай фойда келтирмасдан ҳалок бўлганликларини тарих бизга кўрсатиб турибди. Доимий муваффақиятга доимо ўткир фикр юрита олиш, ишига моҳирлик ва кучли ирода ҳамроҳ бўлади.

Мўгуллар Рязани қўлга киритгандан сўнг Коломнага бордилар. У ерда русларни тор-мор қилиб, кейин Москвага қараб юрдилар. Улар Москвадаги омборларда сақланётган молларни талон-тарож қилиб, 1238 йил 3 февралда Владимирга етиб келдилар. Демак, 21 декабр (Рязани қўлга киритиш вақти)дан ҳисоблайдиган бўлсақ, Ботухон 43 кун деганда Владимирга етиб келган эди. Шунни айтиш керакки, эски Рязандан Коломна ва Москва орқали Владимиргача бўлган масофа 420 чақирим бўлиб, уни 28 кунда босиб ўтиш мумкин эди. Лойгарчилик бошлинишдан аввал бой савдо шаҳарлари ҳисобланган Новгород ва Псковга етиб олиш учун шошилиши қерак бўлган Ботухон икки ҳафталик вақтни нима сабабдан бой берди экан? Ийномачилар бу сусткашлик ҳақида ҳеч нарса деманглар. Эҳтимол, уни йиљномачилар қайд этмаган шаҳарларни қамал қилиш ёки мағлубиятдан қутулиб қолган рязанлик дружиналарни таъқиб қилиш учун ушлаб қолган бўлиши ва ниҳоят, Ботухон щимол тарафга узоқ

юриш бошлашдан аввал бу вақтни⁷ Рязан князлигига озиқ-овқат түплашга, уларни қишида ташиш учун эса ҳайдовчилар, чана, арава ва отларни йиғишига сарф қилган бўлиши мумкин. Бу ерда, нима учун Ботухон Рязандан тўппа-тўғри Владимирга бормасдан, Москва орқали 160 чақиримлик айланма ҳаракат қилиб, бунга яна 10 кун сарф қилди экан, деган яна бир савол туғилади. Владимирни қўлга киритгандан сўнг у Коломна ва Москвани алоҳида қисмлар билан қўлга киритиб, талон-тарож қилиши мумкин эди. Демак, бу ерда маҳсус мулоҳазалар кўзда тутилган бўлиши керак. Москвага бўлган ҳаракат шубҳасиз, Владимирлик дружиналарнинг Новгород ёки Псковга чекинишининг олдини олиш ва бу билан мўгуллар қароргоҳидан узоқдаги, ботқоқлик ва ўрмонлар билан тўсиљган жанговар жумхуриятларнинг кучайишига йўл қўймаслик ҳамда мағлубиятдан омон қолган Владимирлик дружиналарни қириб ташлаш осон бўлиши учун қарама-қарши, тарафга улоқтириб ташлаш мақсадида қилинган эди⁴¹.

Владимирга етиб келган Ботухон буюк княз пойтахтда йўқлигини билди. 7 феврал куни шимолий томондаги олтин дарвоза ва Клязма тарафдан ялпи ҳужум қилиб шаҳарни қўлга киритган Ботухон буюк князликни талон-тарож қилиш учун бўлинмалар ажратганидан сўнг қисқа вақт давомида ундаги барча қалъаларни эгаллаб олиб, омон қолган Владимирлик дружиналарга қарши қўққисдан ҳужум қилишига тайёргарлик кўрди.

Ўз қўшинларининг кучсизлигини сезган буюк княз Георгий олдинроқ Владимирдан чиқиб, Сити дарёси ёнида Россиянинг жанубидан мадад кучлари келишини кутиб турди. Бу позицияни эгаллаш, шубҳасиз, ўша давр мулоҳазаларига асосланган эди. У чекиниш йўлида мадад кутиб турган ўз қўшинларини озиқ-овқат билан таъминлай олиш мумкин бўлган, ўз дружинаси билан қулай ҳаракат қила оладиган, сиқув ёки мағлубиятга учраган пайтда эса анча хавфсиз пункт ҳисобланган Новгородга чекина олиши мумкин бўлган позицияни танлаши керак эди. Владимирдан Новгородга борадиган тўппа-тўғри ва энг яхши йўл Москва ва Твер орқали ўтарди. Мана шу йўлдаги позиция уни жанубий Россиядан кутилаётган мадад кучларига яқинлаштиради. Шунинг учун Георгий Владимирдан Тверга юриши лозим эди. Лекин мўгулларнинг Москвага ҳаракат бошлиши, кейин эса мўгуллар кучсиз бўлинмасининг Торжокка юборилиши унинг кутилаётган мадад кучлари билан қўшилиши учун мана шу йўл бўйлаб ҳаракат қилишига тўсқинлик қилди. Шунда Георгий

Владимирдан Углич ва Бежецк орқали Новгородга борувчи шимолий йўлдан кетишга мажбур бўлди. Сити дарёси яқинидаги позиция, Волга дарёси билан тўсилган (дарё бу мақсад учун фақат муз эригандагина хизмат қила олар эди) ва 1) Владимирдан Боровичи орқали, 2) Вишний Волочок орқали, 3) Торжок орқали ҳамда 4) Осташков орқали Новгородга борувчи йўллар тугунида жойлашган эди. Буюк княз шароитга қараб Белозерск йўли ёки шу йўллардан бири орқали чекиниши мумкин эди. Новгородликларнинг булғорлар ва умуман ҳозирги Россиянинг шимоли-шарқи билан савдо алоқалари ривожланган бўлганлиги туфайли бу йўллар бошқа йўлларга қараганда яхши аҳволда бўлган бўлиши керак. Маълумки, қаерда савдо ривожланган бўлса у ерда озиқ-овқат билан таъминлаш масалалари ҳам яхши йўлга қўйилган бўлади. Владимир князининг позицияси Угличдан Бежецкка борувчи йўлдаги, ҳозирги Твер ва Ярославл губерниялари чегарасида бўлганлиги ҳақиқатга яқинроқ.

Ботухоннинг тезкор ва моҳир ҳаракатлари Георгий ниятларини пучга чиқарди. Владимирдан Сити дарёсига-ча бўлган масофа 16 кунлик йўл. Владимирнинг қўлга киритилиши 7 февралда рўй берган, Сити дарёсидаги жанг эса 4 марта бўлиб ўтди. Демак, мўғуллар уч ҳафтадан сал ошиқроқ вақт ичида бизнинг энг кучли князликларимиздан бирини қўлга киритишга, унинг мустаҳкамланган шаҳарларини таслим қилишга ва Сити дарёси-га чиқиб олишга улгурдилар — нақадар ҳайратомуз тезкорлик! Қисмларга бўлинган Ботухон қўшинлари Владимир князликларини талон-тарож қилиб бўлгач, Твер ва Ярославл орқали бирин-сирин ғарбга яқинлашиб борди. Улар Георгий эгаллаган позиция қанотини (ўнг қанотни бўлиши керак) жуда моҳирлик билан айланиб ўтдилар. Русларнинг разведка учун юборилган кичик бўлинмаси князга татарлар уларни айланиб ўтиб, яқинга келиб қолганлари ҳақида хабар берган. Буюк княз ўз дружиналарини жойлаштира бошлаган эди ҳамки мўғуллар қанотда пайдо бўлиб, бизнинг қўшинларимизга хужум қилдилар ва уларни батамом яксон қилдилар. Княз эгаллаган позициядан 20 чақирим шимолроқда Могилици деган қишлоқ бор. У ерда ҳозирга қадар Сити дарёси бўйида татарлар томонидан русларнинг қирғин қилиниши ҳақидаги қайғули хотира сақланиб қолган. Буюк княз уерларга улоқтириб ташланиб, таъқиб қилиниши натижасида дружинанинг қолдиқлари билан биргалиқда ҳалок бўлган бўлиши эҳтимол.

Бу жанг 4 марта бўлиб ўтди. Торжок эса икки ҳаф-

талиқ қамалдан сүнг, 5 мартда қўлга киритилди. Демак, Торжокни Сити дарёси ёндаги жангда қатнашмаган махсус қисм қамал қилган⁴². Сити дарёсидан, тўғрироғи Могилици қишлоғидан Торжокка 12 кунлик йўл. Шунинг учун Сити дарёсидан Торжокка мўгуллар 16 ёки 17 март куни кела олишлари мумкин эди ва бу ердан Новгородга ҳамма кучлари билан бу вақтдан олдин йўналишлари мумкин эмасди. Торжокдан Новгородгача тўғри йўл билан 20 га яқин манзилни ўтиш керак. Мана шу йўл давомида Ботухон қор билан қопланган Валдай тоғлари водйларидан, лойгарчилик пайтларида эса жанговар жумҳуриятлар кўзи олдida Бронницк ботқоқликларидан, Мста ва Волхов дарёларидағи кечув жойларидан ўтиб олиши керак эди. Агар бу йўналишда ҳаракат қилсалар жанговар жумҳурият қўшинларига псковлик дружиналар ёрдамга келишлари мумкин эди.

Селигер йўли деб номланган бошқа йўл Осташков шаҳри (қишида Селигер кўли орқали) ва Эски Рус (қишида Илмен кўли орқали) томон йўналган эди. Ботухон иккичи йўл билан ҳаракат қилиб, икки жанговар жумҳурият алоқа қилиб турувчи йўл томон борди ва бу билан уларнинг кучларини бир-биридан ажратиб қўйди. Бу йўл давомида ва савдо-сотиқ ривожланган бу икки шаҳар орасидаги ерларда кўплаб аҳоли яшаган бўлиши, шунинг учун у ерларда озиқ-овқат кўп бўлган бўлиши керак. Гарчи бу йўл тўғри йўлдан олти манзил узоқроқ бўлса ҳам, мана шу сабаблар Ботухонни асосий кучлар ўтиши учун Селигер йўлинни танлашга ундан бўлиши шубҳасиз. Лекин Ботухон ўз кучлари устунлигидан фойдаланиб, Торжокдан тўғри йўл бўйлаб Вишний Волочок, Валдай ва Крестцидан Новгородга бориш учун қисм ажратди. Йўлдаги ҳаракатнинг тезкорлигига қарамасдан, бошланган лойгарчилик уни кейинги юришдан воз кечишга, Новгородга 200 чақирим қолганда ва Торжокдан 200 чақирим узоқлашганда, яъни 15 манзил ўтиб, орқага қайтишга мажбур этди. Шундай қилиб, Ботухон март ойининг охирида орқага қайтишга қарор қилди. Новгородга у апрел ойининг ўрталарида келишга улгуар, бу ерда эса баъзида март ойидан бошлабоқ кунлар илиб, дарё ва кўлларни қопланган музлар эрий бошларди. Мўгуллар Рязандан юқорида кўрсатилган асосий йўналишлар бўйича юрилмаган қорчи ерлардан камида 1000 чақирим масофани босиб ўтдилар. Фақатгина чўлда яшовчи халқ чавандозлари ундан юришга дош бера олардилар ва эҳтимол улар ҳам анчагина талафот кўрган бўлсалар керак. Улар олдida турган қийинчиликлар бундан кам эмасди: лойгарчилик, ўрмон-

лар, Новгород ботқоқликлари, жуда катта ва жанговар шаҳарни ишғол қилиш, Новгород атрофидаги дашт отлари истеъмол қилиши учун ярамайдиган серсув ўтлар ва ҳоказолар шулар жумласидандир. Отлиқлардан ташкил топган кўпсоғонли қўшинни узоқ давом этадиган қамал пайтида озиқ-овқат билан таъминлаш ҳам катта қийинчиликлар туғдиради. Новгородликлар ва псковликлар орасида ҳарбий истеъоддга эга одамнинг пайдо бўлиши, қатъйлик ва мардлик, шубҳасиз, Новгородни қамал қилишнинг бир неча ойларга чўзилиб кетишига сабаб бўлиши мумкин эди. Мўғулларнинг отлари нам ва ботқоқ ерлар, серсув ўт, чивин ва сўналар чақиши таъсирида касалланиб ўлиши натижасида Ботухон ўта оғир аҳволга тушиб қолиши мумкин эди. Ботухон ўзининг қандай хавф-хатар остида қолганлигини Новгородга 200 чақирим қолганда бошлиган ҳаракатини тўхтатиб, орқага қайтишга мажбур бўлганида, савдо шаҳарлари ҳисобланган Новгород ва Псковдек бой ўлкани қўлидан чиқариб, ўз қисмларини орқага қайтарганидаёқ тушунган бўлиши керак. Балки, ўша даврдаги бой савдо шаҳарларидан бири бўлган Смоленск ҳам шу сабабларга кўра омон қолгандир?

Ийномада Ботухон «Игнач хочи» («Игнач кресть») деб номланган ердан қайтиб кетди дейилган. Бу жой қаерда? Агар у Селигер йўли орқали юрса, унда Селигер кўли музликларидан ўтиши, кейин эса Поли дарёсига қайтиши керак бўлар эди; бунинг сабаби дарё музликларидан юриш тор ўрмон йўлларидан юришдан осонроқлигидадир. Демак, бу жойни Поли дарёси бўйларидан қидириш керак. Новгороддан 190 чақирим узоқликда, Поли дарёсининг ўнг қирғоқларида Игнатци қишлоғи жойлашган. Новгородга яқинроқ жойда эса Сласское ва Богородицкое қишлоқлари бор. Мўғулларнинг асосий кучларининг қайтиб кетган жойлари шу ерлар эмасмикан? Волочок ва Валдай томон йўналувчи тўғри йўлда эса мўғулларнинг бурилиш жойи уларнинг илфор қисмлари етиб боришгэ улгурган Крестци бўлиши мумкин. Ботухоннинг орқага қайтиб кетиши йилномачиларимиз томонидан аниқ ёртилмаган. Козелск шаҳрининг олти ҳафталик қамал қилиниши сабабли бизга маълум бўлишича, у шу шаҳар томонга юриб, кейин эса Дон дарёсининг ирмоқлари ва қуий томонларидаги қипчоқлар ерларига йўл олган.

Мана шу юриш пайтида Ботухон кўплаб отларидан айрилган бўлиши керак. Чунки у Киевга, ундан эса гарбга қилган шиддатли ҳаракатини фақат 2 йилдан сўнггина амалга ошира олди. У шимолий Россияни босиб олишни бир неча ойда амалга ошира олган бир пайтда Шимолий

князликларга қараганда камроқ ўрмон ва ботқоқликлари бўлган жанубий князликинин босиб олиш учун узоқ вақт ушланиб қолиши мумкин эмас эди. Бирор бир шаҳар узоқ вақт қамалда қолган тақдирда бизнинг йилиномачилари миз бу ҳақда албатта тўхтадиб ўтган бўлардилар. Бу ердаги ҳамма аҳоли катта қаршилик кўрсатолмай мўғуллар қиличидан ҳалок бўлган бўлса керак. Чунки жанубий князликларнинг ҳатто босиб олиниш вақти ҳам аниқ эмас. Масалан, Курск ва Северск князликларнинг босиб олиниши ҳақида йилномаларда бир оғиз ҳам сўз йўқ. Жанубий Россиянинг кучли шаҳарларидан бири бўлган, удел князлари олиб борган урушларда муҳим рол ўйнаган ва ўз фуқароларининг жасурлиги билан ажралиб турган Чернигов шаҳрининг олиниши ҳам ёзиб қолдирилмаган. Бизга фақатгина мўғуллар уни қамал қилган пайтларида узоқ масофадан (150 сажен бўлиши эҳтимол) шаҳарга тўртта одам базўр кўтара оладиган тошларни отганлари маълум. Чернигов атрофида тошлар йўқ, шунинг учун мўғуллар бу тошларни узоқлардан олиб келган бўлишлари ёки Хитойдаги хуннларнинг жанубий пойтахти Бян шаҳрини қамал қилишда ишлатганлари сингари, тегирмон тошларини бўлакларга бўлиб отган бўлишлари мумкин.

Воқеаларнинг боришига қараб, Ботухон аввал дашт ерлар билан юрган, кейин Переяславлга маҳсус қисмни юбориб, Глухов ва Черниговга, у ердан эса Киевга йўналган дейишимиз мумкин.

Россиянинг бу жанубий пойтахтини олиш вақти ҳам аниқланмаган. Фақатгина у 1240 йил Никола кунида олингани айтиб кетилган. Лекин қайси Никола кунида — 9 майда ёки 6 декабря эканлиги маълум эмас. Агар Киев 9 майда олинган бўлса, унда унинг қамал қилиниши, демак Днепрдан ўтиб олиш ҳам анча аввал бошланган бўлиши керак. Унда мўғуллар қамални бошлаш учун Днепр дарёсидан эрувгарчилик ва тошқин пайтида ўтишлари лозим эди. Мўғуллар қандай қилиб Днепр сингари катта дарёдан тошқин пайтида Киев остонасида турган кўпминглаб юклатилган түя ва араваларини олиб ўтдилар экан? Йилномачиларнинг айтишича, Киев остонасида ҳаракат қилаётган араваларнинг фирчиллаши, отларнинг кишинаши ва туяларнинг бўкиришидан Киев шаҳри ичкарисидаги икки одам ўртасида бўлаётган гапни ҳам эшишиб бўлмас эди.

Ботухоннинг қипчоқлар ерига ва Россияга қилган юришлари, мўғулларнинг Кавказ тоғлари жанубида яшовчи халқларга қарши қилган юришлари билан бир пайтда бошланган эди. Бундан мақсад Ботухоннинг шу тоғлар-

нинг шимолида яшовчи халқларнинг бўйсундирилишини осонлаштириш бўлиши эҳтимол.

Мўғуллар 1235 йилда жанговар Ганжа шаҳрини қўлга киритдилар. 1236 йил Муғон чўлларидан ҳаракат бошлиган мўғуллар саркардаси Чормагун* Гуржистон, Арманистон ва Албанияни (?) вайрон қилди. 1238 йили эса мўғуллар Кура ва Аракс дарёлари оралиғидаги ерларни забт этиб, Тифлис ва бошқа шаҳарларни, 1239 йили эса Қарс ва Арманистоннинг собиқ пойтахти Ани шаҳрини қўлга киритганларидан сўнг Муғон чўлларига қайтиб кетдилар. Гарчи бу босқинлар Ботухон иштирокисиз амалга оширилган бўлса ҳам, лекин унинг таъсири Кавказ тофлари ортигача этиб келган эди. Масалан, мўғуллар Гуржистонни талон-тарож қилаётган лайтларида Имеретиядаги чиқиб бўлмас қалъя Узанетга (?) жойлашиб олган Гуржистон маликаси Рузутана Ботухон талабига кўра таслим бўлмаган бўлса ҳам, унга ўз ўғлини гаровга юбориб, Гуржистонда жанг олиб бораётган мўғуллар зулмидан ҳимоя қилишни сўрайди. Кейинчалик, 1246 йили Ботухон таъсири сабабли Рузутананинг ўғли Довуд Қўюқдан Имеретия, Мингрелия ва Абхазияга ҳокимлик қилиш ҳақида ёрлиқ олади.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, йилномачиларимизнинг Ботухон босқинлари ҳақида қолдириб кетган маълумотлари тўлиқ ва аниқ эмас, чалкаш-чулкаш бўлиб, бошқа манбалардан тўлдириш ва танқидий тақризни талаб этади. Мўғуллар босқинидан даҳшатга тушган ва ўз ҳаётларидан умидлари бўлмаган замондошлар бу баҳтиқаро давр воқеаларини ўз авлодларига ёзib қолдириб кетиш ҳақида кўп қайгура олмаганлар. Вулқонлар отилиб чиқиши, зилзилалар ва бўронлар пайтида, яъни ҳамма нарса вайрон бўлиб, ҳалок бўлаётган пайтда энг ақтли ва кузатувчан одамлар ҳам эсанкираб қолиб, фақатгина ўз жонларини сақлаш ҳақида ўйлашлари, бўлиб ўтаётган воқеалар ҳақида далиллар тўплаб, ўз авлодларига ёзib қолдириб кетиш ҳақида қайғуролмасликлари табиий. Шунинг учун йилномачилар то мўғуллар ваҳшати йўқолиб, хавфсизроқ вақтлар келгунгача ва монастирлар ҳимоя ёрлиқларини олгунларича ўз йилномаларини ёзишни вақтинчалик тўхтатиб қўйғанликларига шубҳа йўқ. Шу сабабли йилномаларда ёзилган бу даврга оид маълумотларнинг бир қисми кейинчалик, воқеалар гўвоҳи бўлмаган одамлар томонидан ҳикоя қилиб берилиши орқали ёзив олинган бўлиш керак.

* Асл матнда: «Тормагун» (*муҳарр*).

Ботухон босқинлари замонида яшаган бирон бир кимса қали ҳеч ким ваҳшатлардан ўзига кела олмаган, мӯғуллардан на шаҳар дөворлари ортига, на монастирлар ҳужраларига, на ўрмонлар ва на ботқоқликлар тўсиб турган даштларга қочиб қутулиб бўлмаган, князлар ва боярлар хонларнинг қудратига бўйсуниши учун уларнинг ўрдасига қатнаган ва улардан шафқат тилаб қошида тиз чўккан, бир-бирларига қарши нғволар ва фитналар уюштирган, руҳонийлар эса хонлар, уларнинг маликалари, фарзандлари ҳамда қабилалари учун ибодат қилишта мажбур бўлган бир замонда ҳар бир сатрда «Худосиз татарлар, диёнатсиз шоҳ Ботухон» каби жумлаларни битишга ботина олариди? Менинг ўйлашимча, бундай ифодалар ва бу билан бирга кўплаб чалкаш ҳикоялар Россияни манфур мӯғуллар зулмидан озод қилишга умид пайдо бўлган ва шу мақсадни амалга ошириш учун халқ онтига таъсири қилиб, ўз эзувчиларига қарши ўч олиш истагини қўзғатиш лозим бўлган пайтдагина ёзилган бўлиши керак. Шунинг учун митрополит Алексий, игумен Сергий, Дмитрий Донской ва бошқалар таъсирида мана шу мақсадда ёзилган йилномалар монастирларга ва ўқиш учун замондошларга тарқатилган бўлиши эҳтимол.

Ботухоннинг Россияга қилган юриши баёнининг сўнггида шуни айтмоқчиманки, Уролдан Донгача бўлган чўлларда кўчиб яшаш мақсадида келган мӯғуллар учун Россияни босиб олиш ёки заифлаштириш зарурий бир ҳол эди. Бошқа халқлардан кенг ва ўтиб бўлмас чўллар воситасида ажратилмаган кўчманчи халқларнинг мудофаа кучлари заиф бўлади. Утроқ халқларга қараганда кўчманчи халқлар учун кучли давлатлардан узокроқда бўлиш ва ўтиб бўлмас чўллар билан ўраб олинини мухимроқдир. Утроқ халқлар ўз ҳимоялари учун ҳимоя чизиқлари, қалъалар қуриб, чегарада маълум сонли қўшинлар ушлаб туришади. Кўчманчи халқлар эса бунга қарама-қарши ўлароқ ўз мудофааларини кучайтириш мақсадида ўзларини кенг, сувсиз ва ўтиб бўлмас чўллар ҳамда эпчилик соқчилик хизмати воситасида таъминлашга ҳаракат қилинади. Бу улар учун энг яхши мудофаадир. Шундай қилиб, ўзининг кўчиб яшashi учун Уролнинг қуий қисмидан Днепр ва Дунайгача бўлган ерларни таилаган Ботухон Россия, Польша ва Венгрияни асоратга солиш ёки аниғина кучсизлантиришни лозим топди. Кейинчалик шуни кўрамизки, Галиция князи Даниил мӯғуллар асоратидан холос бўлиш учун чоралар қидирди, иттифоқлар тузган ва шаҳарларни мустаҳкамлашни бошлаган пайтда, ундан итоат этишини талаб қилган мӯғуллар князлик чега-

раларида пайдо бўлишлари билан шаҳар девори ва бошқа мудофаа иштоотларинин бузиб ташлашни биринчи шарт сифатида қўйганлар. Бундан ташқари мўгуллар ўзларидан дашт отларини сотиб олишни таъкиқлаб қўйишиди. Бунинг бонси, узоқ чўл сафарларига, сувсизлик ва ём-хашак етишмаслигига фақатгина шу отлар бардош бера олар, фақатгина шу отлар ёрдамида мўгуллар учун хавфли бўлган қиш пайтларида чўлга ҳужум қилиш мумкин эди.

Мўгуллар уруш нималигини яхши билишар, ўз ёнларидан кучли давлатлар бўлишини истамас, Россия, Польша ва Венгрияни босиб олиш учун керагидан ортиқ даражада кучли эдилар. Ботухон Россияни тор-мор қилиб, халқларда қўркув ҳиссини кучайтирганидан сўнг энди Волга ва Дон атрофидаги чўлларда хотиржам кўчиди юриши ва рус князларидан тўлиқ итоат этишини талаб қилиши мумкин эди.

БОТУХОННИНГ ПОЛЬША, СИЛЕЗИЯ МОРАВИЯ ВА ВЕНГРИЯГА ЮРИШЛАРИ

(1240—1241 йиллар)

Киевни қамал қилиш пайтида Ботухон ортиқча кучларга эга бўлгани туфайли Галиция ва Польшани талонтарож қилиш учун қисмлар юборди. Бу қисмларнинг бири 1240 йилнинг қишида Люблингача бўлган ерларни талаб, катта ўлжа билан Галиция орқали қайтиб келди, бошқа қисмлар эса ҳеч қандай қаршиликларсиз Польшага қараб ҳаракат қилиб, музлаган Висла дарёсидан ўтиб, Сандомирни талонтарож қилгандан сўнг Краков томонга қараб йўналдилар. Улар 1241 йил масиҳийлар рўзасининг бошларида жуда кўп асирлар ва ўлжа билан қайтаётганларида краковлик ҳарбий саркарда Владимир бехосдан ҳужум қилди ва уларни мағлубиятга учратиб, асир олинган ва жанг пайтида ўрмонга қочиб ултурган ватандошларини озод қилишга муваффақ бўлди.

Деярли шу пайтда Ботухон Польша ва Венгрияни босиб олиш учун ўз кучлари билан ҳаракат бошлади. У ўз қўшинларини тўрт қисмга бўлиб, бир қисмини яна Польшага, бошқасини Силезия ва Моравияга, учинчи — энг кучлисими ўзи бошқариб, Галиция орқали Венгрияга ва тўртингисими Трансильвания орқали Венгрияга йўллади. Биринчи ва иккинчи қисм Польшадаги Сандомирга Пета (Д, Оссоннинг фикрича Бойдор) бошчилигига ҳаракат қилиб, у ерда икки қисмга бўлинди. Биринчи қисм

Сандомирни талашни бошлади, иккинчиси эса Ленчица тарафга йўл олди. Сандомир ва Краков палатинати дворянлари қўшин ташкил этиб, Сандомир палатинатини талон-тарож қилаётган мўғулларга ҳужум қилдилар. 18 марта Шидлов яқинида поляклар тор-мор бўлиб, аҳолининг кўп қисми ўрмонларга, Қарпат тоғларига, Венгрия ва Германияга қочиб кетди. Мўғуллар Краковни эгаллаб, унга ўт қўйдилар, сўнгра Одер дарёсини баъзилари кемаларда, баъзилари сузив кечиб ўтиб, Бреславлга қараб юрдилар. Силезиянинг пойтахти бўлган бу шаҳарга аҳолининг ўзи ўт қўйиб, ўзлари шаҳар қўргонига яшириндилар. Мўғуллар қўргон деворларни олдида бир неча кун уриниб, уни ололмай Ленчицага кетаётган қўшин билан бирлашиш учун йўл олдилар. Уларга қўшилиб, Лигниц томон юрдилар ва у ерда Силезия герцоги Хенрих бошлигидаги немис салибчилари, силезияликлар, тевтон ордени рицарлари ҳамда поляклардан иборат 30 000 кишилик лашкарга дуч келдилар. 1241 йилнинг 9 апрелида Лигниц яқинида жанг бўлиб ўтди. Салибчилар мўғулларнинг атайлаб чекинаётган авонгорига биринчи бўлиб ҳужум қилдилар. Қўпол қуролланган бу пиёдалар асосий қўшиндан узоқлашганидан сўнг мўғуллар уларни қуршаб олишди ва ўқ ёғдириб қириб ташлашди. Салибчиларга мадад учун бораётган қолган икки поляк ва силезияликлар отряди қочишга мажбур бўлди. Тевтон ордени рицарлари жангни давом эттиришга уриниб қўрдилар, аммо бой берилган жангни тиклаш учун кучлари камлик қилди ва бирлашган христиан армияси катта талафот кўрди. Лигниц атрофларини вайрон қилган мўғуллар Ратиборга қараб юриб, у ердан Моравияга бостириб кирдилар ва Богемиягача бўлган ерлар аҳолисини қиличдан ўtkазиб, уйларига ўт қўйдилар. Богемиянинг қироли Венцеслав Моравияни ҳимоя қилишга ўзининг Стернберглик Ярослав исмли жасур боярни юбориб, мўгуллар билан очиқ майдонда жангга кирмай, Олмюц ва Брюн шаҳарларини ҳимоя қилишни буюрди. Ярослав Брюнда бироз қўшин тўплашга муваффақ бўлди. Уларнинг бир қисмини Брюн гарнizonида қолдириб, ўзи 5000 кишилик пиёда ва 500 кишилик отликлар билан Олмюцга қараб йўл олди. Мўгуллар бу шаҳарга яқинлашиб қолган эдилар. У эндигина шаҳарга кириши билан душман қўшинларининг илфор қисмлари яқинлашиб кела бошлади. Кечаси ёқилган ва узоқларга чўзилган гулханлар душман қўшини етиб келганидан далолат берди. Учинчи кун душман қўшинлари Олмюц атрофида тўпланиб, уни ўраб олдилар. Аммо 12000 кишилик гарнizonга эга бўлган бу шаҳарни ялпи ҳужум билав

олишга ботина олмаган мӯғуллар тез-тез ҳужум қилиш ва девор орқасидан кўринганларга ўқ отиб туриш билангина чегараландилар. Улар шундай маҳорат билан ўқ узар эдиларки, девор ортидан кўринган одамга бир вақтнинг узида бир нечта ўз санчиларди. Мӯғулларниг мерганлик маҳоратидан ҳайратга тушган қамалдагилар девор орқасидан атайлаб тўнкаларни кўтаришганда улар дарҳол ўқлар билан қопланиб қоларди. Баъзан қамалдагиларни қўрқитиш учун мӯғуллар бирваракайига шунчалик кўп ўқ отар эдиларки, бу ўқлар шаҳар осмонини булатдек қоплаб, шаҳарга худди дўлдай ёғилар эди. Мӯғуллар ўз одатларига кўра гарнizonни ҳийла билан текисликка олиб чиқишига уриндилар, аммо тажрибали Ярослав алдовга учмади. Мӯғуллар ўқларга ёнувчи воситалар жойлаб отиш натижасида монастир ва шаҳарга туташган қишлоқни ёқиб юбордилар. Бундай ўқлар иморатнинг ёғоч томларига санчилиб, ёнғин чиқарап, шамол ёнғинни тарқатиб, кучайтирас, ўтни ўчирмоқчи бўлганларни мӯғуллар ўқса тутардилар. Ёнаётган монастир ичида бўлган аскарлар тириклийин ёниб кетиш хавфи туғилган пайтда душманга ташландилар ва қўлда қурол билан ҳалок бўлдилар. Мӯғуллар уларниг бошларини кесиб, отнинг думига боғлаб, гарнizonнинг қонини қайнатиш учун шаҳар атрофида судраб юрдилар. Бу ваҳшийликни кўрган Олмюц ҳимоячилари ватандошлари учун ўч олиш учун ташқарига чиқишини зўр бериб талаб қилдилар. Ярослав уларни бу хавфли фикрдан қайтариш ва ўз ҳукмида тутиб туриш учун ўзининг бутун раҳбарлик иқтидорини ишга солишга мажбур бўлди.

Пета қўшинларининг кичик бир қисми Олмюц яқинида туриб, қолган қисмлари Моравияни талаётган пайтда Ярослав душман қароргоҳида ҳушёрликнинг бўшашганигини сезиб, қўққисдан ҳужум қилишга журъат қилди. 24 июн куни мӯғуллар мудофаа чораларини кўришга ултурмасларидан Ярослав уларга қўққисдан ҳужум қилди. Мӯғуллар лашкарбошларидан бири жанг вақтида ҳалок бўлди. Эртасига улар айюҳаннос солиб, ўз бошлиқлари учун аза тутиб, унинг ўчи учун барча асирларни курбон қилдилар, кейин эса Ботухон билан қўшилиш учун Венгрия томон йўналдилар.

Пета Польша, Силезия ва Моравияни талаб юрганида Ботухоннинг ўзи Венгрияга бостириб кирди. 1240 йилдаёқ, яъни Ботухон ҳали жанубий Россия ва Польшани вайрон қилиб юрган пайтда Галиция князи Даниил венгер қироли Бэлани мӯғулларга қарши барча кучларни бирлаштиришга унdagан эди. Бэла эса даҳшатли душманинг

яқинлашаётганидан ташвишга тушган бўлса ҳам, аммо кучли чоралар кўрмади, фақатгина бир нечта аскарлари ни юбориб Қарпат тоғ йўлларини тоғдан кесиб олинган харсанглар билан тўёшини буюрди. Кейинги йили рўзада мўгуллар унинг ерларига бостириб келаётгани хабарини эшитгач, дворянлар ва руҳонийлар билан мудофаа чоралари ҳақида келишиб олиш учун Будада сейм чақирди. Қисман Бэланинг ўзбошимчалиги ва укувсизлигидан, қисман эса Венгрияга мўгуллар таъқибидан қочиб келган ҳамда кўчиб келиш пайтида тартибсизликлар чиқариб, аҳолига катта зиён етказган 40 000 атрофидаги оиласдан иборат қипчоқларни, уларнинг хони Қутон билан биргаликда қабул қилганидан норози бўлган дворянлар Бэланнинг таклифларини ёқтиромайгина қабул қилдилар. Сеймдагилар ҳали тортишиб ётган бир пайтда Қарпат тоғларидаги ўтиш йўлларини қўриқлаётган қўшинни тор-мор қилган Ботухон 1241 йилнинг 12 марта «Рус дарбозалири» деб аталадиган Мунқоч ва Ўнгвардаги тоғ йўллари орқали Венгрияга бостириб кирди. Бу ҳақда хабар топган Бэла сеймни тарқатиб юборди ва дворянларни бирлашиш учун тезроқ етиб келишга чақириб, қипчоқларга эса дарҳол юриш бошлишни буюрди. Ўзи эса Альба (Штульвейсенбург) ва Стригони (Гран) да турган қўшинларини тўплаб, Будада Дунайдан кечиб ўтди ва қўшинлар етиб келишини пойлаб Пештда тўхтади, ўзи оиласини эса Австрия ерларига жўнатиб юборди. Июннинг охири ёки июлнинг бошларида Моравиядан Венгрияга «Венгер дарбозаси» деб аталувчи Қарпат тоғ йўлидан (Яблунка бўлиши қерак) Пета бостириб кирди. Шу пайтнинг ўзида Молдавиядан Венгрияга Субутой ва Қаданлар ҳам бостириб киришди.

Ботухон учраган одамларни қиличдан ўтказиб, шаҳар ва қишлоқларга ўт қўйиб, шиддат билан Пешт томонга йўналди. Мана шу ҳаракати билан Ботухон венгерларга ўз кучларини бир ерга тўплашларига ҳалақит берди. Ботухон шаҳардан ярим манзил берида тўхтаб, қисмларини шаҳар атрофини шипшийдам қилиш учун юборди. Шу вақтнинг ўзида унинг енгил отлиқлари душманни очиқ ерга олиб чиқиш ниятида шаҳар томон от чоптиридилар. Қирол шаҳардан чиқишни ман этди. Аммо, учинчи куни мўгуллар одатдаги ўз манёврларини тâкорлаганларида бунга чидай олмаган Колоцк архиепископи Уголан қиролни бағритошлиқда айблаб, буйруқча бўйсунмай бир қисм лашкар билан ўзи жангга отланди. Мўгуллар астасекин ботқоқлик томон чекиниб, уни кечиб ўтдиilar. Уголан уларни таъқиб қилиб борди. Аммо унинг оғир қурол-

ланган аскарлари ботқоқликда енгил ҳаракат қила олмай қолдилар. Шунда мӯгуллар уларни ўраб олиб, ўқ ёғдириб қириб ташладилар. Уголаннинг ўзи базўр қутулиб қолди. Шунга қарамай, Уголан қиролни шаҳардан чиқиб жанг қилишга қистайверди. Лекин Бэла бу қистовларга кўнмади. Мӯгуллар турли томонларга қисмлар юбориб, ўлканн вайрон қилишни давом эттиравердилар. Тўплаган қўшинлари билан Пештга кетаётган Вардейн епископи мӯгул отрядларидан бири талаб олинган бойликлар билан қайтаётганини билиб қолиб, бойликларни тортиб олиш ниятида уларнинг кетидан борди. Аммо мӯгуллар томонидан қўйилган пистирмага тушиб қолиб, қўшинлари тор-мор қилинди, ўзи эса зўрға омон қолиб, Вардейнга қочиб борди. У ерда яна куч тўплашга эришиб, тағин Пешт томон ҳаракат қилди.

Ботухон икки ой Пешт атрофида турганидан кейин, келган йўли орқали орқага қайта бошлади. Шунда Бэла ўз қўшинлари билан мӯгуллар келаётган йўл қаршисидағи Сайо дарёси соҳилида тўхтаб, минг кишилик қўшинга шу яқиндаги кўприкни қўриқлашни буюрди. Венгерлар бу ерни кенг ва ботқоқли дарёнинг Ботухон қўшинлари кечиб ўта оладиган бирдан-бир жой деб билдилар. Ботухон қўшинлари ўша дарёнинг бошқа қирғоғида, венгерлардан 5 мил узоқликдаги ботқоқликка туташ бўлган водийда, хатога йўл қўйган душманга хужум қилиш мақсадида жойлашиб олдилар. Кечаси мӯгулларнинг бир қисми Сайо дарёсини кечиб ўтдилар, бир қисми эса кўприкни қўриқлаётган венгерларни 7 та катапультадан ўққа тутиб қувиб бориб, кўпrik орқали ўтиб олдилар ва эрта тоңгда душман қароргоҳини ўраб олиб, щиддат билан ўққа тутдилар. Бехосдан қилинган хужумдан ва қуршовда қолганларини кўрган венгерлар саросимага тушдилар. Бошлиқлар нима қилишларини билмай ўзларини йўқотиб қўйғанлари оқибатида қароргоҳда бесаранжомлик бошланди. Қиролнинг укаси герцог Коломан, Уголан ва сарой рицарлари бошлиғигина мӯгулларга ҳужум қилишга журъат қилдилар. Лекин уларнинг икки маротаба қилган ҳужумлари ўзларига жуда катта талафот келтирди. Бунинг натижасида қиролнинг ундови ҳам, Уголаннинг жасурлиги ҳам венгерларни қароргоҳдан чиқиб, жанг қилишга кўндира олмади. Бесаранжомлик тушгача давом этди. Ниҳоят Коломан яна ҳужумга ўтди. Лекин у мардларча жанг қилаётган бир пайтда венгерларнинг кўпчилиги ўз истеҳкомларини ташлаб қоча бошладилар. Мӯгуллар уларга ўқ узмай ўтказиб юборавердилар. Буни кўрган бошқа жангчилар қутулишнинг бирдан-бир чораси қочиш

деб ўйлаб, олдингилар кетидан қочишга тушдилар. Қароргоҳдаги чодирлар жуда ҳам бир-бирига яқин қўйилгани, улар орасида йўлакларнинг тор бўлганлиги қочиб чиқишида у ерда тартибсизлик бошланишига олиб келди. Аскарлари қочаётганини кўрган Бэла ҳам қароргоҳдан чиқиб кетди. Мўгуллар қароргоҳдан чиқиб кетган венгерлар орқасидан ўқ ўзмай кузатиб бордилар, аммо уларнинг тарқаб кетишларига ҳам йўл қўймадилар. Кейин эса, уларнинг ҳолдान тойғанларини кўриб, бир ҳамлада ўнчиб ташладилар. Шу жанг пайтида венгер армиясининг катта қисми қирилиб кетди. Қирол ўз отининг чопқирилиги туфайлигина жонини сақлаб қолишига эришди.

Мўгуллар ўлжаларни қўлга туширганиларида қироллик муҳрини топиб олдилар ва халоиқни осонликча қуролсизлантириш ҳамда қириб ташлаш учун ёвуз ҳийла ўйлаб топдилар. Ботухон саводхон асиirlар топтириб, уларга қирол номидан ҳукмдорлар ва халққа қуидаги мазмунда эълон ёздирди: «Бу итларнинг қаҳру-зулмидан қўрқманг ва ўз хонадонингизни ташлаб кетманг. Гарчи биз бехосдан бўлган ҳужум туфайли қароргоҳни ташлаб кетишга мажбур бўлган бўлсак ҳам, Худонинг кўмаги билан тез орада қўлга қурол олишимизга умид қиласиз. Сизлар фақат Худога сажда қилинглар, токи ул бизга душманни тор-мор этишда мададкор бўлгай.»

Жуда кўп венгерлар бу ҳийлага ишониб, мудофаа учун ҳеч қандай чоралар кўрмадилар, ўз уйларида ўтириб, ёлғоннинг қурбони бўлдилар.

Ғалабадан сўнг мўгуллар Пештга юриш қилиб, уни ялпи ҳужум билан қўлга киритдилар, аҳолисини қириб ташлаб, шаҳарнинг кулини кўкка совурдилар.

Юқорида Қадан ва Субутой Венгрияга Молдавиядан, Трансильвания орқали Бургос төғ йўли билан кирганлигини айтиб ўтган эдик. Ўрмон оралаб уч кун юргач, улар бой Рудин шаҳри олдидан чиқиб қолдилар. Шаҳар аҳолиси шаҳардан чиқиб мўгулларга қарши ҳужум қилди. Қадан сохта чекиниш усулини қўллади. Аммо тантана билан шаҳарга қайтган аҳоли мўгулларни ҳайдаб юборишдек буюк ғалабани нишонлаб, ичкиликка берилганида мўгуллар деярли ҳеч қандай қаршиликсиз шаҳарга кириб келдилар ва уни вайрон қилдилар. Шундан сўнг улар төғ ва ўрмонлардан ўтиб, Вардейн томон йўл олдилар. Бу шаҳар Венгриядаги энг муҳим шаҳарлардан бири эди. Бу ерда кўплаб аҳоли бойдиклари билан яшириниб олган эди. Мўгуллар бу шаҳарни қийинчиликсиз қўлга киритиб, унга ўт қўйдилар. Кенг хандаги ва миноралари бўлган, қалин девор билан ўралган шаҳар қалъасини олиш учун

эса 5 мил нарига бориб яшириниб турдилар. Бир неча кундан сўнг аҳоли душмани кетди деб ҳисоблаб, ёнмай қолган уйларга қайта бошладилар. Мӯгуллар бундан хабар топиб, қўққисдан шаҳарга бостириб бордилар ва қалъага қочиб яширинишга улгурмаган аҳолини қириб ташлаб, қалъани қамал қилдилар. Улар қалъани 7 та баллист билан кечакундуз ўққа тутиб, қалъа деворининг янгигина қайта тикланган ва ҳали қотиб улгурмагац еридан тешик ҳосил қилишга муваффақ бўлдилар. Ўша ердан ялпи ҳужум қилиб кириб, ҳаммани қириб ташладилар. Улар кетгандан сўнг, ўрмонларда беркиниб олган аҳоли овқат излаб у ерлардан чиқди. Пинхона кузатиб турган мӯгуллар, қўққисдан ҳужум қилиб, уларни ҳам қириб ташладилар. Мӯгуллар Вардейнга яқин ерларни вайрон қилиб бўлгач, Пере (?) шаҳрини венгер, рус ва қипчоқ асиirlари ва қисман мӯгул аскарларидан ташкил топган қисм билан қамал қилдилар. Улар жангга аввало венгерларни, улар қирилиб бўлгач, русларни, сўнгра қипчоқларни юбориб, ўзлари уларнинг қирилишини ҳузур қилиб, кулиб кузатиб турдилар, қочишга уринганларини эса ўша заҳоти ўлдирдилар. Шаҳар бир ҳафталик тўхтовсиз ҳужумлардан сўнг ишғол қилиниб, аҳолиси қириб ташланди. Шундан сўнг от, чорва моллари ва бошқа нарсалар кўринишидаги катта ўлжани қўлга киритган мӯгуллар шипшийдам қилинган давлатнинг марказида яшаш учун жойлашиб олдилар. Лекин аҳолининг бир қисми тоғ ва ўрмонларда яширинган эди. Мӯгуллар баъзи асиirlарни қўйиб юбориб, уларга агар аҳоли улар тайин этган вақтгача уйларига қайтиб келсалар афв этажакларини тайинлашди. Бу ваъдаларга ишонган ва очликдан ўлаётган аҳолининг кўпчилиги ўз уйларига қайтиб келдилар. Мӯгуллар улар устидан назорат ўрнатиб, пишиб етилган буғдойни ўриб олгунларича қўйиб бердилар, кейин эса аҳолини белгиланган жойга тўплаб, барчасини қириб ташладилар. Бу ваҳшийлар ўзлари ҳавфсираган кучлироқ давлатлар аҳолисини шу тарзда мунтазам равиша қириб турадилар.

Езни ва кузнинг бир қисмини улар асосан бекорчиликда, отларни боқиш билан ўтказдилар ва баъзи пайтлардагина талон-тарож учун қисмлар юбориб турдилар. Шундай қисмлардан бири Австрияning Вена шаҳри яқинидаги Нейштадгача етиб борди. 1242 йилнинг қиши шундай совуқ келдики, натижада Дунай яхлаб қолди. Мӯгуллар бундан фойдаланиб дарёнинг нариги қирғоғига ўтмоқчи бўлдилар. Улар муз устидан қўшинни олиб ўтиш мумкини ёки йўқлигини текшириш учун қирғоқда бир неча от

ва қорамолларни қолдириб, нари кетдилар. Уч кундаң сүнг венгерлар душманни чекинган деб ҳисоблаб, соҳилда қолдириб кетилган қорамол ва отларни ўз ерларига ҳайдаб кетдилар. Шунда мӯғуллар ҳам Дунайни кечиб ўтиб, аввало Венгрияning энг катта шаҳарларидан бири бўлган Стригони (Гран) га қараб ҳаракат қилдилар. Улар 30 та манжаниқ ўрнатиб, шаҳарни ўраб олганларидан кейин, асиirlарга хандақнинг ташқи тарафига шохлардан ясама дўнгликлар ясашни буюрдилар. Дўнгликлар тайёр бўлгандан кейин уларнинг орқасига манжаниқларни ўрнатиб, улар воситасида шаҳар деворининг бир қисмини буздилар; бундан сүнг хандақларни машина ёрдамида иргитилаётган, тупроқ билан тўлатилган қоплар билан тўлдириб, шаҳарни ялпи ҳужум билан қўлга киритдилар. Бироқ Стригони қалъаси қаттиқ қаршилик кўрсатгани учун уни ололмадилар. Шу вақтнинг ўзида мӯғуллар Албу-Юлия (?) ва бошқа шаҳарларни қамал қилишга киришдилар. Мана шу қамал вақтида Үгадайнинг ўлими ҳақида етиб келган хабар қалъаларнинг омон қолишига сабаб бўлди. Дунайнинг ғарбидаги ерлар ҳам у қадар вайрон этилмади, чунки мӯғуллар у ерда узоқ бўлмадилар.

Қадан қўмондонлигида Стригонини қамал қилган мӯғул лашкарлари улардан қочиб, Пресбург ва у ердан Аграмга қочиб ўтган Бэлани таъқиб қилиш учун тайнланган эдилар. Қаданнинг яқинлашиб келаётганини эшигтан Бэла ўз ёнида бўлган кўплаб венгер қўшинлари билан Далмацияга қочиб ўтиб, Спалатрога яширинади, кейин эса Трауга ўтади. Лекин бу ерда ҳам ўзини хавф остида ҳис қилиб, қўшни оролга ўтди. Қадан Славонияни илгари қўшинлар юрмаган йўллардан юриб, жуда тезлик билан босиб ўтди. Кейин Кроациядан ўтиб, Клиссани ўраб олди. Аммо Бэла бу ерда эмаслигини билгач, Трауга бориб, Бэла жойлашган оролнинг қаршисида тўхтади. Бэла эса ўзининг бу ерда ҳам хавфсиз эмаслигини билгач, оиласи ва хазинасини кемаларга ортиб сузиб кетмоқчи бўлди. Мӯғуллар март ойини шу ерда ўтказиб, юқори Далмация бўйлаб ҳаракат қилдилар. Улар Рагузани айланиб ўтганларидан кейин Қаттаро, Свагио ва Дривастани талон-тарож қилиб, аҳолини қиличдан ўтказдилар. Сўнгра Ботухон билан қўшилиш мақсадида Сербия орқали қайтиб кетдилар.

Венгрияни ташлаб чиқиб кетаётган мӯғуллар қароргоҳларидаги барча ҳорижийлар, эркин кишилар ва асиirlар озод бўлганларини, хон ва унинг ҳокимлари марҳаматига шукроналар айтиб, хоҳлаган жойларига кетаверишлари мумкинлигини эълон қилдилар. Кўплаб венгер

ва славонияликлар тайинланган кунда мӯғуллар қароргоҳини ташлаб чиқа бошладилар, бироқ шаҳардан уч миң масоғага узоқлашишлари биланоқ мӯғул отлиқлари етиб келиб, уларни чопиб ташладилар.

Шундай қилиб, Европага даҳшат солған Ботухон ўзи ўтган ерларда вайроналар қолдириб, хон сайлаш учун ўз ўрдасига қараб йўл олди. Ёвропалик халқларнинг ўша вақтдаги аҳволини ҳисобга олган ҳолда шундай хуносага келиш мумкинки, улар мӯғулларга қарши тура олмасдилар, шунинг учун Угадайнинг ўлими ғарбий Европанинг бу ваҳшийлар босқини ва зулмидан сақланиб қолишига асосий сабаб бўлган.

II қисм

ҮРТА ОСИЕ ХАЛҚЛАРИНИНГ АМИР ТЕМУР ДАВРИДАГИ ҲАРБИЙ САНЬАТИ

ЧИНГИЗХОН ВА УНИНГ АВЛОДЛАРИ ТОМОНИДАН
БОСИБ ОЛИНГАН ДАВЛАТЛАРНИНГ АМИР ТЕМУРНИНГ
БОЛАЛИҚ ИИЛЛАРИДАГИ АҲВОЛИ
ВА АМИР ТЕМУРНИНГ 1391 ИИЛГАЧА
БҮЛГАН ДАСТЛАБКИ УРУШЛАРИ

Үрта Осиё халқларининг Амир Темур давридаги ҳарбий санъатини баён этишга киришишдан аввал Чингизхон босиб олган бепоён ерларнинг Амир Темурнинг ёшлик давридаги аҳволи, Амир Темурнинг таржимаи ҳоли, унинг Хоразм ва Хурросон чўлларидаги дарбадарлиги, Чигатой хонлигидан ўзбекларни қувиб чиқариши (1369 йил) ҳамда уларнинг ҳарбий кучларини йўқ қилиши (1389—1390 йиллар) ҳақида қисқача сўзлаб ўтиш зарур деб ҳисобланман.

Амир Темур (Соҳибқирон Амир Темур Курагон бин Тарагай Муҳаммад Баҳодур) 1333 йил 7 май куни дунёга келди;* унинг отаси Бухоронинг жануби-ғарбидағи Кеш ёки Қарши шаҳри теварагидаги ерларнинг маълум қисмига эгалик қиласр эди. Маълумки, Чингизхон ва унинг биринчи авлодлари томонидан босиб олинган ерлар 4 та мустақил хонликка бўлганган эди. Хитой, Манжурия, Қурия, Ҳиндистоннинг бир қисми ва Мўғалистон шарқий хонликни ташкил этар эди. Ҳозирги қирғиз (қозоқ — тарж.) Үрдасининг шарқий қисми, Иртиш ва Об дарёсининг юқори қисмларидаги ерлардан Тиён-Шон тоғларигача, унинг тизмаларидан жануброқда то Ҳимолай тоғларигача, Қашғар, Ерканд, Хўтани ва бошқа шаҳарлар жойлашган водий ҳамда Кўқон, Бухоро ва Ҳива хонликларидан то Ҳиндукушгача бўлган ерлар Чигатой хонлиги таркиби-га кирап эди. Хурросон, Афғонистон, ҳозирги Эрон, умуман Ҳинд дарёси ва Ҳиндукушдан то Қавказ тоғлари ва Фуротгача бўлган ерлар Ҳалокухон ворислариники бўлмиш учинчи хонликни, қирғиз (қозоқ) Үрдасининг ғарбий қисмидан Каспий ва Орол денизларигача Сирдарёнинг қуий қисми ҳамда Россиянинг ҳозирги Европа қисмининг Қавказ тоғларигача бўлган катта бўлаги Азов ва Қора дениздан қуий Дунайгача Олтин Үрда хонларига қарам ерлар-

* Амир Темур таваллуди санаси ҳанузгача олимлар томонидан тугал аниқланган эмас. Бошқа баъзи манбаларда у 1336 йил 9 апрелда туғилган, деган фикр ҳам мавжуд (*муҳарр.*).

ни ташкил этар эди. Бу хонликлар Чингизхон авлодларига мансуб бўлган хонлар томонидан бошқарилса ҳам, уларда меросхўрлик ҳуқуқи аниқ белгиланган эмас эди. Хонни сайлаш катта амалдорлар мажлиси — қурултойда ҳал этилар, бу ҳол фитна, пора бериш, зўравонлик каби иллатларга сабаб бўлар, бу эса ўз навбатида амалдорлар қудратини ошириб хонлар ҳокимиятини сусайтиришга олиб келар эди. Бунинг устига, асосий хонликлар ўртасидаги чегаралар аниқланмаганлиги ўзаро ички низолар келтириб чиқарар эди. Бу низолар даврида тўртта хонликдаги Чингизхон авлодига мансуб бўлган кўплаб фуқаролар асосий хонларга бўйсунишдан воз кечишар, мустақил бўлиб олгандан сўнг ўз навбатида бир-бирлари билан низолашиб, ўзаро урушлар олиб борар эдилар. Буларнинг бари Чингизхон авлодлари бошқараётган салтанатларни янада кучсизлантириб, тўртта асосий хонликни бир вақтнинг ўзида қулаш даражасга келтириб қўйди.

Хитой Чингизхоннинг охирги авлоди Тўғон Темурни 1367 йил Мўгулистон чўлларидан ҳайдаб чиқариб, мўғуллар зулмидан биринчи бўлиб озод бўлди. Тўғон Темур ўрнига Хитой тахтига мўгуллар билан 1398 йилгача мувваф-фақиятли жанглар олиб борган Мин сулоласи кўтарилди. Лекин шу йилдан 1403 йилгача Хитойнинг ўзида ички низолар бошландики, мўгуллар бундай вазиятдан фойдаланмай қолмади. Чунки Мўгулистоннинг ўзида ҳам бундай ички низолар юзага келган, хонлик тахти кўплаб унинг дъяворлари томонидан қўлга киритилар ва бир уруғдан иккинчисига ўтар эди.

Гарбда, Қипчоқлар Ўрдаси ёки Олтин Ўрдада ҳам шу каби ички низолар бўлиб турди ва Россия бундан фойдаланиб, мўгуллар истибодидан қутулиш учун тайёргарлик кўра бошлади. Эрондаги Ҳалокухон босиб олган ерлар ҳам бир неча мустақил давлатларга бўлинib кетди. Чигатой босиб олган ерлар қисмати ҳам худди шундай бўлди. Шу хонликнинг Иртиш ва Об дарёси юқорисидан бошлаб Тиёншон тизмалари гача, яъни Олтин Ўрда ва Чигатой хонликларидан узокроқда бўлган шимолий қисмида алоҳида ҳонлик ташкил топди. XIV асрнинг биринчи ярмида бу ерларнинг хони Чингизхон авлодида бўлмиш Туғлуқ Темурхон эди. 1332 йил Чигатой хонликлари тахтига Фозонхон ўтиришга мұяссар бўлди. Лекин у ўзининг золимлиги билан амалдорлар нафратини ва умумий норозиликни уйғотди. Амалдорлар томонидан кўтарилиган ғаләён ва жанг натижасида 1346 йилда Фозонхон ўлдирилди.

Унинг ўлимидан бир неча йил ўтгач бу хонликда ҳам ўзаро низолар бошланди. Бундан фойдаланган Сирдарё-

нинг шимолидаги ерлар ҳокими, Чигатойнинг авлоди Туғлуқ Темурхон ўз аждодлари таҳтига даъвогарлик қилиб, таркибида кўплаб ўзбеклар бўлган кучли қўшин билан 1359 йилда Сирдарёни Хўжанд яқинида кечиб ўтиб, Сирдарё ва Амударё ўртасидаги барча ерларни катта қаршиликсиз қўлга киритишга муваффақ бўлди. Туғлуқ Темур қўшини кучидан қўрқиб кетган, ворислик ҳуқуқига эга бўлган Чингизхон авлодларининг бир қисми Ҳуресон ва Афғонистонда беркинишни лозим топишиди. Уларнинг бошқа қисми эса қаршилик кўрсатишни фойдасиз билиб итоат этишга мажбур бўлди. Таслим бўлганлар орасида яқиндагина отасидан жудо бўлган ва ўз ватандошлари орасида ҳеч қандай эътиборга эга бўлишга улгурмаган Амир Темур ҳам бор эди. Амир Темур итоат қилиш билан қаноатланиб қолмасдан, катта бойликни душман қўшининг совға сифатида тақдим этиб, шахсий ерларини ва итти-фоқдошлари ерларини талон-тарож қилинишдан сақлаб қолди. Амир Темурнинг бу тадбири фақатгина душманлар орасида келишмовчилик чиқишга сабаб бўлибгина қолмасдан, балки Туғлуқ Темурнинг қарам ерларида ҳам норозилик кучайишига сабаб бўлди. Бунинг натижасида Туғлуқ Темур ўз хонлигига қайтишга мажбур бўлиб, янги босиб олинган ерларга тажриба кўрмаган ўғли Илёсхожа Ўғлонни хон, унчалик номи танилмаган Бекчик номли шахси қўшимча саркарда этиб тайинлади. Ана шу пайтда итоат кўрсатгани сабабли Амир Темур Туғлуқ Темур томонидан туман (10 000 кишилик бўлинма) бошлиғи лавозимига, Илёсхожа ўғлон маъмуриятида эса бошқарувчилик ишларидаги муҳим лавозимлардан бирга кўтарилиди ва ўз шахсий ерларининг эгаси эканлигини тасдиқлатиб олди. Амир Темур ўзи бошқараётган қўшин орасида кучли интизом ўрнатишга муваффақ бўлди.

Лекин унинг Илёсхожа ҳокимияти билан иноқлиги қўйидаги сабабларга кўра узоққа чўзилмади: маълумки, Чингизхон ва унинг биринчи авлодлари бутпараст бўлиб, уларга қарам давлатларда дин эркинлиги ҳукм сурарди. Лекин XIV асрда Ҳалокухон, Ботухон ва Чигатой хонларнинг авлодларига мансуб хонлар ва уларнинг амалдорлари ислом динини қабул қила бошладилар. Бундай ҳол асосан ўтроқ қабилалар яшаган, масжид ва мадрасаларга эга, ислом динига ҳамда Муҳаммад пайғамбар авлодига мансуб кучли уюшмалар бўлган ерларда содир бўлди. Кўчманчи ҳалқ, айниқса, унинг Сирдарёнинг шимолида яшовчи қисми бутпарастлигича қолаверди. Бу ҳол уларнинг ислом динига мансуб ҳалқлар билан тез-тез тўқнашувларига олиб келарди. Туғлуқ Темур қўшини асосан

бутпарастлардан иборат бўлиб, улар орасида ўзбеклар ҳам кўпиликни ташкил этарди.

Ўзбекларнинг баъзи бир уруғларининг номларига қараб, улар Чингизхон даврида Тиёншон тизмаларидан шимолдаги чўлларда яшаган унга итоат этишни истамасдан Олтой, Саён ва Тиёншон тизмларида дараларга ҳамда Сибир ўрмонларига яширган аввалги кўчманчи халқлардан келиб чиқишган дейиш мумкин. Чингизхон авлодлари орасида ўзаро низолар бошланиб, хонлар ҳокимияти кучсизлана боргани сари ўзбеклар Чифатой хонлари ерларига ҳужумлар қила бошладилар. Аммо улар, балки мустақили бўлиш учун етарли кучга эга бўлмаганлари сабабли бўлса керак, Туғлуқ Темурга бўйсувишга мажбур бўлдилар ва у билан Сирдарёни кесиб ўтдилар. Ҳудди бизнинг илгариги казакларимиз ёки туркманлар сингари қаттиқ интизомга эга бўлмаган, ўзбошимча жамоаларни ташкил этган ўзбеклар Сирдарё ва Амударё ўртасидаги ерлардан яшовчи тинч аҳолини талаб, бунда руҳонийларни ҳам, Муҳаммад пайғамбар авлодига мансуб кишиларни ҳам аяб ўтирамдилар. Бу талончиликлар ва руҳонийларга бўлган иописандлик ўзбеклар билан асл мусулмон бўлмиш Амир Темур ўртасида тез-тез тўқнашишларга сабаб бўларди. Муҳаммад пайғамбар авлодига мансуб 70 кишининг ўзбеклар томонидан қўлга олинниб, занжирбанд ҳолда зинданга ташланганлигини эшишган Амир Темур шу заҳотиёқ уларни озод этишга буйруқ берди. Ўзбеклар билан бўлиб ўтган шу каби тўқнашувлар унга қарши Иллесхожа ва ўзбеклар газабини уйғотди. Афтидан, Иллесхожа шу ҳақда отасига ҳат йўллаган. Туғлуқ Темур буйруғига биноан Темурни ўлдириш буюрилган, лекин ушбу буйруқ қандайдир сабабга кўра Темур қўлига тушиб қолган.

Мазкур хавф таҳди迪 остида қолган ва бу вазиятда ўзватандошларига бирон наф келтиришга кўзи етмаган Амир Темур ўзбекларни қувиб чиқариш учун жасур ва қатъиятли жангчиларни тўплашга қарор қиласди. Аммо у тузган режа фош бўлиб қолиб, Бадахшон тоғларига беркиниш ҳамда талончиликлари ва зулмкорликлари туфайли ўзбекларга бўлган нафрат кучайиб, унга қўшилувчилар сониортиши билан муваффақиятли қўзғолон кўтариш мақсадида ўзининг 60 та жангчиси билан Амударё ортига кетишга мажбур бўлди. Бадахшон сари кета туриб у тарки дунё қилган Амир Кулолникига қўниб ўтди. Амир Кулол унга бехавотир бўлган Хоразм чўлларига боришни, ўша ерларда қўзғолонга тайёргарлик кўришни маслаҳат берди. Хоразм сари йўл олган Амир Темурга ўзбеклардан норози бўлган, Чингизхоннинг авлодларидан бири бўлмиш Балх

вилоятининг ҳокими Амир Ҳусайн унча кўп бўлмаган аъёнлари билан келиб қўшилди.

Амир Темурнинг қаерга яширинганигини билиб қолган Хоразм ҳокими Тўкал Баҳодир Илёсхожадан уни тўдаси билан қириб ташлаш ҳақида фармон олиши биланоқ мингта отлиқ жангчиси билан Амир Темур тўдасига ҳужум қилди. Лекин Амир Темур бу ҳужумни қайтаришга муваффақ бўлди. Темур 12 ёшидан отаси билан жангларда қатнаша боцлаган, турли жанговар машқлар билан шуғулланиш натижасида катта малака ортирган, мисли кўрилмаган кучли жангчи бўлиб етишган эди. Унинг тўдасида энг довюрак ва жасур жангчилар йиғилган бўлиб, улар Тўкал Баҳодир билан мардонавор жанг қилдилар. Жанг натижасида душман жангчиларидан атиги 50 киши, Амир Темур тўдасида эса 10 киши—7 та отлиқ ва 3 та пиёда аскар тирик қолди. Тўкал қочиб қутулди. Бундай очор аҳволга тушиб қолган Темур Амир Ҳусайннинг синглиси бўлмиш хотинини ўз отига миндириб, Туркистон чўлларида тақдирнинг унга кулиб боқишини кутиб кезиб юрди. Кунлардан бир кун тунаш учун бир қудуқ ёнида тўхтаганларида, унинг пиёда ҳамроҳларидан учтаси қоронгилликдан фойдаланиб учта отни ўғирлаб кетишди. Бунинг натижасида 7 киши учун атиги 4 та от қолган эди. Амир Темур дарбадарликда юрган кезлари Алибек Жониқурбони деган қандайдир соҳиб Илёсхожага ёқиши мақсадида Темурни тутиб, турли қумурсқалар билан тўла зинданга ташлайди (бундай жазолаш Ўрта Осиё хонликларида ҳозирда ҳам қўлланилади). Темур бу зинданда 62 кун ўтирганидан сўнг унга вафодор кишилардан бири уни бу зиндандан қутқаришга муваффақ бўлади*. Кейинчалик Амир Темур бу кишини ўз ҳокимиятидаги вазирлардан бири этиб тайинлади.

Амир Темур ўзига ҳамроҳ бўлган 12 жангчи билан яна чўл кезишга тушди. Улар йўлга чиққан кунларининг эртасига бир уйча ёнида тўхтадилар. Бу ерда уларга туркмандар ҳужум қилдилар. Олишув пайтида Амир Темурни таниб қолган туркмандардан бири ўз биродарларига у билан олишмасликни айтиб, Амир Темур оғигига афв этишини сўраб йиқилади. Мана шу туркмандарнинг ҳаммаси Амир Темурга ҳамроҳ бўлишга розилик берганларидан сўнг унинг мулозимлари 60 кишига етди. Хоразм чўлларида ўзбеклар томонидан тутиб олинишдан хавфсираган

* Узининг тузукларида Амир Темур бургаси кўп бир қоронғу уйда ётганлигини ва бу тутқунликдан «Гангрининг инояти этиб, баҳодирлиги тутиб» ўзи қутулиб чиққанини баён этади (*муҳарр.*).

Темур ўзбекларни қувиб чиқариш учун қўшин тўплаш мақсадида Хурросонга йўл олади. Йўл давомида унга бир нечта жангчилар ҳамда Мұхаммад пайғамбар авлодлари (саййид ва саййидзодалар) келиб қўшилдилар ва унинг мулоғимлари 200 кишига етди. Мана шу кишилар билан ўтказилган кенгашда Бухоро томон юришга, мулоғимларни шаҳар теварагидаги хавфсиз ерларга яширишга, Темурнинг ўзи Самарқандга бориб ҳалқнинг Илёсхожа ҳокимиятига муносабатини ўрганишига ҳамда Илёсхожа ва ўзбекларни қувиб чиқариш учун қўзғолонни тайёрлашига қарор қилинди. Бухорога кетаётганларида уларга Илёсхожадан норози яна бир қанча кишиларнинг қўшилиши сабабли Амир Темур ҳамроҳларининг сони 2000 тага етди. Темур ўз ҳамроҳларини Бухоро атрофида қолдириб, кечаси якка ўзи Самарқандга кириб келди. Бу ерда у синглиси никида 48 кун яшириниб, қўзғолон учун маблағ тўплай бошлади. Лекин самарқандлик бир киши унинг яшириниб юрганини билиб қолиб, сотмоқчи эканини эшитган Амир Темур ўзи билан 50 та отлиқ ва 100 та пиёда жангчини олиб, кечаси шаҳардан қочади. Амударё томон кета туриб улар туркманларининг бир пода йилқисини кўлга киритишга эришадилар* ва ҳаммалари йиғилиши лозим бўлган ерга қараб йўл оладилар. Бу ерда эса яна минг киши йиғилган эди.

Лекин ўзига қарши 100 минг кишилик қўшин тўплашга қодир Йлёсхожа ва ўзбеклар билан курашиб учун бу кучлар қанчалик озлигини яхши тушунган, ўзбеклар томонидан ўтказилаётган зулмлар ва ўзининг Хурросонда кўрсатган мардликлари сафдошлари сонини кўпайтишига ишонган Амир Темур Қандаҳорга боришига аҳд қилди. Қандаҳор атрофида унга маҳаллий аҳоли орасидан яна 1000 киши келиб қўшилди. Улар ёрдамида Амир Темур Гармсир вилоятини эгаллаб олди. Бу ерда Сенстон вилояти ҳокими таклифига биноан Амир Темур унинг дўшманларига қарши жангга кириши. Худди шу жангларнинг бирида унинг бир қўли ва бир оёғи яраланиб, Гармсирга қайтишга мажбур бўлди. Амир Темур бу ерда даволанганидан сўнг Балхга йўл олди. Шон-шуҳрати ўса борган сарри унга кўплари олий табақага мансуб бўлган яна бир неча юз жангчи келиб қўшилди. Амир Темур улар орасидан энг вафодор, жасур ва қобилиятили 313 кишини танлаб олиб, уларни ўзига ёрдамчи сифатида тайинлади. Кейинча-

* Бу йилқини Темурга таниш бўлмиш бир одам унга берган. Бу ҳақда қаранг: Амир Темур. Зафар йўли (Таржимаи ҳол) (*муҳарр.*).

лик шу ёрдамчилар унинг кўпминг кишилик қўшинини юютиришда катта хизмат қилдилар.

Ўзбекларни қувиб чиқариш учун аёвсиз уруш очган ва ўз қўшинларини борган сари кучайтириб бораётган Амир Темур уларнинг моддий таъминоти масалалари борасида ҳам жон куйдирди. Шу мақсадда озиқ-овқат ва бошқа нарсаларни ғамлаб қўйиш мумкин бўладиган омборга эга бўлиш учун Амир Темур Аложу қалъасини қўлга киритди. 300 кишини ташкил этган бу қалъанинг ҳимоячилари ҳам унинг қўшинига келиб қўшилдилар. Амир Темур Балх теварагига ўрнашиб олиб, Амударёнинг нариги қирғогига ўз айғоқчиларини юборди. Айғоқчилар унга Илёсхожа Термед (Термиз) шаҳри атрофига ўз қўшинларини жойлаштиргани, бу қўшинлар шаҳарда босқинчилик ва талонтарож билан шугулланастганликлари ҳақида хабар етказдилар. Бу ҳол Амир Темур қўшинининг доимий келиб турган жангчилар билан кўпайиб боришига олиб келди. Шу сабабли у Илёсхожа лашкари сони ўз кучидан ўн чандон кўп бўлишига қарамасдан душманга қарши уруш бошлашга қарор қилди. Амир Темурнинг, маҳаллий халқнинг ўзбекларга бўлган нафрати туфайли ҳатто унинг кичик ғалабаси ҳам лашкарлари қаторига келиб қўшилувчилар сонининг ортишига олиб келади, деган тахмини тўғри чиқди. Ҳарбий санъатда эгаллаган бекиёс маҳорати ва ботирлиги унга жангларда деярли ҳамиша ғалабалар келтирди. Бир қанча муваффакиятли жанглардан сўнг у ўзбекларни Сирдарё ортига қувиб чиқаришга муваффақ бўлди (1369—1370 йиллар).

Ушбу жанглар бўлиб ўтган ерларнинг аниқ ҳаритасига эга бўлмасдан Амир Темур берган кўрсатмалар ва тактик ҳаракатларнинг афзалликлари ҳақида фикр юритиш мумкин эмас. Шу туфайли уларни тасвирлаб ўтиришни фойдасиз деб биламан. Лекин 2000 кишилик лашкар билан, ўзбекларнинг Аму ва Сирдарёлар орасидаги кўплаб қалъаларга жойлашган 80 000 кишилик қўшинидан ташқари, ўзига қарши қўйилган 20 000 кишилик лашкарини мағлубиятга учратган ва уларни Сирдарё ортига қувиб юборган Амир Темурнинг ҳарбий санъати ва мардлиги ҳақида хуносса чиқариш мумкин.

Илёсхожа Сирдарё орқасига қочишга мажбур бўлгач, кўплаб ўзбеклар Мовароуннахрда жойлашган қалъаларда қолиб кетди. Амир Темир қалъаларни ишғол қилиш билан урушни чўзмаслик мақсадида Илёсхожа номидан қалъалар бошлиқларига қалъаларни бўшатиб қўйиш ҳақида фармойишлар ёзиб, ўзбеклар орқали бериб юборди. Шу билан бирга қалъадагилар жуда катта лашкар келаялти,

деб ишонишлари учун Амир Темур чопарлар ортидан борайтган отлиқларга катта чанг-тўзон кўтариб ҳаракат қилишни буюрди. У ишлар асосан тунларда амалга оширилиб, кўплаб қалъя бошлиқларининг тезлик билан қалъани бўшатиб чиқиб кетишиларига сабаб бўлди. Маҳорат билан ишлатилган мана шундай ҳарбий ҳийлалар туфайли Моварооннаҳрдаги деярли ҳамма қалъалар ёвдан тозаланди.

Тақдирнинг шундай синовлари ва бевафоликлари Амир Темурни одамларни тўғри ташлашга, уларни қадр-қийматига яраша тақдирлашга ўргатди ҳамда ҳаётининг қолган 35 йили давомида ўйнаган буюк тарихий ролига тайёрлади. Унинг ўз фарзандлари ва уруғларига васиятнома сифатида қолдириб кетган уруш ва сиёсат ҳақидаги қондлари (тузуклари) эҳтимол, чўлларда дарбадарликда юрган пайтларида ёзилгандир?⁴³

Унинг Хоразм чўлларида ва Хуросонда беркиниб юрган пайтлари бўлиб ўтган, оғиздан-оғизга ўтиб келиб, қозоқлар томонидан сўзлаб берилган бир ривоят диққатга сазовордир. Бир куни бута соясидә дам олиб ўтирган Амир Темур каттагина қумурсқанинг бир шохнинг учига чиқиш учун ҳаракат қилаётганига, лекин шамол эсиб шох тебраниши натижасида ерга қулаб тушишга эътибор беради. У иккинчи марта юқорига кўтарила бошлайди ва яна қулаб тушади. Қумурсқанинг шох тепасига чиқиш учун ҳаракат қилиши ва қулаб тушиши бир қанча маротаба тақрорлангандан сўнг, у ниҳоят шохнинг учига чиқиб олиб, ўзига озуқа топишга эришади. Буни кузатиб турган Амир Темир: «Мана шу миттигина қумурсқа чидамлилик ва тиришқоқликда бизга ўрнак бўлиши керак; тақдирнинг бевафоликларига қарамай, биз умидсизликка тушмасак, пухта ўйланган, аниқ мақсад сари чидам билан тўхтовсиз ҳаракат қилсак, унга эрищишимиз муқаррар», деган экан.

Ўзининг порлоқ келажагига умид билан қараган Амир Темур ўз руҳиятини нафақат ўзининг туғма мардонаворлиги билан, балки Илёсхожжанинг ўзбошимчалик ва йиртқичликка одатланган ўзбеклар билан биргаликда Чигатой хонлигини бошқариши хонлик аҳолиси ўртасида уларга бўлган нафратни кучайтиради, деган фикри, ўща пайтларда мусулмонлар яшайдиган барча ерлардаги ишларда катта таъсири бўлган ва Темур ҳимоя қиласман деб ўзбекларнинг ғазабига дучор бўлган руҳонийлар ҳамда саййид ва саййидзодалар уни зимдан қўллаб-куватлайдилар, деган тўғри мулоҳаза билан ҳам кўтариб турарди. Эҳтимол, диний эътиқоди ҳам уни қийинчилик пайтларида қўллаб-қўлтиқлаб турган бўлса керак. Тақдирни билишда илми

нужумга, туш таъбирларига, турли хил башоратларга ишонилган замонда Амир Темур ҳам ўз ҳаётида ўчраган мушкул вазиятларда уларга мурожаат қилас, кўпроқ эса бирор муҳим ишни амалга оширишга киришидан аввал қуръондан фол очарди.

Илёсхожани Сирдарё ортига қувиб юборгандан сўнг ҳамма ерда завқ-шавқ билан, ҳалоскор сифатида қарши олинишига, Самарқандда эса буюк ва ўз асрининг қаҳрамони унвонини олишга мусассар бўлишига қарамасдан Амир Темур эс-хушини йўқотиб қўймади. Чингизхонинг тўғридан-тўғри авлоди бўлмагани учун⁴⁴ ва янги ички низоларга йўл қўймаслик мақсадида у хонлик унвонига эришишга интилмасдан, Амир Ҳусайн билан бамаслаҳат хон сайлаш мақсадида қурултой (бутун хонлик амалдорларининг умумий йигини) чақиришга қарор қилди. Сайларда Чингизхоннинг авлоди бўлмиш, алғов-далғов, ички низолар ва ўзбекларнинг ўзбошимчаликлари даврида ёлғизлиқда ҳаёт кечиришни ва дарвешликни ихтиёр этган Қобул Шоҳ Уғлон ютиб чиқди. Аслида Амир Темур ва Амир Ҳусайн шу хон номидан хонликни бошқариб тургандари ўз-ўзидан тушунарлидир. Амир Темур тез орада ўз рақиби, бойлик тўплашга бўлган ҳирсу-ҳаваси туфайли ҳалқ ғазабини ўзига қаратган Амир Ҳусайндан ҳалос бўлди. Амир Ҳусайннинг ўлимидан сўнг Амир Темур ўзи сайлаган хон ҳокимияти паноҳида, унга Чигатой хонлигига тегишли ерларни қайтариб олиб бериш баҳонасида ўзининг ҳокимиятпастлик режаларини амалга оширишга киришди. Бу даврга келиб мўғулларнинг урф-одатлари ўзгара бошлади: улар махаллий ҳалқ билан қўшилиб, маълум даражада ўтроқ ҳаёт кечира бошладилар ва Чигатой салтанатининг жанубий қисмидаги мўғулларнинг деярли ҳаммаси ислом динини қабул қилди. Ўз мутаассиблиги билан бу эътиқод Амир Темурнинг моҳир қўлларида у юксак санъат билан ҳаракатлантира оладиган ҳарбий-сиёсий машинанинг асосий дастаги бўлиб хизмат қила бошлади Амир Темурнинг бошқариш тартиботи шу жиҳати билан ҳеч қандай диний эътиқодга бўйсунмаган, ўз лашкарларида босқинчilikка рағбатни бошқа мутаассиблик усуллари билан қўзғота олган Чингизхоннинг бошқарувидан фарқ қиласарди.

Ушбу фотиҳнинг ҳаёт йўлини баён этиб ўтириш ниятида бўлмаганлигим, балки фақатгина унинг ҳарбий ва сиёсий қоидалари билан, у эгаллаган ҳарбий санъат (унинг кўп қисми Чингизхондан олинган бўлса керак) билан ҳамда унинг энг асосий юришлари билан таништириш истагида бўлганлигим туфайли унинг 1389 йилгача бўлган ҳара-

катлари, яъни ўзининг ғалабалари ва юритган сиёсати ҳамда ўз ватанини ўзбеклар зулмидан озод қилгани туфайли эришган мавқендан фойдаланиб чекланмаган ҳокимиятга эга бўлиб олгани ҳамда Чигратойхоннинг меросидан ўз хоҳишича фойдалана бошлагани ҳақида батафсил сўзлаб ўтирумайман.

Чингизхон қонунига биноан, унинг қонига мансуб бўлмаган ҳеч бир одам мўгулларга қарам ерларда ўзини хон деб эълон қилиш ҳуқуқига эга бўлолмас эди. Лекин ҳар қандай қонунга ҳам нозик ўзгартиш киритса бўлади: гарчи Чингизхон хотираси ҳурматда бўлиб, унинг қонулирига шаклан амал қилинса ҳам, гарчи Амир Темур ҳамма буйруқларни Чингизхон авлодига мансуб хонларномидан ёзса ҳам⁴⁵, амалда улар номидан ўз хоҳишича давлат бошқариб, ўз фарзанд ва набираларига кўп ерларни бўлиб бериб, уларга катта мерос қолдириб кетди.

У ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаш мақсадида аввало қўшинлар сонини ошириш ва уларни тартибга солиш ишларига аҳамият берди. Бунинг учун у Чингизхон томонидан ишлаб чиқилган қарор ва қондалардан ҳам фойдаланди. Юқорида Илёсхожани Мовароуннаҳрдан қувиб чиқариш арафасида шу мақсадда унга қўшилганлардан энг вафодор, яхши саркарда учун керакли хусусиятларга эга, ҳарбий санъатни билувчи, жангларда синаалгани 313 кишини танлаб олганини айтиб ўтган эдик. Шу кишилардан 100 тасини у ўнбоши, 100 тасини юзбоши ва 100 тасини мингбоши этиб тайинлаб, қолган 13 тасига бошқа юқорироқ лавозимларни топшириди. Шак-шубҳасиз, ана шу сараланган жангчилар Амир Темур қўшининда интизом ва ҳарбий тартиб ўрнатишга катта ҳисса қўшдилар⁴⁶.

Яхши таъминланган қўшин тузиб, ўз давлати пойтахти этиб Самарқандни танлаб, уни мустаҳкамлаб, унда қалъа қурганидан сўнг Амир Темур ўша пайтда ўзининг энг ашаддий ва хавфли бўлмиш ўзбекларга қарши юриш қиласиди. 1371 йилда у ўзбекларни тор-мор қилгач, Хоразмни босиб олиди учун юриш қиласиди. Кент шаҳрига ҳужум қилиб, қўлга киритгач, Урганч сари йўл олади, Хоразмхонини ўзи таклиф қилган сулҳни қабул қилишга ҳамда қизини катта ўғли Жаҳонгирга турмушга беришга мажбур қиласиди. Ундан сўнг Амир Темур ўзбекларга қарши яна бир неча марта юришлар қиласиди, 1376 йили қипчоқлар тахтига Тўхтамишнинг ўтиришида катта ёрдам кўрсатади. 1378 йили у яна Хоразмга юриш қилиб, кейинги йил унинг пойтахтини яхши мудофаа қилинганига қарамай, қўлга киритади ва бу давлатни батамом ўзига бўйсундиради. 1380 йил Хуросон фуқаролари ўз ҳокимлари-

дан норози эканликларини эшитган Амир Темур уларнинг баъзилари билан тил биринтириб, бу давлатни босиб олиш учун йўл олади. Шу мақсадда у Амударё устига кўприк қурдиради ва ўз лашкарларини ундан олиб ўтиб, Балх сари йўл олади. Балхни қўлга киритгач Андхуд ва Фушенж сари юриш қиласи ва қўққисдан Ҳирот деворлари олдида пайдо бўлади. Хурросон ҳокими ва вилоят амирлари унга жангсиз таслим бўладилар. Тез орада Сеистон, Қандаҳор ва Афғонистон ҳам унга бўйсунади. Бошқа ҳокимлар ҳам шу йўснада иш тутадилар ҳамда Мозандарон ва Қандаҳоргача бўлган ерларнинг ҳаммаси деярли жангсиз қўлга киритилади. Уз қўшини таркибига босиб олинган давлатлардаги ҳарбий табақага мансуб кишиларни ҳам қўшиб олган Амир Темур бундан ҳам кўпроқ ерларни босиб олишни режалаштиради. 1383 йили у Мозандаронни забт этиб, у ердан Озарбайжон, Арманистон, Гуржистон (Грузия) га юриш қиласи ва босиб олган ерларни Арзрум, Тифлис ва Дарбандгача етказади. У Гуржистондан Ван, Исфахон ва жанубий Эронгача бориб, Форс пойтахти Шероз шаҳрини бўйсундиради.

Бу ерда Амир Темур унинг ерларига Олтин Үрда хонлигига ўзи томонидан ўтқазилган Тўхтамиш босиб кирганлиги ҳақида хабар олади.⁴⁷ Тўхтамишон ўз лашкарларининг бир қисмини Сирдарё ва Бухорого юбориб, қолган қисмини махфий иттифоқчилари бўлган Хоразмга Уст-Юрт орқали юборади. Тўхтамишнинг Бухорогача етиб келганини эшитган Амир Темур ўз фуқароларига ёрдам бериш мақсадида шошилинч ҳаракат қилиб, енгил қўшинларини энг яқин йўллар билан Язд шаҳрига жўнатади, ўзи эса асосий кучлар билан Кермон шўрхок чўлларини айланиб ўтиб, Исфахон ва Тахтапулга (ҳозирги Техрон шаҳри бўлса керак) йўл олади. Бу орада Амир Темур давлатига қарашли Амударё бўйларигача бўлган ўрларнинг бир қисмини талон-тарож қилишга улгурган Тўхтамишон Амир Темур лашкарларининг асосий кучлари яқинлашиб келаётганини эшишиб, ўз лашкарларининг бир қисмини Хоразм орқали, бошқа қисмини Сирдарё орқали олиб чиқиб кетишга улгуради.

Самарқандга етиб келган Амир Темур Хоразм ҳокимлари Илиқмиш ўғлон ва Сулаймон Сўфи ҳамда Тошкент томонидан кучли қўшин юборган ўзбеклар Тўхтамишонга иттифоқчи бўлганликларини аниқлайди. Узбеклар юборган қўшин бошлиғи Анқотўра ўз қўшини билан Сирдарёгача бориб Андигон (Андижон) шаҳрини қамал қиласи, лекин шаҳарни қўлга кирита олмай, қамални тўхтатиб, ўз юртига қайтишга мажбур бўлади. Асосий душ-

маниң бўлган Олтин Ўрда хони билан уруш бошлашдан аввал Амир Темур ўзининг яқинидаги душманларини маглуб этиши даркор эди. Чунки улкан Волга ва Дон бўйлари даشتларнига юриши чоғида улар Амир Темурга қарашли ерларга яна юриш қилишлари мумкин эди. Шуниң учун кечиктирмасдан ўз лашкарларини Хоразмга юборади. Амир Темур қўшинининг авонгори* Бағдоддек дарёсига етиб келганида у кичик отлиқ бўлинмани душман кучлари ҳақида маълумот тўплаб келиш учун юборади. Шедрис дарёсига яқинлашган Амир Темур Иликмиш билан Сулаймон Сўфи ўзларининг қимматбаҳо мол-мулкларини йиғишириб, ўз қўшиллари билан Тўхтамиш паноҳига қочаётганларини билиб қолади ва ўз ўғли Мирзо Мироншоҳни бешта амир билан душманни таъқиб қилиш учун юборади. Улар Қумкент ва Қоз йўллари орқали жуда катта тезлик билан ҳаракат қилиб, Хоразм лашкарларини қувиб етадилар ва уларни тор-мор қилиб, мол-мулкларини тортиб олиб, Хоразмга қайтадилар. Амир Темур улар қайтиб келгач, Урганч шаҳрини босиб олиб, ер билан яксон қилади, шаҳар аҳолисини мол-мулки билан Самарқандга кўчиради. Урганч шаҳри ўрнини ҳайдаб, арпа экишни буюради. Бир неча йилдан сўнг Тўхтамишхонга қарши бўлган юришдан қайтгач, Амир Темур Хоразм халқига яна ўз ерларига қайтиш учун рухсат беради, аммо уларни кузатиб туриш мақсадида Кент ва Хива шаҳарларини қуришни ва мустаҳкамлашни буюради.

Хоразмликларнинг Чигатой хонлари ҳукмдорлигидан ажralиб чиқишлиари, уларнинг Амир Темур билан бир неча маротаба олиб борган урушлари ва зўр бериб қилган қаршиликлари Хоразм бу даврда кучли давлат бўлганлигини, унинг аҳолиси ва майдони ҳозирги Хива хонлигини кидан кўпроқ ва каттароқ бўлиб, Амударё бўйларигача давом этганлигини, ҳозирда хароба бўлган Урганч шаҳри у даврда жуда катта савдо маркази ҳисобланганлигини тасдиқлади. Хоразмда савдо-сотиқнинг ривожланган бўлишига Ҳалокухон, Чигатой ва Олтин Ўрда хонларининг авлодлари билан доимий савдо-сотиқ ишлари олиб борилганлиги сабаб эди. У даврда Ҳиндистон ва Хитой моллари ҳам Хоразм орқали шимолдаги давлат-

* «Темур тузуклари»ни форсчадан ўғирган А. Согуний ва Х. Кароматовлар Темур қўшини илғорни «хировул» деб (форсча қандай бўлса ўшандай) келтирсанлар. Аслида Амир Темур илғорини авонгор деб атаганига Мирзо Улуғбек ўзининг «Тарихи арбъя улус» номли асарида гуводлик беради. Французча деб ҳисоблаб келинган «авангард» сўзи аслида туркийча «авангор»нинг бузилиб айтилган шаклидир (*Muҳarr*).

ларга олиб бориларди. Хоразмликларнинг Тўхтамишхон билан бўлган алоқалари уларнинг Олтин Урда билан бўлган савдо ҳисобига бойиганликларининг далили бўла олади. Бизга етиб келған маълумотлардан фойдаланиб, ўша даврда моллар Урганчга қайси йўл орқали — қуруқлик биланми ёки сув йўл орқали яъни, Аму ва Сирдарёлардан Орол денгизигача, кейин эса Каспий денгизи ва Волга дарёси орқали ташилгани ҳақида аниқ бир нарса дейиш қийин. Ҳиванинг ўзидағи ва Сирдарёнинг қуий қисмидаги кўплаб пишиқ ғиштдан ишланган қурилмаларнинг харобаларидан Амир Темурнинг Хоразмга қилган юришларида қўшинлари Амударёдан тезда кечиб ўтишлари учун қулай имкониятлар топганлигидан у даврда Хоразмда дараҳт кўл бўлгани, Амударёда эса кўплаб кемалар сузуб юргани ҳақида хулоса чиқарса бўлади.

Амир Темир Хоразмни таслим этганидан сўнг ўз қуорлини қипчоқлар Ўрдасининг ўзига энг яқин жойлашган шарқий қисмларидағи қўшинларига қаратди. У ўз қўшинларини Сирдарёнинг қуий қисмига юбориб, авонгори Хоразм жангчилари бўлган руслар, черкаслар, булғорлар, қипчоқлар, қrimликлар, юнонлар, Кафа ва Азов аҳолиси, бошқирлар ва ҳатто москваликлардан ташкил топган Тўхтамишхон лашкарларини тор-мор қилиб, бир қанча жанглардан сўнг уларни Ўрол тоғлари томонга қочишга мажбур этади. Бу муваффақиятдан сўнг Амир Темур 1389 йили унга Тўхтамишхон билан биргаликда ҳужум қилган Туғлуқ Темурнинг ўғли Хизр Ҳожа Ўғлон, Анқотўра ва ўзбеклардан қасд олишга аҳд қиласди. Амир Темур Сирдарёнинг қуий қисмida Тўхтамишхон ҳаракатларини кузатиш учун етарли кучларни қолдириб 100 000 дан ортиқ отлиқ аскар билан душманлари томон йўл олади. У юриш вақтида кўпгина отларнинг озғин эканлигини кўриб, ҳар бир ўнликдан уттадан одам ажратиб, уларни Самарқандга қайтариб юборади ва уларнинг отларини бошқа жангчиларга бўлиб беради. Шундай қилиб, ҳар бир жангчи захираси (запаси) билан иккитадан отга эга бўлади.

Бу юриш чоғида Амир Темур ҳозирги Верная станциясига борувчи йўлдан ҳаракат қилган бўлса керак. Йўл давомида у катта бўлмаган қисмларни дараларга яширинган душманни тутиб, қириб ташлаш учун юбориб турди.⁴⁸ Иртиш дарёсига бир неча кунлик йўл қолганда, Қорағужурда қулай яйловларни топиб, Амир Темур отларни озиқлантириш мақсадида тўхтайди ҳамда душманни топиш ва таъқиб қилиш учун 30 000 отлиқни Иртиш ҳомонга жўнатди. Бу қўшин дарёга етиб келганидан сўнг қисмларга ажralиб, бир қисми Иртишнинг нариги

соҳилига ўтиб, барчалари дарё бўйлаб ва ундаги ороллардан душманни излай бошладилар ҳамда уларни тор-мор қилиб, кўплаб ўлжа ва асиrlар билан асосий кучлар ёнига қайтиб келдилар. Амир Темур ўлжа ва асиrlарни соқчилар кузатувида Самарқандга жўнатиб, ўзи асосий кучлар билан чўлни кесиб ўтди ва шу Ўрда хонларининг пойтахти бўлмиш Сарой Ўрдам номли сарой жойлашган Имал Гужу томон ҳаракат қилди.⁴⁹ Бу ерда ўз қўшинларининг асосий қисмлари бошлиқларини ва чўлнинг шу қисмини ҳамда душман қаерга яширинишини яхши билган кишиларни чақиртириб кенгаш ўтқазди⁵⁰. Амир Темурнинг мақсади Тўхтамишга қарши юриши чоғида ўзининг орқа томонида кучли душманни қолдирмаслик эди. Бу кенгашда қўшинларни беш қисмга бўлишга келишилди. Амир Темурнинг Андижон вилоятига ҳокимлик қилаётган ўғли Умаршайх бошчилигидаги биринчи қисм Дубашин Ондур ва Қорахожа тогларидан ўтиши керак эди; 30 000 отлиқдан иборат бўлган кейинги қисм Қора Ўрт ва Шўруғлуқ томонга йўналтирилди; 20 000 отлиқдан иборат учинчи қисм Сағизғон, Суғулғонлиғ* ва Шовур тарафга йўл олади; 20 000 отлиққа эга тўртинчи қисм Ўритшўр йўлидан Букурға йўналди; ўз лашкарлари ва хос навкарларидан ташкил топган бешинчи қисмга Амир Темурнинг ўзи саркардалик қилиб, Улуғ кўл ва Сичқондабон сари борадиган бўлди.

Бундан ташқари, Тўхтамишга қарши қолдириб кетилган қисмнинг бошлиғига Сирдарёдан шимол тарафга қараб ўзбекларни таъқиб қилиш ҳақида маҳсус фармон берилди. Бу қўшин Ўрдубод томонга юриб, Абейли дарёсини кечиб ўтганларидан сўнг Чечаклик, Ҳолойқон, Солужи орқали Мўлзуд томон йўналдилар. Йўлда Мўгулистон хони Хизрхожа Үглонга дуч келиб, унинг қўшинни билан жангта киришдилар. Бу жанг қатъиятсизлик билан бошлангани учун икки тарафнинг ўзаро келишувига биноан тўхтатилди ва Амир Темур лашкарлари Юлдуз томон равона бўлдилар. Аммо бу лашкарнинг бир қисми Кайту яқинида Амир Темурга етиб олиб, бўлиб ўтган жанг ҳақида хабар берди. Юлдузга етиб келган Амир Темур энг жасур жангчиларни танлаб олдида, юкларни қолдириб Улоқиёновар дарёси томон йўлга тушди**. У дарёни кечиб

* Аслида бир жой номи бўлган «Суғулғонлиғ»ни муаллиф янглишиб иккя жой номи: «Сугулған ва Лиг» тарзида берган (муҳарр.).

** Муаллиф бу ўринда янглишган. Бу ҳақда Шарафуддин Али Яздийнинг «Зафарнома» номли асарнда қўшиннинг Улоқиёновар гузаргоҳи (кечув жойи) да дарёдан кечиб ўтгани ҳақида сўз юритилган. Карап: «Зафарнома» б. 204 а (муҳарр.).

ўтиб, чўл орқали Қорабулоққа етиб келди. У ердан Табар Тош орқали Қушун Қой томонга юриб душман қўшинига етиб олди ва уни тўзитиб юборди. Сўнгра Нойрин довонидан ўтиб душманни Қаратошгача таъқиб қилиб борди ва Ҳизр Ҳожаҳонни қочиб қутулишга мажбур қилди. Уни Қулон довонигача қувиб боргач Амир Темур орқага Ёлих, Кожиртон, Билажир орқали қайтиб, Юлдуздаги ўз қўшинлари билан келишилган жойда бирлашиди. Ҳар бир қисмга душман беркиниши мумкин бўлган ерларни кўрсатиб бера оладиган ишончли бошловчилар тайнланганиги, қўшин ҳаракати йўналиши ҳамда ҳаракат доиралири аниқ белгилаб берилганлиги туфайли бу қисмлар ўз вазифаларини жуда муваффақиятли адо этдилар. Бу барча қисмларнинг йигилиш жойи этиб Юлдуз водийси тайнланган эди, чунки бу ерда ажойиб яловлар, тоза сув ва мўътадил иқлим мавжуд эди.

Бу барча қисмлар ўтган ерлардан душманга тегишли чорва, мол-мулк, ҳатто асиirlарни ҳам ўзлари билан олиб кетиб, катта карvon билан чўл ва даралар орқали юриб Юлдуз водийсида тўпландилар. Бу ёрда Амир Темур ўз одати бўйича жасорат кўрсатгандарни тақдирлаб, жангчиларини турли ноз-неъматлар билан зиёфат қилди, уларни асирга олинган энг чиройли аёллар, қимматбаҳо идишларга қўйилган қимиз билан сийладилар. (Лакруанинг таржимасида ҳамма ерда «май билан» дейилган*. Бироқ асл мусулмон бўлган Амир Темур хойнаҳои майхўрликка рухсат бермас эди; боз устига чўлларда май қаердан ҳам олинсин ва қандай қилиб қўшин билан бирга ташиб юрилсин.) Дам олганларидан сўнг Амир Темур ўз ўғли Умаршайхга кучли қўшин билан Тангри Тоғ томонга ҳаракат қилишни, Калуга деб номланган темир дарвазадан ўтиб, у ерда беркиниб ётган душманни тор-мор қилишни, кейин эса Кузон, Учтурфон ва Қашғар орқали Андижонга қайтишни буюрди. Отасининг бу буйруғини Умаршайх жуда тез амалга оширди. Қўшинларнинг яна бир қисми Тангри Тоғнинг шимолий қисми бўйлаб борди. Амир Темур эса тўғридан юриб, икки ойлик карvon йўлини 22 кун деганда босиб ўтиб, Самарқандга қайтиб келди.

Ўзининг ёвуз душманларига берган жазодан қониқмаган Амир Темур кейинги йил у ерга яна 25 000 отлиқ жангчи юборади. Бу қўшин душманни қириш пайтида уларнинг хони Қамариддининг изига тушиб, уни таъқиб қила бошлайди. Қамариддин Иртиш дарёсининг нариги

* Бу ўринда сўз «Зафарнома»нинг Лакруа французчага қилган таржимаси ҳақида бормоқда (*муҳарр.*).

соҳилига ўтиб, Сибир ўрмонларида ғойиб бўлганини эшитган Амир Темур қўшинлари олти ойлик юришдан сўнг Самарқандга қайтиб келадилар.

Душман мол-мулки талон-тарож қилинган, уларнинг кўп қисми аспирга олинган бундай қирғин-барот урушлардан сўнг Амир Темур ўзбеклар бостириб келишидан узоқ муддатга ўзининг хавфсизлигини таъминлади⁵ ва бунинг натижасида кўпмингли кучга эга бўлган Олтин Ўрда хони Тўхтамишхон билан бўладиган урушга киришиш имкониятига эга бўлди. Тўхтамиш қўшиллари турган жойга етиб олиш учун чўл ерлардан 2 000 чақиримдан зиёд масофаки босиб ўтиш лозим эди. Масофанинг узоқлиги ҳамда душман ҳаракатларининг моҳирона олиб борилиши урушнинг чўзилиб кетишига, бунинг натижасида кўпмингли қўшинини озиқ-овқат билан таъминлашнинг қийинлашишига, бу эса ўз навбатида чекинишга олиб келиб, бу ҳол Амир Темур қўшини учун ҳалокатли бўлиши мумкин эди. Буни яхши тушунган Амир Темур Олтин Ўрда хонлиги ишларида мавқеъга эга, лекин Тўхтамишдан норози бўлган шахслар билан тил бирнектиришга эришади. Улар билан маҳфий алоқада бўлиб турган Амир Темур мушкул аҳволдан қутулишга ва ғалабага эришишга муссар бўлди. Умуман олганда, ўз мақсадига эришиш учун ужеч қандай тадбирдан воз кечмас эди.

Амир Темурнинг бу ёки бошқа юришларини тасвирлашдан аввал ўқувчини унинг ҳарбий қарорлари ва ҳарбий-снёсий қондалари билан таништириб ўтмоқчиман. Бу қондаларни унинг ўзи авлодлари учун ёзиб қолдирган.

Ушбу қондалар Чингизхон ёзиб кетган қондаларга Амир Темур ўз даври руҳига мослаб баъзи бир ўзгартишлар киритиб, мукаммаллаштирган қондалар бўлиши эҳтимолдан ҳоли әмас. Уларнинг қисқача баёни бизнинг мӯгуллар ҳарбий сањъати ҳақидаги тушунчамизни тўлдирди.

АМИР ТЕМУР ҚЎШИНЛАРИНИНГ ТАРҚИБИ ВА ТУЗИЛИШИ

Амир Темур қўшинлари ёнида ва отлиқ аскарлардан ташкил топган эди. Лекин пиёдалар ҳам узоқ чўл сафарларида отлар билан таъминланар, отлиқ аскарларнинг катта қисми эса бизнинг драгуналаримиз каби, керак бўлганда пиёда тартибда жанг қилишга ҳам ўргатилган эди. Улар фақат камондан зарб билан бехато отиш лозим бўлгандагина отдан түшиб, пиёда жангчига айланарди-

лар. Лекин улар отда пнёда ҳолда ҳаракат қилишдан кўра яхшироқ ҳаракат қилганлари шубҳасиз, чунки кўчманчи халқлар ёшлик чоғлариданоқ отда юришни яхшилаб ўзлаштириб одишади.*

Отлиқ аскарлар оддий ва сараланган жангчиларга бўлинниб, енгил ва оғир отлиқ қўшинини ташкил этар эди. Бундан ташқари, Амир Темур гвардия сингари ўзининг хос навкарларига ҳам эга эди.

Амир Темур лашкарида бу асосий қўшин турларидан ташқари яна қўйнагилар мавжуд: 1) понтончилар (кўчма кўприклар қуриш ишлари билан шуғулланувчилар) ва кемачилар (улар асосан Аму ва Сирдарёда кемачилик билан шуғулланувчи кишилардан танлаб олиниб, кемалар ва кўприклар қуриш учун ишлатиларди); 2) нафтандозлар (Грегориан ёки юнон оловини отувчилар); 3) қамал қилиш машиналари ва тош отувчи қуроллар учун ишлашчи биладиган жангчилар. Амир Темур бошчилигига қамал қилинган кўплаб қалъаларнинг грекориан оловларини отиш ва улоқтирувчи қуроллардан моҳирона фойдаланиш натижасида қўлга киритилганлиги қўшиннинг шу тури жуда катта малакага эга бўлганлигидан далолат беради. Амир Темур олиб борган қамал жараёнлари, у юнонлар ва римликлар қалъаларни ишғол қилиш учун қўллаган уеулларни яхши билганини кўрсатади.⁵² Боязидга қарши бўлган жангда Амир Темур грекориан оловини отувчи мосламаларни филлар устига ўрнатиб жангга киритди; 4) тоғларда олиб бориладиган жанглар учун Амир Темур тик қияликларга чиқа оладиган, тоғлик ерларда бўладиган жангларга кўниккан, тоғ аҳолисидан ташкил топган махсус пиёда қисмга эга эди. Бу қисм жангчилари Амир Темурга даралар, тоғ йўллари ва тоғларда жойлашган қалъаларни қўлга киритишида катта хизмат кўрсатди.

Амир Темур қўшинлари Чингизхон қўшинлари каби ўнликлар, юзликлар, мингликлар, туманлар (10 000 ёки 12 000 жангчидан иборат қўшин) ва бошқаларга бўлинниб, уларга ўнбоши, юзбоши, мингбоши ва амирлар бошчилик қилиардилар. Амирлар 1 дан 12 гача бўлган 12 даражага бўлинган эдилар. Амирлар турли қабилаларга бошчилик қилиб, бунда уларнинг даражаси қабила томонидан берилган жангчилар сонига боғлиқ бўлган бўлиши эҳтимол.

* Муаллиф доимо «кўчманчи халқлар» деб таъкидлайди. Асли Амир Темур қўшини кўпроқ ўтроқ халқлардан ташкил топган мунтазам қўшин бўлган. Чингиз қўшинидан Темур қўшинининг фарқлаridan бири ҳам шунда (*муҳарр.*).

ҚУРОЛ-ЯРОФ ВА ҲАРБИЙ ЮРИШ ЗАХИРАЛАРИ, УНВОН БЕРИШ, БОШЛИҚЛАР ҲУҚУҚИ ВА МАОШ ТАЙИНЛАШ

Амир Темур уруш бошлашдан аввал оддий отлиқ ас-
қарлар ёки енгил отлиқлар ҳарбий юриш учун камон,
садоқ (ўқ-ёйлари билан) қилич, арра, бигиз, игна, тароқ,
арқон, болта, ўқ учун 10 та пойнак, қоп, меш (дарёдан
кечиб ўтиш ҳамда сув олиб юриш учун ишлатиладиган
чармдан ишланган қоп) ва 2 та отга эга бўлишларини
талаб қиласди. Бундан ташқари, ҳар 18 киши кигиздан
ишланган ўтов олишлари шарт эди.

Сараланган жангчилар еки оғир отлиқлар дубулға,
қалқон, қилич, камон ва ўқ-ёйлар билан қуролланар
эдилар. Уларнинг ҳар бири 2 та от ва ҳар 5 киши битта
ўтов олишлари шарт эди (5 кишига битта ўтов олишнинг
сабаби — сараланган жангчиларнинг қурол-анжомлари
кўп жойни эгаллар ҳамда улар маҳсус хизматкорларга
ҳам эга эдилар). Булардан ташқари гурзи, ойболта, шам-
шир билан қуролланган маҳсус жангчилар бўлинмаси
мавжуд бўлиб, уларнинг отлари устига йўлбарс терисидан
ёпинчоқ ёпиларди. Бу жангчилар Амир Темурнинг хос-
навкарлари бўлса керак. Жангчилар қилични чап ёnlари-
да, икки тифли шамширни эса ўнг ёnlарида осиб юриш-
лари лозим эди. Ҳар бир ўнбоши зирах (совут), қилич
ҳамда камон ва ўқ-ёй билан қуролланган бўлиб, чодир
ва 5 та отга эга бўлишлари керак эди. Юзбошилар 10 та
от, ўз ўтовлари, қуроллардан эса қилич, камон ва ўқ-ёй,
гурзи, чўқмор ва совутга эга бўлишга мажбур эдилар.

Мингбошилар ўз ўтовларида соябон ва бир қанча
ортиқча қурол-яроғлар — сояут, дубулға, наиза, қалқон,
қилич, садоқ ва ўқ-ёйлар сақлашлари керак эди.

Биринчи даражали амирлар 2 та ўтовга эга бўлиб,
биринчиси оддий икки соябонли, иккинчиси эса заррин
иплардан тикилиб безатилган бўлиши лозим эди (бу ўтов
бошлиқларни қабул қилиш ва зиёфатлар учун мўлжал-
ланган бўлса керак). Улар оддий жангчиларни таъмин-
лашга ҳам етадиган жуда кўп ортиқча қурол-яроғ ҳам
сақлар эдилар.

Иккинчи даражадан ўн иккинчи даражагача ёки бош
қўмондонгача бўлган олий даражадаги амирлар янада
кўпроқ қурол-яроғ ва от-араваларга эга бўлишлари зарур
эди.

Биринчи амир ўзи билан 110 та отни, иккинчиси 120 та,
учинчиси 130 та ва ҳоказо, бош қўмондон эса 300 дан кам
бўлмаган отни олиб юриши шарт эди.

Пиёда жанги шамшир, камон ва ўқдарга эга бўлиб, жанг олдидан ўқлар сони маҳсус буйруққа биноан кўпайтирилиши мумкин эди⁵³. Тўхтамишга қарши бўлған юришда ҳар бир жангчига 30 тадан ўқ олиш буюрилган эди. Бундан кўриниб турибдики, булар енгил пиёда аскарлар бўлиб, керак бўлганда кучли қуролланган отлиқ аскарлар пиёдаларга айланиши ва оғир пиёда аскарлар ўрнини бошилари мумкин эди.

Чингизхон амр қилган, юриш бошлашдан аввал ёки жанг олдидан қўшиннинг аҳволини, қандай жиҳозланғанини, умуман унинг ҳолатини кўрикдан ўтказиш қонунига Амир Темур ниҳоятда жиддий равишда амал қиласарди.

Ҳарбий унвон бериш. Ҳар бир ўнликда сараланган жангчилар орасидан мулоҳазакорлик ва мардлик хислатларига эга бўлган жангчи танлаб олиниб, қолган 9 жангчининг розилигидан сўнг ўнбоши этиб сайланарди;⁵⁴ ўнбошилардан эса фаолияти ва қобилиятига қараб юзбоши сайланарди; 10 та юзбошидан эса ҳарбий ишларда моҳир ва тажрибага эга амирлар фарзандй ёки аслзодалар авлодидан бўлган жасур кишилардан мингбоши тайинланарди. Ҳар бир бошлиқ керак бўлиб қолганда унинг ўрнини босиши мумкин бўлган ёрдамчига эга эди.

Бошлиқлар ҳуқуқи. Ўнбошилар қочиб кетган ёки ўлган жангчилар ўрнига бошқа жангчиларни қабул қилиш ҳуқуқига эга эдилар; юзбошилар ўз биродарлари танлаб олган жангчиларни ўнбошилик вазифасига, мингбошилар эса шу тарзда ўнбошилар ичидан танлаб олингандарни юзбошилик вазифасига тасдиқлар эдилар. Амир Темурга ўнбоши ва юзбошиларнинг фақатгина ўлган, қочиб кетгани ва ўрнига ким қўйилганлиги ҳақида маълумот берардилар. Лекин Темур қўшинида, у ўз битикларида бу ҳақда ҳеч нарса демаган бўлса да, элликбоши ва бешюз бошилар ҳам бўлган бўлса эҳтимол. Оддий фуқаро (раият) ни бошқаришда ҳам унвон беришлар деярли шу тарзда бўлган. Ҳарбийлар орасида ҳам, раиат орасида ҳам бошлиқларнинг вазифалари итоатсизларни жазолаш, ўз бурчларини бажара олмагандарни ҳайдаш ва уларнинг ўрнига бошқа кишиларни сайлашдан иборат эди. Амир Темур жисмоний жазо беришни ёқтиргмагани учун уни таъкиқлаб қўйган, ҳокимияти қамчи ва таёқдан кучсиз бўлган бошлиқ, ўзи эгаллаб турган лавозимга лойиқ эмас, дер эди⁵⁵.

Шундай қилиб, оддий жангилар ҳам ўнбоши ва юзбоши лавозимларига эришишлари мумкин эди. Лекин олий мансабларни эгаллаш учун юзбошилар алоҳида хизмат кўрсатишлари ёки алоҳида қобилиятига эга бўлишлари керак эди. Чунки юқорида қайд қилганимиздек, мингбоши-

лик лавозимига одатда амирлар ва аслзодалар, яъни қабила бошлиқлари ва уларнинг фарзандлари кўтарплиши мумкин эди. Бинобарин, бу лавозимларга мол дунёси мадрасаларда ўқиш учун имкон берувчи, сиёсий ҳокимиятга эга, аслзодаларга мансуб олий табақадаги кишинилар сайланар эдилар. Амирларнинг 12 даражага бўлиниши, эҳтимол уларнинг қўли остидагиларнинг кўп-камлигига боғлиқ эди. Масалан, биринчи даражадаги амир 1000 кишилик отлиққа, иккинчи даражадаги амир 2000 отлиққа ва ҳоказо, ўн иккинчи даражали амир 12 000 ва ундан кўпроқ отлиққа бошчилик қиласди.

Маош тайинлаш. Пул муносабатлари билан яхши таниш бўлмаган кўчманчи халқлар буюмлар қийматини одатда от, қўй, түя ва бошқа нарсаларнинг баҳоси билан ўлчайдилар. Шу туфайли Амир Темур жангчи маошини шу жангчига тегишли отнинг нархига тенг қилиб белгиларди.* Аъло жангчи (баҳодир) ларнинг маоши 2 тадан 4 тагача отнинг нархига тўғри келса, ўнбошилар 10 та оддий жангчи оладиган маошни⁵⁶, юзбошилар 2 та ўнбоши оладиган маошни, мингбошилар 3 та юзбошининг маошига тўғри келадиган маош олар эдилар. Жиноят қилган ҳар бир жангчи** ўз маошининг ўндан бир қисмидан маҳрум этилар эди.

Амирлар маоши уларнинг даражасига қараб 1000 ва 10 000 гача от нархи, Амир Темур авлодлариники эса 12 000 гача от нархи билан белгиланиб, уларга яна вилоят ҳам ҳадя этиларди. Амир Темурнинг бошқа фарзанд ва набиралари таъминоти уларнинг қариндошлиқ даражаси ва ёшига қараб камайиб борарди. Пиёда аскарлар, хизматчилар (амирлар ва Амир Темурнинг қуролбардорлари ва хос хизматчилари бўлса керак) ва чодирчилар 100 тадан 1000 тагача от нархига тенг маош олардилар. Пиёда жангчиларнинг катта маош олиши уларнинг хизмати шарафлироқ ва отлиқ жангчилар хизматидан машаққатлироқ бўлган деб хуласа чиқаришга имкон беради. Пиёда аскарлар саралангани ва синаалган жангчилардан иборат бўлганлиги ҳамда

* Бу ерда кўрсатилган сабаб унча тўғри эмас. Амир Темур пул қадри ва нарх-наво ўзгарганда жангчилар зарар кўрмасликлари учун маошни шундай тайинлаган. Нарх-наво ўзгариши туфайли қимматчилик бўлиб кетадиган ҳолларни назарда тутиб от нархини маош учун мезон қилигани Амир Темурнинг иқтисодиётни наҳоятда чуқур билишдан ва авом мухофазасини ўйлаб иш юритганидан далолат беради (*муҳарр*).

** «Темур тузуклари»да «куруш пайтида хатоликка йўл қўйган ҳар бир жангчи» дейилган (*муҳарр*).

уларни таъминлаш қимматга тушиши сабабли кўп сонли бўла олмас эди.*

Қўшинлар маоши махсус бошлиқлар томонидан бошқариладиган, ҳарбий вилоятларга бўлинган ерлар ҳисобидан ҳамда баъзи шаҳар ва вилоятлар даромадларидан белгиланарди. Амир Темур ўзи танга зарб этгани туфайли, ўтроқ ҳалқлар орасидан чиққан ва пул муносабатлари билан таниш бўлган жангчиларга пул билан маош тўларди. Бошқаларга маош арпа ва бошқа дон маҳсулотлари билан тўланарди. Аммо от маош тўлашда қиймат бирлиги сифатида қабул қилинган эди.

Жанговар хизмат кўрсатган жангчиларга мукофотлар шарафлаш, маошни ошириш, ўлжа бўлишда улущнинг оширилиши, юқори мансабга кўтариш, фахрий унвон бериш, баҳодир, жасур, ботир ва бошқа шу каби номлар билан аташ сифатида берилса,⁵⁷ бутун қўшинлар қисмига — ноғора, байроқ билан тақдирлаш ва ҳоказолар сифатида бериларди.

АМИР ТЕМУР ҚЎШИНЛАРИ МУНТАЗАМЛИГИНИНГ АСОСИ

Амир Темур қўшинларининг бундай ташкил этилиши уларнинг у ёки бу даражада сафларга бўлинганлигини, ҳар бир жангчи ўнликда ўз жойини билиши, ўнликлар юзликда, юзликлар эса мингликда (ва ҳоказо) қайси тарзда жойлашишлари кераклигини билишлари лозим бўлганлигини кўрсатади. Қаттиқ интизом ва ўюшқоқлик ҳукм сурган юз минглик қўшинларда аниқлик, тўғрилик ва ҳаракатнинг тезлигига аниқ риоя этилиши, деярли бир зайлда саф тортиш ва доимий мунтазамлик бўлиши талаб этиларди. Шарафуддин Али Яздийнинг ёзишича, Амир Темур қўшинлари ҳаракатлари аниқлик билан олиб борилар, Боязид билан бўладиган жангдан аввал Самарқанддан келган ҳар бир қисм жангчилари махсус рангли кийимбosh кийган эдилар. Масалан, қизил байроққа эга қисмлар шу рангдаги қалқон, эгар, жабдуқ, ўқдон, камар, наиза, гурзӣ

* Муаллиф бу ўринда янгишган. «Тузуклар»да пиёдалар ва хизматчилар маоши 100 тангадан 1000 тантагача бўлиши лозимлиги таъкидланган. Темур лашкарларида пиёдаларнинг анча кам бўлишига асосий сабаб эса унинг аскарлари аксарият ўтроқ ва яқинда ўтроқлашган ҳалқлар вакиллари бўлганлиги ҳамда у олиб борган жангларнинг аксарияти кенг ва очиқ ерларда (чўллар, даштларда) бўлганлигига ва бундай жангларда тезкорлик ҳамда чаққонлик талаб қилинишида бўлса керак; бундан бошқа бир неча сабаблари ҳам бўлиши ёхтимол (муҳарр.).

ва бөшқа аслақаларга эга бўлсалар, сариқ оқ ва ҳоказо раигда кийинган қисмлар жангчилари шу рангдаги қуроляроғ ва бөшқа аслақалар билан жиҳозланган эдилар. Қисмлар қуролларининг хиллари билан ажралиб турардилар. Эҳтимол, отлиқ қисмлар отларининг ранги билан ҳам ажралиб турган бўлишлари мумкин.

Шундай қилиб, Амир Темур пиёда ва отлиқ аскарларга эга эди. Пиёдалар енгил қуролланган бўлиб, жарликлар ва ўрмонлардаги жангларга мўлжалланган, тоғ ва ўрмонлар бўйлаб юрилган кезларда қўшинни қўққисдан бўладиган ҳужумлардан сақлар, қамал пайтида ҳужум қилиш ва бөшқа ишларда қўлланиларди. Отлиқ аскарлар енгил ва оғир қисмларга бўлинган эди. Амир Темурнинг кўплаб жангларидан кўринадики, отлиқ аскарлар баъзиде пиёда сафда жанг қилишар, уларнинг маълум қисми бизнинг драгуиларимиз каби оғир ва енгил отлиқ аскарлар ўртасидаги оралиқ отлиқ аскарларни ташкил этарди.

АМИР ТЕМУРНИНГ ЖАНГДАГИ ҲАРАКАТЛАРДА ҚЎЛЛАГАН ТАКТИҚ ҚОИДАЛАРИ ВА УНИНГ ЖАНГОВАР САФЛАРИ

Амир Темур қўшиларида қўлланилган тактик қоидалар ва жанг олдиб бориш тартиблари ҳақида тушунча бериш учун мен бу ерда Амир Темурнинг уруш ва жанглар, ҳужум ва чекиниш, жанг тартиби ва душманни яксон қилиш қоидаларини баён қўлмоқчиман.⁵⁸ Бунда иложи борича Амир Темурнинг ўз сўзлари билан баён қўлишга ҳарарат қиласамай.

12 000 дан ОРТИҚ БУЛМАГАН ОТЛИҚ АСКАРЛАР БУЛИМИ УЧУН

Агар душман қўшини соғи 12 000 дан ошмаса, Амир Темур уларга қарши тегишли ўнликлар, юзликлар ва мингликларга эга бўлган 12 000 отлиқ аскар юборар эди. Бу аскарларга бошчилик қилаётган амир (амир ул-умаро) душман турган ерга бир манзил қолганда Амир Темурга бу ҳақда хабар бериши лозим эди. Амир Темурнинг талаби бўйича ушбу лашкар қўйидаги 9 қисм (фавж) га бўлиниши керак эди.⁵⁹ Асосий корпус ёки резерв (қўл) бир қисмни, ўнг қанот (баронфор) уч қисмни, сўл қанот (жавонфор) уч қисмни, илфор фавж (авонфор) бир қисмни, олдинги постлар (қоровул) бир қисмни ташкил этарди. Ўнг ва сўл қанотлар (баронфор ва жавонфор) нинг ҳар бпри З қисмдан иборат бўлиб, нафор қисмлар, ўнг ва чап ёки биринчи

ва иккинчи бўлинмаларга (авонғор, чоповул ва шиковулга) бўлинар эди.

Жанг бўладиган ерни танлашда қўйидагилар эътиборга олиниши керак эди: 1) сув, 2) лашкарни жойлаш ва сақлаш учун қулай бўлган жой⁶⁰; 3) жанг учун танланган ерда душман устидан устуњлик қилиш мумкин бўлиши ва айниқса юз ва кўзга қўёш тушмаслиги; 4) жанг майдони кент ва текис бўлиши.

Жанг олдидан амир қўшинлар текис ҳаракат билан юришлари учун ҳар бир сафнинг жойини тайин қиласар эди. Улар у жойга ўз отларини ўнгга ҳам сўлга ҳам бурмасдан тўғри боришлари, душман билан тўқнашганда «Аллоҳу акбар! деб ҳайқириб, шиддат билан унга ташланишлари керак эди. Бу тадбир сафда турган қўшинларининг бехуда отишма билан шуғулланмасдан, шиддатли ҳужум қилишларига қаратилган эди. Асосий қўшинлардан илгарироқقا юборилган, енгил қўшинлардан тайинланган қоровуллар ўқ-ёй ва найзалар отиб жангни бошлаб юборишлари лозим эди.

Тажрибага эга ва моҳир саркарда жанг олдидан жанг майдонини синчилаб кўздан кечириши, душман хусусиятларини, унинг қайси тарафдан устун эканлигини ўрганиши, ўз нуқсонларини тез орада йўқота олиши, душман алоҳида ажратилган қисмлар билан ҳужумга ўтаётгани ёки бор қўшинларини бирваракайига жангга киритганлигини кузатishi, унга қарши ишонч билан ҳаракат қилиши, муваффақиятга эришиш учун унинг махфий режалари бор-йўқлигини билиши керак эди. Амир Темурнинг айтишича, душман ҳужум қилиши ёки чекинмоқчи эканлигини, ҳужумни тақрорламоқчилигини ёки биринчи ҳужум билан қаноатланаётганигини кузатиш ва тезда уқиб олиш катта санъат ҳисобланарди. Унинг айтишича, саркарда жанг пайтида ўзини йўқотмаслиги керак. Курашчи ўз танаси қисмларидан — қўллари, оёқлари, боши ва шу кабилардан қурол сифатида қандай фойдаланса, саркарда ҳам ўз жангчиларининг лозим бўлганда камон, ойболта, гурзи ва қилични шундай ўз ўрнида ишлатишларини кузатиб ва бошқариб туриши лозим.

Жанг қоровуллар томонидан камон ва найзалар отиш билан бошланар, кейин эса жангга авонғор киради. Марказий авонғорга мадад керак бўлганда, жангга аввало ўнг қанот авонғори (баронғор авонғори), кейин эса сўл қанот авонғори (жавонғор авонғори) киришар эди.⁶¹ Агар мадад кучига яна эҳтиёж сезилса, унда жангга ўнг қанотнинг чаپ бўлаги (баронғорнинг биринчи фавжи) ва сўл қанотнинг ўнг бўлаги (жавонғорнинг биринчи фавжи) киришар

эди. Агар улар ҳам етарли бўлмаса, жангга икки қанотнинг қолган қисмлари (баронгорнинг иккинчи фавжи ва жавонгорнинг иккинчи фавжи) киришиб, ўша заҳоти бу ҳақда Амир Темурга хабар берилар эди (буни Амир Темур жанглар асосий қўшин турган жойга яқин ерда бўлаётганида талаб қилган бўлса керак). У моҳир саркарда сифатида душманнинг ҳужум қилиш усусларини, унинг хусусиятларини билиш учун ёки бошқа бирор мақсадни кўзлаб катта бўлмаган қисмларни олдинма-кетин жангга киритар эди. Агарда бу ҳаракатлар ҳам натижা бермаса, амир оҳирги ҳужум муваффакиятли бўлишига ишонган ҳолда, асосий кучларга қўшилиб, қўл (эҳтиёт қисм) билан ўзи жангга киришиши лозим эди.

Ўша даврларда, деярли барча ҳалқлар уруш вақтида тартибли сафларда тизилмасдан, тўда-тўда бўлиб, тактик мулоҳазаларсиз жанг қиласидиган, ўз жасурлигига берилиб кетиб, душманга тартибсиз равишда ташланадиган бир вақтида Амир Темур лашкарлари тартибли сафларга тизилган ва бир неча қисмлардан иборат бўлар ҳамда улар жангга бирин-кетин киритилиб, ниҳоят сўнгги ҳужумлар билан душман кучсизлантирилиб, ҳолдан тойдирилгач, энг сараланган жангчилардан тузилган, ҳар доим ғалабани таъминлаши мумкин бўлган, кучли ва бардам резерв жангга киритиларди. Шуни қайд қилиш керакки, олдинги қатор жангчилари унчалик кўп бўлмасдан, душман ҳужумига бас кела олмас эди. Амир Темур уларга мадад бериш учун аввал икки қанот ўртасидаги, кейин эса ён томонидаги аскарларни юборар ва ҳал қилувчи дақиқадагина резерв ҳаракатга тушарди. Бундай ҳаракатда ён томондаги ва янги кучлар сақлаб қолинар, агар душман олдинги қатор марказини орқага итқитиб ташласа, у ҳолда бир озгина ғайрат билан душман римликларнинг Каннадаги жангда тушиб қолған ахволларига солиб қўйилиши мумкин эди. Ўшанда карфагенликлар қўшинларининг марказий қаторини шиддат билан сикиб бораётган римликлар ён томонлардан Аннибалнинг пиёда ва отлиқ аскарлари ёрдамида ўраб олиниб, натижада, римликлар қўшинларининг 3/4 қисми ҳалок бўлган, жанг ҳам бой берилган эди. Каннда содир бўлган ҳодиса тасодифий эмасди ва режа билан юқорида баён этилган тартибда жанг қилинса, бундай натижага эришиш мумкин эди. Агар душман авонгор ҳужумини енгиллик билан бостиреса, кейинчалик кетма-кет тарзда ўрта ва ён қисмлар қаршилигига ва ниҳоят олд томондан кучли резерв қаршилигига учраб ўраб олиниши ва озгина хатога йўл қўйилиши натижасида қириб ташланиши мумкин эди.

Ушбу жанговар тартиб Ўрта Осиё текисликлари учун қулай эди. Текис ерларда жанг олиб боришининг қулайлиги шунда эдик, мўғул ва Ўрта Осиё отлиқ аскарлари мағлубиятга учраган ҳолларида қирилиб кетишдан халос бўлиш учун тарқалиб қочишар, кейин эса келишилган жойда учрашишар, деярли ҳар доим пистирмадан фойдаланиш оқибатида душманни таҳликада ушлаб туришар. бундай таҳлика уларни мағлубият келтирувчи шиддатли ва кучли таъқибдан сақлаб турарди Гўё уруш худосининг ўзи Чингизхон ва Амир Темурга жанг олиб боришининг бу усулини ўргатгандек туюлади. Бу усуллар шунчалик пухта ўйлангацки, улар олиб борган жайгларнинг деярли ҳаммаси ҳал қилувчи бўлиб, душман қўшинларининг тор-мор бўлишига олиб келди.

12 МИНГДАН 40 000 ГАЧА БУЛГАН ОТЛИҚ БИРИКМА (КОРПУС) УЧУН

Агарда душман 12 мингдан кўп, лекин 40 мингдан камроқ қўшинга эга бўлса, унда Амир Темур уларга қарши 40 мингдан кам бўлмаган қўшин юборар эди. Бунда қўшинга бошчилик қилишин ўғилларидан бирига топшириб, унга ёрдамчи сифатида иккита амир (бегларбеги) ва бошқа бошлиқларни қўшиб берарди. Бу қўшинларнинг жанговар тартиби қўйидагича бўлган: қўшинлар 14 қисмга бўлинган бўлиб, уларнинг 1/3 дан кам бўлмаган қисми саркарданинг шахсий бошчилигидаги резерв (кўл) ни ташкил этарди; ҳар бири З қисмдан иборат бўлган ўнг (баронфор) ва сўл (жавонфор) қанот жангчилари иккинчи қанотни ташкил этиб, улардан бири бу қанотлар авонгори (баронфор авонгори ва жавонфор авонгори) ни, қолган иккитаси ҳар бир қанотнинг ўнг ва сўл ярми (бининчи ва иккинчи фавжлар) ни ташкил этарди. Иккинчи қатор ўнг ва сўл қанотлари авонгори олдида бининчи қаторни ташкил этувчи яна З тадаён қисм (чоповул ва шиковул) қўйиларди. Буларнинг ҳар биридан биттадан авонгор (чоповул авонгори ва шиковул авонгори) ажратиларди. Улар олдида қолган қисмлардан авонфор қўйиларди. Авонфорга қилич, найза ҳамда камон билан қуролланган довюрак ва жасур жангчилар тайинланарди. Улар жуда кучли ҳайқириқ билан жанг олиб бориб, душман авонгори тартибини бузишлари керак эди. Авонфор олдида қоровуллар қўйиларди.

Амир Темур қоидаларига кўра лашкарбоши душман қўшини сонини билиб олгач, унга қарши ўз қўшинларини тўғри қўя билиши, душман нима қилаётганини кузатиши,

дushman үқчилари, жайзабозлари, қиличбозларининг ҳолати қандайлигини билиши, улар жангга бирвәракайига ёки қисмларга бўлиниб, аста ёки шиддатли равишда кириш-ётганлигини кўра билиши, жанг майдонидаги ҳужум ва чекиниш учун мумкин бўлган кириш ва чиқиш жойларини белгилаши ҳамда дushmanнинг жанг қилиш тартиби ва кўзлаган мақсадини фаҳмлай олиши керак эди. У дushman айёрликларига учиб, қуршовга тушиб қолмаслик учун эҳтиёткор бўлиши лозим эди. Моҳир лашкарбоши жангларнинг умумий механизмини яхши тушуниши, айнан қайси қўшинларни жангга киритиш лозимлигини билиши, дushman режаларини пайқай олиши ва унинг режаларини амалга оширмаслик учун ҳар қандай чора-тадбирлардан фойдалана олиши керак эди.

Жанг авонғор ва ундан олдинда борадиган қоровуларни ташкил этувчи камончилар томонидан бошлаб бериларди. Авонғор бирин-кетин биринчи қатор авонғори (чоповул ва шиковул авонғорлари, кейинроқ эса, шу қаторнинг аввал марказга яқин, сўнгра ташки қисмлари (биринчи ва иккинчи фаважлари) билан мададлантирилиб турдиларди. Агарда мана шу етти ҳужум жанг тақдирини ҳал қила олмаса, у ҳолда ҳудди шу усулда иккинчи қатор қисмлари жангта киритиларди. Агар жанг қилаётган қисмларнинг иккинчи қатор қисмлари билан мустаҳкамланиши ҳам етрли бўлмаса ва мазкур 13 та ҳужум жанг тақдирини ҳал қила олмаса, у ҳолда бошлиқ ҳеч иккиланмасдан энг яхши жангчилардан ташкил топган ўз резервларини ишга солиши, улар қўлда қилич билан ёвга ташланишлари, камончилар эса ўқларни ёв устига ёмғирдек ёғдирилишлари лозим эди. Шундан кейин ҳам ғалаба қўлга киритилмаса, лашкарбошининг ўзи бошқаларга ўрнак кўрсатиш ва жангчилар руҳини кўтариш учун жангга кириши шарт эди. Ҳар қандай ҳолда ҳам бош байроқ ҳеч қачон кўздан йўқолиши керак эмас эди.⁶²

БУТУН БИР ҚУШИН (АРМИЯ) УЧУН

Дushman қўшини сони 40 000 дан кўпроқ бўлганида унта қарши Амир Темурнинг ўзи борарди. Бундай пайтда унинг қўшинлари жангта қўйидаги тартибда бўлинардилар: 40 та бўлинма (полк бўлса керак) бевосита Амир Темур иктиёрида бўларди (қўл). Улардан энг сараланган 12 та бўлинма биринчи қаторни, қолган 28 таси эса иккинчи ва учинчи қаторларни ташкил этар эди. Амир Темурнинг ўғиллари ва набиралари бошчилик қилаётган қўшинлар кўрсатилган 40 та бўлинма ўнг томонининг олд

қисмida, қариндошлари ва иттифоқчилари бошчилик қи-
лаётган қўшинлар эса унинг чап томонининг олд қисмida
жойлашар эдилар. Бу барча қисмлар резерв (тарҳ) ни
ташкил этиб, қаерга мадад керак бўлса, ўша ерга борар-
дилар.

Олтита бўлинма ўнг қанотнинг (баронфорнинг) асосини
ёки унинг иккинчи сафини ва 1 та бўлинма авонфорни
ташкил этарди. Яна шунча бўлиима шу асосда чап қанот
асоси (жавонфор) ни ташкил этарди. Иккинчи сафнинг
икки қаноти олдида худди шу тартибда ва шу сонли қисм-
лар билан биринчи қатор (чоповул ва шиқовул) жойлашар
эди. Биринчи қатор олдидаги илфорда (фронтда) шунчак
бўлинмага эга, малакали бошлиқлар ва жасур жангчилар-
дан тузилган катта авонфор жойлашарди. Бу авонфорнинг
олдида ҳам ўз авонфори (авонфорининг, авонфори) бор
эди.⁶³ Енгил қуролланган икки бўлинма (сўл ва ўнг қа-
нотлар қоровуллари) жангчилари олдиндаги соқчилар ва
эҳтиёткорлик учун айгоқчилик (разведка)га юборилади-
ган кичкина отлиқ бўлинмалар ёрдамида қўшинларни
қўққисдан бўладиган ҳужумдан сақлар ва душман ҳарака-
тини кузатиб борардилар.

Жангни енгил қуролланган жангчилар (қоровуллар)
ва авонфорнинг авонфори бошлаб берарди. Катта авонфор
амири уларга ёрдамга келиб, ўз жангчиларини жангга
кири гарди. Шу тариқа ёрдам керак бўлганда жанг қила-
ётгандарга ёрдам сифатида аста-секин биринчи, кейинроқ
иккинчи қаторлар жангга киради. Агар бу ёрдамлар ҳам
камлик, қилса, резерв (тарҳ), нинг сўл ва ўнг қанотлари,
яъни Амир Темурнинг ўғиллари, набиралари, қариндош-
лари ва иттифоқчилари жангга киришарди. Уларнинг асо-
сий вазифаси — душман бои қўмондонига ҳамла қилиб,
уни асирга олиш ва унинг байроғини қўлга киритишдан
иборат эди. Агар бу ҳаракатлар ҳам ғалабаға олиб келма-
са, унда бутун қолган резерв қисмлар (қўл) ишга тушиб,
қатъийлик билан ҳужум олиб бораради. Форс тилида би-
тилган асл нусхадан инглиз тилига қилинган майор Доу
таржимасида бутун қўшин (армия) учун бўлган жанговар
тартиб қуйидаги кўринишда алоҳида жадвал сифатида
берилган:

**Амир Темур ўзи бошқарган, 40 000 дан ортиқ
отлиққа эга бўлган қўшигининг жанговар тартиби
ва тузилишини кўрсатувчи**

ЖАДВАЛ

Сўл қанот
қоровули

Ўнг қанот
қоровули

Авонгорнинг
авонгори

Катта авонгор
6. 5. 4. 3. 2. 1.

Шиқовулнинг
авонгори

Шиқовулнинг
1—6-фавжлари
6. 5. 4. 3. 2. 1

Жавонгорнинг
авонгори

Жавонгорнинг
1—6-фавжлари
6. 5. 4. 3. 2. 1

Чоповулнинг
авонгори

Чоповулнинг
1—6-фавжлари
6. 5. 4. 3. 2. 1

Баронгорнинг
авонгори

Баронгорнинг
1—6-фавжлари
6. 5. 4. 3. 2. 1

ТАРХ
(РЕЗЕРВ)

Амир Темур қариндошла- Амир Темур ўғиллари ва
ри ва иттифоқчиларининг набираларининг қўшини
қўшини

ҚУЛ

Бевосита Амир Темур ихтиёрида бўлган қўшинлар; булар-
дан 12 та ўрта бўлинма (полк) олдинда бўлиб, улар бош
байроққа эга, иккита орқа қаторда эса қолган 28 та ўрта
бўлинма (полк) жойлашган.

1-изоҳ. 1 дан 6 гача бўлган сонлар ҳар бир қанотдаги қўшин
қисмлари сонини билдиради. Улар эҳтимол қўшинининг катта-кичикли-
гига қараб мустақил қисмларни ташкил қилган, солинштириб кўргандা
бизнинг дивизион, полк, бригада, дивизия ва шу кабиларга ухшаш
бўлинма керак.

2-изоҳ. Резервдаги полк сўзини (французча таржимада шундай
ёзилган) қўшиналарининг мустақил қисми деб тушуниш керак; лекин
бунда ҳар бир қисмда қанчадан жангчи бўлгани номаълум.

Юқорида келтирилган Амир Темур эга бўлган уч тур-
даги отлиқ аскарлар кўрсатилган чизмалардан кўрина-
дик, жанговар қаторларининг маркази кучсиз эди. Бу
билан Амир Темур марказни атайин кучсизлантириш қа-
тижасида душманни резерв томонга жалб қилиб ва қур-
шаб олиб янтиб ташлаш учун шундай қилганми ёки кучли
резервга эга бўлгани учун (ўша пайтдаги халқларда бу
ҳақда тушунча ҳам дейрли йўқ эди) атайин ён томонларни
чўзиш натижасида душман ҳам шундай қилиши, кейин эса
резерв билан ўртага ҳужум қилиб; унинг сафларини бузиб
парчалаб ташлаш учун шундай қилганми, йўқса бу тар-

тиб шунчаки қўллану ма сифатида хизмат қилганми (чунки Амир Темурнинг баъзи бир жангларида қўшинлар чап ва ўнг қанотлар ўртасида 2 та жанговар қаторга жойлашганлиги ҳам маълум ва биз қўйида буни кўрамиз), буниси бизга қоронгу. Ангор яқинидаги Боязид билан бўлган жангда эса марказга филлар жойлаштирилган эди. Бу пайтда пиёда аскарлар қаерда жойлашганлигини, улар марказдá бўлганми ёки от-араваларни сақлаш учун манзилгоҳда қолганми, буни ҳам мен аниқлай олмадим. Тўхтамиш билан бўлган бир жангда эса Амир Темур пиёдаларни олдинги қаторга жойлаштирган эди.⁶⁴

ҮРДУ (ЛАГЕР) ЛАРДА ЖОЙЛАШИШ ҲАҚИДА

Үрдуда (лагер бўлиб) жойлашганда ва тунашга ётишда Амир Темур аскарлари манзилгоҳи маҳсус соқчилар томонидан қўриқланарди. Амир Темурнинг ўзи қўшинларга бошчиллик қилганда манзилгоҳни қўққисдан бўладиган ҳужумлардан сақлаш учун 12 000 отлиқ тайинланарди. Улар 3000 тадан ҳар тўрт тарафга жойлаштирилар эдилар. (Амир Темур қароргоҳи атрофи хавф туғилганда хандақ қазиб ўралар, хода ва қалқонлар билан мустаҳкамланар эди). Бу қўшинлар манзилгоҳдан ярим фарсанг⁶⁵ масофада жойлашиб, етакчи постларга, улар эса ўз навбатида соқчиларга эга бўлиб, бир-бирлари билан муназам алоқа боғлаб туришар, душман ҳақидаги барча маълумотларни манзилгоҳга етказиб туришар эди. Манзилгоҳда маҳсус миришблар бўлиб, улар тартиб-интизомга, маркитантлар (қўшин билан бирга юриб озиқ-овқат савдоси билан шуғулланувчи савдогарлар) фаолиятига, озиқ-овқатлар нархига ва манзилгоҳда рўй бериши мумкин бўлган ўғриликларга жавобгар эдилар. Тўртта маҳсус қисм манзилгоҳ ташқарисидаги жангчилар хавфсизлигини кузатарди. Агарда манзилгоҳдан 4 фарсанг масофада ҳам кимдир ярадор бўлган, ўлган ёки талаб кетилган бўлса, бу жиноятлар учун мана шу қисмлар жавобгар эдилар.

КРИМ-ТАТАРЛАРНИНГ САФ ТОРТИШ ВА ҲАРАКАТЛАРИ ТАРТИБИ ҲАМДА УКРАИНАГА ҚИЛГАН БОСҚИНЛАРИДАГИ ТАДБИРЛАРИ

Мўғул-татарларнинг жанговар сафлари ва урушиш санъати эволюцияси ҳамда уларнинг ҳарбий юришлар чоғида қўллаган қоидалари ҳақида мен ҳеч қандай маълумот тўплай олмадим. Лекин бу ҳақда бир оз маълумот бериш ниятида қрим-татарларнинг XVII асрда Украинага

қылган босқинларидаги ҳаракатлари ҳақида тұхталиб ўт-моқчиман.⁶⁶ Бу даврда гарчи улар ўз аждодларининг жанговарлик хусусиятларини, Чингизхон ва унинг биринчи авлодлари таъсис қылган тузум формаларини йүқтотган бўлсалар-да, шу формаларининг сақлашиб қолған баъзи бир кўринишларидан мўғулларнинг* Амир Темур давридаги ҳарбий санъати ҳақида холоса чиқарсан бўлади. Бунга шуни қўшимча қилса бўладики, қrim-татарлар босқинларидаги саф тортиш ва ҳаракатлар тартиби чўл ерларига, кўчманчи халқлар турмуш тарзига; уларнинг олиб борган урушлари хусусиятларига шунчалик мувофиқлаштирилганки, бу ҳаракатларни Ўрта Осиёдаги ҳамма кўчманчи халқлар учун умумий деб олишимиз мумкин. Бинобарин, бу ҳаракатлар Чингизхон ва Амир Темур қўшинларида ҳам яхшироқ, ҳам мукаммалроқ ҳолда бўлган деб холоса қилсанак, катта хато қилмаган бўламиз.

Бопләннинг сўзларига қараганда, қrim-татарлар 80 000 гача жангчи бўлган қўшин билин ҳаракат қылганларida, жангга хоннинг ўзи бошчилик қилса, 40 000 кишилик қўшинга унинг миrzаси ёсош бўларкан. Бундай катта куч билан бўладиган юришлар, дарё ва ботқоқликлар ҳаракатни қийинлаштирасликлари учун, фақатгина қиши пайлари амалга оширилар эди. Одатда, бундай юриш олдидан қўшин кўрикдан ўтказиларди⁶⁷. Татарлар учун бир кунда 25 чақирим масофани босиб ўтиш белгиланган эди. Душман ҳаракатларини ўрганиш ҳамда «тил»ни қўлга киртиш мақсадида олдинга энг абжир ва малакали суворийлар юборилар эди. Жанг пайтида татарлар қўшини энiga 300 дан 1000 қадамгача бўлган масофани эгалларди. Бунда отлиқлар сони 1000 та бўлиб, улар ўзлари билан керак бўлганда алмаштириш учун қўшимча 2 тадан от олишлар⁶⁸ керак эди. Жанговар сафлар қўшин сонига қараб 800 тадан 1000 тагача бўлиб, ичкарига 12, 15 ва ҳатто 40 чақирим масофага чўзилishi мумкин эди. Бундай тартиб билан қилинган ҳаракат пайтида кўплаб олинган қўшимча отлар жанг пайтида ноқулайликлар туғдираарди. Бопланнинг айтишича, босқин пайтида татарлар ўзларига тенг қўшин билан тўқнашишдан чап бериб, фақатгина душман қўшинидан ўн баробар кучли бўлганларидагина жангга киришар эдилар⁶⁹.

Чегарага яқинлашганда улар қўшинни учта қисмга бўлардилар. Уларнинг 2/3 қисми қўшин асосини — марказни (корпусни), қолған 1/3 қисми чап ва ўнг қанотни ташкил қилар эди. Шундан сўнг татарлар кечакундуз тез ҳаракат

* Аслида «Ўрта Осиёликларнинг» бўлиши керак (муҳарр.).

қилиб, вақти-вақти билан ярим ё чорак соатгина тўхташар, отларни озиқлантириш учун эса бир соатгина вақт бериларди. Сўл ва ўнг қанотлар 500—600 кишилик бўлинма (отряд) ларга бўлиниб, асосий кучлардан алоҳида ҳаракат қиласдилар. Улар аҳоли яшайдиган ерларга тарқаб, ҳар тарафдан ўраб олар, бу ҳаракатларни кечаси амалга ошириб, ҳеч ким чиқиб кетмаслиги учун қишлоқ атрофида аланга ёқар эдилар. Асосий кучлардан 40—50 чақиримдан узоққа кетмайдиган бу отрядлар ўлжани қўлга киритишлари билан асосий кучлар турган жойга қайтиб келардилар. Шундан сўнг бошқа жангчилардан янги қанотлар тузилиб, улар ҳам худди олдингилариdek ҳаракат қиласдилар. Таъқибдан қочиш ниятида татарлар доимо янги йўллар орқали чекинардилар.

Қазаклар чўлларда соқчи постлари қўйишлари мумкин бўлган ёз пайтларида босқин бошламоқчи бўлган татарлар ўз қўшинлари сонини яшириш мақсадида чегарадан 100 чақирим берида 1000 тадан отлиққа эга бўлган отрядларга бўлинардилар. Бу отрядлар бир-биридан 5 чақирим ва ундан ортиқ масофа узоқликда бўлиб, шунча масофа олдинга душман ҳақида маълумот тўплаш учун суворийлар юборар, улар тўплаган маълумотга асосланиб ўз ҳаракатларини режалаштирас эдилар. Татарлар бир-биравири билан алоқа ўринатиш учун махсус шартли белгилардан фойдаланаардилар. Масалан, отда айлана бўйлаб ҳаракат қилиш⁵⁹, чақмоқтошдан ўт чиқариш, ёқилган латтани доира бўйлаб айлантириш ва бошқалар (бу белгилар босқин ёки ўғриликка кетаётган қирғизлар (қозоқлар) да ҳанузгача кенг қўлланилади).

Отрядлар ўз босқинларини яшириш учун жарликлардан кўп фойдаланаардилар. Улар чегарага келгач, келишилган вақтда махсус жойда учрашиб, босқинни бошлардилар. Кўшиннинг ҳақиқий сонини ҳам, йиғилиш жойини ва вақтни ҳам билмаган казаклар душман ҳужумини қайтариш учун ожиз бўлардилар.

Таъқибга учраган татарлар изларини йўқотиш учун қўйидаги ҳийлани қўллардилар: тұнашдан сўнг улар отрядларга бўлиниб, жануб, шимол, гарб ва шарқ томон юришар, 5 чақиримдан сўнг ҳар бир отряд яна З қисмга бўлиниб, булар ҳам ҳар тарафга ҳаракат қилишар, кейин эса келишиб олинган йиғилиш жойига юришар, яна З чақиримча юргандан сўнг бу тўдалар яна З қисмга бўлинишар, кейин эса келишилган ерда, тунаган жойларидан 40—50 чақирим узоқликдаги бирор-бир жарда тўпланишар эди. Тарқаб қочиш от чоптириш йўли билан бор-йўри қандайдир бир ярим соат орасида амалга ошириларди (бу

жол тезлик билан амалга оширилмаган тақдирда казаклар уларни қувиб етиб, янчиб ташлашлари мумкин эди). Унчалик кўп бўлмаган отлар топтаб ўтган ўт-ўланлар кейинги кун жонланиб кўтарилар, шундай қилиб, татарларнинг излари йўқолар эди. Душман ҳужумига бас кела олмаган тақдирда татарлар отда қоча туриб ёйларидан ўқ отишар, ўта мерғанликлари сабабли шундай ҳолатда ҳам 60—100 қадам масофадан нишонга бехато ура олар эдилар. Бир неча чақирим масофа қочиб боргандан сўнг улар яна бирлашишар, тартибли сафга тизилиб, душманни қарши олар эдилар. Бундай шароитда улар қуёшга орқалари билан туриб, шамол ёрдамидан фойдаланишга, душманни эса қуёш нурлари ва шамолга қарши қилиб қўйишга ҳаракат қиласилар. Агарда бу тўқнашиш ҳам муваффақиятсанэ бўлса, юқорида айтилган ҳамма ҳаракатлар қайтадан тақорланар эди. Татарлар камондан ўқ отишни чап елкалари орқали амалга оширасар эдилар⁷⁰.

Дарёни кечиб ўтиш (ҳатто Днепрни ҳам) сузиш йўли билан амалга ошириларди. Бунинг учун улар икки боғ қамиш ёки шох-шаббани кўндаланг ёғочлар билан боғлаб, кичик сол каби қурилма ясашар, унга эгар-жабдуқ, қурол-яроғ ва кийимларни боғлаб, ўзлари яланнож ҳолда от ёлидан ёки думидан ушлаб, дарёни кечиб ўтар эдилар. Кечиб ўтишини бутун қўшин саф бўлиб, бир вақтда амалга ошириши туфайли баъзан улар эгаллаган масофа 2 чақиримгача чўзилар эди.

ҚЎЧМАНЧИ ХАЛҚЛАРНИНГ УМУМАН УРУШГА ВА АЙНИҚСА КИЧИК УРУШЛАРГА БУЛГАН ЛАЕҚАТИ ҲАҚИДА

Қўчманчи халқлар (шу жумладан, мўғул-татарлар ҳам) кичик уруш олиб бориш учун алоҳида қобилиятга эгадирлар, Улар доимо (ёзда ҳар 3—4 кундан сўнг, қишида камроқ) бир жойдан иккинчи жойга кўчиб юришга ёшлик чоғларидан ўрганиб қолганлар. Қўчманчилар йўлсизликда ҳаракат қилиб, хотираларини ниҳоят даражада ривожлантиришга, қуёш, ой, юлдузлар, тепаликлар, водийлар, дарёлар, жарликлар, тог даралари, кўллар ва бошқа нарсаларга қараб ўз турган жойларини ва ҳаракатларини аниқлаб олишга ўрганган эдилар. Улар учун ҳамма нарса — қўргон, тош, бута, сувнинг йўналиши, унинг мазаси, ўтларнинг хоссалари, уларнинг эзилгаилиги, шамол йўналиши ва ҳоказолар белгি бўлиб хизмат қиласарди.

Менга бир қирғиз (қозоқ) йўлбошчиси ҳақида гапириб беришганди. Қишида қор ёруғидан кўзи қамашиб, кўрмай

жоғодан йўлбошчи бизнинг казакларимизни 200 чақирим масофагача тўғри бошлаб борган. Унинг учун фақат жойнинг хусусияти, кўргон ва қабрларнинг жойлашиши, шамолнинг қайси тарафдан (шимолданми, жанубданми ва ҳ. к.) эсиши ҳақида айтиб туришгина йўналишни тўғри олиш учун етарли эди. Яхши йўлбошчи кўчманчи халқлар учун тирик компасдир, десак янгишмаймиз. У одамларни қоронги кечада ҳам керакли йўналишда ўз кетидан бошлаб бориб, жуда камдан-кам ҳолларда янгишни мумкин. Қирғизларнинг (қозоқларнинг) жойларни аниқлаш қобилияти чегарадаги казакларни ҳам ҳайратга солади. Улар қирғизлар худди-бўрилар каби кечаси ҳам худди кундузидек кўриш қобилиятига эга деб ўйладилар. Улар кўзининг ўткирлиги кишини ҳайратга солади: қирғизлар 5—6 чақирим узоқликдаги бута ёки тош орқасига яшириниб олган одамни кўришлари ёки шу масофадан туриб бошқирд билан казакни бир-биридан ажрата олишлари мумкин. Улар узоқ масофадан ёнаётган гулхан турунини, қайнаётган сувдан кўтарилаётган буғни ва ҳоказоларни кўришлари мумкин. Кўчманчи халқларнинг эшитиш қобилияти ҳам бизларниди нозикроқ⁷¹.

Кўчманчи халқларнинг кичик урушларга лаёқатлилиги қуладай шароит бўлганда улардан енгил отлиқ аскарлар тузишга имкон беради. Улар мўғул енгил отлиқ жангчилари сингари асосий кучларни душманнинг қўйқисдан қиласидан ҳужумидан сақлаш ва бош кучлар ҳаракати йўналишини яшириш ниятида асосий кучлардан икки кун аввал душман тарафга юборилиши мумкин. Кўчманчи халқлар ўтроқ халқлардан фарқли ўлароқ отда юришни ёшлиқ, чоғларидан ўрганганликлари учун улардан енгил отлиқ аскарлар тайёрлаш осон бўлган.

Лекин тарихдан бизга маълумки, улардан фақат енгил отлиқ аскарларгина эмас, балки оғир ва ўрта (бизкин драгунларимиз каби) отлиқ аскарлар ҳам ташкил қилса бўларди ва вақти келганда бу отлиқ аскарлар катта қалқонлар ёрдамида ҳимояланиб, камонлар ва бошқа қуроллар билан пиёда ҳолда жангга киришишга ҳам лаёқатли эдилар. Бу аскарларга тоғлар ҳам, дарёлар ҳам тўсиқ бўла олмасди, улар яничарларнинг ажойиб пиёда аскарларини ҳам, грегориан олови отувчи қурол, ракета* ва филлар кучи билан ҳаракат қилувчи ҳинд ииёдаларини ҳам таслим қилишга эришганлар. Чингизхон ва Амир Темур

* Ерга тушиб кўплаб маротаба зарба бера оладиган темир пойжакли қурол; ҳинд қўшиларида бўлган (муҳарр.).

бошчиллик қылган бу отлиқ жангчилар баланд тоғ чўққи-
ларини ҳам, ўрмон ва ботқоқликларни ҳам шиддат билан
кечака олгаияларни учун ҳам шунин тан олиш керакки, бу-
тун дунёни фатҳ этиш ёки хокими бўлинг гоясининг амал-
га ошиши айнан мана шу фотиҳлар даврида ҳақиқатга энг яқин бўлган.

ҚИРГИЗЛАРНИНГ (ҚОЗОҚЛАРНИНГ) ЧЕГАРА ЧИЗИҚЛАРИДАН ЧОРВА МОЛЛАРИНИ ҲАЙДАБ- КЕТИШ УЧУН ҚУЛЛАЙДИГАН ҲИЙЛАЛАРИ

Мўғул-татарларнинг кичик урушлари ҳамда душман
қўшинлари ҳақида маълумот тўплаш усуллари тўғрисида:
тушунча беришдан олдин қирғизларнинг (улар мўгуллар)
лашқаридаги енгил қўшин ташкил қылганликларига шубҳа
йўқ) чегара чизиқларига ҳужум қўлиб, от ва бошқа чорва
молларини ҳайдаб кетиш учун ишлатган ҳийла-найрангла-
рини баён қилишни лозим топдим. Ўтган даврларда қир-
ғизлар катта кучлар билан бизнинг ерларимизга бостириб
кирганиларида қрим-татарлар қўллаган ҳийлаларни қўл-
лардилар. Улар чегарага яқинлаша бориб тўс-тўполон би-
лан бир ёки бир нечта аҳоли яшовчи қишлоқларга, казак-
ларнинг эътиборини жалб қилиш ниятида, сохта ҳужум-
лар уюштиришар, ҳақиқий ҳужумни эса бошқа тарафдан
ташкил этишарди. Шу асрнинг 20-йилларидан бошлаб,
улар бундай босқинлар қымай қўйдилар, аммо уларнинг
босқинлари одамларни олиб қочиш, отларни ҳайдаб кетиш-
каби яширин тус олди, тўғрироғи, ўғриликка айланди.
Улар бир-бирларининг чорва молларини — от, тую, қўй ва
бошқаларини олиб кетиш (баранта) билан ҳам шуғул-
ланардилар. Бундай ўғриликни амалга ошириш учун эл-
лика яқин овчи чегара чизигига⁷² маҳфий йўллар билан
яқинлашиб борар, бунда сир очилиб қолмаслиги учун ҳе-
кимга, ҳаттоқи ўз қабиладошларига ҳам кўринмасликка
ҳаракат қилардилар. Чегара чизигига 50—60 чақирим ма-
софа қолганда, улар пана ерга жойлашиб, ичларидан жа-
сур, тажрибали, жойни яхши билувчи 10 кишини энг яхши
отларга миндириб олдинга юборишар, улар ўз навбатида
чегара чизиқларига жарлик ва чукурликлар орқали эҳти-
ёткорлик билан яқинлашардилар. Чегара чизигига саккиз-
ёки ўн чақирим масофа қолганда улардан бўри отдан ту-
шиб яқин орадаги тепаликка кўтарилар ва ўша ердаги
тош, ўт ёки бута орқасига яшириниб, чегара чизигига ни-
ма бўлаётганини кузатарди. Агарда казаклар, бошқирд-
лар, чегара чизиги атрофида яшовчи бошқа аҳоли ёки,

чилиқ атрофидә күчіб яшовчи қирғизларни (қозоқларни) құлға қуширишга эришадиган бўлсалар, улардан чегара чизиги ҳолати ҳақида сурштиар, чегара соқчиларининг сони, казакларнинг отлари қандайлиги, отлик бўлинмалар қайси пайтда чегарани айланишлари, соқчиларнинг сони ва қўйиладиган жойи, чегарада турувчи казакларнинг ҳамда ичкаридаги қишлоқ аҳолисига тегишли от уюрларнинг ўтлаш жойи, подачиларнинг бор-йўқлиги, уларнинг сони, қуролланганлиги ва ҳоказоларни билишга ҳаракат қилишарди. Тунда барантачилардан бир нечтаси чегара чизигидан ичкарига ўтишар, қолганлари эса жойларида туриб чегара соқчилари ҳаракатини кузатишар, керак бўлиб қолганда бир-бирларига дарак бериш учун эса маҳсус белгилардан фойдаланиш ҳақида олдиндан келишиб олардилар. Чегарадан ичкарига ўтган қирғизлар (қозоқлар) эрталабки соқчи бўлинма уларнинг изларини пайқаб вахима солмасликлари учун из қолдирмасликка ҳаракат қилишарди. Бунинг учун қош қораймасдан жойни яхшилаб ўрганишар, қаттиқ тошлиқ ерлардан ёки йўлдан юришни мўлжаллашар, из қолдирадиган бўлсалар, эрталабгача шамол ўчириб ташлаши мумкин бўлиши учун бу йўлни кечқурун босиб ўтишга ҳаракат қилишарди. Чегара ичкарисига кириш ва ўғриликни асосан ёмғир ёғаётган ва шамол бўлаётган кунларда амалга оширишарди⁷³. Чегара чизиги ичкарисида улар аҳоли яшамайдиган пинхона йўллардан юришар, отлар уюри турган ерни аниқлаб, атрофни кузатишар, қоронғи тушиши билан ҳушёрликни йўқотган подачиларга ташланиб, уларни боғлашар ёки ўлдиришар ва зудлик билан подани ҳайдаб кетишарди. Пода керакли томонга юриши учун қирғизлардан (қозоқлардан) бири олдинда бошлаб борар, қолганлари эса орқадан уни ҳайдаб боришарди. Қирғизлар (қозоқлар) чўлда қолган биродарларидан бизнинг чегарамизни текшириб юрувчи отлик бўлинма келаётгани ҳақида хабар олишлари билан ўша кечанинг ўзида подани бошқа ерга ҳайдаб кетишга ҳаракат қиласидилар. Агар ўғрилик чегара чизигидан анча узоқда содир бўлган бўлиб, подани ярим кечага қадар ҳайдаб олиб кетишга ултура олмайдиган бўлсалар, унда подани чегара чизигидан 15 чақиримча узоқликда, қўлга тушишлари мумкин бўлмаган ерларда ўтлашиб туришар, қош қорайиши билан уни чегара томонга ҳайдашар, бунда чегарани текширувчи соқчи бўлинмага дуч келишдан эҳтиёт бўлишар, шовқин-сурон-кўтармасдан чегарани соқчи пости турадиган ердан узоқроқда кесиб ўтишарди. Қирғизлар (қозоқлар) дарёларни кечиб ўтишар, баландлиги 2—3 саржин бўлган соҳил ва унинг тиккалиги ҳам уларни тўхтата

олмасди. Улар ана шундай баландликлардан отда ўтирган ҳолда сувга сакрашар, ўша ерда дарё етарлича чуқур бўлса бўлди эди. Отлар уюри қияликка яқинлашиши билан ён тарафга қочиб кетмасликлари учун қирғизлар (қозоқлар) дарё соҳилига яқинлашган отлардан бирига найза санчиб, қон чиқаришар эди. Шунда қонни кўрган бошқа отлар соҳилнинг қиялиги ва дарёнинг кенглигига қарамасдан, қўрқувдан ўзларини сувга ташлашар ва қарши соҳилга сувзид ўтардилар⁷⁴. Қарши соҳилда ҳам улар изларини йўқотиш, жуда бўлмаганда изларини казаклар бир неча соат давомида аниқлай олмасликлари ташвишини ейишарди. Агарда олти ёки саккиз соат вақтни ютишга муваффақ бўлсалар, унда отларни ҳайдаб кетиш деярли ҳар доим муваффақиятли амалга ошарди. Бу вақт ичida улар подани 50—60 чақирим масофата ҳайдаб кетишга улгурадилар. Келишиягэн жойда эса уларни биродарлари кутиб олиб, ўлжани пана қилишга ёрдам берардилар. Қочиш пайтида ўз изларини яхшироқ яшириш мақсадида улар худди қrim-tatarлар сингари ҳар томонга тарқалиб қочишар, кейин эса келишилган ерда яна бирлашишар ёки бўлмаса ўрмон, бутазор, қаттиқ ерлар, тошлоқлар орқали, ёки кўп отларга эга бўлган бошқа ерларга кўчиб кетган овуллар юрган йўллардан юришарди. Бундай ҳолда қочоқлар отларининг туёқ излари унчалик сезиларли бўлмас, уларнинг йўналишини ҳам аниқлаш қийин бўларди. Улар бир неча чақирим йўл юрганларидан сўнг бирон-бир жарликка тушиб олишар ва шу жарлик бўйлаб йўлни давом эттирадилар. Агар улар кам сонли бўлсалар, унда қувғини секинлаштириш учун қуйидаги ҳийладан фойдаланардилар: бир йўналишда бир неча чақирим от чоптириб, кейин эса кескин равишда отларни орқага буришар ва ўша йўлдан маълум масофа орқага юриб, кейин ён томонга юрадилар. Бунда бир нечтагина от туёқлари босиб ўтган ўт-ўланлар озгини эзилган бўлиб, излар фақатгина ўша излардан юрилгандагина сезиларли бўлади (маҳаллий ибора билан айтганда «шлях», яъни қатналган йўл). Шу йўлдан кетаётганлар одатда ўз олдиларига қараб юрншлари туфайли ён томондаги изни пайқамай қоладилар. Бунинг натижасида казаклар кўлинчалик унинг ёнидан ўтиб кетиб, тўғрига қараб кетган изларнинг охиригача боргандарида уни йўқотиб қўйишар, топиш учун орқага қайтишга мажбур бўлишар, ён томонга кетган, базўр кўринаётган изни қидириб топиш учун улар секинлик билан ҳаракат қилишга мажбур бўлардилар. Бу из бир неча соат қидиришдан сўнг бутунлай йўқолар, казаклар изни шу йўсинда қидириб топгунларига қадар бир неча соат вақт ўтишидан фойдаланган қирғиз-

лар (қозоқлар) бир неча чақирим масофага қочиб кетишиңға мұваффақ бўлардилар. Шу каби ҳийлалар ёрдамида жўпинча улар ҳеч қандай жазосиз чегара атрофида яшовчи аҳолига тегишли отлар ва ҳатто қорамол ёки қўй-эчжилар подаларини ҳайдаб кетардилар. Мўғул-татарлар ҳам Ўрта Осиёдаги кўчманчи халқ бўлганлари сабабли*, ўзларининг кичик урушилар олиб бориш учун қилган харакатларида худди шу каби айёрлик ва ҳийла-найрангларни қўллаганликлари шубҳасиз.

Бу чекинишдан сўнг Амир Темур қўшни давлатлар ҳолати ҳақида маълумот тўплаш учун қўллаган воситаларини баён қилишни ўринил деб биламан.

АМИР ТЕМУРНИНГ БОШҚА ДАВЛАТЛАР ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ ТЎПЛАШ УЧУН ҚЎЛЛАГАН ВОСИТАЛАРИ

Чегарадош давлатлар тўғрисидаги керакли маълумотни Амир Темур 1000 кишилик енгил бўлинмалар восита-сида тўпларди. Бу бўлинмалар сувсиз чўл ерларда тияминиб, бошқа жойлардан эса отлиқ ва пиёда ҳолда ҳаракат қилардилар. Қўшни чегарадош давлатлар ҳақида маълумот тўплаш ниятида улар албатта юқорида баён қилинганга ўхшаш ҳийла-найрангларни ишлатишар, қўшни давлатлар кимга қарши ва қачон уруш бошлаш ниятлари борлигига, шу давлат ҳокимларининг мақсадларини билиб олишга ҳаракат қилардилар. Мазкур бўлинмалар келтирган маълумотларга қараб Амир Темур тегишли чора-тадбирлар кўради.

Бундай маълумотлар савдо муносабатлари баҳонасида ҳам тўпланиши мумкин эди. Амир Темур Чингизхон сингари савдо карвонларини Ўрта Осиёнинг турли ўлкаларига Хитой, Ҳиндистон, Миср, Саудия Арабистони, Сурия, Гуржистон ва ҳатто Европа давлатларига ҳам юборар эди. Қарвон қайтиб келганидан кейин, дарвеш шақлида савдогарлар билан карвонга қўшилган аъёнлар йўл давомида кўрган давлатларида шарт-шароит, шу давлатда яшовчи халқ урф-одатлари ва энг асосийси — ўша давлат ҳукмдорларининг ўз фуқароларига бўлган муносабатлари ҳақида маълумот берардилар.

Амир Темур саёҳатчиларга, савдогар ва карвонбошиларга алоҳида хомийлик қилар, улардан ўзлари кўрган

* Бу жумлани муаллиф янгиш ёзган. Бу ўринда «Ўрта Осиёдаги кўчманчи халқ бўлганлари сабабли» жумласи нотўғри ва ортиқча «жухарр.».

мамлакатларининг ҳолати ҳақида муҳим маълумотларни билди оларди. Улардан лозим бўлган маълумотни олиш учун Амир Темур махсус ишончли амалдорлар тайин қилган эди. Бу амалдорлар мол айнро бошлаш, чет эллик саёҳатчи ва олимларининг асл ниятлари ҳақида аниқ маълумотларни тўплашлари, айғоқчилар ёрдамида ўзга давлатлар бошлиқларининг Амир Темурга бўлган муносабатларни ўрганишлари, бу маълумотларни тез ва аниқ қилиб, унга етказишлари лозим эди. Агар бу маълумотлар ҳам етарли бўлмаса, Амир Темур элчилар юборар, улар эса ўз навбатида унга керакли маълумотларни етказишлари шарт эди. Баъзида эса керакли маълумотларни тўплаш учун у дарвишларни жўнатарди.

ЗАХИРЛАР ҚАРВОНИ ВА ТАММИНОТ УСУЛЛАРИ ҲАҚИДА

Юқорида баён қилинган, юришларда жангчилар ўзлари билан олиб юрадиган қурол захиралари, чөдир ва бошқа буюмлар рўйхатидан кўринадики, Амир Темур қўшинлари кетидан жуда кўплаб аравалар, бевосита жангда, қатнашмайдиган амалдорлар, қўшин сонидан деярли 3 марта кўп бўлган отлар бориши керак эди. Қўшимча қузол-яроғ афтидан юкчи от ва туяларга юклатиларди. Узининг охирги юришларида Амир Темур қўшининда грекориан мловини, тош ва бошқа нарсаларни улоқтирувчи мис қозониар (мортиналар (қисқа стволли тўплар) бўлса керак), ташжаниқ (катапульта), қамал учун ишлатиладиган мостамаларни ўрнатиш учун керакли асбоб-ускуналар борди. Бўларга яна талон-тарож қилинган мол-дунёлар, асирар ва чорва молларини ҳам қўшадиган бўлсак, қўшиннидан қанчалик кўп аравалар боришини тасаввур қиласа ўлади. Амир Темур сафарларини баён этганда мен бу аравалар, сафлар учун керакли озиқ-овқат ва бошқа захиралар ҳақида яна тўхталиб ўтаман.

Лекин қўшинлар уруш пайтида қандай қилиб бу улкан аравалар карвони, кўплаб йилқилар ва бошқа юклар билан бир жойдан иккинчи жойга кўчиб, ўз сувулларидан юқда ва душман орасида ҳаракат қила олганилар? Гарчи, тар душман кучларидан устунроқ кучларга эга бўлганлиб, бу кучларининг бир қисмини аравалар карвонини моя қилиш учун ажратишган деб таҳмин қиладиган бўлек ҳам, аммо кўчманчи халқларининг кўпсонли йилқилар чорва молларини кўчириб юришларига ҳамда озиқ-овт, қурол-яроғ ва бошқа керакли анжомларни ташиб-ишларига, хавф туғилганда уларни душман ҳужумидан

жимоя қилишларига, сув ва ем етишмаганда чорва моллариниң сақлай олганликларига қойил қолса бўлади. Бу ҳолни кўчманчи халқларнинг кичик урушларга ниҳоятда лаёқатлилиги, улар олиб борган урушларнинг қиронли ва қонли шаклда бўлганлиги билан изоҳласа бўлади.

ДАВРИМИЗДАГИ МАЪЛУМОТЛИ ЎТРОҚ ХАЛҚЛАРНИНГ ҲАРБИЙ УСУЛЛАРИ, УРУШ ОЛИБ БОРИШ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ҲАРБИЙ-СИЕСИЙ ҚОИДАЛАРИНИНГ ҲУДДИ ШУНДАЙ КЎЧМАНЧИ ХАЛҚЛАРНИКИ БИЛАН ҚИЕСЛАШ

Кўчманчи халқларнинг уруш олиб бориш хусусиятлари ҳамда ҳарбий-сиёсий қоидалари уларнинг турмуш тарзи ва улар яшайдиган чўллар табиатига боғлиқ ва жуда кўп жиҳатдан бизнинг тушунчаларимиздан фарқ қиласди. Шунинг учун мўгул-татарлар ва Ўрта Осиё халқларининг ҳарбий санъати ҳақида тўлиқ тушунчага эга бўлиш мақсадида юқорида қайд этилган нарсаларни қисқача таҳлил этиб чиқамиз.

Ўтроқ бўлган ва ўқимишли халқларда кўчмас мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи ҳамда ерга ишлов бериш, савдо-сотик, мануфактура, завод саноати ҳисобига яашаш усули юзага келган халқларда инсон бир жойга боғланниб қолиб, қонуний равишда табақалар: дәҳқонлар, ҳунармандлар, савдогарлар, санъаткорлар ва бошқаларнинг кўп соили сининфлари юзага келадики, булар орасида ҳарбий табақа жуда кам сонли бўлади. Масалан, Август ҳукмдорлиги даврида 120 000 000 аҳолига* эга римликлар гарчи деярли барча мустамлакаларини қурол кучи билан қўлга киритган бўлсаларда, бор-йўғи 450 000 кишилик қўшинга эга эдилар. Ҳозирги тинчлик пайтида Франция ёки Германияда аҳолининг юздан бир қисмигина ҳарбий табақага мансубдир.

Бизнинг даврда ўтроқ давлатларнинг ўтроқ халқлар томонидан босиб олиниши, уларнинг ующган ҳарбий кучларини тор-мор қилиб йўқотиш, мустаҳкам истеҳкомларни қўлга жиритиш, кейин эса, партизанлар уруши бошланган тақдирда, қурол кучи ва керакли сиёсат юритиб, халқ урушига барҳам бериш йўллари билан олиб борилади. Ўтроқ халқни итоатда ушлаб туриш қўшин қисмларининг улар ерларида жойлашиши, янги қалъалар барпо қилиш учун керакли жойни таҳлаш, аҳолиси кўп бўлган шаҳарларда ҳарбий қўрғонлар қуриш, аҳолининг маълум қис-

* Бу соннинг қанчалик ишончли эканлигини аниқлаш керак (мўҳарр.).

мини башқа ерләргә күчириш ва, никоят, итоатда бўлган халқа хусусий мулкка эгалик ҳуқуқи ва қисман сиёсий ҳуқуқлар берилиши билан амалга оширилиши мумкин. Фақат шундагина ақл билан башқариш натижасида, ҳатто сиёсий жиҳатдан қўшилмасдан туриб ҳам уларни итоатда ушлаб турish мумкин. Шуни айтиш керакки, ўтроқ ривожланған халқнинг шундай халқ томонидан босиб олиниши кўп ғоя тўқмасдан ёки ҳеч бўлмаганда кўилаб шаҳарларни вайрон қиласдан, аҳолини қирмасдан ва давлатни хонавайрон қиласдан ҳам амалга оширилиш мумкин.

Калъа, шаҳар ва қишлоқларга эга, ўрмонлар ва бот-қоқликлар, дарслар, ариқлар ва шу каби башқа табиий ҳамда сунъий тўсиклари бўлган ўтроқ халқлар жойлашган ерлар кўпроқ химоявий характерда бўлиб, отлиқ аскарлардан кўра піёдаларнинг ҳаракатлари учун кўлайроқдир ҳамда ҳарбий жиҳатдан чўлларда олиб бориладиган уруш тушунчалари ва қоидаларидан фарқ қилувчи уруш тушунчалари ва қоидаларини талаб қиласди.

Кўчмас мулкка эгалик қилиш, савдо муносабатлари, фабрика ва заводларнинг қурилиши ва башқа саноат корхоналарининг юзага келиши ақлий, қобилиятининг ривожланишинга олиб келиб, ҳуқуқ тўерисида яхшироқ тушунчаларни туғдиради, қонуқчилликни юзага жеттиради, қизиқишиларимизни факатгина урушга эмас, балки халқлар манфаати учун фойдалироқ бўлган соҳаларга қаратишга олиб келади. Умуман, ўқимишлилик, маорифнинг шаклланиши, ахлоқ-одобнинг яхшиланиши, ва халқ ақлий фаолиятининг ривожланиши халқларга ўзига керакли озуқани урушдан башқа соҳалардан топишга ундейди. Шу сабабларга кура, маълумогли халқлар уртасидаги шартномалар анча мустаҳкамроқ бўлади ва уларга яхшироқ амал қилинади.

Кўчманчи халқларда эса буларни кўрмаймиз. Уларда хусусий мулкка эгалик кўчувчи мулкдан — кийим, қурол, қимматбаҳо буюмлар, чодир, чорва молларидан иборат бўлиб, сув ва ер бизда ҳаво ҳамманини бўлгани каби ҳамманини ҳисобланади⁷⁵. Улар бир ердаги яйловни қуритишлари билан башқа ерга кўчиб ўтадилар. Кўплаб подалари бўлгани ҳамда доимо бир ердан иккинчи ерга кўчиб юрганликлар тифайли улар катта ем захиралари тайёрлашга қодир эмаслар. Уларга ҳарбий мақсадларда фойдаланиш учун кўплаб отлар ва отлар учун яйловлар керак. Кўчиб юришнинг ва демакки, отлиқлар ҳаракатининг хавфсизлигини таъминлаш учун текис ва очиқ чўллар бўлиши лозим. Кўчманчи халқлар хўжалиги асосан чорва боқишдан иборат бўлиб, эҳтиёжлари чекланганлиги сабабли, уларнинг

бирдан-бир асосий табақаси подачиларни ташкил этади. Подачилар доимо бир жойдан иккинчи жойга кўчиб юришлари; ёшлик чоғларидан от минишга ўрганганликла-ри, уларнинг толиқмас чавандоз бўлиб етишишлари, от-туя ва бошқа ҳайвонлар хусусиятларини яхши билишлари, улардан яхши жангчилар етишиб чиқишига асос бўлади. Эҳтиёж ва болаликданоқ меҳнатга киришиш, доимо очик ҳавода бўлиш уларни урушнинг ҳамма қийинчилликларга, об-ҳаво инжиқликларига, узоқ очликка ва шу кабиларга чидамли қилиб тарбияларди. Мўғул-татарлар ҳукмронлиги даврида уларнинг асосий машгулоти пода боқиши, ов қилиш ва урушдан иборат эди. Ёшлик чоғлариданоқ камондан ўқотишига ўрганганликлари учун улар 12—13 ёшларидан бошлабоқ юришларда қатнашишар ва кичик урушларда иши-тирок этардилар. Чингизхон ва Амир Темур ҳам ўз ҳарбий фаолиятларини айнан шу ёшларидаги бошлаганлар*.

Кўчманчи халқлар уруш пайтларида ҳар бир ўтовдан, яъни оиласдан битта отлиқ жангчини урушга юборишлари мумкин эди. Агарда бир нечта катта қабилалар бирор сабабга кўра, бир неча юз миңг ўтовга эга бир иттифоқقا бирлашсалар, улар урушда қанчалик даҳшатли кучлар билан иширок этишлари мумкинлигини фараз қилсак бўлади! Бундан Урта Осиё даштларида келажакда дунёда тўнтишишлар қилиш учун қулай вақтни кутиб ётган қандай даҳшатли жанговар кучлар қўри (запаслари) мавжудлигини кўриш мумкин. Улар чўлларда сақланадиган, дунё сиёсатини тубдан ўзгартирниб, уни янгилайдиган, Тангри биздан беркитиб турган сиёсий вулқон моддала-ридир.

Кўчманчи халқларининг қўшинлари асосан отлиқ ас-карлардан ташкил топган бўлиб, улар кўпроқ ҳужум қилиш учун лаёқатлидирлар. Бунинг устига уларнинг ҳаёттарзи ҳам ҳужумкор урушларни талаб этади. Чорва моллари ва айниқса отлар уларнинг хўжалигини ва уруш олиб бориш воситаларинигина ташкил этмасдан, балки бирдан-бир бойлиги ҳамдир. Чорва моллари ва отларни ҳайдаб кетиш осон, бинобарин, агар ўнандай ҳол рўй берса, бу халқлар нафақат тиринчилик воситаларидан, балки муетақилликларидан ҳам маҳрум бўлишлари мумкин. Биргина мувваффақиятли зарба кучли қабилани яксон қилиши мумкин, чунки уни ўтроқ халқларни ҳимоя қилгани каби на ҳўжум қилувчи учун тўсиқ бўлувчи, мушгулотлар туғдирувчи ер-жойлар, на кейинчалик урушни қайта бош-

* Темурнинг бу ёшда ҳарбий санъатни ўрганиши у «кўчманчи халқданлигидан» эмас (*муҳарр*).

лаш учун яшириниб олиш мумкин бўлган мустаҳкам қалъалар ҳимоя қилмайди. Хуллас, кўчманчи халқлар бир тарафдан катта ҳарбий воситаларга эга бўлиб, ўз хусусиятларига кўра, фақат ҳужумкор урушларга лаёқатли бўлсалар, бошқа тарафдан уларнинг ҳимоя кучлари анчагина заиф бўлади. Уларнинг устунлиги — ажойиб соқчилик хизмати, кичик урушлар олиб боришдаги моҳирлиги, даштларнинг бепоёнлиги ва сувсиэлигига эди.

Шундай қилиб, мўғул-татарлар ўзларини қўққисдан бўладиган ҳужумдан сақлаш учун улуснинг асосий қисмидан, яъни хон қароргоҳи жойлашган ердан ҳар тарафга кичик бўлинма юборар, ўз навбатида бу бўлинмалардан қоровуллар юбориларди. Мўғул-татарлар бир жойдан иккичи жойга шу тартибда кўчиб ўтишар, эҳтиёткорлик чораларини бизнинг армиямиз уруш пайтларида қишлов жойларида ёки душман ерларида ҳаракат қилганларидек қоровуллар тизимлари ёрдамида, аммо бундан анча катта жўламда амалга оширишар эди. Масалан, Ботухон Волга бўйларида юрганда унинг қоровуллари Днепр дарёлари бўйида, яъни бош қароргоҳ жойлашган ердан бир ойлик масофада жойлашган эди. Лекин фақат катта кўчманчи давлатларгина бундай имкониятга эга бўлишлари мумкин.

Юқоридагилардан иккита бир-бирига душман кўчманчи қабилалар ёнма-ён яшай олмасликларини, уларни бепоён чўллар ажратиб туриши шартлигини англаш қийин эмас. Кўчманчи халқлар яшаци учун ўтроқ халқларга нисбатан кўпроқ майдон талаб этилиши ҳам маълум. Бундай халқларнинг ва улар чорваларининг кўпайиб боришининг ўзи янги қулагай кўчиш манзилгоҳларини талаб этади, бу эса ўз навбатида фақатгина қўшинлар иштирокида эмас, балки бутун бир халқлар ўртасида бўладиган даҳшатли урушларга олиб келади. Агар бунга фақат қон тўжиш билан қондирилиши мумкин бўлган ва ваҳшийларнинг авлоддан-авлодга ўтадиган ўч олишга ташналигини, шафқатсиз феълларини, ҳимоя воситаларининг заифлиги туфайли уларга хос бўлган шубҳа қилишини қўшадиган бўлсан, нима сабабдан Чингизхоннинг душман устидан тўлағалаба қозонмасдан олдин у билан тинчлик шартномасини тузмаслигини тушуниш мумкин. Чингизхоннинг душманни кучсизлантириб ўзига нисбатан заарсизлантириши кўрсатилган сабабларга кўра ўз-ўзини сақлаш ҳиссига асосланган эди.

Энди қандайдир вазият сабабли кўчманчи халқлар жанговар бўлишга эришиб, ривожланган ўтроқ қўшини давлатлардан ҳарбий ишга онд билимларни ўзлаштириб олди, уруш учун керакли қурол-яроғларга эга бўлиб, шу

жалқ орасидан Чингизхон каби буюк саркарда етишиб-чиқди, деб фараз қилайлик. Бундай шароитда құшни қабилалар ё мазкур қабилага құшилиб бир улусга бирлашиши ё ҳалок бўлиши ёки бўлмаса узоқ ерларга, төр дараларига ва ўтиб бўлмас ўрмонларга кетишлари керак эди. Кўчманчи қабилалар озодликни астойдил севганликлари учун, бирор муҳим сабабен ҳеч қачон ўзга ҳокимииятга бўйсунмайдилар. Масалан, бошқирдлар биз томондан уларга бир неча бор қилинган шафқатсиз жазолардан кейингина, шунда ҳам серҳосил ерларда кўчманчилик юнишлари ва ҳар тарафдан бизга тегишли ерлар билан ўраб олинганлари ҳамда қозоқлар уларга душманлик руҳида бўлганликлари учун қирғиз-қайсоқ чўлларига кўчиб бора олмасликлари ва у ерлар унумсизроқ эканлиги туфайли бизларга бўйсунишга мажбур бўлдилар. Лекин ўтган асрда Урал ва Волга дарёлари орасида кўчиб юрувчи қалмоқлар уларни аскарликка олиш тўғриснда тарқатилган биргина ёлғон хабарга асосланиб, уларга душман қирғиз (қозоқ) ерлари орқали 3000 чақирим масофа босиб, Хитойга тегишли ерларда яшовчи ўз қабиладошлари олдига кўчиб кетишиди.

Кўчманчи халқлар ўртасидаги шартномалар ишончли бўлмагани, буткул бўйсундириш учун ўтроқ халқларга қарши қўлланиладиган воситалардан фойдалана олмаганиклари туфайли ғолиб кўчманчи халқ мағлуб кўчманчи халқни ўз улусларига қўшиб олишдан бошқа йўл йўқ. Агарда қабила кучли бўлса, унинг қурол кўтаришта қодир аҳолисининг маълум қисмини қириб ташлаш, аёллари ва Фарзандларини асирга олиш, умуман бутун қабилани деярли тутқунликда асраш керак эди. Акс ҳолда бундай қабила узоқ ва етиб бўлмас ерларга кетиб қолиши мумкин эди.

Хўш, ўз даштларидан узоқда бўлган жуда катта ерларни босиб олишга муваффақ бўлган кўчманчи халқлар қандай қилиб кўплаб кўчманчи қабилаларни бир тутунга бирлаширига олди экан? Тарихий маълумотлар, Чингизхон ва Амир Темурнинг бизгача ётиб келган узук-юлуқ қондаларидан бунинг учун қуйидаги тадбирлар ишлатилган дея оламиз:

1. Таслим бўлган қабила бошлиқлари билан қуда-андачилик иттилоғини тузиш. Лекин бу чора фақатгина иккинчи даражали эди, чунки бизда ҳам бу чора қўлланилишидан биламизки, унинг оқибатида ғолиб ва таслим бўлган давлатлар ўртасида доимо тотувлик бўлавермайди. Кўп хотинлилик одат бўлган кўчманчи халқларда эса бу чора яна ҳам ишончсизроқ эди.

2. Чингизхон қонунига кўра, уруш тугагач барча жангчиларнинг қуроллари олиб қўйилиб, аслаҳаҳоналарда сақланар эди. Таслим қилинган халқни итоатда ушлаб туриш учун қўлланиладиган бу эҳтиёт чорасига фақатгина мағлуб халқ ғолиб халқ улусида бўлганида, босиб олинган ерлар жуда узоқларга чўзилиб кетмаган ҳолларда амал қиласа бўларди.

3. Оқсоқоллар мажлиси, яъни қурултой чақириш. Бундай мажлис маълум вақтларда ўтказилиб, унда қўшин бошлиқлари, қабила ва вилоят ҳокимлари муҳим муаммоларни ҳал қилишлари, хон ўлганида эса унга ворис сайлашлари керак эди. Бироқ, босиб олинган ерлар жуда катта бўлганида бундай мажлисларни тез-тез ўтказиб туриш жуда қийин бўлар эди.

4. Бу ваҳшийлар* учун қабилаларни итоатда ушлаб туришнинг энг ишончли ва табиий усули — хавфли қўринган, ақли ёки жасурлиги билан ажralиб турувчи қишиларни қириб ташлаш, халқнинг маълум қисмини асирга олиш, болаларни эса ўз улусларида тарбия қилиш эди. Қирғиндан омон қолган, умумун ўз хоҳиши билан қўшилган қабила аҳолисини итоатда тутиш омонат олиш, қабила оқсоқоллари ва бошлиқликларини сийлаш, уларни мажлисларга чақириш, давлат ишларига аралаشتариш, совға-саломлар бериш йўли билан, халққа эса ўз хусусий мулкларидан фойдалана олиш ҳуқуқини бериш, умумий душманга қарши биргалашиб курашиш, уруш оқибатида қўлга киритилган ўлжани тенг бўлиш ва бошқа йўллар билан амалга ошириларди. Умуман бундай қабила аҳолиси, Амир Темур сўзлари билан айтганда, қўрқув ва умид ўртасида тутиларди. Бу тадбир қабила аҳолисини итоатда ушлаб туришдаги энг тўғри тадбир эди. Масалан, Ботухон Россия ва Европанинг бошқа давлатларини босиб олишда 600 000 жангчига эга бўлган бўлса, мўғуллар шулардан нари борса 4000 ни, Чингизхон таслим қилган қабила авлодлари эса 160 000 ни ташкил қилган, қолган қўшинлар эса Ботухон таслим қилиб ўз улусига кўшиб олган халқ ҳисобидан эди. Қўшиб олиш эса ушбу халқларга ажойиб даштларни инъом қилиш, уруш туфайли қўлга киритилган душман молларини талаш ҳисобидан бойлик орттириш билан бирга амалга оширилган.

Шубҳасиз, бу тадбирлар кўчманчи халқлар босиб олган ерлар ҳаддан ташқари катталашганда етарли бўлмай қолади ва босиб олинган ерларнинг борган сарн кенгайиб

* Бу сўзни қўллаши муаллифнинг мазкур халқларга нисбатан беписанд муносабатидан далолатdir (*муҳарр.*).

бориши бундай давлатнинг ичидан кучсизланишига сабаб бўлади. Босиб олинган ерларнинг кўпайиб бориши марказий ҳукуматдан узоқда бўлган алоҳида улусларнинг ҳам кўпайиб боришига олиб келарди. Янги, қулай ерларда жойлашган бу улуслар яқин ўзаро муносабатлар ўрнатиш учун сабаб бўлмагани туфайли бош қароргоҳ улусидан узоқлашиб, яъни ўз илдизларидан борган сари ажраб борадилар. Бинобарин, бундай давлатлар тез орада парчаланини кетишлари муқаррар эди ва тарих буни кўрсатиб туриди.

Кўчманчи халқларга даҳшат солиб, уларни қириб ташлаш йўли билан ўз ҳокимиятларини мустаҳкамлаб боргане мўғул-татарлар ўз қўбидаларини ўтроқ халқларга ҳам қўллай олармидилар? Ўтроқ яшашдан жирканган мўғул-татарлар шаҳар ва истеҳкомларда ҳеч қачон яшай олмасдилар⁷⁶. Масалан, Россия, Польша ва Венгрияни вайрон қилган Ботухон таслим бўлган халқни итоатда ушлаб туриш учун ўз қўшинларини гарнizonларда қолдириб кетмади. Ўнинг учун ҳокимиятни мустаҳкамлашнинг энг тўғри йўли — халқнинг қурол кўтарган қисмини йўқ қилиш ёки асирга олиш, шаҳар ва қалъаларни вайрон қилиш, қирғиндан омон қолган халқни эса қўрқув воситасида қулликда ушлаб туриш эди.

Асосан отлиқлардан ташкил топган қўшинларга эга мўғул-татарлар очиқ майдонларда жанг қилишни афзала кўришар, бундан мақсадлари — асосий жангда душман ёки қўшинларини тор-мор қилиш билан қалъаларни тез орада таслим бўлишга мажбур этиш эди. Улар қамал ишларидан асирга олинган душман қўшинлари орасидаги ишчи ва ҳунармандлар кучидан ҳам фойдаланаар эдилар. Шаҳарни қамал қилиш катта ўлжани қўлга киритиш ниятида олиб бориларди, чунки уруш пайтида халқ бойлиги асосан шаҳарга олиб кириларди.

Ўзларига ўхшаш отлиқ аскарларга эга, от чоптириб бораётисб ҳам камондан бехато ота оладиган кўчманчи халқлар билан уруш олиб боришда мўғул-татарлар ўткир-фикр-мулоҳаза юритмасалар, уруш жуда ҳам чўзилиб кетиши мумкин эди. Чингизхон уруш мактаби деб атаган ҳайвон ови улар учун яхши тайёргарлик кўриш мактаби бўлиб хизмат қиласарди. Улар душманга қарши кўпроқ ва кучлироқ қўшин билан ҳаракат қилиб, стратегия қоидаларига амал қилишар — душман кучларини қисмларга бўлиб яксон қилишар, уларни худди овда ҳайвонни ўраб олгандек қуршаб олишар, чекиниш ноқулай бўлган ерларга ва пистирмаларга ҳайдаб бориб, қириб ташлашар эди. Жангда ғолиб чиқиш учун улар асосан очиқ ва текис жой-

ни танлашар эди. Шунинг учун уларнинг ўша даврдаги деярли барча жанглари ҳал қилувчи бўлиб, душманни мағлубиятга олиб келган. У пайтда жангни бой бериш бутун қўшинни йўқотиш билан тенг эди. Мағлуб бўлганлар ўлимга, асирикка ёки душман қўшинлари сафида ҳаракат қилишга маҳкум эдилар.

Кўчманчи қабилаларнинг ўтроқ ҳалқлар билан олиб борган урушлари характеристи эса қўйидагича: уруш олиб борган ҳалқлар аҳолиси ва ҳарбий табака кишиларини қириб ташлаш, одамларни асирга олиш, талон-тарож билан бойлик тўплаш, таслим бўлганлардан хизмат қилишини ихтиёр этганларни ўз қўшини сафига олиш, кўчманчилик учун қулай бўлган маҳсулдор ерларни даштларга айлантириш. Уларнинг стратегияси ҳарбий ҳийалалардан, пистирма қўйиш, тўсатдан қилинадиган ҳужум, айланиб ўтишлардан, чекиниш йўлларини кесиб қўйишдан, душман кучларини ажратиб юборишдан, уни тор-мор қилиш билан ноқ қамал ишларини бошлаб юборишдан иборат эди. Мудофаа урушларида—ҳарбий ҳийалалардан, пистирма қўйиш, чекиниш йўли билан душманни сувсиз чўлларга олиб чиқиш ва шу йўл билан унинг кучларини сустлаштиришдан иборат эди. Умуман уларнинг асосий ҳимояси — бизнинг қўпсоғли қўшинларимиз учун мاشаққатли бўлган чўллардир.

АМИР ТЕМУРНИНГ ДАВЛАТЛАРНИ БОСИБ ОЛИШ УЧУН ҚУЛЛАГАН ҲАРБИЙ-СИЁСИЙ ВА МАЪМУРИЙ ҚОИДАЛАРИ

Баёним якунида Амир Темурнинг давлатларни босиб олиш учун қўллаган бир нечта ҳарбий-сиёсий қоидалари устида тўхталиб ўтмоқчиман. Амир Темур сўзларига биноан сиёсат билан мақсадга эришиш мумкин бўлган ерда қурол билан ҳаракат қилиш нотўғридир. Уруш бошлашдан аввал душман қўшинларининг қурол ишлатиш усуllibарини ўрганиш, ҳужум ва чекиниш учун қулай йўлларни билиб олиш, душман қўшинининг руҳиятига ҳамда уларнинг ҳокимлари ва лашкарбошилари фазилатларига таъсир этиш воситаларини топиш керак. Буғунги ишни эртага қолдириш керак эмас. Бирор давлатда золимлик, зўравонлик, жабр-зулм кучли бўлса, бундан ҳалқ норози бўлиб, аҳволи мушкуллашган бўлса, Амир Темур фикрича, ҳар бир адолатли ҳукмдор бундай зўравон давлатга қарши уруш эълон қилиши керак ва бундай шароитда Тангрининг ўзи унга ҳададкор бўлади. Агар бирор мамлакатда эътиқод сусайиб, диндорлар таҳқирланган бўлсалар, тақводор ҳуқмдор.

бу мамлакатга кириб Мұхаммад әътиқодини тиклаши шартта бүнда пайғамбар унга мададкор бўлади. Халқ ёки қўшин мазҳабларга ажраб кетганда, уларнинг бирни тарафини олиб, босиб олишни осонлаштириш керак. Ғайридинга мансуб давлат халқига қарши курашиб, уларни ислом дининга ўтқазиш, тўғри йўлга бошлаш керак.

Амир Темур Мұхаммад әътиқодини ёйишни ўз олдига мақсад қилиб қўйиб, пайғамбар авлодларига ҳамда мусулмон давлатларида катта обрўга эга руҳонийларга хомийлик қилди. Уларни ўзига яқинлаштириб, ҳокимиятпрастлик режаларига жалб қилиб олди. Руҳонийлар Амир Темурни аср қаҳрамони, әътиқод таяничи ва курашчиси, пайғамбар хуш кўрган одам деб эълон қилдилар. Улар энг тақвадор кишилар камалак янглиғ илоҳий нурнинг Мұхаммад пайғамбарнинг қабридан чиқиб Оллоҳнинг азиз бандаси Амир Темурнинг елкасига туташганини ва унинг бу илоҳий нурга чулғанганини кўрганлари ҳақидаги мишишни тарқатдилар ва қўллаб-қувватладилар. Шу туфайли унинг барча тадбирлари қўшинлари учун фалакининг азму қарори, энг шафқатсиз ишлари ҳам тақдирни азалнинг иродаси, Оллоҳнинг ғазабига учрагаклар учун буюрилган жазо бўлиб ҳисобланарди. Унинг ўзини эса золим ва адолатсиз ҳукмдорларни, Мұхаммад пайғамбар қонунларини бузған ҳаёсиз ва гуноҳга ботған мусулмонларни жазолаш учун юборилган Оллоҳнинг Ердаги қуроли деб ҳисоблардилар. Амир Темур қўшинларни ортидан борувчи муллалар ва дарвишлар унинг ҳар бир хатти-ҳаракатини унинг фойдасига талқин қилиб, ҳар бир ташаббусини яхшилик аломати қилиб кўрсатардилар.

Амир Темур ҳақида тарқатилган довруғлар бошқа давлатлар ва ерлардаги әътиборли одамларни, ўрдалар ҳокимларини, ҳаттоқи қароқчи тўдалар йўлбошчиларини ҳам ўзига жалб этарди. Ислом дини маросимларига доимо риоя қилиш, яъни жамоат билан жанг олдидан намоз ўқиш, кечаси эса Амир Темурнинг якка ўзи чодирида намоз ўқиб, мулоҳаза юритиши жангчиларга мардлик ва жангларнинг муваффақиятли тугашига ишонч бағишиларди.

Қўшинларнинг руҳиятига таъсир қилувчи бундай чорададибайларни қўллашдан ташқари Амир Темур бўйсундирган давлатларини муваффақиятли бошқариш лозимлигини яхши тушунар ва бошқаришга лойиқ кишиларни маҳорат билан таълашни бунинг биринчи шарти деб ҳисобларди.

Унинг фикрича, вазирлик қилиш учун қуйидаги фазилатлар бўлиши шарт эди: олийжаноб табнат ва руҳий кайфиятнинг кўтаринкилиги, нозик ақл ва зийраклик, тажри-

балилил ҳамда ҳалқ ва қўшин билан муромала қила билиш, сабр-тоқатлилик ва одамлар билан муросага келиша билиш. Амир Темур сўзларига қараганда бундай фазилатларга эга бўлган вазир ҳурмат ва ишончга лойиқ бўлиб, унга берилган ҳокимиятни мустақил бошқариши, юқоридан берилган кўрсатмаларни амалга ошириши мүмкиндири.

Амир Темур бошқаришнинг турли соҳаларига одамларни ўзи танлар, ҳар бир нарсани ўзи назорат қилиб турар эди. Унинг гапига қараганда, у одамлар билан қисқа, меҳрибонлик ва сабр-тоқат билан муромала қиласар, улар орасида тартиб ўрнатиб, кўрсатмаларининг бажарилишини талаб қиласарди. Амир Темур ўз хизматидагиларни рағбатлантиришда бойликларни аямас, уларни ўзи билан овқатланишга таклиф қиласар, ҳәтиёжларини қондиришга ҳаракат қиласар, адолатли ва беғараз бўлиб, ўз қўшинларини ва фуқароларини, ўз таъбири билан айтганда, қўрқув ва умид ўртасида ушлаб турар эди.

Амир Темур ўз ёрдамчиларини ақлли кишилар орасидан танлар, вилоятларга ҳоким қилиб ҳалол одамларни қўяр, улар эса ўз навбатида ҳалқ ва қўшин феъл-атвори, умуман диққатта сазовор ҳар бир нарса ҳақида унга ҳисобот бериб турар эдилар. Ёлғон хабар, зўрлик ва шафқатсизлик учун у бошлиқларни қаттиқ жазоларди.

Махсус ишончли кишилар Амир Темурга ҳалқнинг ҳолати ҳақида хабар бериб туришар, ўзи эса шу ҳалқ урфодатларига амал қилишга, умуман ҳалқ муҳаббатини қозонишга ҳаракат қиласар эди. У вилоятларга ҳоким қилиб ерлик ҳалқнинг урф-одатларини яхши биладиган, аҳолининг ўзи истаган кишини тайинларди. Ҳалқ ва қўшин орасида бўлиб турадиган келишмовчиликларни ҳал қилиш учун махсус ҳакамлар тайинларди. Агар қўшин ва уларнинг бошлиқлари-жойлашган шаҳар ва вилоятларидан нафақа оладиган бўлсалар, унда вилоятлар қисмларга бўлинарди. Қўшинларга ҳалқдан керагидан ортиқ нарсларни талаб қилиш тақиқланарди. Буни назорат қилиб туриш учун ҳар бир қисмга иккита назоратчи (садр) ажратилгандар бўлиб, уларнинг ҳар бири ҳалқни зўравонлик ва ортиқча солиқлардан ҳимоя қилиб, ҳалқ қўшинларга бераётган ҳар бир нарсанинг ҳисобини олар, иккинчиси эса қўшинлар ҳалқдан олаётган нарсаларнинг ҳисобини оларди.

Ҳар бир бошлиқ (амир ёки мингбоши) учун уч йилга (тиюл) унга тегишли қўшинларни таъминлаш жойи (шашар, қишлоқ, вилоят) бериларди. Бу муддат тугаганидан сўнг аҳолининг бошлиқдан мамнун ёки йўқлигини, уларнинг турмуши яхши ёки ёмон томонга ўзгарганлигини би-

лиш учун назоратчи (инспектор) юборилар эди. Агар аҳоли бошлиқдан мамнун бўлса, у бу ерда кейинги муддатга қолар, мамнун бўлмаса, ҳалқдан олинган ертиқча нарсаларниг ҳаммаси ундан тортиб олиниб, уч йилгача ҳеч қандай маош берилмас эди. Амир Темур солиқ солишда жисмоний жазо қўллашни тақиқларди. Унинг айтишинча, ҳокимияти қамчи ёки хипчиндан кучсиз бўлган бошлиқ әгаллаб турган лавозимига лойик эмасdir. Амир Темур бошлиқлар зулм ўтказиш ва товламачилик қилишдан ўзларини тийишиларини талаб қиласар, ўз мансабини суннитеъмол қилиш очлик ва ҳар хил фалокатларга олиб келишини, ҳалқни ўзга ерларга қочиб кетишга мажбур этишини билар эди. Амир Темур ҳалқни талон-тарож қилиш давлат даромадининг камайишига олиб келади, бу эса навбатида қўшиннинг камайишига ва давлатнинг қулашига сабаб бўлади, дер эди.

Деҳқончилик маҳсулотларидан солиқ олиш қўйидаги асосда белгиланган эди: агар ер эгаси ариқ (канал), булоқ ёки доимо сув оқиб турувчи дарёдан сугориладиган ҳосилдор ерга эга бўлса, у ўз даромадининг 1/3 қисмига тенг солиқ тўлар, бунда унинг хоҳишига қараб солиқ ер маҳсулоти ёки пул билан тўланарди; юқоридаги каби сугорилмайдиган ерлардан ер сифатига қараб камроқ солиқ олинарди. Лекин ҳукмдор учун солиқ ундирувчиларга таёқ, занжир ва қамчи ишлатиш ман этиларди.

Раният (солиқ тўловчи ҳалқ) нинг зиммасида бўлган жангчиларни боқиши ёки маҳсус солиқ тўлаш мажбуриятига кўра икки хил қўшин тури бўлган деб хулоса чиқариш мумкин: биринчиси доимий тураржойларда жойлашган бўлса, бошқаси бизнинг ҳаракатдаги қисмларимиз сингари, ўрдуларда ёки ўз бошлиқлари ва Амир Темур бошчилигидаги юришларда бўлардилар. Доимий ҳаракатдаги қўшинлар аҳолидан озиқ-овқат ололмасликлари туфайли маҳсус нафақа билан таъминланар эдилар. Амир Темур ўз ҳарбий ва сиёсий қарорларида бу ҳақда бир неча бор тўхталиб ўтган.

Босиб олинган ерларниг кенгайиб бориши билан Амир Темур қўшинлари сони ҳам ортиб бораверди. Босиб олинган вилоятлардаги қурол кўтарган ҳар бир киши Амир Темур лашкарига қабул қилинар ва амалига қараб маош оларди. Жасур жангчиларниг фарзандларига ҳам нафақа тўланар, агарда улар жасорат кўрсатсалар, юқори мансабларга кўтарилишлари ҳам мумкин эди. Душман томон қўшинлари ҳам шу асосда хизматга қабул қилинардилар.

Диний ишлар ҳамда бошқаришнинг бошқа турли қисм-

ларига ҳам Амир Темур қўшинга қаратган эътиборидан кам эътибор қаратмасди. «Тажриба менга шунн кўрсатдики, — деган эди у, — қонун ва дин томонидан қўллаб-кувватланмаган давлат, ҳар қандай разил одам ҳам кира оладиган, томни, эшиги ва қулфи бўлмаган уйга ўхшайди. Шунинг учун мен ислом динини тиклаб, унга қонун ва қарорлар қўшишни лозим топдим». Амир Темур босиб олинганд ерларда эътиқод ишларини бошқариш учун Муҳаммад пайғамбар авлодига мансуб кишилардан бош муфтийлар тайинларди. Дин назоратига тегишли мол-мulkка, масжидларга, Муҳаммад пайғамбар авлодларига, олимлар ва барча хизмат кўрсатган, хурматга сазовор кишиларга нафақа тўлаш ва ҳолларидан ҳабар олиб туриш учун маҳсус назоратчилар тайинланган эди. Амир Темур шаҳарларда масжид, мадраса, шифохона ва етимхона (лангархона)-лар, шаҳарни бошқариш ва қозилар учун бинолар (дор-ул-аморат ва дор-ул-адолат), йўлларда, карvonсаройлар, дарёларга қўпrikлар ва ҳоказолар қурдиран эди.

Амир Темур илм-фанга ҳомийлик қилар, олимлар билан ҳалқлар тарихи ва буюк ҳукмдорлар таржимаи ҳоли ҳақида сұҳбатлар ўтказиши хуш кўрар, ўтган даврдаги буюк шахсларнинг ижобий ишларига тақлид қилар, хатоларни қайтармаслик учун уларнинг муваффақиятсизликларини қунт билан ўрганар эди.

Бошқаришдаги муҳим ишлар мўътабар дин маъмурлари, ақл ва билимлари билан машҳур бўлган кишилар, бош амирлар, қўшин ва қабила бошлиқлари, вазирлар ва бошқалар иштирок этадиган кенгашда кўриб чиқиларди. Амир Темур шу каби кенгашлардаги ўз қарор ва фикрларини батафсил ёзиб борувчи котибларга эга эди. Унинг «Темур тузуклари» номи билан машҳур васиятномаси юқорида кўрсатиб ўтилган кенгашлардаги маълумотлардан тузилган бўлиши эҳтимол.

Амир Темур кенгашининг тарқиби, умуман, унга яқин кишилар ҳақида маълумот бериш учун мен унинг юқорида кўрсатилган асаридан кенгаш мажлисининг ўтказилиш тартиби ҳақидаги маълумотни ҳозола этмоқчиман.

Амир Темур таҳти атрофида унинг ўйиллари, набиралари ва бошқа қариндошлари, қариндошлиқ даражаси ва аҳамиятига қараб, ярим ой шаклида жойлашар эдилар.

Пайғамбар авлодлари, қозилар, олимлар, руҳонийлар, оқсоқоллар, аъёнлар ва аслзодалар ўиг тарафга, қўшин бошлиқлари ва амирлар мансабларига қараб чап тарафга ўтирар эдилар.

Девонбеги ва вазирлар — таҳт қаршиига, вилоят бошлиқлари улардан кейин жойлашишарди.

Баҳодир уивонини олган ҳарбийлар ва бошқа мардлик кўрсатган жангчилар таҳт орқасининг ўнг тарафида, енгил қўшин бошлиқлари эса чап тарафида жойлашар эдилар.

Авонгор амири таҳт қаршисига, олий кенгаш қўриқчилари чодирга кираверишда, ҳақиқат сўраб келганлар* таҳтнинг ўнг ва чап тарафида жойлашар эдилар.

Оддий жангчилар ва сарой хизматчилари ўз жойларини ташлаб кета олмас эдилар.

Маросимни бошқарувчи тўрут амир мажлисда тартиби низорат қилиб туриши керак эди. Мажлисда қатнашувчиларнинг ҳаммаси ўз жойларини эгаллаганларидан сўнг Амир Темур умум йигилганлар (омма) га 1000 та лагандада турли ноз-неъматлар ва 1000 та нон бердира, кенгаш қатнашчиларига 1000 та лаган, ўрда амирлари ва қўшин қисмлари бошлиқларига ҳар бирининг номига атаб 500 та лаганда таом берилар эди.

Бундай маросим афтидан Чингизхон авлодлари бошқарган хонликларда бўладиган қурултой, элчилар қабул қилиш ва бошқа тантанали вазиятларда қўлланилиши расм бўлган. Олтин Ўрда хонларининг баъзи бир сарой маросимлари Москва княzlари саройида ҳам қабул қилинган эди.

Амир Темурнинг сиёсий ва ҳарбий қарорларидан олинган ушбу қисқача кўчирма ҳамда у тўғрисидаги Ўрта Осиё халқлари хотирасида сақланиб, авлоддан-авлодга ўтиб келган юксак фикрлар унинг моҳир сиёсатчи ва Ўрта Осиёнинг буюк ҳукмдорларидан бири бўлганини кўрсатади. Аммо урушга бўлган иштимоқи туфайли уруш бошлаш учун ҳамиша дуруст баҳоналар топа оловчи, мустақил халқларни бўйсундирувчи, бутун-бутун қабилаларни яксон қилувчи, ўз мақсадларига гоҳ одамларни танлай билиш, ҳатто душман халқларига тааллуқли керак бўлган кишиларни ўзига оғдира олиш санъати билан, гоҳ яхши таъминланган жангчиларида ўзига нисбатан мутаассиблик (фанатизм) ва кўр-кўронә ишонч туғдериш йўли билан эришувчи бу зот инсон уруғига қирғин солувчи буюк саркарда ҳам эди.

У тузган тадбирларининг амалга ошишини изчиллик ва талабчанлик билан кузатиб борар, уларни амалга оширишда ўз амалдорларини мажбур қилиш ва қаттиқўллик йўли билан эмас, балки мазкур тадбирнинг тўғрилиги ҳамда фойда келтиражаклигига ишонтириш йўли билан ишга жалб қиласарди.

* Муаллиф бу ўринда янглишган, бу жойдан аслида додхоҳлар, яъни арз-дод билан келганларнинг аризасини подшоҳга етказувчи мансабдорлар ўрин олганлар (*муҳарр*).

Забт этилган мусулмон давлатларида Амир Темур Мұхаммад пайғамбар авлодларига, руҳонийларга, фиқұр билимдөнларниң, олимлар да оқсоқолларға доимо ҳомиілік қылар, уларни мукофотлар, яхши маош тайинлар, ҳурмат-иззат қылар, амалдорлар билан ҳушмуомалада бўлар, камбагалларга таом улашар, ҳалқа нисбатан инсонпарварлик қылар эди. У ҳалқни қандай тадбирлар билан ўзига қаратиш мүмкінлегини олдиндан билб олар, саёҳатчилар ва савдогарларга ёрдам берар, босқинчиликни таъқиб қылар, адолат учун қайғуар, йўллар ва савдо-сотиқ ҳавфсизлиги ҳақида ташвишланар эди. Мана шу қоидалар ва чора-тадбирлар орқали Амир Темур улкан муваффақиятларга эришди. Уни душманлар оғати, фуқаролар отаси, жангчилар сәжда қисса арзидиган бирдан-бир кимса деб аташарди. Ўрта Осиё ҳалқлари учун Амир Темур буюк ҳукмдорлар намунаси эди.

Амир Темурнинг баъзи бир юришлари баённи у ўзининг ҳарбий-сиёсий қоидаларидан амалда қандай фойдалана олганлегини кўрсатиб беради.

АМИР ТЕМУРНИНГ 1391 ЙИЛДА ТҮХТАМИШОНГА ҚАРШИ ОЛТИН ЎРДАГА ҚИЛГАН ЮРИШИ

Амир Темурнинг юқорида баён қилинган, Хоразм ва ўзбекларга қарши қилган юришлари унинг ёрдамида қипчоқлар ўрдаси таҳтига ўтирган, кейин эса енгилтаклик қилиб, Амир Темурнинг она юртига ҳужум қилишга журъат қилган ионкўр Тўхтамишга қарши узоқ ва ҳавфли уруш қилишни кўзлаганини кўрсатади. Бироқ 2500 чақирим узоқликда жойлашган, 500 000 жангчиси бўлган кучли қўшинга эга душман билан ўзини бошқа душманлардан ҳавфсизлантириласдан уруш бошлаш ҳавфли эди. Амир Темур ҳокимиятни ўз қўлига олгунга қадар хоразмликлар ва ўзбеклар ажralиб чиққан, бинобарин, уларнинг итоаткорлиги ишончли эмас эди. Улар ҳанузгача кучли бўлганиклари сабабли, узоқдаги ҳавфли душман сари юриш бошлашдан аввал Темур уларни итоат эттириб, кучсизлантириши лозим эди ва шундай қилди.

Амир Темур ўз қўшинлари, бошлиқлар ва амалдорларнинг ишончлилигини синаш мақсадида катта қурултой чакиришга аҳд қилди. У буюклиқ, ҳокимият, шон-шуҳрат, галабалар довруғи, мулойим муносабат ва зиёфатларнинг сеҳри кучини яхши тушунарди. Бизнинг давримизда Наполеон I ҳар бир муҳим тадбирдан аввал ўзининг Эрфурт ва Дрездан йиғилишларини ўтказиши каби, Амир Темур-

нинг ҳам, ҳам унинг ўзи, ҳам унинг қўли остидаги хокимлар ва амалдорлар дабдабаю-асъасада кимўзди мусобақаси ўйнайдиган ва шу билан бирга мухим ишлар ҳал қилинадиган маҳобатли қурултойлари бўлар эди. Амир Темур ўзининг ҳокимиётда тутган ўрнига қарамаёдан бошлиқарувни фақатгина ташки кўриниш учун қўйилган, амалдорлар кенгашида ишонтириш ва авраш йўли билан тасдиқланган, Чингизхон авлодига мансуб хон номи билан олиб бораради.

1390 йил кузида Амир Темур Жўчихонга* уруш эълон қилиб, Олтин Ўрдага юриш қилишга аҳд қилди. Унинг қўшинлари Хўжанд ёнидан Сирдарё устидаги кўприкдан ўтиб, қишлоғни Тошкент атрофида ўтказиши.

Амир Темур Самарқанддан ўз рақиби турган ерга бориши учун З та йўл мавжуд эди: 1) Орол ва Каспий денгизлари ўртасидаги Уст-Юрт тепаликлари орқали; 2) Орол денгизининг шарқий томонидан Ўрол дарёси ўрта қисмлари томон тўғри йўналишда; 3) Орол денгизининг шарқий томонидан шимолга, Тобол дарёсигача тахминан ҳозирги Троицк ва Зверноголовск қалъаларигача Оренбург чегара чизиқлари бўйлаб.

Энди мана шу учта йўлни алоҳида-алоҳида кўриб чиқайлик. Даштларда жанг қилиш учун маълум қонун ва қоидаларга амал қилиш керак. Шунинг учун биз Амир Темур нима учун айнан маълум бир йўлни бошқаларидан устун билгани, уни бунга қандай мулоҳазалар мажбур этгани сабабларини аниқлашимиз керак.

Биринчи йўл орқали ҳаракат қилиб Амир Темур кузойларида ўз қўшинларини Хоразм (Хива) ерларида жойлаштириши, бир неча ҳафта дам олишдан сўнг, баҳор ойларида юришин давом этириши мумкин эди. Бунда у аввал Каспий ва Орол денгизлари орасидан Уст-Юрт орқали ҳаракат қилиши, Тўхтамишнинг жойлашган ери ҳақида олинган маълумотларга қараб ё Ўрол дарёсининг ўрта қисми (ҳозирги Қалмоқ қалъаси кенглиги) га ёки шимолроққа юриши керак эди. Уст-Юртда (400 чақиримдан ортиқ масофада) сувнинг танқислиги сабабли, уни март ва апрел ойларида, эрнган қор сувлари чуқурлик ва жарларда сақланиб қолган пайтларда кесиб ўтиш қулайроқ эди⁷⁷. Шу пайтларда ҳаракат бошласа, Амир Темур (ҳозирги) Қалмоқ қалъаси кенгликларига май ойларида етиб келиши мумкин эди. Лекин бу даврда ҳаракат бошлашнинг ўзига

* Муаллиф бу ўринда янгишган, аслида Жўчи улусига дейилиши керак. Чингизхоннинг тўнгич ўғли бўлмиш Жўчихон Темур замонасадан бир аср аввал яшаган (*мўхарр.*).

яраша қийинчиликлари бор эди. Бу пайтда Эмба, Сагиз, Ўйил ва айниқса Үрол дарёларида сув кўпаяр, Уст-Юртдан Ўйил дарёсигача бўлган масофадаги шўрҳок ерлар ботиб қолиш мумкин бўлган ботқоққа айланар ва боз устига буларнинг баридан душман кўзи олдида кечиб ўтиш керак эди. Амир Темур кейинроқ ҳаракат бошласа, бу қийинчиликлардан қочиб қутулиши мумкин, лекин бошқа муҳимроқ қийинчиликлар — сувсизлик, ем-хашакнинг йўқлиги ва айниқса қурғоқчилик ҳамда чўл ёнғинлари каби тўсиқларга дуч келиши ва ҳатто буларнинг қурбонига айланиши мумкин эди. Қурғоқчилик пайтларида чўлда юз берадиган ёнғин шу қадар кутилмагандан ва тез бўладики, у қисқа вақт ичida бир неча юз чақирим майдонга ёйилиб, қозоқлар бутун мол-ҳоллари билан унинг қурбонига айланадилар. Яна шуни ҳам айтиш керакки, Уст-Юртнинг бошланиш қисмидан Ўйил дарёсигача бўлган 800 чақирим масофада сув ва кўкат камчил бўлади. Шунинг учун агар Амир Темур бу йўлни танласа қисқа вақт орасида ўз юкчи туялари ва отларини ҳолдан тойдирishi мумкин эди. Бундай шароитда душман уринмаган отлиқ аскарлари билан уни қарши олиши ва кичик урушлар воситасида тинкасини қуритиши, дам олиш жойларида тия ва отларни ўтлатишга халақит бериши мумкин эди. Ўз қўшини орқасида йирик йилки подаларига эга бўлган Тўхтамиш керак бўлганда янги отлар билан таъминланиши мумкин эди, ҳаракат ўзагидан бир неча юз чақирим масофада бўлган Амир Темур эса бундай имкониятдан маҳрум эди. Темур қўшинларини ва отларини ҳолдан тойдирив, унинг озиқ-овқат захираларини қуритишга муваффақ бўлгач душман армияси жангга кириши мумкин эди. Душман мағлубиятга учраган ҳолда кўп нарса йўқотмас эди. Чунки Темурнинг ҳолдан тойган отлиқ қўшинлари узоқ таъқиб қилишга қодир бўла олмас эди. Агар душман ғалаба қозонишга эришса, Амир Темурнинг ҳалокати муқаррар эди.

Орол денгизининг шарқий томонидан Үрол дарёсининг ўрта қисмигача, ҳозирги Уральск ёки Оренбург шаҳарлари йўналишида бўлган иккинчи йўл билан ҳаракат қилганида ҳам Темур ўз қўшинларини куз ойларидан бошлаб Тошкент ва Ўтрор атрофида жойлаштириши, юриши эса баҳорда бошлиши керак эди. Бу йўл биринчи йўлдан узоқроқ, Хўжакўлдан Муғожар тоғларигача ва ҳатто Эмба дарёсининг энг юқори қисмигача бўлган бир неча юз чақирим масофа эса шўрҳок, ем-хашак кам учрайдиган қумли чўллардан иборат эли. Шу сабабларга кўра бу йўл ҳам биринчиси каби юриш қилиш учун нокулай эди.

Учинчи йўл Тошкентдан Омон-Қарағай* томон шимолий йўналишда бошланиб, у ердан чапга, Тобол дарёси томон, кейин эса ҳозирги Оренбург ҳудудининг шимолий қисми бўйлаб борарди. Бу йўл аввалги икки йўлдан узоқроқ бўлса-да, аммо қуйидаги қулайликларга эга эди: сувсиз ва ем-хашаксиз бўлган чўлни душман турган жойдан анча узоқда кесиб ўтиларди; шимолга яқинлашган сари чўл шароити яхшиланиб борарди; Улуғ тогнинг ғарбий тарафидан, Ишим дарёси ва Оренбург томондан борадиган бу йўл ажойиб яйловлар, кўплаб кўл ва чучук сувли дарёлар, доимо яшил тусадаги ўтларга эга бўлгани учун ёнгинларнинг деярли бўлмаслиги; Темур бу йўлни танланган тақдирда, апрел ойларида Улуғ тоғ ёнбағрига ёки Ишим дарёсига келиб тўхтаб, ўз қўшинларига узоқ дам олиш учун рухсат бериши, ориқлаб қолган отларни озиқлантириши, кейин эса кўчманчи халқлар одатда, қароқчилик учун (баранта) борганлари каби аввал секинроқ, кейин эса тезлик билан ҳаракат қилиши мумкин эди. Бундай ҳаракат отларни узоқ ва маşaққатли юришларга, яъни жангларда ҳаракат қилишга, дўшманни таъқиб қилишга, керак бўлганда тез чекинишга қобил қиласди.

Амир Темур охирги йўлни танласа, биринчидан, йўлнинг ҳеч бўлмагандага ярмига довур Тўхтамишон ҳеч қандай қаршилик қўрсата олмас эди. Чунки бундай узоқ ма-софага юриш бошлаган Амир Темурдек моҳир саркарда ўз йўналишини душманга билдирамай ҳаракат қила олар эди; иккинчидан, Амир Темурни чўлдан ўтиб, Улуғ Тоғ ёки Ишим дарёсига келиб бўлгач, апрел ойларида қарши олиш бутун ўрдаси билан қишлошга Волга, Ўрол ва Доннинг қўйи қисмларига кўчган Тўхтамиш учун қишида 1500 чақиримдан ортиқ йўлни босиб ўтиб юриш қилиш демак эдики, бу ҳол унинг қўшинларини бутун чўлни босиб ўтган Амир Темур қўшинларидан-да мушкулроқ аҳволга солиб қўйиши мумкин эди. Мағлубиятга учраган ҳолда эса Тўхтамиш қўшинлари қирғиз (қозоқ) чўлларида батамом қириб ташланishi мумкин эди. Бунинг устига ўзи билан пинхона тил биритирган Тўхтамишнинг амалдорлари кўмагида ҳам у ўз йўналишини яшира олар эди ва шу туфайли то Ўролга етиб олгунича ҳеч ким унинг қўшини йўлинни тўсмаслигини билган ҳолда бехавотир аввал шимолга қараб юриши мумкин эди.

Шубҳасиз, шу сабаблар Темурни учинчи йўлни танлашга мажбур этган бўлса ҳам, лекин юриш қийинчилик-

* Асл нусхада «Аман Карагайский приказъ» деб берилган (*mufarrar*). .

лари жуда катта бўлиб, уларга бардош бериш учун, чўлда уруш олиб боришга қанча ҳарбий санъат ва билим талаб қилинса, шунча мардлик талаб қилинарди. Бу ерда ўзаро урушларга қарамасдан умумий хавф олдида бирлаша оладиган, Чингизхон ташкил қилган мактабни ўтган ва унинг қарорларига амал қиласидиган кўпмингли жанговар қўшини таза оладиган, кучли ва жасур кўчманчи халқ билан тўқнашиш кераклигини Амир Темур тушунарди. Уруш майдони одамларни озиқ-овқат ва бошқа нарсалар билан таъминлай оладиган маҳаллий қулайликларга эга бўлмагани, душман Темур қўшинларини отлиқлар ҳаракати учун иёкулай ерларга жалб этиши ва уларни асосий ҳаракат ўзагидан ажратиб қўйиши эҳтимоли урушнинг чўзилиб кетишига олиб келиши мумкин эди. Буни жуда яхши билган Амир Темур қўйидаги чора-тадбирларни кўришни лозим төпди: юқорида кўрганимиздек, юриш олдидан ўзига тегишли ерлар хавфсизлигини таъминлади, тахмин қилинадиган йўналиш бўйлаб дон ва бошқа ер экинларини экишини буюриб, катта озиқ-овқат захираларини тўплаб қўйди.

Шу орада Тошкентда жуда катта қўшин тўплаб, унда тартиб ўрнатди, кўрикдан ўтказиб, яхшилаб таъминлади. Қерак бўлганларга от, қурол, кийим-кечак улашиб, қолган нарсларни сотиб олиш учун жангчиларга пул улашди. Ҳар бир жангчи ёй, 30 та ўқли садоқ ва бошқа қуроллар олишини буюорди. Ҳар икки жангчи битта қўшимча от, ҳар 10-киши битта ўтов, 2 та белкурак, 2 та сўқа, ўроқ⁷⁸, арра, болта, бигиз, 100 та учлик (ўқ учун), маълум узунликда арқон, тарози, меш, қозон олиши керак эди. Юриш пайтида ҳар бир жангчига бир ойда 25—26 фунт (1 фунт — 400 грамм) ун берилиши керак эди (Шармуанинг тахминига кўра). Озиқ-овқат маҳсулотлари ичida қурут ҳам бўлган бўлса керак. Ҷўлдан ўтиш пайтида сув билан таъминлаш учун албатта меш ҳам олинарди. Ҷўлда жанг қилиш пайтида отлиқ аскарларга керак бўладиган тушов ва сиртмоқли арқон ҳам эсдан чиқмаган бўлса керак.

Амир Темур 1391 йил 19 январ куни юриш олдидан қўшинларни кўрикдан ўтказиш пайтида Жўчи улусига уруш эълон қиласиди. У қўшинни колонна (қисм) ларга бўлиб, ҳар бирiga йўлбошли — юртчи тайинлаб, юришга отланади. Бундай йўл-йўриқ тутиш чўл бўйлаб ҳаракат қилишда сув ва ем-хашак билан таъминлаш қулай бўлсин учун Темур лашкарлари кичик бўлинмаларга (отрядларга) бўлинганилигидан далолат беради. Тўхтамиш қўшинлари узоқда бўлгани туфайли бундай ҳаракат қилиш Темур учун хавфсиз эди.

Амир Темур қўшинлари Ясси, Қирковчи шаҳарлари то-

мон юриб, уч ҳафтадан сўнг Сайрамга етиб келдилар ва Сариқ ўзак (Сариқ сув дарёси бўлса керак) сари йўналиб, сўнгра Кичик Тоғ ва Улуғ Тоғ тогларининг ёнбағирлари бўйлаб ҳаракат қилдилар. Бу тоглар чўққиларидан кўплаб сойлар оқиб тушар, ёнбағирларида ажойиб яйловлар бор эди. Амир Темур бу ерда отларни ўтлатиш ва қўшинга дам бериш мақсадида тўхтаб, минора шаклидаги катта тошга битик ўйдирди*. Тошкент вилояти бундай улкан қўшинга тегишли отларни таъминлаш учун керак бўлган ем-хашакка эга бўлмагани туфайли улар қиши чоғларида катта қийинчиликка учраган бўлсалар керак. Чўлни кесиб ўтиш чоғида отлар яна ҳам кучсизланиб, ориқлаб кетдилар. Шу сабабли Амир Темур қўшинлари озиқ-овқат ва бошқа юкларининг маълум қисмини қолдириб кетишига мажбур бўлган бўлсалар эҳтимол. Чунки, қуйида кўрамизки, маълум вақтдан сўнг қўшин озиқ-овқат танқислигини ҳис қила бошладид⁷⁹. Бироқ жасур Темурни бундай ҳол тўхтата олмади. У шимол томон ҳаракатни давом эттириб, Улуғ Тоғ ва Кши** тогларининг гарбий қияликларидан оқиб тушувчи сойлардан пайдо бўлган Илонжик (Улкан Жилончик) дарёсини кечиб ўтганидан кейин Анақарағўй (Хозирги Омон Қарагай бўлса керак) томон йўл олди. Бу ердаги Абуғ дарёси бўйларида ажойиб яйловлар бор эди.

Уч ойлик чўл сафаридан сўнг қўшинлар озиқ-овқатдан қийнала бошладилар ва шу сабабли Амир Темур қуйидаги Формойишларни берди: катта-кичик барчага қаттиқ жазо бериш шарти билан лаззатли таомлар истеъмол қилишни тақиқлади, кундузги таом миқдорини камайтириш, фақатгина ун, ўт ёки тариқ пояси билан аралаштирилган, майда қилиб тўғралган гўшт бўлаклари билан озиқланишни буюрди. Ҳар бир киши истеъмол қилиш учун мўлжалланган ун миқдори ҳам камайтирилиб, 25 фунт ун 60 кунцлик истеъмол учун тайинланди. Бу чоралардан ҳам қониқмаган Темур қўшиндагиларга қаттиқ жавобгарлик остида ўз озиқ-овқат захираларини ўртада тенг бўлишга мажбур этди. Бундан ташқари у жангчиларга тановул қилиш мумкин бўлган ўтларни, қуш тухумларини йиғиши, умуман ҳайвон ва қушларни ушлаш учун умумий ов уюштиришини буюрди. У даврларда қўшинни ов қилиб ушланган ҳайвон ва парранда гўшти билан боқиш оддий бир ҳол эди. Чингизхон қонунларига кўра, қуш ва ёввойи ҳайвонларни март оидан октябр ойигача ушлаш тақиқланарди. Бунинг сабаби, чўл жойларда айниқса озиқ-овқат топиши қийин бўд-

* Ушбу тош-битик ҳозир Эрмитажда сақланади (тарж.).
** Кшиш бўлса керак (муҳарр.).

тган қиң пайтларыда ҳаракат қилаётган қўшин озиқ-овқатдан қийналиб қолганида ёввойи ҳайвон ва қуш гўштини истеъмол қилиши мумкин эди⁸⁰. Амир Темур Чингизхондан қабул қилган ушбу тадбир Олтин Ўрдада бўладиган уруш чўзилиб кетган тақдирда қўшин ўзи билан олиб кетаётган озиқ-овқат захиралари асқотиши мумкин бўлгани туфайли қўлланилган эди, деб ўйлайман.

Юкорида қайд қилинган йўл бўйлаб ҳаракат қилаётган Амир Темур қўшинлари кейин чапга бурилиб, Орск қалъасидан жануброққа, янги Оренбург чизиги бўйлаб юрган бўлсалар керак. Тошкентдан Ишим дарёсининг шимолга қайрилиш жойигача ёки Жар Қайнин Оғоч истеҳкомигача бўлган масофа тахминан 1500 чақиримни ташкил этади. Тошкентдан январ охирларида йўлга чиқиб, Улуғ Тоғ ғарбий ёнбағирларида қўшинга дам берган Темур бу ерга апрелнинг 20-кунларида⁸¹, ҳозирги Омон Қарағайга эса, май ойининг бошларида етиб келиши мумкин эди. Губерли тоғини босиб ўтиш учун Амир Темур Ўрол (Яниқ) дарёсини Ильинск қалъасидан пастроқда кечиб ўтиши керак эди. Ўрол дарёсининг кечув жойига у май охирларида етиб кела оларди. Бу пайтда Ўрол дарёси сувлари қирғоқларигача кўтарилилган бўлади.

Амир Темур то Тобол дарёсигача етиб келгунга қадар ҳам душман ҳақида ҳеч қандай маълумотга эга эмас эди. Шу унинг юришнинг ярмидан кўп қисмини кўчиб юриш усули билан олиб бориб, натижада Тўхтамишдан ўз ҳаракат йўналищини яширишга эришганидан далолат беради. Шу сабабли ҳам у қўшинларини икки кунлаб ва ундан ҳам ортиқ давом этадиган овларга юборишга хавфсирамаган бўлса керак. Овдан кейин қўшинлар икки кун давомида кўрикдан ўтдилар. Шарафуддин Али Яздий тасвирлаган қўшинлар кўригидан кўринишича, улар турли қуроллар билан қуролланган эдилар: баъзи жангчилар найза, хәнжар, чарм қалқон билан қуролланган бўлсалар, бошқалари гурзи, қилич, шамшир ва ҳоказолар билан қуролланган эдилар. Отлар устига йўлбарс териси ташлаб қўйилиб, кўкрак қалқони кийдирилган, қўшин мингликлар ва туманикларга бўлинган эди. Амир Темур яқинлашиб келганда қўшиндаги ҳар бир қисм бошлиғи отидан тушиб унга ўз қисмини кўрсатар, жангчиларининг абжирлиги ва чаққонлигини намойиш қиласар, кейин тиз чўкиб ерни ўпар, Амир Темур шаънига дуо ўқиб, унинг ғалабаларини олқишилаб, керак бўлганда унинг учун ўз жонини тикишга ҳам тайёр эканлигини изҳор қиласарди. Амир Темур қўшин қисмлари ёнига яқинлашиши билан жангчиларининг ҳайқириқлари Даشتி Қипчоқни ларзага соларди.

Кўрикдан сўнг Темур душман турган ерни аниқлаши мақсадида қоровулларни тайинлади. Уч кун жадал ҳара кат қилиб, Тобол дарёсига етиб олган қоровул жангчиларининг 10 га яқин аллангага кўзлари тушди. Аввалига улар алланга ёқсан жангчилар изини топа олмадилар, лекин кейинчалик пистирма қўйиш йўли билан бир нечта жангчини асирга олишга, улардан Тўхтамиш жойлашган ерни аниқлашга муваффақ бўлдилар. Шу маълумотларга асосланиб Тобол дарёси томон йўл олган Амир Темур дарёнинг кечиши жойи қоровуллар томонидан бузиб ташланғани сабабли, шоҳ-шабба ёрдамида уни тузатишни буюриб, ҳеч қандай қаршиликсиз бутун қўшини билан дарёни кечиб ўтиб, Ўрол дарёси томон йўналди.

Олтин ўрданинг Мўғулистанда жойлашган уруғдоши улус билан алоқа қилиб туриши учун шубҳасиз, доимий йўл бўлган, «Нўғой йўли» деб аталадиган ушбу йўл излари ҳозир ҳам сақланиб қолган бўлиб, бу йўл Волга дарёсидан шарққа — Ўролга томон йўналган эди (илгари ҳарбий Самара чизиги деб аталган, ҳозирги Самарадан Оренбургга борадиган почта йўли яқинида). Бу тахминнинг тўғрилигига Тўхтамиш Ўрол орқасидаги З та кечув жойига — Айғир Ёли, Буркажит (бу ер Қирқ Гўзал деб аталади) Жаммагажитга пистирма қўйгани, ўз навбатида айнан шу жойлар Ўрол дарёсидан асосий кечиб ўтиш жойлари бўлганлиги далил бўлади. Темур эҳтиёткорлик чораларини кўришга усталиги ҳамда мўғулларнинг ҳарбий ҳийларидан хабардор бўлгани учун ўз қўшинларини юқорида кўрсатилган учта кечув жойидан эмас, балки ундан юқориоқдан олиб ўтди. Ўрол дарёсидан кечиб ўтиш пайтида Амир Темур юқорида айтилган жойларда Тўхтамиш пистирма қўйганини, у ерда ўзининг бутун қўшини билан жойлашиб, Азовдан (яъни Дон атрофидаги кўчманчилар улусидан) ва Олтин Ўрда халқи ёзда кўчиб яшовчи бошқа ёрлардан қўшимча куч келишини кутаётгани ҳақида маълумот олади.

Амир Темурнинг кейинги ҳаракатларини яхшироқ тушуниш учун мен Ўролдан Волга дарёсига бўлган ерлар ҳақида қисқача тушунча бермоқчиман. Чорва билан шуғулланувчи аҳоли яшайдиган ерларда одатда ўрмонлар жуда тез йўқ бўлиб кетади. Гарчи бу халқлар уй, девор ва тўсиқлар қурмасалар ҳам, бизнинг ўрмон хўжалигимиз ва ўрмонни сақлаш ҳақида ҳеч қандай тушунчага эга эмаслар. Улар ўрмонларни ёзда бўладиган доимий чўл ёнғинлари, чорва боқиши, овқат пишириш ҳамда гўшт ва тери дудлаш учун оловни доимий сақлашлари натижасида йўқ қилиб юборадилар. Шак-шубҳасиз, ўша даврдаги Олтина

Үрдада катта ҳажмда темир ва мис рудалари қазиб олиниб, ундан қурол, дубулға, совут ва бошқа нарсалар тай-ёрланган. Қирғизларда (қозоқларда) ҳозир ҳам моҳир зартарлар, күчмә темирчилик устахоналари ҳамда ишлаб чи-қариш воситаларининг чекланганлигига қарамай, анчаги-на моҳир темирчилар бор. Шунинг учун бир неча асрлик булғорлар ҳукмдорлиги, кейин эса қарийб 150 йил Олтин Үрда ҳукмронлиги даврида ўрмонлар у ерда ҳозиргидан кам бўлмаганлиги аниқ. Мен ўзим таърифлаётган ерларда бўлғанимда қалин ўрмонлар ичida, шак-шубҳасиз ҳужум-дан ҳимояланиш учун қазилган қадимги чуқур хандақларни кўрганман. Сенгилей шаҳри қаршисидаги Волга бўйидан бошланиб, Мензелинск шаҳридан оқиб ўтувчи Кама дарёси бўйида тугайдиган бизнинг эски Закамск чизигимиз бу тахминимизни тасдиқлай олади. XVII аср бошида асос солинган ушбу чизик Волга дарёсининг ўтлоқ томонига кўчириб келтирилган аҳолини ҳимоя қилиш мақсадида қурилган эди. Бунинг учун кўрсатилган масо-фанинг очиқ ерларига чуқур хандақлар, ўрмонли ерларга ағдарилган дараҳтлардан тўсиқлар қилинган. Бу хандақлар ўрмон четида тугаши керак эди. Ҳозир ўрмон ичкари-сида ҳам уларнинг изларини учратса бўлади. Бундан таш-қари, эски чизик ёнидан қазилган хандақлар ичидан да-раҳтларнинг ўсиб чиқиши ҳозирда ўрмонлар камайиб кет-ганини эмас, балки баъзи жойларда кенгайиб борганини кўрсатади. Умуман Самара шаҳридан Чистопол шаҳрига-ча давом этган, Волга дарёси бурилишидаги Самара ёйи-да шубҳасиз ўрмонлар кам бўлган. Чунки у ерларда ёз пайтларида Олтин Үрда хонлари қароргоҳи жойлашар, биёбарин, сон-саноқсиз чорва ва йилқилар ўтлаб юрар ва жўчманчи қабилаларнинг кўплари кўчиб келарди. Бу ер-дан ўрмон миңтақаси Волга дарёсидан шимолга ва Кама ердан ўрмон миңтақаси Волга дарёсидан шимолга ва Ка-ма дарёси билан Үрол тоғларидан шарққа томон чўзилиб жетиб, жануб томондан юқорида тилга олинган «Нўғой йўли» деб аталувчи катта йўл билан чегараланаарди. Бу йўл жанубидан Каспий денгизигача бўлган масофада ўр-мон бўлмаган очиқ дашт ерлар мавжуд бўлиб, бу ерлар-да азалдан турли чорвадор ҳалқлар, кейин эса Олтин Үрда мўғуллари кўчиб яшашган эди.

Мўгул-татар қўшинлари камондан ўқ отишга моҳир бўлиб, кўпинча пиёда жанг қиласардилар. Шунинг учун ўрмон уларга ҳозирдаги сингари тактик жиҳатдан қуляй эди. Шундай қилиб, Тўхтамишон ўрмон билан ке-сишган ерлар орқали чекина бориб, ҳар қадамда жангга жиришиши ва шу йўл билан Амир Теймур қўшинини куч-

сизлантира бориши мумкин эди. Бундан ташқари, ўрмон пистирма қўйишга, яширинча ҳаракат қилишга, қўққисдан ҳужум қилишга, айланиб ўтишга, армия сонини яширишга ва моҳирона ҳаракатлар қилишга имкон берарди. Моҳир лашкарбоши бўлган Амир Темур ўрмоннинг бу афзалликларини яхши билгани учун Тўхтамишнинг шу афзалликларидан унумли фойдаланишига ва унинг ўрмон чети орқали чекинишга йўл қўймаслик мақсадида чап тарафидан айланиб ўтишга қарор қилди. Бу ҳаракат билан Амир Темур Тўхтамишхоннинг чекиниш йўлини, яъни Волга дарёсининг бурилиш жойидаги (Самара ва Чистопол шаҳарлари ўртасидаги) кўплаб чорва моллари ўтлаб юрган, янги қўшинлар келиб қўшилиши мумкин бўлган кўчма пойтахти томон борган йўлни кесиб қўярди. Агар Тўхтамишхон жануб томонга чекинишни мўлжалласа, унда Волга дарёсининг ўрта қисми ва Дон дарёсининг тепа қисмидан (уша пайтда Ўрда кўчиб юрган жойдан) келиши мумкин бўлган мадад кучларидан узоқлашиб кетиши мумкин эди. Бундай шароитда Амир Темур Волга томон юриш қилиб, Олтин Ўрданинг барча бойликларини қўлга киритар, бу бойликлар ёрдамида қўшинни ва отларни озиқ-овқат билан таъминлаш, қўшинни тартибга солиш, умуман, урушни давом эттириш учун қулай воситаларга эга бўлар эди.

Амир Темур шундай қилиб Тўхтамишхон қўшинларини ўрмондан улоқтириб ташлаб, энг қисқа йўналиш бўйича Волга дарёси томонга йўналтириши керак эди. Бу ҳаракатни амалга ошириш учун Темур Сакмара дарёсининг қўйироқ қисмидан Тўхтамишхон қўшинининг кўзи олдида кечиб ўтмай, унга чап бериб, дарёнинг унга Иқ дарёси қўйиладиган жойдан юқорироқдан кечиб ўтди. Иқ дарёси кечиб ўтиб, тезлик билан олдинга ҳаракат қилди (Шармуанинг ҳисобича — 4 июнда).

Амир Темур душманнинг қўққисдан ҳужум қилишидан хавфсираб, ўз қўшинларига қўйидаги буйруқни берди: жангчиларга ўз қисмларидан жилмаслик, кичик ва катта қалқонлар⁸² тайёрлаш; ҳар гал қароргоҳ жойлашган ерда хандақ қазиш⁸³, донмо разведка қилиш, ўт ёқмаслик, қуёш чиқинидан олдин бир фарсанг масофада қароргоҳ атрофида айланиб юриш учун 30 000 жангчини ажратиш. (Бу хизмат машакқатли бўлгани сабабли унинг учун бутун қўшиндан 1/6 қисми ажратилган, шунинг учун Амир Темур қўшинлари сони 200 000 жантчини ташкил этган дейиш мумкин)⁸⁴. Темур Тўхтамиш амалга ошириши мумкин бўлган кичик урушлар ёрдами билан унинг қўшинларини куч-сизлантириши, отларни ўтлатишга қаршилик қилиши,

үүрушни чўзиш натижасида озиқ-овқат танқислигига олиб желишининг олдини олиш учун ўз рақибини жангга тортишга ҳаракат қилди. Бунинг учун у 20 000 кишилик қўшин тайинлаб, уларга сохта чекиниш йўли билан душманни пистирмага бошлаб боришини буюрди. Бу қўшин мана шу усул билән душман авонғорининг ҳар бирида 3000 дан ортиқ жангчиси бўлган З та полкни яксон қилишга муваффақ бўлди. Аввалги Булғор подшоҳлиги ерларида Тўхтамишхонни тезкорлик билан таъқиб қила бориб, Амир Темур 1391 йилнинг 18 июнида Кондурча дарёси⁸⁵ бўйида уни ҳал қилувчи жангга жалб қилди.

Ушбу жанг Самара шаҳридан Чистополь шаҳригача бўлган, Волга дарёси ҳосил қилган Самара ёйида бўлиб ўтган эди. Тўхтамиш томонидан жангнинг шу ерда қабул қилинишининг сабаби, Волга дарёсининг ўтлоқли томонидан тўпланган ҳисобсиз бойликларини сақлаб қолиш ҳамда жанг бой берилган тақдирда дарёга сиккиб қўйилишдан қутулиб, жанубга чекиниш эди. Лекин Амир Темур ҳам ўз навбатида шароитнинг хавфли эканлитини сезар, шунинг учун ўз ҳаракатларини чуқур мулоҳаза билан амалга оширас эди. Юқорида айтиб ўтилган, Чингизхон томонидан кашф қилиниб, Амир Темур томонидан ривожлантирилган ҳарбий тартиблардан⁸⁶ асосан ҳарбий машқларда фойдаланилар, жангда эса қўшин қисмлари кўплаб майдага қисмларга бўлинмас эди. Кондурча жангини таърифлаган Шарафуддин Али Яздийнинг айтишича, Темур ўз қўшинларини 7 фавжга бўлинган янги ҳарбий тартибда жойлаштирган экан. Бунда қўшин икки сафда жойлашиб, резервга ҳам эга бўлган. Биринчи сафда чап қанот (шиқовул), асосий корпус (авонғор) ва ўнг қанот (чоловул) авонғорлари; иккинчи сафда — чап қанот (жавонғор), асосий корпус (авонғор) ва ўнг қанот (баронғор); учинчи сафда — аръергард (асосий кучлардан орқадаги қисм) ёки резерв (тарҳ) жойлашган экан. Амир Темурнинг ўзи бошлиқ қилган, энг сараланган ва жасур жангчилардан ташкил топган резерв (тарҳ) юқоридаги икки сафга ёрдам бериш учун тузилган эди.

Шарафуддин Али Яздий Тўхтамишхон қўшинларининг жойлашишини баён қилмаган, фақатгина улар чап ва ўнг қанот ҳамда асосий корпусдан ташкил топғани ҳақида айтиб ўтган.

Мўғуллар қўшинида римликлар қўшинидаги каби жангчилар руҳиятига таъсир қилиш учун башорат қилувчилар бор эди. Амир Темур қўшинидаги имом намоздан сўнг қуръондан бир сурा ўқиб шундай деган экан: «Мўлжалланган ишларингни амалга оширавер, сен ғолиб бўласан,

Тангрининг ўзи сенга мададкор бўлади». Мақсадга эришиш йўлида ҳеч қандай тадбирни назардан қочирмайдиган Амир Темур Тўхтамиш бош байроқдорини ўз томонига жалб этишга муваффақ бўлади. Кедишиб олинганидек, байроқдор жангнинг энг қизиган пайтида Амир Темур қўшинининг илғори байроқ сари ташланган бир пайтда байроқни тубан қилади.

Шу пайтнинг ўзида ўз жангчиларида душманга қарши бўлган нафратни кучайтириш ва душман жангчиларининг маънавий бардамлигини сўндириш ниятида Амир Темур 8000 кишилик қисмга чодирлар тикиб, таом тайёрлашни буюради⁸⁷. Кўрилган бу барча чора-тадбирлар, жангчиларининг жасурлиги ва тажрибалилиги, Темур сўзи билан айтганда, чигиртка ва чумоли каби беҳисоб қўшинга эга бўлган Тўхтамишон устидан ғалаба қозонишга олиб келди⁸⁸. Бу жанг уч кун давом этди. Жанг охирларида Тўхтамишон Амир Темур қўшинининг чап қанотини улоқтириб ташлаши ва ён томонига зарба берниши хавфи туғилди. Темур резерв кучдан фойдалациб бундай хавфнинг олдини олишга муваффақ бўлди. Тўхтамишнинг бу ҳаракатидан у ўзини қанчалик хафли вазиятда қолганлигини, орқа томонида Волга дарёси бўлгани учун у ерга чекина олмаслигини, жанг бой берилганини тушуниб, ўз хонлигининг жанубига ёриб ўтмоқчи эканлиги ҳақида холоса қилса бўлади. Жанубга чекиниш билан Тўхтамиш ҳеч бўлмаганда ўз қўшинларининг катта қисмини батамом яксон бўлишдан сақлаб қолиб, урушни давом эттириши мумкин эди. Лекин Амир Темур амалга оширган тадбир унинг бу умидини пучга чиқарди.

Тўхтамишнинг тор-мор қилинган қўшинини таъқиб қилиш учун Амир Темур ҳар ўнликдан еттитадан жангчини ажратиб олиб, душмани то Волга дарёсигача қувиб борди. Таъқиб шу қадар тез суръат билан амалга оширилдики, бош байроқни қўлдан берган Тўхтамиш қўшинлари қаерда тўпланишни бпла олмай, ҳар томонга тарқаб қочди ва кўп қисми қириб ташланди. Жангчиларининг кўп қисми қурол кучидан ҳалок бўлган бўлса, маълум қисми Волга дарёсига ғарқ бўлди. 200 чақиримга яқин масофадаги майдон уларнинг мурдалари билан қопланган эди. Шундай қилиб, биргина жанг бутун юриш тақдирини ҳал қилди. Амир Темур бошқа қўшинлари билан орқадан ҳаракат қилиб, Олтин Ўрда хонларининг ёзги манзилгоҳи жойлашган Ўратепа майсазорлари томон йўл олди (бу жойлар Ставропол шаҳри атрофларида, ҳозирги Шоҳ Кўрғони деб аталадиган ерда, ёки бугунда харобага айланган Булғор шаҳри яқинида бўлса керак).

Амир Темур бу ерда ҳисобсиз ўлжани қўлга киритиб, 26 кун базми-жамшид қурди. Шарафуддин Али Яздийнинг ёзишнича, Амир Темур қароргоҳи олтин иплардан тўқилган парча билан ўраб олинган, қароргоҳнинг кўлами эса З фарсангни ташкил этар эди. Ўз жангчиларини энг яхши ичимликлар ва лаззатли таомлар билан сийлади. Ўлжасифатида қўлга киритилган буюмлар, отлар, қорамол, қўйлар, туялар ва асиirlар шу қадар кўп эдикӣ, уларнинг ҳаммасини олиб кетиш мумкин эмас эди. Амир Темур ўзи учун асиirlардан 5000 кишини танлаб олиб, қолганларни ўзининг яқинлари ва қўшин бошлиқлари ихтиёрига топширди.

Олтин Урдани батамом талон-тарож қилиб, душман қўшинларини парчалаб ва қириб ташлагандан сўнг Темур қўшинга ўз ерларига қайтиш ҳақида буйруқ берди. Эҳтимол, орқага қайтишда қўшинлар ҳозирги Оренбург чизиғидан Бухорога борадиган энг қисқа карвон йўлидан фойдаланган бўлсалар керак. Амир Темур Ўрол дарёсидан кечиб ўтгандан сўнг илгарилаб Ўтрор шаҳри томон юриб, Самарқандга октябр ойининг охирларида етиб келди. Беҳисоб ўлжа билан юклатилган қўшинлар орқада қолиб, жуда секин ҳаракат қилиб, декабр ойларидағина қишлоғ учун Бўрсуқ қумликларидан Тошкентгача бўлган ерларга ўз чодирларини тикдилар.

Тўхтамиш билан бўлган уруш тугагач, тиниб-тинчимас Амир Темур кейинги йилиёқ Форс мамлакатида ўз ҳокимиятини ўрнатиш ва ерларини ғарбга қараб кенгайтириш мақсадида янги юриш бошлади*. Унинг бу сафари 6 йил, яъни 1392 йилдан 1398 йилгacha давом этди. Бу давр ичida унинг 300 000 кишидан кўпроқ бўлган қўшини Урта Осиёда улкан масофаларни босиб ўтиб, турли йўналишларда — Самарқанддан Астрободга, Ҳамадонга, Шерозга,

* Муаллиф бу ерда хронологик жиҳатдан чалкашликларга йўл қўйган. Амир Темур 1380—1381 йилларда ёқ Эронни ва Ҳиротни, 1382—1385 йилларда ёқ Нишопур, Мозандарон, Сейистон, Астробод, Исфаҳон, Шероз (Форс пойтахти), Ироқни, 1386—1387 йилларда Фilon ва Гуржистонни босиб олган эди. Бироқ Амир Темур Тўхтамишхонни дафъ этиш учун юрш қўлган пайтда Исфаҳон аҳолиси шаҳар доруғасини ўлдиради. Шу билан бир пайтда Шероз аҳолиси ҳам исен кутариб, Амир Темурга бўйсунмай қўяди. Шу туфайли у 1392—1393 йилларда Шероз ва Ироққа иккинчи марта юрши қиласи ва яна бир қанча жойларни забт этади. 1394 йилда Тўхтамишхон янги қўшин тўплаб, Дарбанд ва Ширвон орқали Озарбайжонга (Амир Темур тасарруфида бўлган ерларга) кўп сонли лашкар юборади. Амир Темур Дарбанд йўли орқали яна Даشت Қипчоққа қўшин тортади. Гуржистонни эса Амир Темур умуман беш марта забт этган (1386—87, 1392, 1394, 1399, 1402—йиллар) ва 1404 йилда Гуржистон подшоси Георгий VII Амир Темур билан сулҳ тузишга мажбур бўлган (муҳарр.).

у ердан Исфахонга ва сўнгра Темур элчисидан халифалар пойтахти унга қаршилик қила олмаслиги ҳақида маълумот олгач, Бағдодга қараб ҳаракат қилди⁸⁹.

Бағдоддан у Арманистон ва Гуржистонга юриш қилди, у ердан эса Дарбанд орқали янги қўшин тўплашга эришган Тўхтамишонга қарши юриб, уни тор-мор қилди⁹⁰ ва Волга бўйларигача таъқиб қилиб борди. Бу ердан Волга дарёсининг ўнг қирғоғи бўйлаб юқорига ҳаракат қилиб (Волга дарёси Дон дарёсига яқинлашган жойгача бўлса керак), сўнгра Дон дарёси томон юрди. Елецга етиб келгач, отларга дам бериб, Азов томон бурилди. Кейин эса Хожи Тархон (Астрахан) томон юриб, иккала шаҳарни ҳам талон-тарож қилди. Қипчоқ ўрдасига қишида татарлар қўчлаш учун одатда Волга ва Доннинг қўйи қисмларига қўчадиган пайтда қилган бу юришида Амир Темур уларни янада кучсизлантирди. Кутимагандა катта тезлик билан ҳужум қилган Амир Темур Волга ва Дон бўйларида яшовчи татарлар овулларини қириб ташлаб, уларнинг энг катта бойлиги ва куч-қудратининг асоси бўлган чорва молларини ҳайдаб кетди.

Шундай қилиб, бу ислом ҳимоячиси, христианларнинг бу даҳшатли душмани, Муҳаммад пайғамбарни чин юракдан эъзозловчи бўлган зот Олтин Ўрданинг буткул кучсизланици ва йиқилишининг асосий сабабчиси бўлди ва бу билан Россиянинг унинг зулмидан халос бўлишини ҳамда бу қудратли христиан давлатининг юксалишини тезлаштириди. Буюк ақл эгалари тангри қўлида тақдирларни ҳал қилиш учун ишлатиладиган воситадан бошқа нарса эмас.

Амир Темур Дарбандга қайтгач, яна Гуржистонга ўйлоди. У ердан Боку, Ардабил, Султония ва Ҳамадон орқали Самарқандга қайтди. Бу юриш давомида у жуда кўп шаҳар ва қалъаларни қамал қилиб, қўлга киритди, Курдистон ва Форс кўрфазида жойлашган кўплаб давлатларни қўлга киритиш учун қўшинлар юборди. Шарафуддин Али Яздийнинг ёзишича, Амир Темур авваллари карвонларга ҳужум қилувчи курдларни шу даражада бўйсундиришга эришган эдик, энди савдогарлар қимматбаҳо молларни ҳеч қандай қўриқчиларсиз олиб ўтишлари мумкин эди.

1398--1399 ИИЛЛАРДА ҲИНДИСТОНГА ҚИЛИНГАН ЮРИШ

Амир Темур Самарқандда узоқ тура олмади. Кўпроқ ерларга ҳокимлик қилиш иштиёқи уни Ҳиндистонга уруш бошлашга чорлади. Бу давлатни ичидан емираётган тар-

тибсизликлар ва ўзаро урушлар ҳақида эшитган Темур⁹² юриш учун 92 000 кишини тайёрлади. Бу сон Мұхаммад пайғамбарнинг исми-шарифлари сонига тенг эди⁹² ва бу тасодиғий мосликни у истиқболнинг муборак фоли сифатида қабул қылди (аниқроғи, унинг жангчилари шундай қабул қилишларини истар эди).

Улардан Қандаҳорда жойлашган, қўшиннинг ўнг қанотини ташкил этувчи 30 000 отлиқ жангчи Сулаймон тоғлари томон юриб ва Ҳинд (Синд) дарёсини кечиб ўтиб, Мўлтон шаҳрини қўлга киритиши керак эди*. Бу қўшинлар эртароқ ҳаракат қилиб, ўша пайтда Ҳиндистоннинг муҳим шаҳарларидан бири бўлган бу шаҳарда кейинги ҳаракатлар учун таянч нуқтаси тайёрлашлари керак эди. Сўл қанотни ташкил этган 30 000 отлиқ аскарлар Қобул орқали юриб, Ҳинд дарёсини (Аттоқ ёнида бўлса керак) кечиб ўтишлари ва Лоҳӯр ерларига хужум қилишлари керак эди**. Амир Темурнинг ўзи 1398 йилнинг март ойида қолган 32 000 жангчиси билан Самарқанддан чиқиб, Термиз шаҳрига юриб, у ерда кемалардан қурилган кўпприк орқали Амударёдан кечиб ўтди. Бу ердан у Хулум ва Азник тарафга юриб, Балғон (Ҳиндукуш тизмаси бўлиши керак) тоғлари орқали Кофиристонга юриш қилиш мақсадида Андароб томон йўл олди. Амир Темур қолган жангчиларни шу ерда қолдириб, 10 000 жангчи билан Пардис (Пардай) тарафдан Ҳиндукуш тоғларини кесиб ўтди, у ердан эса Қовуқ томонга юрди. Амир Темур бу ерда бошлиқлардан бошқа ҳаммага отларини қолдиришни буюриб, қўққисдан хужум қилиш мақсадида Ҳиндукуш тоғ тизмасининг энг машаққатли жойидан кесиб ўтди. Июн ойларида кундуз кунлари тоғдаги қор қўёш нури таъсирида эриб бўш бўлгани, отларни қўтара олмаслиги туфайли Амир Темур бу жойда тўхтаб туриб, отлар қулаб кетмасликлари учун уларнинг тагига кигиз солишини буюрди. Салқин тушиб, қор қотгач, у яна йўлга тушарди. Унинг қўшинлари бу ердан худди французалар Сен Бернар тепаликларидан қандай тушган бўсалар, шу усулда баъзилари чалқанча ётиб олганча, бошқалари арқонга осилиб, хуллас, ҳар бир жангчи ўз билганича тушиб олди. Жангчилар Темурни чиғирсмон мослама ва арқон ёрдами билан туширишди. Тоғдан ошиб, дарёни (Қамеҳ дарёси бўлса керак) кечиб

* Тузукларида Темур бу вазифани жавонғор (сўл қанот, ўнг қанот эмас (!)) бошлиғи, набираси Пирмуҳаммад Жаҳонгирга топшинганини ёзди (мұҳарр.).

** Тузукларида Темур бу вазифани баронғор (ўнг қанот, сўл қанот эмас (!)) ининг амири, набираси Султоз Мұхаммадхонга топшинганини ёзди (мұҳарр.).

Ўтгач, Амир Темур Кофиристонга шу қадар қўққисдан ҳужум қилдики, унинг аҳолисининг кўп қисмини қириб ташлади. Шарафуддин Али Яэдийнинг сўзларига қараганда, Кофиристон аҳолиси бутга сифинар, қора кийим кияр, баланд бўйли бўлиб, номаълум тилда гаплашар эди. Гарчи Амир Темур қўшинида турли-туман қабилаларга мансуб кишилар хизмат қиласа ҳам, лекин уларнинг ҳеч бири Кофиристонликлар тилига тушуна олмади. Кофиристон аҳолиси ҳозирги кунгача ҳам ҳеч бир ўзгармаган. Бу юришни муваффақиятли тугадлаган Темур қулай йўл орқали Қувўққа қайтиб, у ердан Қобулга йўл олди. Қобулдан (20-сентябрда) йўлга чиқиб у ҳозирги Дараи Исмоилхон қалъаси ёнида Ҳинд дарёсини кечиб ўтгандан сўнг Жэлум дарёси томон юрди. Олти кун йўл юриб Темур шу дарёning Жаноб (?) дарёсига қўйилиш жойига етиб келди. 23 октябрда шу дарё устидаги кўпrik орқали ўтиб, 29 октября Тулумби шаҳрига* кириб келди. Амир Темурнинг жанубга юришдан мақсади мустаҳкам истеҳкомларга эга Мўлтон шаҳрини қўлга киритиш учун юборилган қўшиннинг ўнг қаноти билан бирлашиш эди. Бу шаҳарни қамал қилиш 6 ой давом этиб, аҳолини таслим бўлишга фақатгина очлик мажбўр этди. Қамал пайтида Амир Темур қўшини ҳам катта қийинчиликларга дучор бўлди. Кўплаб ёмғир ёғиши, Жаноб дарёсининг тошиши, иқлимининг ўзгарувчанлиги, ўтларнинг намлиги ва бошқа сабаблар натижасида чўлда яшашга ўргангап отлар касалга чалиниб, деярли бари қирилиб кетди⁹⁵, Мўлтон шаҳрини олишга юборилган қўшин шаҳарни эгаллагач, ўзи у ерда қамалиб қолди. Темурнинг яқинлашиб келиши билан улар қалъадан чиқиб, 11 ноябрда унинг Биёҳ дарёси бўйida жойлашган қароргоҳига баъзилари пиёда, баъзилари хўкизларга мингашиб, ноchor аҳволда етиб келдилар. Амир Темур уларнинг аҳволини яхшилаш тадбирларини амалга ошириб, 30 000 та от ажратишни буюрди.

Қўшинларнинг бир қисми Биёҳ дарёсидан кемаларда, бир қисми эса сузиб ўтдилар. Дарёни кечиб ўтиш уч кун давом этди. Темур бу ердан Биёҳ дарёсининг юқори қисмига ўз қўшинларининг чап қаноти билан бирлашиш ҳамда Дибалпур шаҳри аҳолисини жазолаш учун йўл олди. Дибалпур аҳолиси Мўлтон шаҳрини қамал қилаётган қўшин орқасидан юборилган 1000 қишилик гарнizonни аввалига яхши қабул қилиб, қамал қилувчилар аҳволи танг эканлигини эшлигач, уларнинг ҳаммасини қириб ташлаган эдилар.

* «Зафарнома»да Тулумби қалъа деб кўрсатилган (муҳарр.).

Қандаҳордан Деҳли йўналишида бўлган йўлда, Биёҳ дарёси ёнида жойлашган Дибалпур шаҳрини кучли гарнизон билан эгаллагани ва уぢарнинг дарёни кечиб ўтиш воситларига эга бўлиши, Темур айнан шу йўл билан ҳаракат қилишни мўлжаллаганини кўрсатади. Лекин ўнг қанот жангчиларининг аҳволи уни жануб томонга юришга мажбур этди.

Дибалпур шаҳри аҳолиси Амир Темур яқинлашиб келлаётганини эшитиб, чўлда жойлашган ва жуда кучли хисобланган Батир қалъасида яширинишга улгурди. Амир Темур 21 ноябрда қўшиннинг асосий қисмига. Деҳли томон юришни буюриб, ўзи 10 000 кишилик қўшин билан мазкур қалъани қамал қилиш учун юриш бошлади. 26 ноябрда у қалъани эгаллашга муваффақ бўлиб, 30 ноябряда у қалъани эгаллашга муваффақ бўлиб, 30 ноябряда катта ўлжа билан орқага қайтиб, Сарости (Сарроҳ) ва Фатҳобод (3 декабрда) шаҳарларига* ҳужум қилди. 8 декабря Сомина (Сомона) шаҳри яқинида Дибалпур шаҳри ёнида ажраб кетган қўшинлари билан бирлашди. Темур бу ерда озиқ-овқат ва аслаҳалар ортилган аравалар келишини пойлаб бир неча кунга тўхтади.

12 декабря лашкарга маҳсус йўл билан ҳаракат қилган (шубҳасиз улар Ҳинд дарёсини Аттоқ ёнида кечиб ўтиб Лоҳур томонга юрган бўлишлари керак), йўл-йўлакай кўплаб ҳалқлар ва шаҳарларни бўйсундирган сўл қанот қўшинлари келиб қўшилди.

Сомина шаҳридан Деҳлига қўшин учта гуруҳ (колонна) бўлиб ҳаракат қилди: марказ ва аравалар тўғри йўл бўйлаб, ўнг ва сўл қанотлар ён томондаги йўллардан юрдилар.

Ўртадаги гуруҳ Асандий ва Тўғлоқнур (Туғлуғпур) томон ҳаракат қилиб 21 декабря Понипатга етиб келди. 24 декабря ўнг қанот Конигундан Деҳлидан 2 фарсанғ узоқликда, Жамна дарёси бўйида жойлашган Жаҳоннамой қалъасини эгаллаш учун юборилди. Ўнг қанот жангчилари қалъани қўлга киритганларидан кейин яна асосий кучлар билан бирлашдилар. Амир Темур қўшини 26 декабря Жамна дарёсини кечиб ўтиб, Луни шаҳри томон йўл олди. Бу шаҳар атрофида ажойиб яйловлар бўлгани сабабли, отлиқ жангчилардан ташкил топган қўшин учун бу ерларни босиб олиш жуда муҳим эди. Темур Луни шаҳрини қўлга киритиб, 28 декабря Жаҳоннамой қалъасига қайтиб келди. Бу ерда у қандай қилиб Деҳли шаҳрини

* «Зафарнома» да Сарости ва Фатҳобод қалъа деб кўрсатилган (муҳарр).

қамал қилиш кераклигини ҳал қилиш мақсадида ҳарбий кенгаш чақирди: Ушбу кенгашда аввал кўплаб дон ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини Жаҳоннамой саройига тўплаб олиб, сўнгра Деҳли шаҳрини қамал қилиш керак, деган хуласага келинди. Бу ниятини амалга ошириш учун мўғуллар одатига кўра, Деҳли атрофини талон-тарож қилиб озиқ-овқат тўплаш учун мўлжалланган бўлинмалар юборилди.

Шу билан бир вақтда Темур душман қўшинларини жалб қилиб жанг қилиш учун қулай жойни танлаш мақсадида қалъя (шаҳар) атрофини синчилаб ўрганди.

Бу пайтда Амир Темурга Ҳинд дарёсининг кечиб ўтишдан бошлаб ҳозирга қадар асирга олинган ҳиндлар сони 100 000 дан ошганлиги ҳақида маълумот беришди. Асирларнинг кўпчилиги бутпараст бўлиб, Султон Маҳмуд қўшинлари билан Деҳли яқинидаги бўладиган жанг пайтида ғалаён кўтаришлари, агарда озодликка чиқишга эришсалар, қўшин орқасида бўлғаниликлари учун Темур қўшинларига катта хавф туғдиришлари мумкин эди. Чунки, аввал фил ва отлиқлари бўлган 10000 кишилик ҳинд қўшини Амир Темур билан жанг қилиш учун Деҳлидан чиққанида асирлар орасида кўтариинки руҳ пайдо бўлган эди. Асирларнинг озодлик яқинлигига бўлган умид туфайли юзларига қалқиб чиқсан шодлик босқинчиларга жиноят бўлиб кўринди. Туғилган хавфнинг олдини олиш учун Темур уларнинг ҳаммасини ўлдиришга буйруқ берди. Шундай қилиб, босқинчиларда шубҳа уйғотишга сабаб бўлган 100 000 ҳинд асири бир неча соат ичидаги қилич тифидан ҳалок бўлди. Амир Темур асирга олинган аёллар, болалар ва араваларни назорат ва ҳимоя қилиш учун ҳар 10 та одамдан бирини танлаб маҳсус қисм тузди. Мана шу даҳшатли воқеадан ҳам мўғул истилочилари* ўзлари билан олиб кетган ўлжаларнинг катта бўлганини тахмин қилисак бўлади.

30 декабр куни Луни шаҳридан шарққа ҳаракат бошлаган Амир Темур қўшин бошлиқларини чақириб, уларга ҳарбий ҳаракат ҳақида, бўлажак жангларда душманни тор-мор қилиш учун қандай тадбирлар ишлатиш ҳақида жўрсатмалар берди. Шундан сўнг у орқага, Деҳли томон юриб, 1399 йил 1 январда Жамна дарёсини кечиб ўтганидан сўнг унинг бўйида жойлашиб олди.

Амир Темур бундай ҳаракатни нима мақсадда амалга

* Муалиф бу ўринда нима сабабдан Ўрта Осиёликлар билан мўғул истилочиларини «чалкаштириб» юборганига тушуни олмадик (муҳарр).

оширганлиги ҳақида унинг Ҳиндистонга юришини тасвирлана Шарафуддин Али Яздий ҳеч нима демаган. Балки Темур бу ҳаракати билан Султон Маҳмудни Деҳлидан чиқариб жангга жалб қилмоқчи бўлгандир? Балки фақатгина Деҳли шаҳри атрофи шарқ тарафидаги ерларни вайрон қилиб катта озиқ-овқат захираси тўплаш ниятида қилгандир*.

Амир Темур қўшинлари Деҳли атрофида қароргоҳ куриб, қўққисдан бўладиган ҳужумдан сақланиш ниятида хавфсизлик чораларини кўра бошладилар. Улар хандақлар қазидилар, қозиқлардан тўсиқ ясаб, унинг атрофларини шоҳ-шаббалар билан беркитдилар, тўсиқлар орқасидан бир-бирига боғлаб буқаларни жойлаштирилар (еканча ҳимояланиш учун бўлса керак), улар орқасидан қалқонлар ўрнатиб, охирида эса ўз чодирларини жойлаштирилар.

Эртаснга Султон Маҳмуд жанг қилиш мақсадида Деҳлидан чиқди⁹⁵. У 10 020 яхши қуролланган отлиқ аскар, 40 000 пиёда жангчи ва кўплаб филларга эга эди. Филлар устига ўқ, найза ва қилич зарбидан ҳимоя қилувчи ёп-қич ёлиб қўйилган, қозиқ тишларни учига заҳар суртилган катта пичноқлар боғлаб қўйилган, устиларига арбалет** билан қуролланган ўқчилар жойлашган минора сингари қурилма ўрнатилган эди. Филлар ёнида чўғ тўлдирилган хумча, ёнаётган мум ёки нефт отувчи нафтандозлар, ерга тушиб кўплаб маротаба зарб бера оладиган темир пойнакли ракета улоқтирувчилар борар эдилар⁹⁶.

Лекин Амир Темур жангчилари учун номаълум бўлган бу қурол (ракета), дараҳтларни иядизи билан сууриб ташлайдиган, одамларни ҳулди кичик тошлардек иргитиб юборадиган баҳайбат филлар каби қўрқинчли эмас эди. Темур ўз қўшинлари орасида филлар кучини бўрттириб қўрсатувчи фикр пайдо бўлганини билиб, беҳуда бу қўрқинчни бартараф этиш мақсадида қарши чоралар кўрди. У четлари қайрилган ва учли темир мосламалар тайёрлатиб, филлар ҳужуми пайтида уларнинг оёқлари тагига ташлашни, буқалар (бошқа маълумотларга қараганда туялар) бошига ва ёнларига хашак ва тикан боғлаб, уларни ёқиб филларга қарши юборишни ва бу билан филлар орасида қўрқув ва тартибсизлик келтириб чиқаришни, жанг-

* Амир Темур Султон Маҳмуд қўшинларини Деҳлидан чиқариб, пистирмага тушириш ниятида шундай қилган. Бу ҳақда «Темур тузуклари» да баён қилинган (*муҳарр*).

** Қўндоғи ва мўлжаллагичи бўлган камонга ўхшаш қуроғ (*муҳарр*).

чиларга ўқ ва наизаларни филларнинг баданига қараб отмай, уларнинг хартумларини қилич билан узиб ташлашни буюрди. Бу чора-тадбирлар жангчиларда мардлик үйғотиб, муваффақият келтирди.

Султон Маҳмуднинг ҳарбий тартиби — ўнг қанот, марказ, сўл қанот ва олдинда жойлашган филлар сафидан иборат эди. Темур ўз жангчиларини одатдагича икки қатор ва тарҳдан иборат қилиб жойлашириди. Жанг қанотларнинг тўқнашуви билан бошланди. Машақкатли жанглардан сўнг Деҳли шаҳри доругаси Шоҳ Мансур Амир Темур тарҳига зарба беришга яқинлашиб қолганда, унинг ўғилларининг бири томонидан ўлдирилди. Темур қўшинлари филлар хартумига жароҳат етказиши натижасида уларни орқага чекинишга мажбур этиб, душман қўшинлари орасида тартибсизликлар келтириб чиқарди: филлар жон ҳолатда ўз қўшинларининг икки қаноти томонга қоча бориб, уларни топтаб ташлади. Душман қўшини орасидати тартибсизликни кўрган Темур ўз қўшини маркази билан филлар сафига қақшатқич зарба бериб, уларнинг кўп жисмини ўлдиришга, душманни эса тумтарақай қилишга муваффақ бўлди. Темур душманни шаҳар девори ёнигача таъқиб қилиб борди. У душманнинг саросимага тушишидан фойдаланиб, Деҳли деворларига етиб келиши билан шаҳарнинг мудофаа иншоатларини кўздан кечира бошлади. Амир Темур Деҳлини очиқ ҳужум қилиб қўлга киритишини ўйларди. Лекин эртаси куни кечаси Султон Маҳмуд шаҳарнинг қарама-қарши дарвозаси орқали қочиб жетди ва бадавлат Деҳли шаҳри 4 январ куни жангсиз таслим бўлиб, талон-тарож қилинди.

Амир Темур Деҳлини босиб олганидан сўнг Ҳиндистонда бошқа қаршиликка учрамади. Унинг Ганг томон қилтан юриши, кейин эса Ҳимолай тизмаси этаклари бўйлаб қайтиб келиши ғалабалардан кўра талон-тарож ва қотилликларга бой бўлди.

Амир Темур Деҳли шаҳридан 18 январда йўлга чиқиб, Жамна дарёсининг қуи қисмига юриш қилиб, сўнгра унинг нариги қирғонига ўтди ва аҳолини қиличдан ўтказиб, шаҳар ҳамда қишлоқларга ўт қўйди.

26 январ куни амирлардан бирига ўлжа ортилган араваларни Қорасув дарёси бўйлаб олиб боришни буюриб, сўл қанот қўшинларига Жамна дарёсининг юқори қисми-даги ерларни талон-тарож қилиб, гебрларни^{*} яксон қи-

* Оташпаратлар бўлса керак, асл нусҳада «гербы» дейилгани (муҳарр.).

лишни буюрди, ўзи эса бошқа жангчилари билан Ганг дарёси томон йўл олди. Кўшинларининг бир қисмига дарёнинг нариги қирғонига сузуб ўтишни буюриб, Темурнинг ўзи асосий кучлар билан дарёнинг юқори қисмига ҳаракат қилиб, Тўғлуқнур шаҳрига етиб келди. Бу ерда георлар 48 та кемада Ганг дарёсидан сузуб кетаётганини эшигтан Амир Темур уларга ҳужум қилишни буюрди. Унинг қўрқимас жангчилари дарёнинг тез оқишига қарамай, ўз отлари билан сувга ташландилар. Уларнинг баъзилари душманни камондан нишонга олган бўлсалар, бошқалари кемага етиб олиб, унга тирмашиб чиқдилар ва қилич яланғочлаб душманга ташландилар. Бундай жасур ҳаракатдан қўрқиб кетган гебрлар ҳеч қандай қаршилик кўрсата олмадилар ва Темур қўшинлари кемаларни деярли қаршиликсиз эгаллаб олдилар. Тезоқар дарё тўлқинларида отлиқларнинг кемада сузуб бораётган душман билан бўлган бу жанг ҳарбий тарихда юз берган бирдан-бир воқеадир.

Амир Темур ўзининг ўта эҳтиёткорлиги ва мулаҳаза-корлигига қарамасдан, Искандар Зулқарнайн каби худди оддий жангчидек энг мардонавор ишларга ҳам қўл уришини севарди. Кунлардан бир кун Ганг дарёсининг қарама-қарши қирғонида 10 000 га яқин ҳинд пиёда ва отлиқ жангчилари турганини эшишиб, у ўз ихтиёрида бўлган 1000 кишилик хос навкарлари билан (кейинчалик уларга яна 500 киши келиб қўшилди) дарёдан сузуб ўтиб душманга ташланди ва уларни тумтарақай қочишга мажбур этди.

Темурнинг Ҳиндистонга катта ўлжани қўлга киритиш мақсадида юриш бошлаганини юқоридаги воқеа мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Мана шу тўқнашув охирларнда унинг ихтиёрида атиги 100 киши қолган эди, холос. Улар гебрларнинг кўп минг кишилик тўдаси билан тоғлик жойдан иборат. Гангнинг шарқий қирғонигача туташувчи «Ганг жоми» деган ерда жанг қилишлари керак эди. Темур шахсий қўриқчиларининг қолган қисми эса тия ва молларга ортилган олтин ва кумуш зийнатлардан иборат катта ўлжани қўлга киритиб, уни қўриқлаш учун ажратилган эди. Темурнинг баҳтига унинг асосий кучлари етиб келлаб, уни хавфли вазиятдан қутқариб қолди.

Амир Темур етиб келган қўшинларига дарага ҳужум бошлишни буюрди. Астойдил ҳимояга отланган гебрлар Темур қўшинлари ҳайқириги, карнай ва ногора садолари-нинг тоғдаги акс-садо билан қайтишидаги шовқиндан шу қадар қўрқиб кетдиларки, натижада бор-йўқларини ташлаб ҳар тарафга қочишга мажбур бўлдилар⁹⁷. Умуман Ҳиндистон аҳолиси Амир Темур қўшинларидан ҳаддан ортиқ даражада қўрқиб қолганидан, юқоридаги усул билан

Тоғ дараларида қилинган ҳужумлар унга доимо ғалаба жетириарди.

Агар Темур қатл этишга түймаган бўлса, унинг жангчилари қўлга киритилган ўлжаларга тўйган эдилар. Ўлжа шунчалик катта эдики, қўшин кунига нари борса 30 чақиридан ҳаракат қиласр эди. Ўлжани бўлишда бадавлат ва бообрў жангчилар бошқалардан кўпроқ, 400 тадан 500 тагача буқа олганларини эшигган Амир Темур ўлжани ҳамманинг ўртасида тенг бўлишни буюрди ва шундан сўнг орқага қайтиш ҳақида фармон берди. Унинг тезда орқага қайтишига Боязид қўшиларининг Темур ерларининг чегара қисмларига қилган ҳужуми ва Гуржистонда кўтарилиган ғалаён сабаб бўлди. Ҳар ҳолда Амир Темурнинг ўзи Ҳиндистондан қайтиш сабабларини юқоридаги хабар билан боғлайди*.

Амир Темур қўшиларининг бир қисмини Лохурга юбориб, ўзи эса бошқа қисми билан Ҳимолай тизмалари бўйлаб ҳаракат қилди. 8 феврал куни Жамна дарёсини кечиб ўтиб, 15 март куни катта шаҳар хисобланган Жамбага (?) етиб келди. 20 март куни Жаноб дарёсини кечиб ўтди ва Кашмир чегараси бўйлаб юрди. Темур босқинчи сифатида ҳаҳри қаттиқ бўлса ҳам, лекин ўз жангчиларига нисбатан жуда жонкуяр ва меҳрибон эди. Жаноб дарёсидан кечиб ўтаётганда бир неча мадорсиз жангчининг фарқ бўлганини эшитиши биланоқ, мухтож бўлган жангчиларга дарҳол ўзига тегишли бўлган сувда суза оладиган от ва хачирларни беришни буюрди.

Жаноб дарёсини кечиб ўтиш пайтида Темур Табриздан Бағдод, Миср, Сурия, Рум (Туркия) ва Даشت Қипчоқдаги аҳвол ҳақида маълумотлар олди. Бу хабарлар нохуш бўлгани туфайли бўлса керак, Темур алоҳида қўшин бошлиқларига у кўрсатган йўл билан Ҳинд дарёси томон юришини буюриб, ўзи Самарқанд томон шошилди. У Жалоли чўллари орқали йўл юриб, 28 март куни Ҳинд дарёсига етиб келди. Дарёдан Бону шаҳри** ва Нагаз қалъаси амирлари кемалардан қурган кўпrik орқали ўтди. Нагаз қалъаси Темурнинг Ҳиндистонга юриш олдидан Ҳайбар дараларини тоғлик аффонликлардан ҳимоя қилиш ва уларни жиловлаш мақсадидаги буйруғига асосан қурилган эди. 30 март куни бу қалъага етиб келган Амир Темур Озарбай-

* Муаллиф бу ўринда янгилишган. Ўзининг тузукларида Амир Темур бу ҳақда: «Ҳиндистондан зафар қозониб қайтганимдан кейин, ҳали сафар чарчоги чиқмай туриб, иккни Ироқ ҳокимларидан менга арзома келди. Ҷишиларича, Гуржистон коғирлари ҳаддиларидан ошиб, чегарани бузган эмишлар», дейди (*муҳарр*).

** «Зафарнома»да Бону қалъа деб кўрсатилган (*муҳарр*).

жонга ўз ғалабалари ҳақидағи хабарни юборди. Бундан мақсади, унға қарши тузилаётган Боязид ҳамда Миср ва Багдод султоналари кучли иттифоқига вакима солиш эди.

БОЯЗИДГА ҚАРШИ 1402 ЙИЛДА ҚИЛИНГАН ЮРИШ

Амир Темур 1399 йил май ойида Самарқандга қайтиб желиб, ғарбга бүладиган юришга пухта тайёрлана бошлади. У Боязид ва уннинг иттифоқчилари билан бүладиган уруш узоқ давом этади деб ўйлаганми ёки уларни мағлубиятга учратиб, Миср томон, ундан кейин эса Европа томонга юришни мұлжаллаганми. ҳар ҳолда бу уриш учун 7 йиллик муддат-белгилади*. Бу урушга махсус тайёр гарлап күрілди. Бир йил ўтар-ўтмас Амир Темур Гуржистонға бориб, уннинг қалъаларини вайрон қилди, тоғ дара-ларидан яширилған христианларнинг бир қисмими қириб ташлаб, қолғанларини мусулмон динини қабул қилишга мажбур этди. Шу билән бир вақтда уннинг ҳарбий кучлары борган сәри ошиб бориб, 1402 йилга келиб 800 000 жангчини ташкил этди. Агар уннинг құшинлари яхшигина маош олишини назарда тутсак, унда Темурнинг Ҳиндистонға қилған юриши Ғарбда мұлжалланыётган катта урушга тайёр гарлап эканлыгига шубҳа қолмайди. Амир Темур Ҳиндистон хазинаснин талон-тарож қилиб, 800 000 кишилик құшинни таъминлашга етады. Амир Темур 1402 йилде 800 000 кишилик құшинни таъминлаштырып, битмас-тұганмас бойликка эга бүлди. Шубҳасиз, у Цезарнинг «урушни уруш билан таъминла» деган қондасини яхши билар ва амалда құллаган зеди⁹⁸.

Лекин Темур Боязид билан ҳал құлувчи жангни бошлашга шошилмади. Уни синая билиб олишга ҳаракат қилди. Тез-тез әлчилар юбориб турди, үзини Ислом динининг ҳимоячиси деб эълон қилғани туфайли христианлар билан жанг қилаётган ҳукмдорға қарши уруш очишидан үзини тииди. Лекин уларнинг әзизшаларыда борган сайин кескинлик ортиб борди ва Амир Темур Боязидни құрқитиб қўйиш ёки уруш эълон қилишга мажбур этиш ниятида рақиби босиб олган ерларга юриш қилиб, 1400 йил августида Боязид үзиники деб ҳисоблаган, Кичик Осиённинг ҳосилдор ерларыда жойлашған иккита муҳим қалъа — Сивос ва Малатияга ҳужум қилиб, босиб олди. Бу қалъалар Амир Темурнинг Кичик Осиёдаги бүлажак ҳаракатлари учун таянч бўлниши мумкин эди.

* Бу муддатни Амир Темур белгилаган эмас. Уннинг 1399—1404 йиллардаги юришлари кейинчалик «етти йиллик юриш» деб аталғац.

Қалъаларни қўлга киритиш билан қаноатланган Темур Боязид билан ёзишмаларни давом эттириб, ўз қурол кучини Сурияга қаратди. Лекин Темур Боязидга қарши қатъий ҳужум бошлашни чўзишининг асосий сабаби — Сурия ҳам қўлида бўлган Миср султонининг Боязид билан яқин алоқада эканлиги, керак бўлиб қолганда унга мадад кучи юбориши, умуман Боязид фойдасига қўпорувчилик ишларини амалга ошириши мумкинлиги эди. Амир Темур муваффақиятсизликка учраган тақдирда, қўшинининг ён тарафида Миср султони каби кучли душман туринининг қанчалик хавфли эканлигини яхши тушунарди.

Амир Темур Миср султонининг қўшинларини тор-мор қилиб, ўзини қочишга мажбур этди ва Дамашқни қўлга киритиб, уни талон-тарож қилди. У Сурияни забт этгандан сўнг ўз нигоҳини Мўсулга, у ердан эса сиртдан Амир Темур ҳокимиятини тан олган, лекин Боязид муваффақият қозонган чоғида ундан юз ўгириши мумкин бўлган Бағдод томонга қаратди. Темур Бағдод аҳолиси ғалаёнларини баҳона қилиб, икки ойлик қамалдан сўнг бу шаҳарнинг ҳарбий истеҳкомлари ва қўргонини яксон қилди. Шундай қилиб, Усмонли туркларнинг кучли ҳукмдори билан уруш бошлашдан аввал у ўзининг ён ва орқа тарафларини хавфсизлантириб, у билан муносабатларининг буткул ёмонлашишини кутган ҳолда жанговар қабилаларни жиловлаб қўйиш мақсадида яна Гуржистонга қараб юрди. Миср султони қўшинларининг мағлубиятга учраганини, Суриянинг забт этилганини эшигган Боязид ғамғин ва хаёлчан бўлиб қолиб, аввалига ўзининг хавфли рақиби билан жанг қилишдан бош тортмоқчи бўлди. Аммо Амир Темурнинг ҳокимиятпастлигини англаб етиб, унинг даъволарининг ниҳоясиз эканлигини кўриб, у ён босаверса, Темурнинг кейинги ҳаракатлари янги-янги таҳқирлар билан кечишини тушунди ва урушга киришишга қарор қилди.

Амир Темурнинг Ийлдирим Боязид билан узоқ давом этган ёзишмалари ва элчилар алмашишининг сабабларини у ўзи каби ислом динини тарқатувчи ҳукмдор билан уруш бошлашга журъат эта олмаганида, деб кўрсатадилар. Темурга яқин кишилардан кўплари юқоридаги сабабларга кўра, бу урушни бошламасликни маслаҳат беришар, шу туфайли турли нохуш кароматлар қиласа эдилар. Масалан, 1400 йили осмонда думли юлдузнинг пайдо бўлиши уни Боязид билан уруш бошлаш масаласида иккиланишларга олиб келгани, унинг суюкли мунажжими Шамсуддин Маълавий думли юлдуз унинг ерларини ғарб тарафидан пайдо бўлгани учун Боязид билан тинчлик ўрнатиш кераклиги ҳақида гапирган. Лекин Шарқнинг энг билимдон

мунажжими ҳисобланмиш Абдуллоҳ Лиссон Амир Темур-нинг ҳокимиятпарастлигини билган ҳолда унга ёқишига ҳаракат қилиб, думли юлдузнинг Ғарбда қўй буржида пайдо бўлиши фақатгина Боязид учун баҳтсиз белги эканлигини, бу белги Шарқдан бутун Ўсмонли Турк давлатини забт этувчи қўшин келишини билдиришини айтади. Мунжжим-нинг бундай шарҳи Амир Темур қўшиллари руҳини кўта-риб, Боязид билан уруш бошлашга ундаған эмиш.

Юқорида айтилгандек, Темур қўшини кетида кўплаб Муҳаммад пайғамбар авлодлари ва дарвешлар боришар, улар Темур мўлжаллаган ҳар бир ҳаракатини маъқуллашар, шу туфайли у уруш бошлаш учун истаген башоратни маъқуллата олар эди. Шунинг учун башоратлар ҳақи-даги юқорида келтирилган ҳикоятлар Амир Темурнинг уруш бошлашга қарор қилишида ҳеч бир аҳамиятга эга бўлмаган деб биламан.

Амир Темур уруш бошлашдан олдин кўрган чора-тадбирларидан шу нарса маълум бўладики, Боязид билан бўлтани ёзишмалардан унинг қўзда тутган мақсади душман хусусиятларини яхшироқ билиб олиш, унинг кучларини, қўшинининг таркиби ва сифатини билиш, Боязиднинг уруш олиб бориш усулларини ўрганиш, шу билан бир вақтда Боязиднинг иттифоқчилари бўлмиш ўзининг бошқа рақибларини ундан ажратиб қўйиш ёки кучсизлантириш, орқа тарафда ўз қўшини учун озиқ-овқат захиралари тайёрлаш, керак бўлганда чекиниш учун маъқул йўналиш бўйича ҳаракат қилишга шарт-шароитлар яратиб қўйиш эди.

Темурнинг Боязидга қарши уруш бошлашдан тортиниб ўтиришига ҳеч бир ўрин ҳам йўқ эди, чунки Боязид шаҳватпарастликка ва ичкиликбозликка ружу қўйгани ҳақида кўпчилик галирар, бу сабаблар кўплаб мусулмонларнинг ундан юз ўгиришига олиб келган эди. Бундан ташқари, у Боязиддан икки муқаддас шаҳар — Макка ва Мадина га бораётган карvonларни таловчи туркман Қора Юсуфни беринши талаб қилас, зиёратчиларнинг кўплари Амир Темурдан ўзларини мана шу қароқчидан ҳимоя қилишни сўраган эдилар.

Боязиднинг урушга тайёргарлик кўраётганини, Ҳалаб, Едесса (Рай) ва Диёрибакрга қисмлар жўнатганини эшигтан Амир Темур ўз қўшиллари билан Кичик Осиё томон йўл олди.

Боязиднинг кўрсатилган шаҳарлар томон қилған ҳаракати унда Миср султони томонидан ёрдам кўрсатилишига бўлган умиднинг сўнмаганини, Бағдодга яқин келиши билан у ерда қўзғолон кўтарилишига умид қилганлигини кўрсатади. Агарда Амир Темур Туркия жанубини Боязид

билан бўладиган жанг майдони сифатида ташлашга мажбур бўлса, унинг озгина муваффақиятсизлиги ҳам Боязид умидларининг ушалишига олиб келиши мумкин эди. Лекин Амир Темур Гуржистондан Боязид қўшинларининг орқасига қылган маҳоратли ҳаракатлари билан урушни Кичик Осиёнинг шимолий қисмига кўчиришга эришди.

27 апрел куни у Кура дарёсини кечиб ўтганидан кейин ўз қўшини билан Бардаъ, Ганжа ва Олатоғ томон юриб йўл-йўлакай Тартум қалъасини қўлган киритади. У ердан Ованик ва Арзум томон юриб, Боязиднинг Осиёдаги шимолий ерларига бостириб киради. У ерда Бояздга тегишли Кемоҳ қалъасини қўлга киритиб, Сивос томон йўл олади. Шаҳар атрофига қароргоҳ қурган Амир Темур Боязид юборган турк элчилари иштирокида ўз қўшинини кўрикдан ўтказади. Кўрик пайтида қўшин бошлиқлари Амир Темур учун ҳар нарсага тайёр эканликларини, ўз ҳаётларини унга хизмат қилишга бағишлаганликларини билдириб, унинг душманлари ерларида бир дона ҳам ўсимлик ва кўкат қолдирмасликка, Усмонли Турк давлатини йўқ қилишга қасам ичадилар.

Боязид элчилари бундай олқишиларни эшитганларидан сўнг уларни сон-саноқсиз жангчилар қаторидан олиб ўтдилар. Темур қўшинларининг тезкорлиги, уларнинг бўйбасти, жангозар кўринини, аъло даражадаги қуроллари, тартиблиликлари ҳамда ўз сардорлари бўйруқларини сўзсиз амалга оширишга тайёрликлари Усмонли турклар ҳокими юборган элчиларида Амир Темур кучларининг нақадар зўрлиги, турк қўшинларининг эса засирлиги ҳақида фикр ўйғотиши керак эди. Уттиз йиллик ғалабалардан сўнг гўё шунчаки ўтказилган ушбу кўрик Амир Темур одамларга таъсири этиш учун ҳар бир вазиятдан унумли фойдалана олишининг исботидир.

Амир Темурнинг қоровуллари хабар беришларича, Тоқат томонга борувчи йўл ўрмонлар орасидан ўтган ва бу ўтиш жойлари жуда тор эди. Кўплаб турк қўшинлари ушбу шаҳар атрофида пайдо бўлишган, Қизил ирмоқ дарёсининг барча кечув жойлари эса улар томонидан эгалланган эди. Боязиднинг асосий кучларини пиёда жангчилар ташкил этгани, ўзида эса асосан отлиқ аскарлар бўлгани туфэйли Темур ўзига ноқулай бўлган ерда жанг бошлиmmasликка қарор қылди. Шу билан бирга Боязиднинг Минср, Суря ва Бағдод билан бўладиган алоқа йўлларини тўсиб қўйиш, уни очиқ текис ерга жалб қилиш ҳамда Қизил ирмоқ дарёсини турк қўшинлари қўриқламаган ердан кечиб ўтиш мақсадида у Қайсария шаҳри томон йўл олди⁹⁹ ва бу 6 кун деганда бу шаҳарга етиб келди. Темур бу ерда қўшин-

лари учун керакли озиқ-овқат запасларини тўплаб, Ангуря (Анқара) қалъаси томонга юрди. У 4 кунда 120 чақирим йўл босиб, Киршаҳрга етиб келди. Бу ерда ғазабга мингган Боязид ўз қўшини билан унга қарши келаётганини эшитган эҳтиёткор Темур одатдагича қўққисдан бўладиган ҳужумларга қарши чора-тадбирлар кўришга буйруқ берди. Душманнинг мақсадлари ва қўшини йўналиши ҳақида аниқроқ ва батафсилроқ маълумот тўплаш ниятида у асирга олиш ва Боязид қўшинларининг йўналишини кузатиш учун 1000 та чавандозни юборди. Шу билан бир вақтда у ҳарбий кенгаш чақириб маслаҳатлашгандан сўнг «душманга қарши ҳаракат қилиш учун икки хил фикр мавжудлиги» ҳақида тўхталди. «Булардан биринчisi — шу жойда қолиб узоқ давом этган мاشаққатли ва тинимсиз юришлардан толиқдан қўшинга дам бериш; иккинчisi — душман ерининг ўртасига ташланиб, уни вайрон қилиш, Боязид қўшинларини озиқ-овқат воситаларисиз қолдириш, уларни кичик бўлинмалар кучи билан тез-тез қилинадиган ҳужумлар воситасида тинкасини қуритиш, шу билан бирга асосий кучлар билан чекина бориб Боязидни тез таъқиб этишга мажбур қилиш ва бу билан унинг қўшини ҳолдан тойдирish. Бизнинг қўшинларимиз асосан отлиқ жангчилардан, душман эса асосан пиёдалардан иборат бўлгани учун биз бундай жангларда ҳамиша устунликка эга бўламиш ва уларни ҳал қилувчи жангга кирмасдан, фақатгина кичик урушлар воситаси билан ҳам йўқ қила оламиш». Амир Темур иккинчи фикрни маъқул топди. Бу режа татарлар Аннибали карфагенлик Аннибал сингари ўз мўлжалини рақибининг хусусиятларига қараб қуришини кўрсатар, у Боязидни яхши билиб олганлигини, унинг қизиққонлик қилиб энг маъқул бўлган ҳаракатни танлай олмаслигини, тахмин қилинган уруш усулига узоқ дош бера олмаслигини, албатта хатоларга йўл қўйишини ва Амир Темур отлиқлари ҳеч шубҳасиз Боязид пиёдаларидан устун бўладиган жойда жанг қилишга уни жалб қилиш мумкинлигини билганлигини кўрсатар эди¹⁰⁰.

Бироқ Фабийнинг Аннибалга қарши ишлатган усули Боязидга ёрдам бера олмас эди. Ҳал қилувчи жангга йўл қўймаслик, отлиқлар чиқа олмайдиган тепаликларни эгаллаб олиб, душманни иккита ёки учта армия кучи билан қуршаб олиб, уни озиқ-овқат билан таъминлаш йўлларини беркитиб қўйиш каби усуллар Темур учун хавфли эмас эди. Чунки ўзининг кучлари душман кучларидан анча устун бўлган Амир Темур аввалдан муҳим нуқталарни эгаллаб олишга, озиқ-овқат ва сув захираларини ҳимоя қилиш учун маҳсус қисмлар тайнилашга ўлгурган ва эн-

ди унинг ўзи Боязидга қарши бундай усууларни қўллай

Битмас-туганмас ҳарбий воситалардан фойдаланган пухта мулоҳазали Амир Темур асосан пиёдалардан ташкил топган кўпмингли Боязид лашкарини озиқ-овқат билан таъминлаш қанчалик қийин эканлигини яхши тушуниарди. Темур қабул қилган уруш усули тез орада Боязид қўшинида озиқ-овқат захираларининг тугашига олиб келар, тетик руҳини сўндирап, чекинишга можбур этиб, таъқиб давомида уни тор-мор қилиш учун қулай вазият туплиши муқаррар эди.

Темур мақсадга эришиш ва турк қўшини билан Боязид давлати пойтахти Бруssa (?) ўртасидаги алоқани узиб қўйиш ниятида Ангурия (Ангор қалъаси) томон юрди. Тезкор отлиқ қўшинга эга бўлган ҳолда у Малатиядан Ангурия, Кютой (?) ва Икониягача (?) чизилган очиқ ва анчагина текис ерларда ҳаракат қилиб, ўзининг алоқа йўлларини ташлаб кетиш билан у қадар ҳаеф остида қолмас, бироқ ўз рақибини хавфли аҳволга солиб қўяр эди.

Амир Темур бу ҳаракатни жуда моҳирлик билан амалга ошириди: ҳаракатни тезлатиш ва ўз қўшинлари сафар пайтида сувдан қийналмасликлари учун у олдиндан ташланган Ангурия (Анқара) йўлига отлиқ қисмини жўнатди. Уларнинг ичидаги сув танқис бўлган ва отларни сугорниш керак бўлган жойларда қудуқ қазиш учун тайинланган махсус пиёдалар бор эди. Шундай қилиб, ҳеч қандай қаршиликсиз ҳаракат қилиш учун ҳамма тадбирлар кўрилгач. Темур қўшинларининг маълум қисмини душман ҳеч нарсадан гумон қўлмаслиги учун қароргоҳда қолдириб, асосий кучлар билан Ангурия томон тез ҳаракат бошлади. У бор-йўғи З кун ичидаги 150 чақирим масофа босишга улгурди. Шунчалик катта қўшин билан қилинган бу ҳаракатни ўз ўлжасини кўриб, унга ташланган йўлбарс ҳаракати билан тенглаштираса бўлади. Ангурияга этиб келган Амир Темур эртаси куни қалъани қамал қилишини бошлади. Буннинг учун биринчи навбатда қалъа ичидан оқиб ўтувчи сўй сувини бошқа томонга буриб, қалъа девори тагини ковлашни буюрди.

Қамал ишларни давом эттаётган пайтда унга Боязид орқадан ҳужум қилиш учун яқинлашиб келаётгани ҳақида хабар беришди. Айёр Темур әфтидан, худди шуни кутаётган эди. Кучлари душманникидан устун бўлгани учун у жанг қилишдан хавфсирамас, фақатгина ўзига қулай бўлган ерда жанг қилишини мўлжаллар эди. Бундай ерда муваффақиятсизликка учраган тақдирда унинг отлиқлари катта талофтот кўрмасдан орқага чекиниши, маневр қилиб,

яна ўз позиция чизигини тиклаб олиши мумкин эди. Темур қўшинлари ғалаба қозонган тақдирда эса, душман қўшинлари албатта қириб ташланар эди. Амир Темурнинг Боязидга қарши олиб борган кичик урушлари қанчалик ижобий бўлгани аниқ эмас, лекин у Боязид кучларининг силласи қурйётганини сезган бўлса керакки, жанг қилишга аҳд қилди.

Амир Темур қамални дарҳол тўхтатишни буориб, бу ердан жилиб кичик бир дарё ёнига (дарё орқа томонда қоладиган қилиб) қароргоҳ қурди. Унинг жойлашган позицияси маълум эмас, лекин Боязид қўшинлари мағлубиятидан сўнг қочиб қутулишга улгурганлар унчалик кўп бўлмагани туфайли, Темур уларнинг Ангурия қалъаси ва Бруssa томон қочишлари мумкин бўлган тоғли ва ўрмон ерларини беркитиб қўйишга улгурган деб ҳисоблаш мумкин. Турк қўшинлари келиши кутилаётган ерда фаввора борлигини эшитган Амир Темур уни бузиб ташлаши, сувга эса аҳлат ташлашини буориб, шу билан бирга қўшинларига қўққисдан ҳужум бўлишининг олдини олиш мақсадида хандақлар қазиши, қароргоҳ атрофини қалқон ва ходалар билан ўраб, кечаси ҳаммаёққа алангалар ёкишни буорди.

Турли муаллифлар икки рақиб қўшинлари сонини турлича қилиб кўрсатадилар. Шарафуддин Али Яздийнинг ёзишича, ана шу уруш бошларида Темур қўшини 800 000 жангчидан иборат бўлган. Лекин аввалги жангларда, қалъаларни қамал қилишда, касаллик ва турли иқлимда узоқ сафар қилиш натижасида ишдан чиққан ва ҳалок бўлганларни, таслим бўлган қалъаларда қолдириб кетилган аскарлар (гарнизонлар) ни, озиқ-овқат ва бошқа буюмларни ҳимоя қилиш учун қолдирилган қисмларни, Самарқанд ҳамда Темурга тегишли бошқа ерлар билан мунтазам алоқа қилиб турish учун ажратилган аскарларни, бош кўтариши мумкин бўлган қабилаларни кузатиб турish учун тайинланган қисмларини ҳисобга оладиган бўлсак, Ангурия яқинидаги жангда Амир Темур қўшинлари сони 300 000 ёки 350 000 жангчидан иборат бўлган деб тахмин қилиш керак бўлади.

Амир Темур Боязид кучлари 400 000 жангчидан иборат бўлган дейди. Умуман Боязиднинг барча ерларидаги қўшини сони шунча бўлиши мумкин, лекин у қўшинининг бир қисмини ўзининг Европадаги босиб олган ерларида қолдириши керак эди. Буни ва бошқа ҳарбий эҳтиёжларга ажратилган қўшинларни ҳисобга олсак, жангда унинг қўшинлари 200 000 ёки 250 000 жангчидан иборат бўлган. Агар Боязидда баъзи бир ёзувчилар айтганларидек, 120 000

жангчи бўлганида, жанг бунчалик шиддатли бўлмаган, кучларнинг бунчалик фарқи Боязид қанчалик жасур ва ғайратли бўлмасин, уни Ангурия яқинида жангга киришишга журъат эта олишига тўсқинлик қилган бўларди. Темур эса ўз кучлари анча устун бўлганида ғалабани қўлга киритиш учун бунчалик кўп ҳийлалар, эҳтиёткорликлар ва бошқа усууллар ёрдамига муҳтоҷ бўлмаган бўларди.

Боязид қўрумсоқлиги сабабли, ўз қўшинларига анчадан бери маош тўламаганлиги учун улар ичидаги норози бўлганларининг (айниқса, татарларнинг) сони ошиб бораётганини эшишган Амир Темур татарларни ўз тарафига мойил қилиш учун айғоқчилар юборди. Боязиднинг ўз қўшинлари норозилигига аҳамият бермаганлиги уларнинг Темур қўшини томонига ўтишини енгиллаштириди.

Жангдан бир неча кун аввал Боязид куннинг энг иссиқ пайтида катта ов уюштириди. Мана шу ов пайтида иссиқлик ва сувсизликдан 5000 киши ҳалок бўлди. Бу воқеа жангчилар орасидаги норозиликнинг янада кучайишига олиб келди. Боязид овдан сўнг Темурга қарши бориб қулавий вазият (позицияни) эгаллаб олмоқчи бўлганида уни Темур қўшинлари аллақачон эгаллаб бўлган эди.

Эрталаб (1402 йил 18 июн — жума куни деб ҳисоблайдилар) Амир Темур қароргоҳдан чиқиб ўз қўшинларини жанговар сафга тизди.

Темур қўшинлари жанговар тартиби ўнг ва сўл қанотлар, уларнинг авонгори ва марказдан ташкил топган эді¹⁰¹. Уларнинг олдида бир неча қатор бўлиб камончилар ва нафтандозлар жойлашган 32 та фил борарди. Марказ орасидан сараланган жангчилардан иборат Амир Темурнинг ўзи бошлиқ бўлган тарҳдаги 40 та бўлинма (полк) борарди.

Боязид ўз қўшинларини ўша пайтда қабул қилинган тартибда тузди. Яъни у уларни сўл ва ўнг қанотларга, марказ ҳамда ўзи қўмондонлик қилган катта тарҳ (резерв) га ажратди. Юқорида айтиб ўтилганидек, унинг қўшинлари сони Темурнинг сўзларига қараганда 400 000 га яқин эди. Амир Темур лашкари сонига келсак, у аниқ эмас. Лекин ўша пайтларда кекса ёшда бўлган Темурнинг эҳтиёткорлигини ва Ангурия томонга душман алоқалари йўлини тўсишга чўчимай борганини эътиборга оладиган бўлсак, Ангурия яқинидаги жангда унинг қўшинлари сони Боязид қўшини сонидан анчагина устун бўлган бўлиши керак¹⁰².

Ангурия жангидаги филлар кўп фойда келтира олмаган бўлишлари керак, чунки Шарафуддин Али Яздий жангнинг боришини тасвирлаб, улар ҳақида ҳеч нарса демаган. Темурнинг филларни жанговар тартибда жойлашти-

ришдан мақсади, бу ҳайвонларни кўрмаган Боязид жангчиларида ваҳима уйғотиш ва уларнинг отларини ҳуркитиши ҳамда Ҳиндистондаги ғалабаларида қўлга киритган ўлжаларини кўз-кўз қилиш эди.

Жанг Темур ўнг қанотининг авонғори турклар лашкарининг сўл қанотига ҳужум қилиши билан бошланди. Лекин бу ерда жойлашган серблар ҳужумни мардонавор қайтариб, Ўрта Осиёлик жангчиларни катта талафотга учратиб, улоқтириб ташладилар. Шу пайтнинг ўзида Темур қўшинларининг сўл қаноти авонғори катта муваффақиятни қўлга киритди. Боязид қўшинининг ўнг қаноти татарлардан ҳамда туркларнинг Боязиддан норози бошқа иттифоқчи жангчиларидан ташкил топган эди. Темур қўшинидаги ўз уруғдошларини, баъзилари эса ўзларининг собиқ бошлиқларини кўриб, Темур томонига ўтиб, ўзлари билан турк иттифоқчилари жангчиларининг бир қисмини ҳам олиб кетдилар. Шу пайтнинг ўзида турк лашкари ўнг қанотининг бошлиғи Периславнинг ўлдирилиши Боязид қўшини учун ўрнини тўлдириб бўлмайдиган йўқотиш бўлди. Бунинг натижасида туркларнинг ўнг қаноти жангга дош беролмай, чекина бошлади. Амир Темур уларни таъқиб қилиш ва асирга олиш учун иккинчи тартиб жангчиларни юбориб, кейин сербларни Боязиддан ажратиб қўйиш ниятида ҳаракат бошлади. Лекин серблар шу қадар жасурлик билан жанг қилдиларки, натижада душман қаторларини ёриб ўтиб, Боязид резерви билан бирлашишга муваффақ бўлдилар¹⁰³. Буни кўриб турған Амир Темур «бу жулдуровқилар худди шердек олишайтилар» деб, Боязид бошчилик қилаётган қўшинга зарба бериш ва туркларни ўнгланиб олишга қўймаслик учун ўз тарҳи билан жангга отилди. Қақшатқич жанглардан сўнг турк қўшинларининг олдинги қатори бутун чизиқ бўйлаб чекинишга мажбур бўлди. Лекин Боязид асосий кучлар билан тепаликда жойлашиб олгани учун чекинаётган ва таъқиб қилинаётган қўшинлар унга келиб қўшилишди.

Жанг бой берилаётганини кўрган серблар бошлиғи Стефан Боязидга қочиши маслаҳат берди. Лекин Боязид бу маслаҳаттага кўнмасдан, ўз янчарлари билан охирига қадар курашишни лозим топди. Шунда серблар бошлиғи бошқа бошлиқлар билан Боязид қўшинларидан ажralиб чиқиб, унинг чекинаётган тўнғич ўғли Сулаймонга ёрдам бериш учун Бруssa йўналишига қараб юрди. Боязиднинг кейинги ўғли Мұхаммад шимоли-шарқ томондаги тоғларга, учинчи ўғли Исо эса жануб томонга қочди. Амир Темур ғалабани поёнига етказиш ва бир зарб билан урушни тугатиш мақсадида Боязидни ҳар тарафдан, Шарафуддин Али Яздий

таъбири билан айтганда, «овчилар ҳалқа бўлиб ҳайвонни қуршаб олганларидек» қуршаб олди. Ўз иттифоқчилари, қўшин бошлиқлари ва фарзандлари томонидан ташлаб кетилган Боязид ярим кечагача душман ҳужумига қаршилик қилди. Сувсизлик ва чарчоқ туфайли ҳолдан тойган янчарлар Темур қўшинлари томонидан қирила бошланди. Кечасига келиб, улар жуда кам қолганларидан сўнг Боязид қочишига қарор қилди. Лекин унинг югуриб кетаётган оти қоқилиб йиқилди ва бунинг натижасида Боязид ўз мулоғимлари билан Чигатой Урдасининг мўътабар увонли хони Маҳмуд томонидан асирга олиниб, Амир Темур ҳузурига келтирилди.

Тарихчиларнинг айтишича, шон-шуҳрат ва қудратга эга бўлган бу икки рақибнинг учрашуви қўйидагича бўлган: Амир Темур Боязидни кўриши билан қаттиқ кулиб юборади. Боязид бу кулгидан ўзини ҳақоратланган ҳис этиб, Темурга бахтсизлик устидаи кулиш одобдан эмаслигини айтади. Шунда Темур: «Афтидан, Тангри ҳокимиятни ва катта хонликларга эгалик қилишни жуда арzon баҳолар экан, чунки уларни мажруҳларга.— сен каби (кўр) ва мен каби чўлоқقا берипти» деган экан. Амир Темур ўта жиддий ва ҳазилни ёқтиरмас киши бўлгани учун юқорида айтилган гаплар тўқиб чиқарилганига ишониш қийин.

Темур Боязиднинг ўғли Сулаймонни таъқиб қилиш учун ўз набираси Мирзо Муҳаммад Султонни 30000 отлиқ лашкар билан юборди. Таъқиб шунчалик тез бўлдики, 4000 га яқин Муҳаммад Султон чавандозлари 5 кун деганда Сулаймоннинг орқасидан Бруссага етиб келдилар. Ўзи билан ҳеч қандай бойлик олишга улгурмаган Сулаймон кемага ўтириб қочишига зўрға улгурди. Шундай қилиб, Боязиднинг барча бойликлари ва ҳарами Амир Темур қўлига ўтди. Бундай ёрқин ғалабадан сўнг Темур одатига кўра, ўз жангчиларига Киютойда бир ой давомида зиёфат берди.

Бу ғалабадан сўнг бутун Кичик Осиё талон-тарож қилинди. Шаҳарлар ва қалъалар деярли қаршиликсиз таслим бўлди. Аҳолининг кўп қисми қириб ташланди. Фақат баъзиларигина катта миқдорда хун тўлаб ҳаётини сақлаб қолди¹⁰⁴. Фақат Смирна шаҳрида яшовчи христианларигина ўзларини ҳимоя қилишга журъат этдилар. Катта кучлар билан бу шаҳар деворига яқинлашган Темур 6 декабр куни ҳар тарафдан қамал ишларини бошлаб юборди. Бунинг учун у қамал қилувчи машиналар, грегориан олови ва тош иргитувчи тўпларни тайёрлаб қўйди. Шу билан бир вақтда қалъа ҳимоячиларига денгиздан ёрдам келишининг олдини олиш мақсадида у сувга тахтасупа қуришни буюр-

ди. Тахтасупада жойлашган қалқон билан ҳимояланган жангчилар қалъадан ҳеч кимни чиқармадилар ва унга ҳеч кимнинг яқинлашишига ҳам йўл қўймадилар. Минора ва деворларнинг бузилишига қарамасдан, қалъа ичидаги жангчилар ўқ отиш, ёқилган нефт тўлдирилган кўзачалар, грекориан олови ёрдами билан мардонавор ҳимояланадиганларни кўрган Темур девор тагидан лаҳм қазиши буюриб, шу билан бирга тўхтовсиз ҳужумлар воситасида душманнинг тинкасини қурита борди. Амир Темур кучларнинг кўплиги уларни тез-тез алмаштириб ҳар гал янги кучлар билан ҳаракат қилиш учун имкон берарди. Ниҳоят девор остидаги лаҳм тайёр бўлиши билан Темур жангчилари лаҳмга тўпландиган нефт шимдирилган шоҳ-шаббаларни ёқиб юбордилар. Девор қулаб, улар қалъа ичига киришга муваффақ бўлдилар. Қарийб икки ҳафталик қамалдан сўнг шаҳарни қўлга кирилган Амир Темур қўшинлари аҳолини қиличдан ўтказиб, шаҳарнинг кулинин кўкка совурдилар.

Смирнани қўлга кирилгандан сўнг Темур ўзи учун манфур бўлған Гуржистонни яна вайрон қилиш учун 27 март куни Қораҳисор, Қайсария, Сивос, Арзрум в Қарс орқали юриш бошлади. Гуржистондан ўрмонлардан йўл очиб то Абхазиягача борди. Унинг қўшинлари қалъаларни вайрон қилиб¹⁰⁵, дараларда, фор ва баланд чўққиларда беркиниб олган христианларни таъқиб қилдилар. Баланд тепаликларга Темур жангчилари қутига ўхшатиб ишланган маҳсус мосламаларга ўтириб, арқон ёрдамида кўтарилишар, душманни охиригина жойлардан ҳам зўр бериб қидиришарди. Темур Абхазиядан Қорабоғ томони йўл олди. У ердаги Араҳс дарёсини 8 апрелда кечиб ўтиб, ўз қўшинлари билан Ардабил, Майно, Саржам, Султония, Қазвин, Совуқ булоқ, Сариқ қамиш, Гулкандон қалъаси, Дамованд ва йўл-йўлакай қўлга киритилган Ферузкуҳ қалъаси (**31 майда**) орқали Самарқанд сари йўлга тушди. Ферузкуҳдан Темур қўшинларининг бир қисми ва оғир аравалар турли йўллар билан ҳаракат қилдилар. Уларнинг баъзилари Султонмайдон йўлидан Бўстон, Нишопур ва Ҳирот томони юрган бўлсалар, бошқалари Шожаром (?) ва Эфриён (?) томони йўл олдилар.

Амир Темурнинг ўзи Каспий денгизи бўйидаги ерларни бўйсундириш учун қўшин тортди ва у ердан Бўстон, Еғоз, Нишопур (20 июлда), Чакчарон дарёси, Лангар, Шайхзода, Боязид, Андекунд (?) Дукка, Алиобод, Машҳад, Сиёҳирд орқали юриб, Термизда Амударёни кечиб ўтди ва июлнинг охирида Самарқандга етиб келди.

Унинг хотинлари ва юк ортилган араваларнинг бир қисми Ферузкуҳдан Бовард, Макон ва Марв томонга, сўнг

Амударёдан ўтиб, Амоҳга (?) у ердан эса Бухоро, Фарқанд, (?), Работмулк, Қуча (?) ва Малик орқали Самарқандга келишди.

ХИТОИГА ҚАРШИ УРУШГА ТАЙЁРГАРЛИК

Амир Темур ўз пойтахтида узоқ тинч ўтиrolмади. Пойтахтга қайтиб келган заҳотиёқ 70 ёшли соҳибқирон Хитой билан бўладиган урушга тайёргарлик кўра бошлади. Уни мўлжаллаётган юришдан на кекса ёши, на 3000 чақиримлик оғир чўл сафари, на бу тадбирнинг ўта хавфлилиги тўхтата олмади.

Бу уруш уни Ҳиндистон юришидан аввалроқ жалб этганди ва Темур бу сафарга зиндан узоқ тайёргарлик кўрди. Бўлажак урушда энг катта қийинчилик қўшинни озиқовқат билан таъминлаш эди. Шу сабабдан Амир Темур ҳали 1397 йилдаёқ чегара шаҳар Ашир (Қораشاҳар)* да аҳоли сонини ошириш ҳақида буйруқ бериб¹⁰⁶, бу ерга 40 000 отга эга бўлган бир неча минг оиласи кўчириб, уларга ўша ерларда деҳқончилик ва савдони ривожлантириш, қалъалар қуриш ва иложи борича кўплаб озиқ-овқат заҳиралари тўплаш ҳақида кўрсатма берди. Шу билан бирга Темур Фарбий Мўғулистон ва Самарқанддан Хитойга борувчи йўлнинг шимолидаги ерларни босиб олиш, умуман, бу давлатни ва унинг йўлларини яхши ўрганиш, Мўғулистоңда ўзига содиқ гуруҳларни тўплаш мақсадида мўлжалланаётган юришдан бир неча йил аввал ўша давлатларга ўзининг лашкарбошларидан бирини юборган, у эса ўз навбатида бу топшириқни муваффақият билан баражарган эди.

Бундай узоқ юришга отланишдан аввал Амир Темур мўлжаллаган тадбирига оқиллар диққатини жалб қилимоқчи бўлди. Бунинг учун ўз набираларининг тўйини ўтказиш баҳонасида 1404 йилнинг кузида Самарқанддаги вилоятларнинг ҳукмдорларини, қўшин бошлиқларини, тўра ва амалдорларини таклиф этиб, икки ой давом этган зиёфатлар орасида қурутотай чакириди. Мана шу мажлисида у Хитойга Ислом динини тарқатиш нияти борлигини айтади. Олдиндан бу фикрни уларнинг мияларига сингдириб боргани туфайли Тёмурнинг нияти мажлис қатнашчилари томонидан сўзсиз қабул қилиниб, бўлажак уруш муқаддас деб эълон қилинди.

Амир Темур ўз режаларини шошмасдан, чуқур мулозаза қилас, лекин жуда тез ва ғайрат билан ижро этарди.

* «Зафарнома»да бошқа-бошқа шаҳарлар сифатида келтирилган (муҳарр.).

Шу йилнинг декабр ойида ёки улус амирлари ва вилоят ҳо-
кимларига қўшинларни кўрсатилган қурол-яроғ билан
таъминлаб, урушга керакли барча захираларни тайёрла-
ган ҳолда тайинланган жойга тўплаш ҳақида буйруқ бе-
рилди.

Умумий йигилиш жойи этиб Тошкент тайинланди. Тे-
мур Хитой юриши учун 200000 пиёда ва отлиқлардан ибо-
рат сараланган қўшин етарли деб ҳисобларди. Қўшиннинг
ўнг қаноти қишлош учун Тошкент, Шоҳруҳия (Чингизхон
буйруғи билан вайрон қилинган аввалги Фанокант шаҳри)
ва Сайрамда, сўл қаноти эса Ясси ва Сабронда жойлашди.
Амир Темур эса қолган қўшин билан Утрор ва унинг атро-
фига қишлошни мўлжаллади.

Шарафуддин Али Яздийнинг ёзишича, Темур Хитойга
борувчи йўллар ҳақида аниқ ва тўлиқ маълумотларга эга
бўлган, унга йўл, сув, ўт-ўланлар хосияти, ўтиш керак бўл-
ган чўл ва тоғларнинг хусусиятлари маълум бўлган, бу-
ларнинг ҳаммаси йўл давомида таъминлаш ва тўхтөвсиз
ҳаракат учун керакли чоралар кўришга тайёр бўлиш ке-
раклиги туфайли унинг буйруғига кўра ёзиб қўйилган эди.
Афсуски, Шарафуддин Али Яздий Амир Темур таржимаи
ҳолини ёзганда, бизга бу маълумотларни қолдирмаган,
шунинг учун биз у танлаган йўл қайси ерлардан ўтгани ва
қандай хусусиятларга эга бўлгани ҳақида ҳеч нарса бил-
маймиз. Темур кўрсатмаларига ва қўшинларнинг Тош-
кентдан Утроргача жойлашишига қараб, Шарафуддин Али
Яздий изоҳлаган йўлдан Аширагача Амир Темур фақат
Тошкентда жойлашган ўнг қанот жангчиларини юбориш-
ни мўлжаллаган эди, улар Тошкентдан чиқиб Қашғар ор-
қали Оқсув, Куча ва Букурга бориб Аширани қўлга кири-
тишлари, асосий кучлар этиб келгунча ўша ерда туришла-
ри керак эди, деб хулоса қилиш мумкин. Амир Темур эса
оғир юқ ортилган аравалар билан Утрордан Гулжага, у
ердан эса Юлдуз дарёси орқали Музтоғ қияликларининг
жанубий қисмига боришини мўлжал қилган бўлиши керак.

Қашғарга Самарқанд ёки Тошкент орқали борувчи йўл,
ҳозирги маълумотларга қараганда, бутун қўшин ҳаракати
учун танланиши мумкин эмас эди. Чунки Болор ва Муз-
тоғ тизмаларидағи ўтиш жойлари тор ва мураккаб бўлиб,
у ердан юқ ортилган туялар ҳам ўта олмас, фақатгина от-
лардан иборат карвон ўтиши мумкин эди. Амир Темур
лашкарида эса кўплаб юқ ортилган аравалар бор эди.

Қўшинларга кўпроқ қулайлик яратиш ҳамда юриш учун
керакли нарсаларни харид қилиш учун уларнинг қишлоқ
ерларига турли хил моллари билан савдогарлар таклиф
қилинди. Темур улардан минглаб отлар, қурол яроғ, уму-

ман юриш учун керакли барча жиҳозларни сотиб олиб, таъминланмаган жангчиларга улашди. Шу билан бирга бошлиқларига уларга тобе жангчилар аҳволи ҳақида аниқ маълумот тўплашни, иложи борича кўпроқ қўшимча озиқовқат ва аслаҳалар олишни, юриш пайтида жангчилар ҳеч нарсадан қийналмасликлари учун ҳамма шароитларни яратишни буюрди¹⁰⁷.

Бу тадбирлардан ташқари, Амир Темур фармонига биноан қўшин орқасидан уруғлик дон ортилган минглаб аравалар бориши керак бўлған қулай ерларга кейинчалик қўшин қайтишда ҳосилидан фойдаланиши мумкин бўлиши учун экилиши керак эди. Ундан ташқари, кутталмаган шароитлар учун мингдан ортиқ ургочи туялар лашкар орқасидан бориши керак эди; мушкул ҳолларда уларнинг сутидан озуқа сифатида фойдаланиш кўзда тутилганди.

Умуман олганда, тажрибали Амир Темур Осиёда 40 йил давомида олиб борган урушлари даврида машақкатли ва узоқ сафарларга пухта тайёрланишга одатланган, шубҳасиз, бу юриш учун ҳам у ўзининг бутун маҳорати ва тадбиркорлигини ишга солган эди. Ана шу сафар учун қилинган тайёргарлик тадбирлари ҳақида жуда кам маълумотга эга эканлигимиздан афсус қилишимиз керак.

Амир Темур Улуғ тугни кўтариб, Самарқанддан 1405 йил 8 январда йўлга чиқди. Ў қишининг қаттиқ келишига қарамай тўхтовсиз ҳаракат қилди. Кечалари тұнаш учун чўл ўртасида чодирлар тикдирив, унинг атрофини қамиш билан ўратди. Музлаган Сирдарёдан Зарнуқ шаҳри яқинида ўтиб олди. Қиши шунчалик совуқ эдикি, Шарафуддин Али Яздийнинг гувоҳлик беришича, дарё устидаги музнинг қалинлиги 2—3 тирсакка тенг бўлиб, Амударё ва Сирдарёning исталган еридан юриб ўтиш мумкин эди. Қорнинг қалинлиги эса баъзи ерларда 2 наиза узунлигига тенг келарди. Уша кезлари совуқ ва бўронларда кўплаб одамлар ва отлар ҳалок бўлди.

Хитой сари ҳаракатни давом эттираётган Амир Темур 27 феврал куни Ўтрорга етиб келди¹⁰⁸. Бу ердаги қўшинига йўлга отланишга буйруқ берди. Ўз хотинлари ва қизлари билан хайрлашиб, уларга Самарқандга қайтиб кетишини буюрди. Лекин кўрсатмалар беравётган кунларнинг биррида безгак касалига чалиниб, бир неча куидан кейин (1405 йил 1 апрелда) вафот этди.

ХУЛОСА

Бизнинг 1839—1840 йиллардаги Хивага қилган муваффақиятсиз юришимиздан сўнг мен мўғул-татарлар ва Ур-

та Осиёे халқларининг Чингизхон ҳамда Амир Темур давридаги ҳарбий санъатини ўрганишга киришдим. Уларнинг ҳарбий тузилмалари ва асосий юришлари ҳақидаги қисқача баёнимданоқ мўғул-татарлар қўлга киритган улкан муваффақиятлар фақатгина қўшиннинг кўплиги ва жангчиларнинг ботирлигига асосланган эди, деган биздаги хотүғри тушунчанинг ҳеч бир асоссиз эканлиги кўриниб турипти, деб ўйлайман.

Уларнинг юришларининг мана шу қисқача баёниданоқ Осиёдаги катта кучлар билан уруш олиб бориш мумкинligини, аммо аввал уларни яхши билиб олиш ва жангчиларни дунёнинг мана шу қисмига юришлар қилиш учун тайёрлай билиш кераклиги кўриниб турипти. Биз яна мўғул-татарлардан Осиёда уруш бўлган тақдирда кам сонли кишилар билан жанг қилиш ҳамда отлар, туялар ва чорва моллари уюрларини ҳимоя қила олиш санъатини ўрганишимиз, улардан Осиёда бўладиган юришлар учун ҳатто қишида ҳам оёқ остидаги ўт-чўплардан қаноатланиб кетаверадиган ва ҳамиша қуруқ ем-хашак талаб қилмайдиган дашт отларига кўпроқ эга бўлиш қоидасини ўзлаштиришимиз керак, деб ўйлайман. Осиёда бўладиган узоқ вақтли юришлар учун яна кўчманчи халқлардан кўчишлар кўринишидаги юришлар қилиш ва шу кўчишлар мобайнида отларни ҳарбий қийинчиликларга чидамлироқ қила бориш санъатини ҳам ўрганиш фойдали бўлур эди. Шундай қилиб, Осиёда урушлар қилган тақдирда биз ўзимизнинг жанубий ва жануби-шарқий даштларимизда юклар, пиёдалар ва захираларни Осиёнинг кенг, сувсиз ва қумли чўлларидан ташиб ўтказиш учун туяларни, отлиқ аскарларга зарур бўлганда алмаштириш учун отларни ва озиқ-овқат билан таъминлаш учун чорва молларини кўпайтириш ҳақида ўйлашимиз лозим. Бизнинг жанубий ва жануби-шарқий даштларимизда бу ҳайвонлар ҳамиша яхши боқилиб келинган, фақатгина тую у ердаги аҳолининг ҳундалик заруратига айланиши ҳақида қайфурисса бас.

Бундан ташқари озгинагина бўлса ҳам, чўл юришлари учун ўргатилган туяларда жанг қила оладиган жангчиларга эга бўлишимиз, бунинг учун тажриба сифатида унча катта бўлмаган туяларда юрувчи пиёда жангчилар отрядларини тузишимиз, уларни кейинчалик зарур бўлган ўринларда фойдаланиш учун ҳарбий ҳаракатлар қилишга ҳам, захиралар ва тўпларни ташиб юришга ҳам ўргатишимиз лозим. Ва ишоят, Осиёни ҳарбий жиҳатдан билиб олиш мақсадида дунёнинг шу қисми ҳақидаги кўпроқ ҳарбий жиҳатдан муҳим бўлган маълумотлар бостирилладиган, давлат ҳомийлигига бўлган Осиё жаридасини мунтазам-

чоп эттиromoқ мақсадга мувофиқдир. Айниқса ҳарбий ёзувчиларни рағбатлантириш учун эса бу жаридада Осиё билан таништирувчи мақолалар учун етарлича мукофотлар белгилаш, Осиё ҳақидаги эътиборга лойиқ мақолаларни давлат ҳисобига чоп эттириш керак. Боз устига дунёнинг шу қисми билан ҳарбий жиҳатдан ҳам таниш бўлган кишиларни тайёрлаш мақсадида Бош штабининг Николаев академиясида Чингизхон, Амир Темур, Нодиршоҳ ва Осиёнинг бошқа буюк лашкарбошиларининг энг асосий юришлари ҳақида дарс бериш ҳамда ҳеч бўлмагандан, бир неча офицерга Осиёнинг асосий тилларини ўргатиш фойдали бўлур эди.

Бизнинг Ўрта Осиё чўлларига туташтирувчи, туячилик ва йилқиличилек учун қулай бўлган жанубў-шарқий чегараларимизнинг ҳолати, бу чегаралар бўйлаб турлича номланувчи қозоқлар — устун равишда чўл юришлари учун лаёқатли бўлган жангчилар манзилгоҳларининг жойлашганилиги, шунингдек, бу ерларда дашт ва чўлларнинг кўплиги туячиликни, дашт отларини кўпайтиришни ҳайдада туяларда жанг қилиувчи отрядларни ташкил қилиш учун тўлиқ имкониятлар мавжуд эканлигини кўрсатади. Мен бу фикрларни амалга ошириш вақти келди, деб ўйлайман. Чунки Англия Осиёнинг жанубида улкан одимлар отиб ўзининг қудратини кенгайтириб бормоқда ва у ёлғон сиёсатга берилиб кетиб, Россия манфаатлари учун зид бўлган ҳаракатларни бошлаб юбориши мумкин.

1830 йилда жаноб Жон Малкольм ўзининг Шарқий Ҳиндистон компаниясига қилган нутқида сўз орасида шундай деган эди: «Шундай қилиб, Сиз Россиянинг савдосотишини йўқ қилиш, унинг Европадаги муваффақиятларини чиппакка чиқариш Сизнинг изму ихтиёргизда эканлигини кўриб турибесиз ва бу изму ихтиёр уни англамаслик мумкин бўлмаган даражада яқолдир».

Аммо ҳалқи қудрат ва матонатдан холи эмас эканлигини кўп марталаб исботлаган қудратли иттифоқдош давлатнинг ривожланишига қаршилик қилиш тўғри ва ҳалол сиёсат юргизиш билан мос келадими? Англиянинг бизга зарарли бўлган чора-тадбирлари бизнинг томоннимиздан қаршилик кўрсатишга олиб келмайдими? У ҳолда у ва бу томондан қўлланилган чора-тадбирлар иккала томони учун ҳам зарарли бўлган, оқибатини ҳозир кўра билиш ҳам мушкул бўлган ҳаракатларга жалб қилмайди, деб кафолат бериб бўладими? Ўйлайманки, мабодо, қудратли мусулмон мутаассиблиги портлаши юз берган ва шу билан бир вақтда Чингизхон ёки Амир Темур каби бир доҳий чиқиб қолган тақдирда бизга таҳдид соладиган умумий хавф.

нинг олдини олиш мақсадида Ўрта Осиёни сиёсий жиҳатдан унинг ҳозирги аҳволида тутиб туриш учун биз Англия билан дўстона ҳамда ўзаро манфаатларга асосланган ҳаракатлар қилишга келишиб олишимиз керак бўлади; бундай портлаш юз берган тақдирда Ҳиндистон ҳам Россиядан кам талафот кўрмаса керак, албатта.

Фикримча, мен Ўрта Осиёниг бу икки буюк сиймосини уларнинг тўлиқ қурол-яроғлари, истилолар учун қўллаган барча воситалари ҳамда бутун дунёни забт ётиш учун бўлган интилишлари билан биргаликда етарлича таърифлайдим ва буларнинг бари ярим ёввойи ҳолдаги ҳалқлар* ичидаги ҳам миллионлаб ёввойи чўпонларни ўз ҳукму-иродасига бўйсундириб, улардан дা�ҳшатли қўшинлар тузадиган даҳо зотлар туғилиши мумкин эканлигини исботлайди. Бундай зотлар Чингизхон ва Амир Темур унумсиз ерларда кўчманчилик қилиб юриб, ҳархил бахтсизликлар туфайли қашшоқлашадиган ва турли ноchorликлар ҳамда кулфатларга кўниккан кўп сонли пролетариятни ҳосил қилувчи чорвадор ҳалқларнинг турмуш тарзи ва хусусиятларини қандай аниқ тушунган бўлсалар, шундай яхши тушунадилар. Фақатгина чорвачилик талабларини қондира олмайдилар. Яхши ўтлоқлар ва ўлжаларни қўлга киритишнинг йўли уруш эканини кўрсатиб бериб, уларни босқинчиликка жалб қилиш, кўчманчилик хусусиятларидан фойдаланиб эса уларни ажойиб ва интизомли жангчилар қилиб етиштириш осон ишдир. Шунда бундай ҳалқлар йўртасида битта йирик жамиятни юзага келтиришигина етарли бўладики, бунинг натижасида бошқа барча жамиятлар унинг теварагида жисплашадилар ҳамда шу йўл билан уларнинг қўл етмас даштларида қудратли бир ҳалқ юзага келади ва бу пайтда ундан истилолар учун лашкарни ажратиб олиш осон бир иш бўлади.

Бундай даҳшатли кучларга йўлбошчилик қилиб Чингизхон ва Амир Темур — Тангри ўз иродасини адо эттириш учун юборған бу саркардалар — асосан ҳарбий санъатни ўргандилар ва фақат уруш ҳақида ўй сурдилар ҳамда ўз ғалабаларининг муваффақиятидан кўзлари қамашиб, кўр, тизгинсиз истибдодни яратдиларки, бу истибдод уларнинг ноқобил авлодлари қўлида мазкур даҳолар яратган барча нарсаларни тез вайрон қилувчи бир қуролга айланди**.

Шу ўринда савол туғилади: инсоният бундай истило-

* 172-бетдаги муҳаррирлар муроҷааси бу ўринга ҳам тааллуклинидир (*муҳarr.*).

** Амир Темур ва унинг авлоди буюк бир маданий ривожга улкан ҳисса қўшганиларидан муаллиф кўз юммоқла (*муҳarr.*).

чилардан қутулиши мумкинми? Келажак албатта Тангрининг қўлида ва афтидан, яқин келажакда Чингизхон ҳамда Амир Темур каби фотиҳларнинг пайдо бўлиши мумкин эмас. Ўрта Осиё унинг халқларини ягона бир жамиятга бирлашишга қўймайдиган воситаларга эга бўлган икки кучли давлатнинг тасарруфида ёки таъсири остидадир. Хитойнинг моҳирона ва айёр сиёсати Ўрта Осиёнинг шарқий қисмини ўз қўлларида тутиб туритти (Хитойдаги янги ислоҳотларни ва у ерда мунтазам қўшин тузилганлигини ҳисобга олганда у ички ғалаёнларни бостира олишига умид қиласа бўлади). Ўрта Осиёнинг қолган қисми қисман бизнинг тасарруфимизда, қисма ёса таъсиrimiz остидадир. Агар бу икки давлат соғлом сиёсат юргизса ва Ўрта Осиё ҳукмдорлари ўртасидаги истилочилик ниятларини бостириш учун аҳиллик билан ҳаракат қиласа, у ҳолда Осиё узоқ вақтгача қонли ларзалардан ҳоли бўлиши мумкин. Худди шунингдек, Англия ҳам жанубдан ҳаракат қилиб бу ишда қатнашиши мумкин, чунки Ҳиндистон ҳамиша истилочилар учун лаззатли луқма бўлиб келганлиги туфайли Англиянинг хусусий маnфаатлари Ўрта Осиёда кучли ерлик давлат юзага келишнга йўл қўймаслик, бунинг учун ёса Ўрта Осиё халқларини янги такомиллашган қуроляроғ билан таъминламаслик лозимлигини кўрсатиб туритти. Ҳабашистондаги уруш ва ашантийлар билан бўлган уруш ортиқча қийинчиликларни бартараф этиш лозимлигини кўрсатди ва агарда мазкур халқлар такомиллашган қуролларга эга бўлганларида балки ҳатто урушни бутунлай бой бериш ҳам мумкин эди.

Аммо инсон ҳамиша ҳам соғлом фикр ва соғлом сиёсатга амал қилавермайди-да! Биз тарихдан шуни кўриб туримизки, қанча-қанча давлатлар ёки партиялар шафқатсиз курашларда эҳтиросга берилиб кетиб, соғлом сиёсат ва ақл-идрокка қарама-қарши бориб, ўзларига кўмакка шундай иттифоқчиларни чақирадиларки, улар тез орада ўз қудратларини ҳис қилиб иттифоқчидан ҳукмдорга айланадилар. Ўт очувчи қуролларнинг такомиллашуви қаерга бориб тақалади, арzonлашуви туфайли унга бой бўлмаган халқларнинг ҳам қурби етадиган бўлиб қоладими ё йўқми ва шундай бўлгаган тақдирда Ўрта Осиё цивилизацияси қаёққа қараб йўналади — буни биз билмаймиз. Аммо биз тарихдан мӯғулларга маълум даражадаги маданиятнинг, эҳтимол, аввал ғарбдан чиққан христиан — несторианлар томонидан*, сўнгра ёса, хитойликлар томонидан берилиши Чингизхон каби даҳо бир зотга бор-йўғи

* Бу эҳтимолдан жуда йироқ бўлган фикр (*муҳарр.*).

40—50 йил мобайнида ҳеч бир халқ қарши тура олмайдиган қудратли империяни тузишга имкон берганини кўриб турибмиз.

Бир ярим аср ўтгач, худди ўша ярим маълумотли Урта Осиё халқларидан бошқа бир даҳо — Темурбек ёки Амир Темур етишиб чиқдикни, у ўзининг истилочилик ҳаракатлари учун Чингизхон сиёсатига қарама-қарши бўлган элементни — мусулмон мутаассиблигини танлаб олди ва эҳтимол шу мутаассиблик тазиики остида Урта Осиёнинг барча христиан жамоалари Ислом динини қабул қилишга мажбур бўлдилар ёки қириб ташландилар. Бу мутаассиблик кўмагида эса мазкур ҳарбий даҳо тузган лашкари 35 йил мобайнида Чингизийлар эгаллаган ерларнинг 3/4 қисмини унинг ҳукмига бўйсундирди.

Хуллас, келажакда Урта Осиёдан Осиё ва Европага тарқовчи юқорида баён қилинганга ўхшаш ларзаларнинг юзага келиши мумкин ё мумкин эмаслигини олдиндан башорат қилишда инсон онги заифлик қиласди. Кичкинагина жамиятдан оқибатда қудратли давлат юзага келишини олдиндан кўра билиш мушкул эканлиги Рим, Англия ва Россия мисолида кўринади. Масалан, нақадар яширин, нақадар изчил ва нақадар собиқ даҳшатли ҳукмдорларимиз — Олтин Урда хонлари кўзига сезилмас тарзда Москва князлари кўринишдан энг арзимас воситалар билан ҳозирда қудратли бўлган Россия давлатининг тамал тошини қўй олдилар! Аммо бу ҳодиса ҳали кам ўрганилди ва маҳсус таҳлилни талаб қиласди.

Инсоният баҳти ва манфаатлари учун биз юқорида баён қилганимизга ўхшаш босқинчилар даври бошқа таҳорланмаслигини тилаб қолишимиз керак.

ИЗОХЛАР

¹ Масалан, Хитойнинг пойтахти Пекин мўгуллар томонидан Кембелниң деб аталарди, Ўрол (Ейиқ) дарёси аввал Тиқ деб, Амур дарёси — Ўрхун-Мурун дейиларди. Хитой тилидаги Тотон авлоди биз томонимиздан татар деб ўзгартирилган бўлиши эҳтимол, чунки хитойликлар «р» ҳарфини талаффуз қилмайдилар. Шаҳар, дарё ва бошқа ерларнинг хитойча номи европалик ёзувчилар томонидан ишлатилганда ҳам янгилишишга олиб келиши мумкин. Масалан Д'Оссон хитойларнинг жанубий талаффузи бўйича ёса, Иакинф шамолий талаффуз бўйича ёзади. Шу туфайли қуидагича фарқлар келиб чиқсан:

Д'Оссон бўйича:

Тонг-Куан қальаси
Тау-Тон тоғлари
Тонг-Шеу тоғлари
Кин тоғлари

Иакинф бўйича:

Тхун-Гуан қальаси
Датхун-фу тоғлари
Дин-чжеу тоғлари
Гин тоғлари.

² Хитойлар ҳарбий санъатининг тавсифи хитойлик ҳарбий ёзувчиларнинг маслаҳатлар шаклида ёзилган асрларидан кўчириб олниди. Лекин, бу ёзувчилар бир пайтнинг ўзида қўшин бошлиги ҳам бўлганликлари учун уларнинг таклифлари фақатгиша назария бўлиб қолмасдан, балки амалда ҳам қўлланилган эди. Бу ёзувчилар Сун Даи, У Даи ва Си Ма.

³ Махфий топшириқлар ва кечаси тўсатдан қилинадиган ҳужумлар учун хитойликлар жуда ғалати усул қўллардилар. Жангчилар бўйинларига юк шаклида ишланган латта тўпини осиб олишар, бунда ў ярмигача одам оғзига кириши мумкин бўлиши керак эди. Агар кимгадир қандайдир махфий топшириқ берилган бўлса, у ўша латта тўпини маълум шаклда оғзига тиқиб олиб, йўлга тушар, шунда уни кўрганларнинг уни сўроқ қилишга ҳам, тўхтатишга ҳам ҳақлари бўлмас эди. Қўққисдан қилинадиган тунгти ҳужумлар олдидан қўшинлар ҳам оғизларига шундай тўпни тиқиб олишар, бундан мақсад товуш чиқармаслик бўлиб, отларга ҳам кишнамасликлари учун махсус юган кийдиришарди. Худди шу каби усуулларни мўгуллар ҳам қўққисдан бўладиган ҳужумларда қўллаганликлари ҳақида уларнинг ҳарбий фАОЛияти тарихики баён қуловчи асарларда жуда кўп ёзилган.

⁴ Кун Мин ҳаракатлари ҳақидаги ағсанавий ривоятлар ҳанузгача мұғуллар хотирасыда сақланып қолған. Тимковскийнинг 1820 йыл Хитойга қылған саёдати пайтида бир мұғул мансабдорининг ҳисек қи-лишича Кун Мин душман унинг ватанига бостириб кириши билан душман құшының үтадиган йұлға тошдан ясалған одамның құйыб, уннің бир құлиға варақларига зағар суртилған китоб, иккінчи құлиға еса қылғыч тутқазышни буюрады. Мана шу құшың йұлбошчиси тош одам құлдыратын китобни күріб, уни үқишиң тушар, китоб мазмұның қызықаралы бұлғанын учун уннің варақларини очар, варақлаш учун бармөқла-рини тиін билан ҳұллар, буннің натижасыда зағар уннің танаасына таъсирінің үтказа бошлар эди. Буни сезіб қолған йұлбошчи тош одамдан нари кетмоқчы бұлар, лекин тош одам этапига үрнатылған маг-нит уннің совутини үзиге тортар, бундан газабланған йұлбошчи уннің иккінчи құлда бұлған қылғычны олиб үнга зарба уарді. Шунда зарба уришдан ҳосил бұлған учқун натижасыда тош одам ичіда бұлған тез ёнувчи молда үт олар ва қаттық портлаш юз берар, буннің на-тижасыда йұлбошчи ҳалок бұлар эди. Үз бошлиғининг тұстадан ҳа-лок бұлышидан саросымага түшгән құшың орқасында қайтишга мажбур бұларды.

⁵ Хитойліклар ётвойи халқларни жиловлаш ва хұлқ-атворларнің юмшатын учун ularни хитой талинга, мусиқасында ҳамда хитойча қий-ништа үргатын фойдалы деб қосблайдылар.

⁶ Чингизхон ҳамиша үзи билән бир неча хитой олимнин олиб юр-ған.

⁷ Хитойда шимолда яшаган әнг қучли халқ тотонлар деб аталған, ular Хингон тиэмаларидан то Үрхун даресига қадар бұлған ерларда құчиб юрганлар, ҳамда Мұғул, Керонт, Тойчут (Тойжут, Тойчиут) ва Татарлар бұлмиш түртта қабиладан ташкил топғанлар.

⁸ 966 йылда тотонлар авлоди (аймоги) Хитойга үлпон тұлаган. Лекин 1139 йылда мұғуллар хитойлікларни төр-мор қылғаннан ва 1147 йылдагы тинчлик ҳақидаги сұлҳан сүңг ular әнді (нююжилар құкмронлик қылаёттан) хитойліклардан соғалар талаб қила бошла-дилар.

⁹ Мұғуллар Бобо номла құшни (бойқуш бұлиши әхтимол) жуда әтөзөлар әдилар. Бунга сабаб қуйидаги воқеа бұлған: Чингизхон құ-шының мағлубиятта учрағаннан кейин мана шу құш үтирган бута ор-қасыга яшірініб олади. Ұлғанларни шишиш ва тирик қолғанларни үлдіриш учун қидириб юрган душман жангиләридан бири бу құш-ни құриши билан: бу құш үтирган ерда одам зоти бұлиши мүмкін әмас, дейді. Шундан сүңг ular қидирудын тұхтатыб нари кетадилар. Мана шу ҳол Чингизхонни сақлад қолади ва тун яқиналашиши билан у яшірінади.

Мұғуллар (Гориах қабиласы минниб юрадылар) оқ отларни ҳам ҳурмат қиласылар. Улар Чингизден 28 августда зришган ғалабасыда кеттә роль үйнаган әдилар. Шуннің учун мана шу күни оқ отлардан соғыб олинадылар қимиз миннатдорчылықни ифодаловчи қурбонлик

сифатида ерга тўкиб юборилар, бу куни шу отлардан сориб олинган қимизни фақатгина хон оиласи ва горнах қабиласига мансуб кишиларгина ичишлари мумкин эди. Майнинг 9-чи куни улар ўз уюрларидан оқ бияларни ажратиб олиб, қурбонлик кўринишида улардан олинган қимизни ерга тўкишар, кейин эса базм бошлашар, бунда руҳонийлар тиловат қилишар, христиан руҳонийлари эса хушбўй смола туатиб, сув пуркашар эдилар.

¹⁰ Бу жангда Темучин қўшинлари 13 қисмга бўлиниб, бирин-кетин жангта кириша бошладилар. Шунинг учун мўғулларни донмо ғалаба қозононгга олиб келган ҳарбий тартиб мана шу жангда жорий этилган бўлиши эҳтимол.

¹¹ Ўйғурлар мўғул уругидан пайдо бўлиб, лекин қўшни туркий қабилалар билан чатишиб кетгандар ва улардан кўп нарсаларни қабул қилиб олганлар. Мўғул тилида ҳам кўплаб туркий сўздар мавжуд. Шарқий Туркистон аҳолиси ўзларини туркийлар деб атайдилар.

¹² Ўрта Осиёда бундай ҳол Чингизхон ва Амир Темур авлодларини қувғин қилинганидан кейин* ўзбеклар, қозоқлар ва туркманлар брасида биз Ўрта Осиёда устунлик қилгунимизга қадар давом этиб келди. Агар бу иккى истилочининг тасири фақат Ўрта Осиё билан чекланганда эди, улар инсон уруғининг валинеъмати бўлиб қолардилар.

¹³ Унинг авлодлари ҳам савдо, хавфсизлик ва алоқа қулайликдаги ҳомийлик қиласидилар. Масалан, Хива билан Крим орасидаги йўллар шунчалик яхши муҳофазаланган эдик. Хивадан Кримгача бўлган Зойлик масофани ҳеч қандай хавф-хатарсиз босиб ўтиш мумкин эди. Бу йўл давомида тамадди қилиш учун озиқ-овқат олицининг ҳам ҳожати йўқ эди, чунки озиқ-овқатни йўл давомида бўлган меҳмонхоналардан олиш мумкин эди.

¹⁴ Бир куни Чингизхон ўз фарзандларига ўзи ишонган қўшин бошлиқларини таништираётib шундай деган: агар қачонлардир улар айбли иш қилиб қўйсалар уларни жазолашга шошманглар. Сизлар ёшсизлар, улар эса обрў-эътиборга эга кишилар. Жазолаш керак-йўклигини мендан сўранглар, агар мен йўқ бўлсанам, умумий маслаҳатдан сўнг фақатгина қонунга асосланиб жазоланглар. Жиноятни очишга ҳаракат қилинглар, уларнинг ўзлари айбларига икрор бўлишсин ҳамда жазо жаҳл устида ноҳақ берилмасдан, қонунга биноан берилганини кўрсинглар.

¹⁵ Қўшиндаги шу каби бўлиниш бизда ҳам мавжуд бўлиб, мўғуллардан олинган бўлиши эҳтимол. Бундай бўлиниш Буюк Пётрга қадар мавжуд бўлиб, халқнинг ерга ва омочга қараб солиқ ва ҳажбуряятларининг тақсимланишига боғлиқ бўлмаган. Аҳолининг ўнлик, юзлик ва мингликларга бўлиниши Хитойда ҳам мавжуд.

* Бу изоҳнинг ўзи изоҳ талабдир. Муаллиф негадир билиб ё билмай «Темур авлоди қувғин қилинганидан кейин» дейди. Бу ниҳоятда мунозаралидир (*муҳарр*).

¹⁶ Шуннингдек, мұғуллар ўз қабиладошларидан хизматкорларга әга бўлишлари ҳам мумкин эмас эди.

¹⁷ Бу қарор фитна уюшириш ва гуруҳлар тузишнинг ёки эҳтиёж туфайли бошқа ҳукмдорларга мурожаат қилишнинг олдини олиш учун чиқарилган бўлса керак.

¹⁸ Элак иккى хил вазифани, яъни лойка сувни қўйқалардан то-залаф тиндириш ва ун элаш вазифаларини бажариши мумкин эди. Мұғуллар ўтрок ҳалқлар билан бўлган урушларда даладан ғаллани те-риб олиб уни янчашар, унни эса қўшин озиқланиши учун тарқатар-дилар. Улар ион ёпмасдилар, лекин русларнинг ҳамир овқатлари син-гари овқатлар тайёрлардилар. Бизнинг татар, бошқирд ва қозоқла-римнізда бундай таом ҳали ҳам тайёрланиб, салма деб аталади, улар-нинг бошқа овқати— буlamик ҳам сув ва ун қайнатмасидан иборат. эди.

¹⁹ Солиқнинг бир қисми камбағалларга улашиш учун ажратилар эди.

²⁰ Улар чодир ва ўтовларни қуриш ҳамда бузиш, юқ ортиш, мол-ларни боқишиш ва доказолар билан машғул бўлардилар. Мұғулларда кўпгина аёллар камондан отишни ҳам ўрганар эдилар.

²¹ Эҳтимол, бу мақсадларда у овқатга ишлатиш учун сўйилган молни оёқларини боғлаб, қорнини ёргандав сўнг уннинг қони оқиб кети-шини олдини олиш учун юрагини сиқиши буюрган. Бу қонун овқатга ишлатиш учун мўлжалланган молни маҳсус усул билан сўядиган му-сулмонларда норозиликлар келтириб чиқарган.

²² Одатда эр ўзига хотин сотиб олар, лекин у эрига бирничи ва иккичи даражада қариндошликда бўлмаслиги керак эди.

²³ Фарәз қилишларича уннинг қонунларининг катта қисми унга Чин-гизхон унвони берилган 1206 йилда чиққаи экан.

²⁴ Бу амалдорларнинг катта қисми ва уларнинг бу ерда таъриф-ланган хатти-ҳаракатлари учун мўлжалланган қондалар Ҳалокухон ва Амир Темур саройида ҳам мавжуд эди. Лекин кўчманчи ҳалқлардан ташкил топган катта қўшинлар учун мазкур штаб мансабдорлари ва уларнинг хатти-ҳаракатлари учун кўрсатмалар ўта муҳим эканли-гини ҳисобса оладиган бўлсак, унда булар Чингизхон даврида ҳам бор бўлиб, лекин бошқа номлар билан аталган ва ҳаракат доиралари ҳам бир қадар бошқачароқ бўлганига шубҳа йўқ.

²⁵ Олтин Ўрда ҳонлари бизнинг (рус) руҳонийларни ҳам солиқ тўлашдан озод этган эдилар.

²⁶ Мұғулларнинг ҳозирги қонунлари Чингизхон қонунларига анча ўхшаш; эҳтимол, улар Есо қонунларидан олинган бўлиши мумкин. Балки Хитой ва Мұғулистонда ҳозир ҳам Есо қонуни нусхалари сақ-ланиб қолган бўлиши эҳтимол.

²⁷ Уннинг давлат ишларига қылган зарарли таъсирини қўйидаги латифа исбот қилиб беради: Туркон Хотун ҳомийлиги натижасиде уннинг аввалги қароли Носириддин вазир даражасига кўтарилади. Му-ҳаммад ўз онасининг эркатоий бўлган у кишини ёқтирас, чунки у

эгаллаб турган лавозимига лойиқ фазилатларга эга эмас, боз устига порахўр бўлиб, мансаб сотиши билан шуғулланарди. Бар кунни Муҳаммад Нишопурга келиб, бу шаҳарнинг қозини сифатида Жанд шаҳрилик Садриддин тайинлайди. У Садриддинга вазирга совға-салом бермаслини тайинлайди, чунки бу ўринни унга вазир эмас балки сultonнинг ўзи берган эди. Лекин вазирининг малайлари қозига агар бош вазирга илтифот кўрсатмаса уни кўнгилсизликлар кутаётганини айтишади. Хавотирга тушган қози мингта олтин тавга тўлдирилган сўрғичланган ҳамённи вазирга бериш учун ошиқади. Носириддин ҳаракатларини кузатиб турган, бўлган воқеадан хабар топган Муҳаммад қозини мансабидан четлаштириб, уни пана қилиб турган вазир чодирини майдалаб ташлаб, вазирга эса ўз ҳомийси ҳузурига қайтиб боришини буоради.

Носириддин Хоразмга қайтиб кетади. Йўл давомида у ўзига одамларни вазир сифатида иззат-икром қилишларини буоради, турли ишларни ҳал қиласди, лекин ҳеч ким унинг мансабдан четлаштирилганини эслатиб қўйишга ботина олмайди. Туркон Хотун уни Хоразмни улуш сифатида олган набираларининг бирига вазир сифатида тайинлайди. Порахўрликка одатланган вазир бу ерда ҳам хазиначилардан бирини унга катта миқдорда пул беришга мажбур этади. Носириддин ўз мансабини сунстельмол қылганини эшитган Муҳаммад газабланиб бир зобитга Носириддиннинг бошчини олиб келишни буоради. Бу бўйруқдан ўз вақтида хабар топган Туркон Хотун ўша зобитга Носириддин бошчилик қилаётган девон мажлисига етиб келишни буориб, қўйидаги сўзлар билан вазирни қутлашни буоради: «Менинг сендан бошқа вазирим йўқ, ўз вазифангни адо этишини давом эттиравер. Салтанатда ҳеч ким сенга қулоқ солмасликка ва сенинг ҳокимиятнингни тан олмасликка ботина олмайди». «Шундан сўнг Носириддин давлат ишларига аввалгилик ўз таъсирини кўрсата бошлади. Қанча-қанча шоҳларни қирган ва таҳқирлай олган бечора Муҳаммад эса ўз қулини жазолашга ҳам қурби етмади. Лекин Чингизхонда бундай эмас эди. Пекинни қўлта олишда хувнлар императори бойликларини учта мўғул амалдорларига топшираётган хазиначилар уларга баъзи буюмларин совға сифатида олишни тақлиф этадилар. Улардан икки киши совғаларни олишга жазм этадилар. Бундан хабардор бўлган Чингизхон император бойликлари фақатгина хонга тегишли деб, икки амалдорни қаттиқ жазолашни буоради.

²⁸ Бошқа маълумотларга қараганда карвон сulton фуқароларидан бўлмиш тўрт кишидан иборат бўлган. Лекин бу маълумот ҳақиқатдан узоқдир. Уйлашимизча айёр Чингизхон ўзи юборган савдогарлар тақдирини олдиндан билган, уларни талон-тарож қилиниши ёки ўлдирилишидан унинг ҳамма қариндош ва аъёнлари ҳақоратланиши, ўз навбатида қурултойда улар уруш бошлашга қаршиликсиз рози бўлишларини куттган эди.

²⁹ Чингизхон ўз қўшинларининг ирим-чиrimларга ишонишидан фойдалана олар, ғайритабиий кучларнинг ҳомийлик қилишига уларни

ишонтирар, қатый қонувлар, одамларни таілдай билиш, жаңғынлар-нинг ўлжа олиш ҳисобига бойиб бориши — буларнинг ҳаммаси унинг бессөзчилік ияяларига кетта таъсир күрсатади.

³⁰ Құшын ва Самарқанд ақолиси сочининг бунчалик катта қилиб күрсатылғанынг ўша уруш тарихчилари юздани мингта ва ҳоказе рашыда ошириб күрсатылғанларини күрсатади.

³¹ Гарчи Чингизхон ва Амир Темур ўз башоратчиларига эга бўлсаларда, лекин уларда ҳам Юнонистон ва Римнинг буюк лашкарбошлиридаги каби башорат жаңғыларда жасурлик уйғотиш учун қўлланиларди. Бундай хусусиятга эга лашкарбошилар, яхши ўйлаб тузишган режани амалга ошира олиш санъати ва жасурлик энг баҳти башорат эканлигини тушунардилар. Ҳалокухон (1262 йил) Бағдодга боришини мўлжаллаётган пайтда Аббосийлар тарафдори бўлмиш унинг раммоли юлдузлар жойлашиши ноқулай, шунинг учун у Аббосийларга қарши ҳужум бошласа унинг отлари ҳалок бўлишини, қўшин орасида касаллик тарқалишини, қуёш бошқа нур ва иссиқлик бермаслигини, ёмғир ёғмаслигини, ҳалокатли қаттиқ шамол бўлишини, ер қўмирлаши натижасида ер ёрилишини, ер ҳосилдорлик кучини йўқотиб, Ҳалокухон ўша йили ўлишини айтган эди. Шунда, Ҳалокухон Али мазҳабига тегишили бошқа раммолни таклиф қиласди. Раммол ўзидан аввалги айтилган башорат амалга ошиаслигини, Бағдод эса қўлгар олинишини айтади. Ҳалокухон иккичи башоратга амал қилиб, мўғуллар фақаттана муваффақият келтирувчи башоратлар талаб қилишини амалда исботлади.

³² У аввал қишлоқда, кейин эса изларини ва турган жойини яшириш мақсадида оролда яшагани шубҳасиз. Акс ҳолда асосий мақсади Султонни қўлга олиш бўлган, айни шу мақсадларда Жебе ва Субутойни юборган бу мард ва иш билармон босқинчилар уни оролда қўлга олиш воситаларини топа олмаганларига ишониш қийин. Астробод уларнинг қўлларида бўлган. Улар Астробод ёки Каспий денгизининг бошқа қирғоқларида кема топа олишлари ёки уни ўзлари ясай олишлари мумкин эди. Шунинг учун Д'Оссон ўз ҳикояснда ноақиқлик ва хатога йўл қўйган бўлиши керак.

³³ Бошқа маълумотларга ҳараганда ўша пайтда Ҳалолиддин отаси ёнида бўлмаган. Лекин у аввал отаси ёнида бўлиб, унинг ўлмишга бир неча ой қолганида (1220 йилнинг охириларида) кетган бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас. Чунки Муҳаммад ўлган куни (1221 йил 10 февральда) Ҳалолиддин Хоразмдан яширин равища чиқиб кетган эди.

³⁴ Бу ерда Д'Оссон зиддиятга йўл қўйган. Урганч (Д'Оссонда Курганж) Орол дengизига қуюловчи Жайхун дарёсининг иккичи қирғозида жойлашганлигини таърифлаб, ўз асарига илова тарқасида берилган харитада у Жайхун дарёсининг Каспий дengизига қуюловчи тармоғида жойлашган деб күрсатган. Қадимий Урганч харобалари ҳақиқатан ҳам Жайхуннинг хозирда Шарқровуқ деб аталувчи ўша тармоқда ётибди. Унинг кенглиги 60 саржинга тенг бўлиб, бундай тармоқда доимий кўприк бўлиши ажабланарли эмас. Лекин Жай-

хўнни Хива ерларидан Миср ўрталаридан Нил дарёси каби кенг ва тез оқувчи қисмида кўпприк бўлишини фараз қилиш мумкин эмас. Хива хони Абулғозий ўз халқи тарихини яхшироқ билса керак. Унинг ёзишича, 3000 жангчига зга мўгуллар қўшини қамал бошида эмас балки 7 ой ўтганидан сўнг юборилган, уларнинг мақсади кўпприки эгаллаш бўлмай, балки Жайхун (ҳозирги Шарқровуқ) дарёси сувларини бошига тарафга буриб юбориш бўлган. Урганч аҳолиси эса уларга қарши катта қўшини юбориб, мўгуллар қўшинини қириб ташлаган экан. Хоразмийдада бу пайтларда савдо ривожланган бўлиб, унда Урганичдан ташқари бошқа шаҳарлар ҳам бор эди. Лекин уларни олиниши ҳақида ҳеч нарса маълум эмас. Жайхуннинг қути қисмида қамиш ва буталар ўсиб кетган, ирмоқ ва кўлчалар кўп бўлиб мўгул отлиқ аскарлари ҳаракат қилиши учун жуда ноқулай эди. Шунинг учун бу ерга беркиниб олган маҳаллий аҳоли қамал қилувчиларни безовта қилиб турганига шубҳа йўқ. Бу ҳақда ҳеч қаерда гапирилмаганидан Хоразмийнинг босиб олиниш тарихи тўлиқ эмас, деб ҳулоса қилсак бўлади.

³⁵ Улар ўз ташаббусларини амалга оширишларида бу ҳол тўсиқ бўла олмас эди. Бадавлат Бағдод шахри уларга ажойиб ўлжа бўлганни учун улар шаҳарга бошқа тарафдан кириб бориш йўлларини топишлари мумкин эди. Эҳтимол, Чингизхон Муҳаммад империясига кириб боришга даъват қилган халифага раҳм қилган бўлниши (у керак бўлиб қолганда мусулмонлар фанатизмини аланга олдириши мумкин ёди) ва у билан урушдан олдин бўлган алоқасини беркитиш мақсадида ўз лашкарбошиларига халифа ерларига фақатгина хўжакўрсинга таҳдид қилиб туришини буорган бўлиши керак.

³⁶ Бу бизнинг йилномаларимизда кўрсатилган сана. Хитойлик ва мусулмон тарихчиларининг айтишича бу жанг 1223 йил бўлиб ўтган. Абулғозийнинг ёзишича Субутой Чингизхон билан Буюк Бухоро чегараларида бирлашган экан. Д'Оссоннинг айтишича Чингизхон бу ерда 1224 йилининг баҳорида бўлган.

³⁷ Қозонлик профессор Эрдманнинг ҳисобига кўра уларнинг сони 230 000 кишидан иборат эди. Уларнинг 101 минги марказни, 47 минги ўнг қанотни, 52 минги сўл қанотни ташкил этиб, Чингизхон ва унинг яқин қарнидошлари шахсий қўшинлари (шахсий соқчилари) 30 000 жангчидан иборат бўлган. Улар ўз навбатида резерв ролини ҳам йўнаганилар.

³⁸ 1226-йил Чингизхон, 1230 йилда эса Угадай лашкарбошилари дамма хитойликларни қириб ташлашни ва уларнинг ерларидан кўчманчилик қилишини таклиф қилган эдилар. Елу Чусой Чингизхон ва Угадайни бу ниятдан қайтаришга эришиди. У давлат солнги, почта хизмати, сарой маросимлари тўғрисида баъзи тадбирларни ишлаб чиқди. 1231 йил сенат ташкил этилганидан сўнг эса унинг ранси лавозимига тайналанди.

³⁹ Кострома йилномаларида айтишича, мўгуллар кетганидан сўнг рязанлик инз Игор Игоревич Воронеж дарёси бўйлаб Ботухон буйруғига биноан шу дарё яқинидаги бошқа жангчилар билан бирга-

ликда ўлдирилган рязанлик княз Федор Георгиевич мурдасини қидириб юрган. Лекин княз жанг пайтида ўлдирилганни ёки асирга олинганидан кейин ўлдирганими, буниси айтимаган.

⁴⁰ Ботухон рязанлик князлардан оқ, қора, кул ранг, қизғаш ва چавкар отлар талаб қиласы. Оддий фойдаланышда отлар даражасыга қараб талаб қилинарды. Лекин мұғуллар отлар рангига жиддий әътибор беришар, буниңг сабаби шүндаки, асосан отлиқлардан ташкил тоңсан мұғул құшынларининг түрли қисмлари отларнинг рангига қараб түзиларды. Бу ҳол отларин әйловлардан түпласш, ҳамда қисмларни жанг пайтида ажратиш мүмкін бўлиши учун қулай эди.

⁴¹ Чингизхон Мұхаммад билан бўлган урушда худди шу каби ҳаракат қылган, яъни Сайхундан аввал Бухорога йўналиб, сўнгра Самарқанд томон юрган эди.

⁴² Торжокни қўлга киритган қисм ўша пайтининг ўзида жанубдан келаётган мадад кучлари ва новгородликларни кузатиб туриши, Георгий Новгородга чекинган тақдирда уннинг орқа тарафига қараб ҳаракат қилиши мумкин эди. Ийлномядаги маълумот, вақт ва шароитни идрок қилиб, Сити дарёси яқинидаги турған Георгийга қарши Ботухоннинг лашкарбошиси Бўрундои Сошқиянигидаги мұғуллар қисмни турган бўлиб, Ботухоннинг ўзи эса тўғри йўл бўйлаб Тверга юрган дейшимиз мумкин.

⁴³ Ушбу тузуклар мұғул тиљидаги (бу хато, аслида тўркий тиљда — *муҳарр.*) ёзилиб, форечага, ундан эса француз тилига таржима қилингандан шу тиљда 1787 йили Ланглес томенидан нашр этилган. Ушбу кўчирмалар Амир Темурнинг кенгаш мажлисларида айтган сўзлари, кўрсатма ва фармонларидан олисан бўлиб, котиблари томонидан ёзиб қолдирилган бўлиши өхтимол. Мана шу кўчирмалар уннинг вакиятномаси деб ном олган.

⁴⁴ Амир Темурнинг қудратта кирган пайтида насабшунослар уннинг уругини Чингизхон авлодининг қўйи чизигидан келтириб чиқарган бўлишлари өхтимол. Гўёки Чингизхон аждодлари орасида Қобулхон ва Қочувли Баҳодир номли ака-укалар бўлиб, улар Қобулхон авлодлари хон таҳтига меросхўр бўлишини, Қочувли Баҳодир авлодлари эса бош вазирлик ва лашкарбошилик ўринларини эталлашлари ҳақида ўзаро келишиб олган эмишлар. Ака-укаларнинг юқори чизигидан, яъни Қобулхон ургидан Чингизхон, қўйи чизигидан эса Амир Темур дунёга келган экан. (Бу ҳақда тўлқироқ маълумот олиш учун «Темур тузукларига»га ва Шарафуддин Али Яздийнинг «Зафарнома» номли асарига мурожаат қилишининг мумкин (*муҳарр.*)).

⁴⁵ Боязидга қарши бўлган урушда кўп унвонга эга чигатойлик хон Маҳмуд ўз ўлжасини талон-тарож йўли билан қўлга киртиш учун бошқа ҳарбий саркардалар қаторида қўшин билан биргаликда юбориленган эди. Амир Темур Есо қонунинг риоя қилиб, ўз фармон ва ёрлиқларни бошига ҳукмронлик қилувчи хон номини ёзишини буюради.

⁴⁶ Амир Темур ўзининг тўнгич ўғли Жаҳонгирга 12000 от нархига тенг, бўлган маош тайинлаган. Амир Темурнинг бу ўғли 1375 йили вафот этганини инобатга олсак, унинг бу пайтда 100000 кишитлик қўшини бўлгани ҳақида хулоса қылсан бўлади.

⁴⁷ Бу хабарни олиб келган чопар Самарқанддан Шерозгача бўлган 2200 чақирим (1 чақирим — 1,06 км. га тенг) масофани 17 кунда босиб ўтади.

⁴⁸ Амир Темур ҳаракат қилган Бўрибоши тарафда қуйидаги жойлар қайд этилган: Топалик, Қароқ, Үрнак тоги, Ейкар суря (бу ерда сув бўлмагани учун қудуқлар қазишга тўғри келди, кейинроқ эса, ёз бўлса ҳам, муз ва қор билан қолланган водийга дуч келинди); У ердан Турғун ўтлоқ томон ҳаракат қилишди. Бу ерда Амир Темур Яғир ёли водийсида сайғоқ (ёввойи эшак) ови уюштириди; у ердан Ўлон Ерлиқ текислигига ва Шепар Яғир деган жойга келишди. Амир Темур бу ердан Анқотўрани таъқиб қилиш учун Ўронқиярга қисим юборди ва қолган қўшинин икки қисмга бўлди: уларнинг бир қисмини Қубоқ ва Қақамабуржин тарафга юборди. Анқотўрага қарши юборилган қисим уни тор-мор қилиб Антадиктор ёнида Амир Темурга келиб қўшилди. Қўшинининг Амир Темурнинг ўзи билан бораётган қисми Шира, Шебадту, Суйю, Мерғө, Қорачан, Бўвулағон ва Қорагужур томон йўл отди. Амир Темур бу ерда тўхтаб, Қубоқ томонга юборилган қўшинни топиш мақсадида махсус отлиқ бўлнима юборди. Бу тўхташ отларни ўтлатиш учун ҳам хизмат қилди. Юборилган қисмни асосан турли чорва молларидан иборат бўлган катта ўлжаларни қўлга киритиб қайтганилари туфайли Амир Темур тўхташ пайтида ўлжаларни зобит (офицер) лар ва паст узвонли жангчиларга бўлиб бериш билан машрут бўлди.

⁴⁹ Семипалатинск яқинида ҳам қадимий сарой ҳаробалари мавжуд; лекин Имал Ғужу жануброқда, Имал дарёси яқинида жойлашсан бўлиши керак.

⁵⁰ Амир Темур ўз хизматига душманларни ҳам жалб эта оларди. Асирга тушган Тўхтамишининг бош котиби, Илес Хожа Үглоннинг бош лашкарбошиси, Бекчикининг ўғли унинг хизматида эдилар. Ҳеч шубҳасиз, бу ўрдадан ҳам кўплаб кишилар унинг хизматида бўлиб, ўз ватанларидаги ҳолат ҳақида маълумот етказиб турганлар ва бу билан унга кўп наф келтирганлар.

⁵¹ Амир Темур бу қабилалар ерларига бир неча юришлар қилингга ва уларни барча тоғ йўлларида таъқиб қилишига қарамасдан, бу қабилаларни батамом қириб ташлай олмаган. Уларнинг Амир Темурга ва унинг авлодларига бўлган ўчлари авлоддан-авлодга ўтиб борди. Амир Темур авлодлари ўзаро низолар туфайли кучсизланниб қолганида ушбу қабилаларнинг ўчи олиши учун қулай шароит яралда (XV асрнинг иккинчи ярмида). Бу даврда Чингизийлар ва Темурийларнинг белоён салтанатлари парчаланиб кетган, ушбу хонлар сулоласига тегишли ҳокимиятлар ағдарилган, турли хил миллат ва элат вакилларидан иборат бўлган уларга тегишли қўшинлар тарқаб кетган

эди. Шуларнинг орасидаги руслар Волга, Дон ва Днепрнинг ўрта қисмларига бориб малоруссиялик (кейинчалик запорожъелик) донлик ва волгалик казакларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлдилар. Шарқ тарафда эса бу хонларнинг собиқ енгиз отлиқ аскарларидан иборат бошқа, катта қозоқлар жамоаси — яъни қирғизлар ўрдаси ташкил топди. Ундан ҳам шаркроқда, яъни 1389 йил Амир Темур қўшинлари шу ерларда кўчиб юрувчи қабилаларни қириб ташлаш учун борган ерларида (Олатов тоғлари, Иртишнинг юқори қисми ва Тиён-Шон тоғларидаги дараларда) қабилалар иккι-уч авлоддан сўнг кўпайганлар ва тахмин қилиш мумкинки, улар жамоа ва иттифоқларга бирлашгэнлар. Гарчи Амир Темур уларнинг бир қисмини қириб ташлаган. Чингизхон авлодига мансуб эслодалардан иборат бошқа катта қисмини эса ўзига оғдириб олган бўлса ҳам, бу жамоаларнинг кўп қисми мустақил бўлиб, улар ўзларини ўзбеклар, яъни ўзи-ўзига доқим ёки бек деб атшган. Қасос олиш ҳисси билан яшовчи бу ўзбеклар Мовароуннаҳдан Амир Темурнинг охириги авлоди бўлмиш машҳур Султон Бобурни қувғин қилиб, XV асрнинг охири ва XVI асрнинг бошларида ҳозирги Қўқон, Бухоро ва Хива хонликларини эгал маб олишди.

⁵² Шарафуддин Али Яздийнинг айтишича, грегориан оловининг таъсири жуда кучли бўлган. Унинг ҳикоя қилишича, 1402 йил Смирина шаҳрини ишғол қилиш пайтида, родослик рицарлар шаҳарга ёрдам беришга ошиқадилар. Лекин Амир Темур шаҳарни дengiz томондан қуршаб олиб, ёғочдан ясалган чорпоя ва соллар устига таҳтасупа ўрнатади, унинг устига эса иргитувчи қуроллар ва қалқон кўтарган жангчиларни жойлаштиради. Шу усул ёрдамида у фақаттина ёрдам берилишининг олдини олиб қолмасдан, балки гарнizon билан бўлган алоқани узib қўйишга эришди. Бундай ҳолатда родослик рицарларниң ҳарбий дengиз кемалари камон ва мажаниқдан отиладиган ўқлэр етиб кела олмайдиган масофада жойлашганлигини шубҳа ийқ. Шарафуддин Али Яздийнинг айтишига қараганда, Амир Темур шаҳарни олиш чоғида грегориан олови билан бирга ҳалок бўлган Смирина шаҳри ҳимоячиларининг бошларини ҳам родослик рицарлар кемаларига улоқтиришни буюрган, иргитиш кучи шу ҳадар кучли бўлганки, кўплаб узилган бошлар кемаларга бориб тушган.

⁵³ Боплан Украинани таърифлашда қrim-татарларнинг Польша ва Украина га босқинлари пайтида садоқларида 18 дан 20 тагача ўққа эга бўлганлар, дейди. Унинг қrim-татарларининг қурол-яроглари, юриш ва ҳаракатларини таърифлашидан, улар Чингизхон жорий эттак қонун-қоидалардан ҳанузгача фойдаланганларини кўреа бўлади.

⁵⁴ Унбоши сайлаш учун талаб қилинган биродарларининг розилиги ҳали ҳеч бир бошлиқнинг вазифасида бўлмаган, шу мансабга сайла наётган оддий жангчининг лаёкати ҳақида бошлиқлардан кўра ўз биродарларий яхшироқ билишларига асосланган эди. Ўз навбатида, биродарларининг розилиги билан унбошилик лавозимига сайлашда ха-

толикка йўл қўйиш эҳтимоли камроқ эди. Мўгулларда биринчи унвон бериш Буюк Петр жорий этган ҳарбий денгиз кучларидағи баъзи бир унвон олиш учун ўз номзодини қўйиш билан бир оз ўхшашроқ эди. Бизнинг қуруқликдаги қўшиналаримизда полковниккача бўлган унвон олиш учун авваллари хизматдош офицерларнинг кўтаришга лойиқ деган гувоҳликлари талаб қилинади.

⁵⁵ Итоат этаслик, қўрқоқлик, ҳарбий тартибни бузганлик учун Амир Темур ҳам Чингизхоннинг Ёсо қонунларига амал қилиб, бундай ҳарбийларни орқасига ва қорнига таёқ билан урдирад, ундан ташқари, қўрқоқларга аёллар кўйлаганинни кийдириб, икки юзига қизил бўёқ суртдирад, кейин эса ёшак думига боғлаб шаҳар кўчаларида сазойи қилишар эди.

⁵⁶ Ўнбошилар бизнинг унтер-офицерларимизга тўғри келарди. Уз навбатида у даврларда оддий жангчилар билан олни қўмондоларни боғлаб турувчи бу бўғиннинг муҳимилигини яхши тушунишар, шунинг учун ўнбошиларнинг оддий жангчилар олдидаги обрўсими анчагина кўтариб қўйишган эди. Бу ҳол ўнбошиларга маҳсус ўтоз ва дурустгина маош (10 та оддий жангчи маошибига тенг) тайинланганидан кўриниб турибди.

⁵⁷ Узга ерларда (Амир Темурга қадар) қўшиналарга донмий маош ҳам, ер ҳам берилмас, лекин улар ўлжа қўлга киритишида қатниашшар, тинчлик пайтларida эса, босиб олинган халқлардан бутун қўшин учун от, ҳўқиқ, қўй, эчки ва ҳоказолар кўринишида ўлпон олишар, шуларни ўз навбатида қашшоқлашиб қолган қўшини қисмларига бўлиб беришарди. XIV асрдан бошлаб Эрон хони Фозонхон қўшинга ер улашиб, маош тайинлашни жорий этди.

⁵⁸ Қўшиналар ҳарбий тартибда жойлашиш, душман чизиқларини ёриб ўтиш, ҳужум ва чекиниш учун маҳсус ўн иккита қоидага эга эдилар. Бу қоидаларнинг асл нусхаси сақланиб қолмаган. Амир Темурнинг галига қараганда, давлатларни босиб олиш шахмат ўйинидан бошқа нарса эмас. Бу билан у кундузи шуғулланар, кечалари эса бошқариш тадбирларини мулоҳаза қилиб чиқарди. Лекин Амир Темур кунлаб вақтини сарф қилаётган унинг шахмати ўзи томондан қаиф этилган бўлиб, сипохлар (қўшини исмлари) юришини, тўғрироғи қўшиналар эволюциясини тасвиirlар эди. Бинобарин, Амир Темурнинг шахмат ўйини энг янги ҳарбий ўйин эди.

⁵⁹ Бу қисмлар тенг эмаслигини қўйида кўриб чиқамиз. Лашкарнинг асосий қисми ёки резерв бутун лашкарнинг 1/4 қисмидан 1/2 қисмнигача ташкил этган бўлиши эҳтимол.

⁶⁰ Бу ерда серўт яйловлар назарда тутилган бўлиши керак.

⁶¹ Мадад беришнинг бундай тартиби фақатгина ҳарбий машҳуларда кузатиларди. Ҳақиқий жанг пайтида эса жангнинг боришига боғлиқ эди.

⁶² Кўриниб турибдики, бу халқларнинг бош байроғи жуда муҳим еҳамият касб этган. Байроқ чекиниш ёки мағлубият пайтида тўплашиш жойи бўлиб хизмат қиласар ҳамда бош қўмондан турған ерни

кўрсатар эди. Амир Темурнинг 1391 йил Тўхтамишга қарши қилған юришини таърифлаганда у жангнинг энг қизиган пайтида байроқнинг аҳамиятидан моҳирона фойдаланганлигини кўрамиз.

⁶³ Бундай ҳарбий тартибда Амир Темур ўғиллари, набиралари, қариндош-уруғлари ва иттилоғчилари бошчиллик қилувчи қўшинлардан ташқари 40 та бўлинма, жанговар чизикларда эса фақат 35 та бўлинма мавжуд эди. Кўплари катта-катта вилоятларга эга бўлган Амир Темурнинг ўғиллари, набиралари, қариндош ва иттилоғчилари кўп сонли қўшинга эга бўлиб, тарҳ (резерв) таркибига киргланлар ва демак, қўшиннинг тарҳи бутун қўшиннинг ярмидан кўпроғини ташкия этган бўлиши керак. Бу ерда қайд этилган бўлинмалар ҳам жангчилар сони жиҳатидан турлича бўлган бўлиши керак.

⁶⁴ Бундай жанговар тартиб Чингизхон томонидан киритилгани, ё Амир Темур томонидан кашф этилгани ёки фақат мукаммаллаштирилгани, буниси маълум эмас. Шуни биламизки, македонияликлар фалангасининг ҳам, юонклар ва римликлар сафининг ҳам, Аннибал сафиннинг ҳам бу тартибга ўхшаш жойи йўқ. Янги даврда Густав-Адольф ҳам, Людовик XIV саркардалари ҳам, Буюк Фридрих ҳам бундай саф ва жанг олиб бориш усуllibарини қўлламаганлар. Агар Амир Темур жанговар тартибларини ҳозирги даврдаги жангга сафлантирилган қўшин тартиби билан солишиурсак, енгил қўшинлардан тузиликкни чизик авангارد қанотларини бизнинг бошловчи ва фланкёрлар (ен томондан ҳимоя қилувчи ва ўқда тутувчилар) деб қабул қиласиган бўлсан, унда мўгулларнинг жанговар тартиби авангارد, бир ёки икки жанговар чизик ва резервдан ташкил топганини кўрамиз. Бинобарни, бундай тартиб ҳозирги — ҳамма Наполеон I кашф этган деб билувчи — ҳарбий тартиб билан ўхшашдир. Агар бундай тартиблар Лассининг ҳарбий соқчилар занжири (кордон) тартиби ва резервсиз зич сафлар (колонна) билан ҳаракат қилиш усулидан кейин киритилганини, Ланглеснинг Темурбек сиёсати ва урушлари ҳақидаги Амир Темурнинг жанговар тартиблари баён этилган китоби 1787 йилда француз тилида чол этилганини, Мисрга, у ердан Туркия ва Эронга, ундан кейин эса Хиндиистонга юриш қилишни режалаштирган, бунинг учун мўгуллар, араблар ва Искандар Зулқарнайнинг Осиёга қилған юришларини ўрганиши керак бўлган Наполеон бу китобни ўқимаган бўлиши мумкин эмаслигни инобатга оладиган бўлсан, у ўзи жорий этган ҳозирги жанговар тартибларни Амир Темур қоидадаридан ўзлаштириб олганининг, истеъододли саркарда бўлгани учун ушбу тартибларни замонавий қурол-яроғларга мослаштирганлигининг бенхтиёр гувоҳи бўламиз.

⁶⁵ Фарсанг деб бизнинг 7—8 чақиримимизга ёки немисларнинг бир милясига тўғри келадиган масофа қабул қилинган. Уни 1 соат ичидан отда ўртача тезлик билан юрганда босиб ўтиладиган масофа билан белгилашарди.

⁶⁶ Ушбу баён Бопландан олинди.

⁶⁷ Кўрик чоғида татарлар байроқ кўтариб, тўрттадан отлиқ жой-

лашган сафда икки колонна бўлиб хон ёнидан ўтардилар. Ҳар бир қисм олдида бошлиқлар ўз аъёнлари билан борар, ҳар бир вилоят уруғ, қабила, аймоқ махсус рангли байроққа эга эди Пайғамбар байроғини Амир олиб юради. У яшил рангли аланталар билан кузатиб борилар (байроқ турган ерни кечаси кўриш мумкин бўлиши учун шундай қилинган бўлса керак) ва қўшиниларнинг орқасида жойлашарди.

⁶⁸ Бундан биринчи мўғул босқинчилари ва Амир Темур жангчилари қўшимча олнинган отларини душманга яқинлашишлари билан аравалар карвони қаторига топширишлари шарт эди, деб хулоса қилса бўлади.

⁶⁹ Бу белги «маёқ» деб аталиб, бизнинг казакларимиз төмонидан ҳам қўлланилади. Ушбу белгини қирғизлар ҳам қўллашади.

⁷⁰ Бу ҳол татарларда жангни бошловчи қанот чап қаноғ эканлинин тасдиқлайди, чунки ҳар бир отлиқ чап тарафдан ўнг тарафга қараб шундай жойлашиши керак эдни, бунда камондан ўқ узаётган жангчи қўшини жангчига ҳалал бермаслиги керак эди.

⁷¹ Кулогини ерга бериб ётган ёки шамолга қарши тұрган мўғул қайси томонда, қанча саржин масофада отлар юриб ёки югурниб келдайтишнини, уларнинг сочини айтиб берниши мумкин.

⁷² Бу ҳол асримизнинг ўттизинчи йилларнга тааллуқлидир.

⁷³ Оренбург чегара чизигида баранта (молларни ҳайдаб кетиш) учун энг қулаг фасл куз ҳисобланган. Бу лайтда қирғизлар қоронги кечалардан фойдалана олишар, уларнинг чопқир отлари куз ойнда жисмонан бақувват ҳолда бўлар эди.

⁷⁴ Казакларнинг айтишича, об-ҳаво осойишта пайтида қирғизлар (қозоқлар) отларни дарёнинг соқчи пости жойлашган қуйи қисмидан олиб ўтишга ҳаракат қилардилар. Бунинг сабаби шундаки, отлар уюрининг сузишидан чиқадиган шовқин дарёнинг қуйи қисмидаги юқори қисмидагига қараганда пастроқ эшитилади.

⁷⁵ Бу ерда фактагина бир уруғга мансуб ҳалқлар ҳақида гап боряпти

⁷⁶ Чингизхоннинг бешинчи вориси бўлган эвәраси Хўбилайгина Хитой иқлимига мафтун бўлиб, Пекинга кўчиб келган эди.

⁷⁷ Аммо ҳор ҳили ҳам бу ерларда қалин ёғавермайди. Бальзан қиши қорсиз келади ва бинобарин, катта қўшин ҳар баҳорда ҳам бу ердан бемалол ўта олмайди.

⁷⁸ Урта Осиёда чалғи ишлатишмайди.

⁷⁹ «Темур тузуклари»нинг асл нусхасида Амир Темурнинг бир йилга етарли озуқа тайёрлагани ёзилган. Лекин юқ ташувчи воситалярнинг етишмаслиги, чорванинг қиши лайтида ориқлаб кетиши, туяларнинг тасодифан ибобуд бўлиши керакли озиқ-овқатни олиб кетишига имкон бермаган бўлиши эҳтимол. Уруш чўзилиб кетадиган шароитда қўшин қўйналмаслиги учун Амир Темур бир неча ойга етадиган озиқ-овқатни ғамлаб олар, ўз чорваси билан чўл ичкарисига чекинаётган душман унинг ҳўшиниларини мушкул аҳволга солиб қўйишини яхши

бүлгани учун озиқ-овқатни эҳтнётлаб сарфлашга ҳаракат қиларди. Аммо мана шу юришнинг тарихчиси бўлган Али Яздий Амир Темурнинг узоқни кўзлаб берган кўрсатмаларини тушунмаган бўлиши эд-тимолдан узоқ эмас.

⁸⁰ Кўчманчи ҳалқлар турли хил илдизларни истеъмол қилишар ҳамда ҳайвон уяларидан уларниң қишига тўплаган захираларини топа олишар эди.

⁸¹ Кундузги дам олишларни ҳисобга олганда бир кунда ўргача 15—20 чақирик масофа босиб ўтиларди. Қирғизларнинг (қозоқларнинг) кўчиб юришга кетказадиган вақтларни шу кўрсаткичга тўғри келади.

⁸² Катта қалқонлар пиёда жангда кичиклари от устидаги жангда қўлланилган. Катта қалқонларни қароргоҳга қўнганиларида муҳофаза учун айлантириб ўтардилар.

⁸³ Амир Темурнинг доимий қондаси — яъни душманга яқинлашиш билан қароргоҳ атрофини хандақ билан ўраб олиши — унинг қароргоҳи тўғри жойлаштирилганлигини яққол кўрсатади. Акс ҳолда қароргоҳ жуда катта майдонни эталлаши, хандақ қазиш жуда кўп вақтни олиши мумкин эди.

⁸⁴ Амир Темур кўрсатмаларига биноан осойишталик даврида 12000 жангчи шахсий соқчи сифатида унинг саройи атрофига жойланар эдилар. Улардан фақат мингтаси тун пайтида бетўхтоз ҳаракат қилиб юриш учун тайинланарди. Агар юқорида кўрсатилган ҳарбий тартиб учун мана шу нисбатни қабул қиласидиган бўлсак, унда Амир Темур қўшиналари сови 360 000 га этиши мумкин эди.

⁸⁵ Кондурча — Сўқ дарёсига ўнг тарафдан қўйилиб қўшилади, Сўқ эса Самарадан юқориоқда Волга дарёсига чап томондан қўйлади. Ундан Сақмарса дарёсига қўйилувчи Иқ дарёсигача 450 чақирик; демак, Амир Темур Иқ дарёсини 4 июнда кечиб ўтиб, бу масоғани 13 кунда ўтган, яъни бир кечакундузда 35 чақирик йўл юрилган.

⁸⁶ Резерв (тарҳ) дан фойдаланиш отлиқлар орасида бўлаётган жангда жуда муҳим ва зарур эди. Буюк босқинчи ҳисобланган Чингизхон шу нарсанни идрок қила олган ва уларни қўллаш қондаларини ўйлаб топган бўлиши муболага эмас. Бизнинг қўшиналаримиз татарлар зулми пайтида резерв (тарҳ) кучидан фақатгина бир маротаба моҳирлик билан фойдалана олганлари Кул никово жангда рўй берган эди. Шу жангда Владимир Андреевич Храбрий жанг сўнгиди, энг ҳал қилувчи дақиқада татарларга ҳамла қилиб Момой қўлидан тебраниб турган Галабани тортиб олишга муваффақ бўлган эди. Резерв (тарҳ) кучидан фойдаланиш фикрини Дмитрий Донской татарлардан ўзлаштириб олган бўлиши эҳтимолтга яқин.

⁸⁷ Балки Амир Темурнинг бу фармойиши душман томонидан ўтган, байроқни тубан қилиши керак бўлган ва шу билан Тўхтамишхон аскарларини саросимага солишга олиб келадиган сотқин байроқдор учун белги бўлиши мумкин эди. Бундай ҳолда Тўхтамишхон жангчилари гулғулага тушиб, хон ҳадор бўлган, жанг бой берилганд, деб

фараз қилишлари ва фақатгина қочиши билан ўз жонларини сақлаб қолишлари мүмкун деб йўлашлари эҳтимолга яқин. Тўхтамишхон Литва князи Ягайлого юборган ёрлигига ўзининг баъзи бир аъёнлари ва йилномаларимиздан бизга маълум бўлган Едигейнинг хиёнати ҳақида айтиб ўтган.

⁸⁸ Унинг қўшинлари таркибида Олтин Урда, Кўк Урда, Сирдарё ва Ўрол дарёлари ўртасида кўчиб яшовчи татарлар, нўйойлар, олонлар, черкаслар, булғорлар ва руслар бор эди. Жангчилар сони яром миллионга яқин бўлиши эҳтимол.

⁸⁹ Унинг Бағдоддаги элчиси Бағдод султони ҳаёт ато этилган икки кўэли гўшт бўлагидан бошқа нарса эмас, деб хабар берган.

⁹⁰ Бу жангда у олдинга пиёдаларни қўйган эди. Гуржи斯顿нинг тоғли ерларида у одатдагидан кўпроқ пиёдалардан фойдаланган бўлиши шубҳасиз. Худди шу ҳол Шарафуддин Али Яздий тилга олиб ўтиши учун сабаб бўлган бўлиши эҳтимол. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, Тўхтамишхон бу ердаги ўз қароргоҳини аравалар билан ўраб олган ва уларнинг панасида турнг жанг қилган. Жанг майдони ҳозирги Темурхон шўра қалъаси ёнида бўлган деб тахмин қилишади. Жанговар тартибда сафланган Амир Темур қўшинлари кўрик пайтида 4 фарсанг масофани эгаллаган эканлар.

⁹¹ Амир Темур шундай деган эди: «Маллухоннинг укаси Саронқ Мўлтоннинг мустақил ҳукмдори бўлиб олди. Султон Маҳмуд ундан ўрнак олиб, Деҳлига ҳукмдор бўлди. Маллухон Лахурда ва бошқа ерларда қўшин тузди».

⁹² Бу уруш Муҳаммад пайғамбар эътиқодини ёйиш, пайғамбар номини кўкларга кўтариш, бутпараст ва кофиirlарни қириш баҳонасида олиб борибди. Лекин бу урушининг моҳияти талон-тарож эканлигини қўйида кўрамиз.

⁹³ Бу воқеа мен юқорида баён қилган Ботухоннинг Новгородга атиги 200 чақирим қолганда орқага қайтиши сабаблари ҳақидаги тахминини тасдиқлади.

⁹⁴ Биёқ дарёси ҳозирда ёки умуман йўқ, ёки унча катта бўлмаган дарё бўлиши мүмкун, унинг ўз оқимини ўзгартирган сувлари ҳозирги Fara дарёсини ҳосил қилган бўлиши эҳтимол, чунки Амир Темурнинг Деҳлигача қилган юриши пайтида ҳеч бир кечувдан ўтилгани ҳақида айтилмаган.

⁹⁵ Бу жангдан аввал унча катта бўлмаган кучлар орасида тўқишаувлар бўлган бўлиши эҳтимол.

⁹⁶ Чўғ ва ёндирилган сақич тўлдирилган хумлар ҳозирги граната ва брандскугеллар, ракеталар эса гранаталари бор конгревов ракеталари эмасмикин? Балки улар ҳозирги ракеталар сингари даҳшатли таъсирга эга бўлмагандир, чунки Шарафуддин Али Яздий улар чиқароётган товушлари билан отларни ҳуркитганликлари ҳақида ҳеч нарса демаган. Бу юришининг баёни Ҳиндистондаги қўшинлар довюрак ва яхши тартибли бўлганини кўрсатади. Мултон шаҳрининг олиғи Ӯзбек қамал қилинчи, унинг факатгина оғлихаза туфайли қўлга кирити-

лиши бу халқнинг қанчалик кучли қаршиликка қодирлигини исботлайди. Шунинг учун Амир Темур сиёсати ва урушлари тарихини ёзган гарб музаллифларидан бирининг Темур Ҳиндистонда ҳеч қандай тартиби низом ва тузилишга эга бўлмаган тубан кишиларга дуч келди, деган гаплари дақиқатга тўғри келмайди. Шу музаллифининг Урта Осиёлик истилочининг қўшинлари енгил отлиқлардан иборат бўлиб, араваларга эга бўлмаган, дейиши ҳам нотўгридир. Юқорида Амир Темур қўшинларида енгил, оғир ва бизнинг драгуиларимизга ўхшаш отлиқ аскарлари бўлганлиги, унинг қўшинлари орқасида қурол-яроғ захиралари, Қамал қилиш воситалари ва озиқ-овқатлар, ўлжалар ортаган кўплаб аравалар, от уюрлари, асиirlар ва ҳоказолар бориши ҳақида гапирган эдик. Урта Осиёлик истилочи қўшинларининг бир кунда босиб ўтадиган масофалари бизнинг қўшинларимиз босиб ўтадиган масофаларга мос келди, шунинг учун граф Бёрншерининг ҳозирги пайтда европаликларнинг Ҳиндистонга бостириб кириши мумкин эмаслиги ҳақидаги далиллари унчалик кучли эмас. Биз бу ерда унинг далилларини рад қилмоқчи эмасмиз; у кўрсатиб ўтган, европаликлар, ҳатто Россия учун ҳам у ерларга юриш учун фаолият бошлаш, бу ҳақда жиддий фикр юритиш, юриш режаларини ўйлаб чиқиши даври ҳали анча узоқдир. Чунки бундай фаолият бошланган тақдирда бунда иштирок эта оладиган ёки таъсирини кўрсата оладиган давлатлар орасидаги сиёсий муносабатлар, Ҳиндистондаги Буюк Британия эгаллик қиласётган ерлар ҳолати ҳам мұхим аҳамиятга эга бўлади. Булар эса, ўз павбатида, бундай ҳол юз бериши мумкин бўлган давргача ўзгариб кетиши табиийдир. Бу ўринда инсон ташаббуси чегарасининг қанчалик чексизлигини таъкидлаб ўтишимиз мумкин, холос. Рим давлати қудратини ларзага солиши учун борган Аннибал қандай воситаларга эга эди? У Пиринеядан ўтиб, ўзининг кучли режасини амалга ошира бошлаганида 50000 кишилик пиёда жангчи, 9000 отлиқ ва 37 та филга эга эди. Улар Галлия ва Алп төвлари орқали ىдешман ҳалқлар ерларидан қаријиб 750 чақирим масофани босиб ўтишлари даврида қўшинларни озиқ-овқат билан таъминлаш жуда катта қийинчиликлар туғдирди. Аннибалнинг ҳарбий кенгасида бу муаммони ҳалқлиши юзасидан узоқ фикр юритилди. Шунда кенгаш аъзоларидан бирин шу йўлни босиб ўтишда юз берини мумкин бўлган очликдан қирилишини олдини олиш учун қўшинга одам тўштини истеммол қилишини ўргатишни таклиф қилди (?). Рона дарёсидан ўтиб олгандан сўнг Аннибал қўшинлари 36 000 пиёда аскар, 8000 отлиқ ва бир нечтагина филлардан ортиқ эмас эди. Италияга кириб боришида унда 26 000 пиёда ва 7000 отлиқ аскар қолган, уларнинг аҳволи эса жуда ноchor эди. Довюрак Аннибал мана шу қўшини билан унга қарши 700 000 пиёда аскар ва 70 000 отлиқ қўя оладиган, ўз сиёсий ҳаётининг юқори чўққисида бўлган, ажойиб ҳарбий муассасаларга ва аъло даражадаги тартибга эга қўшинларига эга энг жанговар халқлардан бўлган, куч қудратга эга бўлган римликлар давлатини қулашибашга киришди. Аннибалнинг бирдан-бир умиди — Римдан иттилоқ

жиларни айнитиш ва уларни ўзи томонига оғдириш эди. Требия, Тицин, Тразимен ва Канидаги ғалабалар унга иттифоқчилар келиб қўшилишга, улар билан бирга уларнинг орасидан жангчилар тўплаб қўшин сонини тўлдириш учун воситаларга эга бўлишга сабаб бўлиб, натижада Рим давлатини ҳалокат ёқасига келтириб қўйди. Бернштейн таъкидлашича, Римнинг сақланиб қолишига ва Аннибалнинг Италияни тарк этишга мажбур бўлишига сабаб у Фабий ва Капуяга дуч келиши эмиш. Лекин у Капуядада туришидан кейин ҳам, Фабийдан кейин ҳам яна 13 йил турда олди. Римнинг ҳалос бўлишининг асосий сабаблари — унга ёрдам келишига қаршилик кўрсатган Қарфагендаги Ганон гуруҳи ҳамда унга ёрдамга келаётган ва тасодифан ҳалок бўлган ўз укаси Аздрубалнинг баҳтсиз тақдири эди.

Россия ва Урта Осиёдан Ҳиндистонга олиб борувчи йўллар Аннибал босиб ўтган йўллардан узувироқ бўлса ҳам, унчалик мураккаб бўлмай, турли босқинчиларнинг кўп сонли қўшинлари томонидан босиб ўтилган. Сипоҳилардан ташкил топгақ қўшинлар римилклар қўшинидан яхшироқми? Европалик қўшинлар Аннибал қўшинларидан ёмонроқми? Наҳотки, Ҳиндистондаги инглизлар ҳукмронлиги римилкларнинг Италиядаги ҳукмрошлигидан мустаҳкамроқ бўлса? Европаликлар ўйлаб толган ҳар қандай бўлар-бўлмас режалар билан у ерларга бориш керак эмаслигига розиман. Бунинг учун қўшин таркиби ва ташкил этилишини бир қанча ўзгартириш, уларни озиқ-овқат билан таъминлаш усуулларини ва озиқ-овқат захираларини ташибини яхшилаш керак. Бундан ташқари, Осиёни яқинидан билиш ва у ерларда бўлиб ўтган урушларни чуқур ўрганиш яхши натижа берни керак. Мана шуидатина муаллиф кўрсатиб ўтган ўтиб бўлмас тўсицлар йўқолади, қўшинларни эса Аннибалнинг ҳарбий кенгашинда таклиф қилинганидек одам гўштини ейишга ўргатиш керак бўлмайди. Уларни от гўштини ейишга ва камроқ овқат ейишга ўргатишнинг ўзи ҳам катта гап. Бутун юриш пайтидаги ҳарбий захираларни ташиб юриш эса унчалик мураккаб масала эмас. Тўрт ойга етадиган захирани ташиб учун керак бўладиган туялар ва аравалар сони бутун аравалар карвоининг нари борса 1/10 ини ташкил этади. Ҳарқалай, 1839 йилда Хива экспедицияси пайтидаги жанговар захиралар 400 та туюга ортилган, 4 ойга мўлжалланган озиқ-овқат захиралари ва бошқа юклар учун 10 000 тую ажратилган эди.

⁹⁷ Улар душман ўзларини ҳар тарафдан қўршаб оляяти деб гумон қилишлари мумкин эди.

⁹⁸ Боязидга қарши юрши олдидан Амир Темур ўз қўшинларига олдиндан етти йиллик маошни тарқатган эди.

⁹⁹ Ўзининг асл ниятларини яшириш мақсадида Амир Темур Тоқат томонга борувчи йўлларни турк элчилари ўзининг ҳузурида бўлган пайтда разведка қилирган бўлса керак.

¹⁰⁰ Бу икки лашкарбоши қўшинлари таркиби улар асосан жанг қиласидаган жой хусусияти билай боғлиқ бўлганлиги кўрининб турипти. Туркilar Европада, тоглар билан кесишган ерларда, ўрмоилар, бот-

Қоқликлар, қўрғонлар билан қоплаб олинган ва мустаҳкам иншоот-ларга эга шаҳарларда жанглар олиб борганиклари учун яхши пиёда аскарлар тузилишига катта аҳамият берган эдилар. Амир Темур эса кўпроқ Осиё текисликларида жанглар олиб боргани сабабли ажойиб отлиқ қўшинлар ташкил этди. Бу урушда биз ўз даврининг буюк лашкарбошилари бошчилик қўлгаш икки хил қўшин тuri бир-бирига қарши борганининг гувоҳи бўламиз. Жангдаги у ёки бу томоннинг муваффақиятга эришиши қайси қўшин тuri афзалроқ эканлигини ҳал қўлиши керак эди. Бизнингча, керак бўлиб қолганда, пиёдалар каби жанг қила оладиган, турли қуроллардан фойдалана оладиган, чекиниш пайтида тарқаб қоча оладиган, ўқ отиб ўзини ҳимоя қила оладиган ва яна келишилган ерда бирлаша оладиган, кундомлик ем-ҳашак талаб қелмасдан, балки фақатгина яйловдаги ўтлар билан қаюатлана оладиган отларга эга отлиқ жангчилар ўша даврда бўла-диган урушларда пиёдаларга қараганди аничагина устунилик қила олар эди.

¹⁰¹ Жангнинг боришидан марказ ичкарироқда жойлаштади, иккичанот эса олдинга чиққан эди, деб ҳисобдаш мумкин.

¹⁰² Шарафуддин Али Яздий Амир Темурнинг Ангуринядаги қозонгап ғалабасидан сўнг берган фармойишларини баён қилилар экан. Кичик Осиёни босиб олиш ва вайрон қилиш учун Амир Темур шамолий Анатолияга сўл қанотга тегишига 10 туманига эта қўшинлар қисмини юборганини айтади. Тумандаги жангчилар сони 10 000 кишидан иборат бўлишини ҳисобга олсан, сўл қанотдаги жангчилар 100 000 дан иборат бўлган. Агарда ўнг қанотдаги жангчилар сони ҳам шунча бўлган, марказ ва тарҳ (резерв) да эса жангчилар икки қанотдагидан кам бўлмаган, деб ҳисоблайдиган бўласак, у ҳодда Ангуринядаги жангда 400000 жангчига эта Ўрта Осиёлик қўшини қатнашгани маълум бўлади. Лекин Амир Темур олиб борган кўплаб қамал қилишлар, қалъаларни ишғол қилиш ва бошқа жангларни эътиборга оладиган бўлеак, Ангуринядаги жанг арафасида Амир Темур туманларидаги жангчилар сони 7000 кишидан ошмагазн бўлиши керак.

¹⁰³ Шарафуддин Али Яздий ва Ҳаммернинг бу жанг ҳақидағи баённомаларида қарама-қаршилик мавжуд: Али Яздий серблар туркларнинг ўнг қанотига жойлашгаётди деса, Ҳаммер сўл қанотига жойлашган эди, дейди. Улар иккала қанотда ҳам жойлашганилиги эдимолдан узоқ эмас.

¹⁰⁴ Фуқаролар ҳаётини сақлаб қолни учун хути деб аталиш нул, буюм ва ер маҳсулотларидан иборат бўлган ҳақ олиниарди. Боязид маглубиятидан сўнг Ангурия шундай шартлар билан таслим бўлади.

¹⁰⁵ Картен қалъасини қамал қилиш чўзилиб кетишими кўра билган Амир Темур унинг атрофига учта истехком қурдириб, гарнizon жангчиларини озиқ-овқат билан тавмипланишдан маҳрум этиб, таслим бўлишга мажбур этди.

¹⁰⁶ Ўзбеклар билан бўлган уруш тامом бўлган 1389 йилдаёт Амир Темур ўз кучларининг бир қисмини ҳозирги Хитой Туркистони томон-

га ажойиб сувлари, яйловлари, серхосил ерлари билан машхур бўлган Юлдуз дарёси ва унинг ирмоқлари ёнидаги водийга жўнатди. Ашира шаҳридан гарброқда Куча ва Бугур шаҳарлари жойлашган эди. Улар орқали Қашғардан Хитой ичкарисига борувчи бош ва эҳтимолки, бирдан-бир йўл ўтгани учун бу шаҳарлар мухим ҳарбий аҳамиятга эга эдилар. Бу шаҳарларнинг шимолида қорли тоғлар, жанубида эса Эргул дарёси бўйлаб Лоб Нор кўлигача тўзилиб борган қамишзор ва ботқоқликлар, яна ҳам жануброқда сувсиз чўл ва қумликлар мавжуд эди. Шунинг учун Қорашаҳарда (Аширада) қалъага асос солиш ва аҳоли соинин ошириш хўжалик ва ҳарбий нуқтадан назардан мухим эди. Қалъя Юлдуз дарёси бўйидаги мақзилгоҳларни пана қилиб турар, Хитойга борувчи асосий йўлни ҳимоя қилиб турарди. Музли төр даравлари ва Эргул дарёси ботқоқликларидан ўтувчи бу йўл Қашқар билан Хитойнинг чегара шаҳри Цзя-юй-гуан (Иакинф ҳаритасида Суҷжуу яқинида), яъни буюк Хитой девори тамом бўладиган ерларнинг деярли ўртасида жойлашган.

Шарафуддин Али Яздий Пекингача бўлган йўлни ҳисоблаш пайтида унинг йўналишини жануброқда жойлашган ва ён томонда қолиб кетадиган Хўтан шаҳри тарафда деб кўрсатган (балки шаҳар кейинчалик ҳозирги жойлашган ерга кўчириб келтирилгандир?). Унинг айтишича:

Самарқанддан Қашғаргача 25 кунлик йўл

Қашғардан Хўтангача 15

Хитойдан Қора Хўжагача 35

(Турфондан жануброқда)

Қора Хўжадан Терковулгача 31

(Терковул ёнидан икки төр орасидан ўтувчи Буюк девор ва Хитой чегараси ўтарди. Бу шаҳarda Хитой ерларига чиқиб бориладиган катта дарвоза бўлиб, кучли гарнizon сақланарди. Терковул Цзя-юй-гуан бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас).

Терковулдан Хитой шаҳри Женжиан-фугача 51 кунлик йўл, Женжиаи-фудан Пекингача 40 кунлик йўл. Ҳаммаси бўлиб Самарқанддан Пекингача 197 кунлик йўл.

Шу муаллифнинг айтишига қараганда, Хўжанддан Хитойнинг чегара қалъасигача 40 кунда босиб ўтиш мумкин бўлган бошқа қисқа йўл мавжуд эди. Бу йўл ўтган Мўхой чўллари ҳозиргидагидек ялангоч ва ёввойи бўлмаган, эрамизнинг беш асли давомида анча серқатнов бўлган. Лекин Амир Темур даврида бу йўл бўйларида одамлар яшамас, йўл қумликлар орасидан ўтган, унчалик чуқур бўлмаган куудуқлардаги сув жуда ёмон бўлиб, ундан ичган ҳайвонларни ўлимга олиб келар, тупроқ таркиби ҳам турлича бўлиб, бир-биридан унча узоқ бўлмаган масофада жойлашган икки қудуқдан бирининг суви зарарли бўлса, иккичиси шифобахш бўларди. Биз ҳанузгача Осиёнинг бу қисми билан яхши таниш бўлмаганимиз туфайли Али Яздий томонидан йўлларнинг таърифланиши қанчалик тўғри эканлиги ҳақида

деч нарса дея олмаймиз. Лекин Али Яздий айтиб ўтган йўлдан Иакинф Жунгория ва Шарқий Туркистон таърифига илова қилгани йўл билан солиширадиган бўлсак, уларда қуйидаги тафовутларни кўрамиз: 1) Иакинф таърифи бўйича Қашғардан Еркенд, Оқсув, Кучка ва Қорашаҳардан Турфонга борадиган йўлнинг узунлиги 4050 Хитой лиси ёки 2195 чақирим деб кўрсатилган: Турфондан (Қора Хўжа яқинида) Қамул орқали Цзя-юй-гуан (Али Яздий бўйича, Терковул бўлиши эҳтимол) гача 2543 ли ёки 1376 чақирим бўлиб чиқади. Карвон бир кунда босиб ўта оладиган масофани 30 чақирим деб оладидиган бўлсак, юқорида кўрсатилган масофани 119 кунда босиб ўтиш мумкин бўлади. Али Яздий эса бу йўлни 81 кунда босиб ўтиш мумкин, дейди. 2) Иакинф томонидан ёзилган Хитой империясининг статистик таърифидаги илова қисмида берилган Шарқий Туркистон харитасида Қашғардан Турфонгача ёки Қора Хўжадан Хўтонгача бўлган йўл кайта доира ҳосил қилгани учун у замонлардан сўнг баъзи бир шаҳарлар янгиерларга кўчирилган бўлиши мумкин, ёки Иакинф бу йўлларни таърифлашда хатога йўл қўйган бўлиши эҳтимол.

Бизнинг Пекиндаги ваколатхонамиз бош руҳонийси архимандрит Палладий менга берган хабарига кўра Хитой маълумотларига асосан бу йўл яна ҳам узунроқ, яъни:

Қўқондан Қашғаргача	1390 ли	28 бекат
Қашғардан Еркентгача	570 ли	7 бекат
Еркентдан Оқсувгача	1410 ли	17 ——
Оқсувдан Кучагача	800 ли	8 ——
Кучадан Қорашаҳаргача	1068 ли	12 ——
Қорашаҳардан Турфонгача	1020 ли	9 ——
Турфондан Ҳамигача	1200 ли	11 ——
Ҳамидан Цзя-юй-гуангача	1460 ли	22 ——
Ҳаммаси бўлиб	8918 ли	4450 чақиримга яқин
Еркентдан Хўтангача	810 ли	8 бекат

Бу маълумотлар расмий ҳужжатларга асосланган бўлиб, бошқа норасмий хитой маълумотларига биноан бу йўл узунлиги қуйидагича бўлган:

Қашғардан Еркентгача	510 ли	7 бекат
Еркентдан Оқсувгача	1340 ли	17 ——
Оқсувдан Кучага	650 ли	8 ——
Кучадан Қора шаҳаргача	940 ли	10 ——
Қорашаҳардан Турфонгача	910 ли	8 ——
Турфондан Пичагача	250 ——	3 ——
Пичандан Ҳамигача	960 ——	12 ——
Ҳамидан Цзя-юй-гуангача	1530 ——	19 ——
Ҳаммаси бўлиб	7090 ли	3500 чақиримга яқин

¹⁰⁷ Мана шу барча фармойишлардан озиқ-овқат ва захираларининг бир қисмини қўшишлар қўшимча отларга ортган бўлишлари керак, захираларининг катта қисмини бошлиқлар ажратилган пуллар ҳисобига тайёрлаган бўлишлари керак, деб хулоса қўлсак бўлади.

¹⁰⁸ Бу ерда унинг олдига Тўхтамишхондан элчилар келдилар. Амир Темур унга Хитой билан бўладиган уруш тамом бўлганидан сўнг Дасти Қипчоқни қайтариб беришга ваъда берган эди.

КИШИЛАРНИНГ НОМЛАРИ

КУРСАТКИЧЛАР*

А

- Абдуллоҳ Лиссон (мунажжим) — 208
Абулғозий (Хива хони) — 42, 58, 235
Август — 168
Агуда — 82
Аздрубал (Аннибалнинг укаси) — 248
Алексий (митрополит) — 117
Али (Муҳаммад лайғамбарнинг күёви) — 52, 53
Али Яздий — Шарафуддин Али Яздий
Алибек Жониқурбони — 130
Аминмалик (саркарда) — 73
Амир Кулол (шайх) — 131
Амир Темур (Соҳибқирон Амир Темур Курагон бин Тарагай Муҳаммад Баҳодур) — 10, 15, 127—158, 166 — 253
Амир Ҳусайн — 131—136
Аннибал — 155, 211, 242
Анқотўра (саркарда) — 138, 238
Арасту — 11

Б

- Барқон — 83
Бекчик (саркарда) — 129, 238
Бёришерн (граф) — 247
Бобур — 239
Боплан — 159, 240
Ботухон (Жўжихоннинг иккичи ўғли, Олтин Ўрда хони) — 12, 49, 60, 103—126
Боязид — Илдирим Боязид

Бэла (Венгрия қироли) — 121 — 124

Бюок Фридрих — 242
Бўрундоӣ (саркарда) — 240
Бўрте Фужин (Чингизхоннинг тўғрич хотини) — 103

В

- Венцеслав (Богемия қироли) — 119
Владимир (Саркарда) — 118
Владимир Андреевич Храбрый — 245

Г

- Ганион — 250
Гао Ци — 92
Георгий (рус князи) — 111
Георгий VII (Гуржистон пошдоҳи) — 196
Густав-Адолъф — 242
Гушаху (саркарда) — 87

Д

- Д.Оссон — 27, 119, 228
Даниил (Галиция князи) — 118, 121
Дмитрий Донской — 117, 245
Довуд (Рузутанавинг ўғли) — 116
Доро (Эрон шоҳи) — 109
Доу — 155

Е

- Едигей — 245

* Кўрсаткичларни Юсуф Музаффар тузган.

М

- Елу Тойчи (Елу Тайша, Кора
Хитой империясининг асосчи-
си) — 50
Елу Чусой (бош вазир) — 30,
35, 89, 90, 93, 101
- Ж**
- Жалолиддин (Мангуберди) —
51, 61, 64, 67—75, 80
Жаҳонгир (Муҳаммад Жаҳон-
гир Мирзо, Амир Темурнинг
тўнгич ўғли) — 137
Жебе (саркарда) — 57, 63, 65,
66, 71, 76—80, 86, 87, 104
Жон Мальколм — 223
Жӯчихон (Жӯчи) — 36, 58—61,
69, 70, 73, 78, 84, 104, 105
- И**
- Иакинф (Бичурин, монах) —
228
Иллесхожа ўлон (Тутгулук Тे-
мурхонининг ўғли) — 129—134
Илиқмиш ўлон (ҳоким) —
138
Иналчуқ (Утрор ҳокими) — 56
Исадой — 34
Искандар Зулқарнайн (Алек-
сандр Македонский) — 11,
24, 204
Исо (Иллдирим Боязиднинг
учинчи ўғли) — 216
Исо пайғамбар — 10
- К**
- Капуя — 248
Коломан (қирол Бэланинг ука-
си) — 122
Ксеркс — 109
Кун Мин (саркарда) — 21, 229
Куюк (Қўюқ, Угадайнинг ўғ-
ли) — 105, 107
- Л**
- Лаңглес — 237, 242
Ласси — 242
Ли Цзю Аи (саркарда) — 94
Ли Хян (Шидурка) — 94
Ликитзин — 81
Людовик XIV — 242
Ляо — 89
- М**
- Мадаки (њючжилар импе-
тори) — 83
Марко Поло — 11, 39
Маҳмуд (саркарда) 216
Мену (Тулуйнинг ўғли) — 105
Мин — 128
Минган (саркарда) — 89
Мирзо Муҳаммад Султон
(Амир Темурнинг набира-
си) — 216
Мироншоҳ Мирзо (Амир Те-
мурнинг учинчи ўғли) — 189
Момой — 245
Моҳоли — Муҳири
Муҳири (Моҳоли, саркарда) —
50, 92, 93
Муҳаммад (Иллдирим Боязид-
нинг иккинчи ўғли) — 216
Муҳаммад пайғамбар — 52, 130
Муҳаммад Хоразмшоҳ — 14,
50—60, 63—70, 76—78, 92,
93, 104, 232, 233
- Н**
- Наполеон I — 183, 242
Нодиршоҳ — 223
Носир (ан-Носирдиддиниллох,
халифа) — 51, 52, 55, 76, 79
Носириддин (вазир) — 69, 232,
233
- О**
- Олаҳуш Тегин Хуриё (Ўирут
хови) — 26, 85
Онхон (Ўигхон, кероитлар хо-
ни) — 26, 103
Оғроқмалик (саркарда) — 73
- П**
- Палладий (руҳоний) — 252
Перислав (саркарда) — 215
Пета (Бойдор, саркарда) — 119
Петр Биринчи (Буюк Петр) —
14
Пирмуҳаммад Жаҳонгир (Амир
Темурнинг набираси) — 197
Плаво-Карпини — 12, 105
- Р**
- Рашидиддин — 94, 95

Рубруквис — 48, 49
Рузутана (Гуржистон маликаси) — 116

С

Садриддин (қози) — 232
Сайд Ало Қул Мулк — 52
Самха (саркарда) — 89, 90, 91, 97
Сергий (игумен) — 117
Си Ма (саркарда) — 228
Стефан (саркарда) — 215
Субутой (саркарда) — 63, 65, 71, 76—80, 99—101, 104, 105, 122
Сулаймон (Иллдирим Боязидининг түнгич ўғли) — 216
Сулаймон сўфи (ҳоким) — 138
Султон Махмуд (Султон Насируддин Махмудшоҳ) — 201—205
Султон Муҳаммадхон (Амир Темурнинг набираси) — 145
Сун Дзи (саркарда) — 228

Т

Тайнал (нўён) — 61
Танг — 82
Тангфут (Жўчихоннинг ўғли) — 105
Темур (Темурланг) — Амир Темур
Темурмалик (саркарда) — 61, 69
Темучин — Чингизхон
Тимковский — 229
Тоёнхон (найман хони) — 26—28
Тулуй (Чингизхоннинг тўртинчи ўғли) — 30, 36, 61, 71—73, 84, 96—99
Туркон Хотун (Муҳаммад Хоразмшоҳнинг онаси) — 53, 54, 65, 68—70, 79, 232, 233
Түглуқ Темурхон — 128
Тўкал Баҳодир (Хоразм ҳокими) — 131
Тўхтамишхон — 137, 182—197
Тўғон Темур — 128
Тўқуаш (Текеш) Текеш Хоразмшоҳ — 50
Тўғочор (Чингизхоннинг күеви) — 72

У

У Дзи (саркарда) — 18, 228
Уголан (архиепископ) — 122, Умаршайх (Мирзо, Амир Темурнинг иккинчи ўғли) — 141
Усмон (Мовароунахр хони) — 51
Утубу — 87, 88

Ф

Фабий — 211, 248
Феодор Георгиевич (рус князь) — 107
Филипп — 24
Фусин (вазир) — 88

Х

Хамиқоҳ — 83
Хизр Ҳожа Уғлон (Түглуқ Темурхоннинг ўғли) — 140, 142
Хубилайхон (Чингизхоннинг эвараси) — 11

Ц

Цезарь (Юлий Цезарь) — 11, 206

Ч

Чилуқу (Елу Тайшанинг набираси) — 50
Чингизхон (Темучин) — 10—18, 21, 23—31, 33—36, 38—50, 53—105, 127—139, 223
Чингизхоннинг тўртинчи ўғли — 36, 59, 60, 69, 70, 73, 84, 94, 127
Чормагун (саркарда) — 116

Ш

Шайбон (Жўчихоннинг ўғли) — 105
Шамсуддин Маълевий (муважжим) — 208
Шарафуддин Али Яздий — 149, 189, 198, 217—220, 239, 248—252
Шармуза — 187, 192
Шидурка — Ли Хян
Шоҳ Мансур (Дехли шаҳри доруеаси) — 207

9

- Элчиқадой (саркарда) — 75
 Эрдман (профессор) — 94, 235
 Эрка Қора (Онхоннинг укаси) — 26

10

- Юи Цзи Хей (ююжилар императори) — 83

Я

- Ягайло (Литва князь) — 245
 Ярослав (саркарда) — 119

Ү

- Үгладай (Оқтой, Чингизхоннинг учиччи ўғли) — 30, 35, 36, 45, 59, 69, 70, 73—75, 81, 84, 93—105, 126
 Үрду (Жўчихоннинг ўғли) — 105

Қ

- Қадан (Үгладайнинг ўғли) — 105, 125, 126

- Қадан (саркарда) — 122
 Қамар (саркарда) — 70
 Қамариддин (хон) — 143
 Қобул Шоҳ Уғлов — 136
 Қобулхон — 237
 Қора Юсуф — 209
 Қочувли Баҳодир — 237
 Қўтон (қипчоқлар хони) — 121
 Қутуқу (саркарда) — 72, 73—75, 80
 Қушлуқ (Кучлук, Тоёнгхоннинг ўғли) — 27, 28, 50, 57, 89
 Қўюқ (Угадайнинг ўғли) — 116

F

- Фозонхон — 129

X

- Ҳалокухон — 127
 Ҳаммер — 38, 250
 Ҳенрих (Силезия қироли) — 119
 Ҳусайн (Имом, Мұхаммад пайғамбарнинг набираси) — 52

ЖУГРОФИЙ НОМЛАР**A**

- Абейли (дарё) — 141
 Абуғ (дарё) — 188
 Абхазия — 116, 217
 Австрия — 121
 Аграм (шаҳар) — 126
 Адриатика (дениз) — 105
 Азиник — 107
 Азов (дениз) — 106, 149, 190
 Айғир Ёли (кечув) — 190
 Албания — 115
 Алиобод — 218
 Аложу (кала) — 133
 Алп (төғ) — 217
 Алъба (Штульвейсенбург) — 121
 Альбу-Юлия (?) (шаҳар) — 126
 Амой (шаҳар) — 61, 67, 71, 218
 Амударё (Жайхун) — 50, 59—65, 68—71, 79, 127—133, 197, 218, 235
 Амур (Урхун-Мурун, дарё) — 25, 82

- Ана Қарағый — Омон Қарағай
 Англия — 224—226
 Ангурия (Анқара) ўйли — 210 — 215
 Ангурия (Анқара, қалъа) — 210—215
 Андароб — 198
 Андекунд (?) — 218
 Андигон — Андигон
 Андигон (Андигон) — 138
 Андхуд (Андхой) — 138
 Ани шаҳар) — 116
 Антадиктор — 238
 Арабистон — 16
 Арбиль (шаҳар) — 76
 Ардабил — 76, 197, 217
 Арзум — 138, 209, 217
 Арманистон — 115, 138, 196
 Аррас (Аракс, дарё) — 76, 79, 115, 217
 Арғун (дарёси) — 25
 Асандий — 200
 Астрахан — Ҳожи Тархон
 Астробод — 67, 196
 Аттоқ — 197
 Афғонистон — 198

Ашнара (Қора шаҳар) — 218—
220, 252

Б

Бадахшон (тоғ) — 57, 71, 131
Балх — 51, 65, 71, 131, 138
Балрон — 198
Бао Аи Чжеу (шаҳар) — 86
Бао Цзи — Сян Гуан
Бардаъ — 209
Батнир (қалъа) — 199
Бағдод — 51, 52, 55, 67, 196
Бағдодек (?) (дарё) — 139
Бажецик — 111
Белозерск — 111
Биёҳ (дарё) — 199
Билакир — 142
Бинокат (Бинокент) — 60, 61
Бовард — 218
Богемия — 119
Богородицкое (қишлоқ) — 114
Бойқол (кӯл) — 27, 38
Боку — 197
Болойқон (шаҳар) — 141
Болор (тоғ) — 220
Болхон (кўрфаз) — 69, 75
Бомиён (шаҳар) — 72, 75
Бону — 206
Боровичи — 111
Боязид (қалъа) — 218
Бреславль — 119
Бронницк — 112
Брусс — 212—216
Брюн (шаҳар) — 119
Бутур (шаҳар) — 250
Буда (шаҳар) — 121
Букур — 141, 220
Булғор (шаҳар) — 193
Булғория — 49
Буркажит (кечув) — 190
Бургос (довон) — 124
Бухоро — 55, 60, 61, 65, 75,
79, 127—138, 218
Буюк Британия — Англия
Бян — 97, 99, 101
Бия Гин (Кай Фин Фу, ша-
ҳар) — 88
Бўвалагон — 238
Бўрибоши — 238
Бўрсиқ (чўл) — 195
Бўстон — 218

В

Валдай (тоғ) — 112, 113
Ван — 138
Вардейн — 122, 124

Вей Хо — 98
Вена — 125
Венгрия — 49, 104, 109, 118—
126
Верная (Олма Ота, станция) —
59, 141
Вин Сян — 98
Висла — 118
Вишний Волочок — 111
Владимир — 110
Волга (дарё) — 12, 49, 78, 106,
186, 190
Волхов (дарё) — 112
Воронеж (шаҳар) — 107—111
Ву Ша Пху (қалъа) — 85, 86

Г

Галиция — 118—120
Галлия — 11, 247
Ганг (дарё) — 203
Ганг жоми — 204
Ганжа — 77, 115, 209
Гармсир (вилоят) — 133
Германия — 119
Гин (тоғ)
Глухов — 115
Гоанго — Хуанхэ
Гоби — Фўби
Губерли (тоғ) — 189
Гулкандон (қалъа) — 217
Гуржистон — 77, 115, 138, 196
Гўр (хонлик) — 51

Д

Да Лян (Бян Лян) — 95
Да Тхун — 85, 86
Далмация — 126
Дамашқ — 207
Дамованд (тоғ) — 217
Дараи Исмоилхон — 198
Дарбанд — 77, 138, 196
Дашти Қипчоқ — 77, 189
Дехли — 74, 199—210
Дибалпур — 199
Диёрибакр — 209
Дин Чжеу — 95—99
Днепр (дарё) — 77, 104, 115
Дол Нор — 89
Домагон — 66
Дон (дарё) — 107, 186
Догистон — 68
Дриаваста — 126
Дун Пхин — 93
Дубашин Ондур (тоғ) — 141
Дуккаб — 218
Дунай (дарё) — 12, 105, 121

Е

- Едесса (Рай) — 209
 Ейкар Сури (Ейкеръ-сурн) — 238
 Елец — 196

Е

- Елх — 142
 Ерканд — 50, 84, 127
 Егоз — 218

Ж

- Жайхун — Амударё
 Жалоли (чўл) — 205
 Жамба — 206
 Жамна (дарё) — 200—205
 Жанд (шаҳар) — 59—67
 Жаноб (дарё) — 199
 Жао Фин Гуан — 96
 Жатмагажит — 190
 Жар Қайин Оғоч (истеҳқом) — 189
 Жаҳоннамой (қалъа) — 200
 Желум (дарё) — 199
 Жу Чжеу (Хун Чжеу, шаҳар) — 90, 91, 99, 100
 Жунгория — 252

З

- Закамск (чегара чизиги) — 191
 Зарнуқ — 221
 Зверноголовск (қалъа) — 183
 Зове (шаҳар) — 65

И

- Игнатци (қишлоқ) — 114
 «Игнач хочи» — 114
 Икония — 212
 Или (дарё) — 59
 Илмен (кўл) — 112
 Илол (қалъа) — 68
 Илонжиқ (Улкан жилонжиқ, дарё) — 188
 Ильинск (қалъа) — 189
 Имал (дарё) — 238
 Имал Фужу — 141, 238
 Иметерия — 116
 Ироқи Ажам — 50, 64, 65, 76, 196
 Ироқи Араб — 51
 Иртиш (дарё) — 27, 28, 50, 58, 59, 80, 127, 141

- Исфахон — 138, 196
 Италия — 248
 Ишим (дарё) — 185
 Иқ (Яиқ, дарё) — 192

К

- Кавказ (төғ) — 78, 80
 Қай Фин Фу — Бян Гин
 Кайту — 142
 Қалка (дарё) — 77, 104
 Қалуга — 143
 Қама — 191
 Қампиён (шахар) — 11
 Қани — 152, 248
 Қапуя — 248
 Қармон — 51
 Қарпат (төғ) — 119, 121
 Қартең (қалъа) — 250
 Қарфаген — 248
 Қаспий (Мозандарон, денгиз) — 54, 67—69, 76, 78, 104, 183
 Қаттаро — 126
 Қафа — 140
 Қашмир — 105, 205
 Қембелиқ — Пекин
 Қемоҳ (қалъа) — 209
 Қент (шаҳар) — 137, 139
 Қерулен (дарё) — 23, 83
 Қеш (Шаҳрисабз) — 127
 Қиев — 109
 Қин — Гин (төғ)
 Қиршаҳр — 210
 Қичик Осиё — 207, 209
 Қичик төғ — 187
 Қиютой — 212
 Қлисса — 126
 Қлязма — 110
 Қобино (Қобул (?))
 Қожиртон — 142
 Қозелск — 108
 Қоломна — 110
 Қолочск — 122
 Қонигуи — 200
 Қорея — Қурия
 Қострома — 107
 Қофиристон — 188
 Қраков — 118, 119
 Қрестци — 113
 Қузистон — 51
 Қузон — 143
 Қуликово — 245
 Қроация — 126
 Қура (дарё) — 115, 209
 Қурдистон — 197
 Қурск — 114
 Қучча (шаҳар) — 218, 220

Кхай Фин Фу (шахар) — 21
Кши (Кшиш) — 188

Л

Лангар — 218
Ленчица — 119
Лигниц — 119
Лиупан (төр) — 94
Лоб Нор (күл) — 251
Лохур (шахар) — 197, 205
Луан (шахар) — 200
Лю Диун — 86, 87, 92
Люблин — 118

М

Майно — 217
Макка — 55
Малатия (қалъа) — 207, 212
Малик — 218
Манжурия — 27, 80—87
Мэрв — 61, 71
Мариупол — 77
Машҳад — 218
Махора (шахар) — 76
Мензелинск — 191
Мерон — 238
Мингрелия — 116
Миср — 207—210, 235
Мовароунихар — 50, 51, 59, 60,
63, 64, 79, 134
Могилици (қишлоқ) — 118
Мозандарон — 51, 66—68, 71,
138, 196
Мозандарон денизи — Каспий
денизи
Моравия — 118—124
Молдавия — 122
Москва — 110
Мста (дарё) — 112
Музтоғ — 220
Мулзуд — 142
Мултон (шахар) — 197
Мунқоч (довон) — 121
Муғожар (төр) — 185
Муғон (чўл) — 76, 79, 115
Мян Жеу — 96
Мұсул йўли — 208
Мұсул — 38, 207—210
Мўхой (чўл) — 251
Мўгулистон — 17, 23, 24, 27,
28, 69—74, 80, 85, 89, 218—
221

Н

Нан Ян — 96
Насаф — Қарши

Насо (шахар) — 69, 70
Нахшаб — Қарши
Нағаз (шахар) — 206
Нейштадт (шахар) — 125
Нил (дарё) — 235
Нин Гя (Нин Ся, шахар) —
28, 94, 95
Нин Ся — Нин Гя
Нишопур (шахар) — 65, 66,
69 — 72, 79, 196, 218
Новгород — 110
Нойрин (довон) — 142
Нюочки империяси — 81, 82, 92
Нўғой йўли — 190

О

Об (дарё) — 127
Ованик — 209
Одер (дарё) — 119
Озарбайжон — 138, 196
Олатог — 209
Олтин Үрда (қипчоклар ўр-
даси) — 12, 48, 128, 138,
182—197
Олтой — 106, 119, 130
Ольмиюц (шахар) — 121
Онон (дарё) — 23, 25
Омон Қарағай (Ана Қарағай)
приказ) — 185, 188
Онуза — 106
Ордос — 184
Оренбург — 106, 183, 190
Орол (Хоразм) денизи — 57,
60, 61, 78—80, 104, 127, 183
Орск (қалъа) — 189
Осташков (шахар) — 111, 112
Оқмулла (приказ) — 106
Оқсув (шахар) — 220, 252

П

Пао Нин — 96
Пардис (Пардай) — 198
Пекин (Кембелиқ) — 19, 85—
92
Пере (шахар) — 124
Переяславль — 115
Пешовар — 75
Пешт (шахар) — 121
Пиринея — 247
Пичан
Поли (дарё) — 114
Польша — 49, 104, 109, 118—
125
Понипат — 200
Пресбург (шахар) — 126

Пронск — 107
Псков — 110
Пхин Лян — 94
Пху Чжеу — 98

Р

Работмулк — 218
Рагуза — 126
Рай — 66
Ратибор — 119
Рим — 10, 16, 226
Рона (дарё) — 248
Россия — 10, 12, 49, 60, 77,
103—118
Рудни — 124
Рум (Турция) — 209
Рязан — 107

С

Саброн — 219
Саён (төг) — 130
Сайо (дарё) — 122
Сайрам — 187, 219
Сайхун — Сирдарё
Сакмира (дарё) — 192
Самара — 190
Самарқанд — 50, 57, 62—65,
69, 75, 79, 104, 132, 183, 196,
218
Самнон — 66
Сандомир — 118
Сарасти (Сарроҳ, қалъа) — 200
Саржам — 217
Сарық дарё — 91
Сарық дентиз — 50
Сарық сув — Сарық ўзак
Сарық ўзак (Сарық сув,
дарё) — 187
Сарық қамиш — 217
Сарой Урдам — 141
Сариз (дарё) — 184
Саризгон — 147
Свагио — 126
Северск — 114
Сенистон (Сейистон, вилоят) —
74, 133
Селигер йўли — 112, 114
Селигер (кўл) — 113
Семипалатинск — 59, 238
Сен Бернар (тепаликлар) —
198
Сенгилей (шаҳар) — 191
Сербия — 126
Си Аи Фу — 90
Си Чуан — 96

Сибир — 50, 130, 143
Сибир (тоглари) — 130
Сивос (қалъа) — 207, 209, 217
Силезия — 118—121
Синд — Хинд
Сиёҳирд — 218
Сирдарё (Сайхун, Хўжанд
дарёси) — 59—63, 73, 78, 79,
129, 183, 221.
Сити (дарё) — 111
Сичқондабон — 141
Сирик (шаҳар) — 60
Славония — 125
Смирна (шаҳар) — 114
Совуқ булоқ — 217
Солужи — 141
Сомина (Сомона) — 200
Спаластро — 126
Спасское (қишлоқ) — 114
Ставропол — 195
Стернберг (шаҳар) — 119
Стригони (Гран) — 121, 125
Судоқ (шаҳар) — 78
Сүйю — 238
Сулаймон (төг) — 185
Султония — 197, 217
Султонмайдон (йўл) — 218
Сун империяси — 81, 90, 95,
96, 102
Сун Шаи (төг) — 95
Сурия — 207
Суғулғонлиғ — 141.
Сян Гуан (Бао Цзи) — 96
Сўқ (дарё) — 184

Т

Табар Тош — 142
Табриз — 76, 205
Тамбов — 107
Тангри Төг — Тиён шон
Тангтут — 11, 50, 85, 93—95
Тартум (қалъа) — 209
Тау Тон (Датхун Фу, төг) —
85
Твер — 110
Темурхон шўра (қалъа) — 246
Терковул (шаҳар) — 251
Термиз (Термед) — 65, 71, 133,
197, 218
Техрон — 137
Тибет — 50, 75, 84
Тиён шон (Тангри төг) — 84,
127, 143
Тик — Урол
Тир (шаҳар) — 11
Тифлис — 76, 115, 137
Тицин — 248

Тобол (дарё) — 183
Толи (дарё) — 23
Толуқон (ўлка) — 71, 72
Тонггут — 27, 81
Тоңг Күан — Тхун
Тоңг Чеу — Дин Чжеу
Топалик — 238
Торжок — 111
Тоҳ То Хот — 93, 95
Тошкент — 59, 138, 183, 219
Тоқат — 210
Тразимен — 248
Трансильвания — 119
Трау — 126
Требия — 248
Троник (қалъа) — 183
Тулумби — 119
Туркестон — 50, 57, 76, 131
Турфон — 252
Турғун ўтлоқ — 238
Тхан Чжеу — 95
Тхун Гуан (қалъа) — 90—98
Тұғлоқнур (Туғлиғпур) — 200

У

Углич — 111
Узанет (қалъа) — 116
Улоқнёновар (кечув) — 142
Улуг күл — 141
Улуг төр — 185—187
Унгвар (төр йўли) — 121
Уральск (шаҳар) — 185
Урганч — 61, 70, 73, 81, 137,
139, 235
Уст-Юрт — 138, 183
Учтурфон — 143

Ф

Фатхобод — 200
Фафканд — 218
Ферузкуҳ (қалъа) — 217
Фива (шаҳар) — 11
Фин Сян (қалъа) — 94—96
Форс — 138
Форс (кўрфаз) — 197
Фурот — 10
Фушанж — 138

Х

Хами — 148
Хан Чжун — 96
Хе Нан — 96, 97, 121
Хива — 81, 127, 139, 235
Хяигон (төр) — 23

Хитой — 10, 11, 14, 17, 22, 24,
28, 38, 40, 48, 50, 56, 80—
95, 105, 140, 218—222
Хожи Тархон (Астрахан) —
196
Хон (дарё) — 81, 82, 97, 98
Хоразм — 14, 44, 46, 49—63,
70, 78—80, 93, 104, 135—140,
182—197
Хоразм дентизи — Орол
Ху Бей Чхеу (қалъа) — 81
Хуа-шан (төр) — 90, 96
Хуаихэ (Гоанго, дарё) — 28,
81, 82, 88, 90—102
Хулум — 198
Хун Чжеу — Жу Чжеу
Хүросон — 50, 64, 65, 68—71,
127
Хэ Цин Сик — 98
Хюйюн Хуан — Цзюй Юн
Хўжакўл — 185
Хўжанд (шаҳар) — 183
Хўжанд (қалъа) — 61, 69, 129
Хўжанд (дарёси) — Сирдарё
Хўтан — 50, 127, 251

Ц

Цай Чжеу — 101
Цзи Нан — 93
Цзи Цзин Хуан — 87
Цзюй Юн (Хюйюн Хуан
қалъа) — 86, 87
Цзя Лин (дарё) — 96
Цзя Юй Гуань (шаҳар) — 251
Цзи Жеу (қалъа) — 94

Ч

Чажчарон (дарё) — 218
Чернигов (шаҳар) — 115
Чечаклик — 141
Чжен Чжеу — 99
Чистопол — 191
Чуручоқ — 84

Ш

Шайдзода — 218
Шамоҳ — 77
Шан Дун (вилоят) — 101
Шан Си (вилоят) — 90, 93
Шан Чжеу — 91, 98
Шарковуқ (Амударё тармо-
ги) — 235
Шебадту — 238
Шедрис (дарё) — 139

Шепар Яғир — 238
Шероз (шаҳар) — 138, 196
Шидлов — 119
Шира — 238
Ширвон (шаҳар) — 77
Шовур — 141
Шожаром — 218
Шоҳ Кўргон — 195
Шодруҳия (Фанокант) — 219
Шўруғауи — 141

Ә

Элтон (кўл) — 12
Эмба (дарё) — 184, 185
Эргул (дарё) — 251
Эрон — 12, 16, 40, 45, 46, 52,
54, 81, 138, 196
Эски Рус — 112
Эфриён — 218

Ю

Юй Бешан (төг) — 96
Юлдуз (водий) — 142
Юлдуз (дарё) — 220

Я

Яблунка (төг йўли, довон) —
122
Язд (шаҳар) — 210
Яйниқ — Ик
Ян Ан — 93
Янгиканд (шаҳар) — 60
Япон денгизи — 50
Ярославл — 111
Ясси (шаҳар) — 187, 219
Яғир ёли (Айғир ёли (?)) —
238

Ў

Ўзганд (шаҳар) — 60
Ўйил (дарё) — 184
Ўлон Ерлиқ — 238
Ўратепа (шаҳар) — 195
Ўрдубод — 141
Ўритшур (Урут) — 141
Ўринак (Ўрнак, төг) — 238
Ўрол (Тик, дарё) — 12, 78, 183,
189
Ўром (төг) — 140, 186
Ўронқияр — 238
Ўрта Ер (денигиз) — 10
Ўрхун Мурун — Амур
Ўтрор (шаҳар) — 51, 56—60,
185, 195, 219

Қ

Қазвин — 66, 76, 217
Қайсария — 210, 217
Қалмоқ (қалъа) — 184
Қамек — 198
Қамул — 252
Қандаҳор — 183, 197
Қароқ (Карак) — 238
Қарс — 116, 217
Қарши (Насаф, Нахшаб) —
64, 69, 127
Қарқара (приказ) — 106
Қашғар — 50, 57, 127, 143, 220
Қақамабуржи — 238
Қизил ирмоқ (дарё) — 210
Қиличоқлар ўрдаси — Даشت
Қиличоқ
Қировчи (Карожук) — 187
Қобул — 72, 197
Қовуқ — 198
Қоз — 139
Қозон — 236
Қозоқ чўллари — 12
Қондурча (дарё) — 193
Қора денгиз — 78
Қора Хитой — 28, 50, 51, 57, 58
Қорахожа (төг) — 141
Қора Ўрт — 141
Қорабое — 217
Қорабулоқ — 142
Қорасув (дарё) — 203
Қаратош — 204
Қорачан — 238
Қорагужур — 141, 238
Қоракисор — 217
Қрим — 12, 49, 78, 104
Қубоқ — 239
Қулон (довон) — 142
Қумкент — 139
Қум — 76
Қуря (Корея) — 10, 105
Қушун Қой — 142
Қўқон — 127

Ғ

Ғазни (шаҳар) — 51, 52, 64,
69—75
Ғара (?) (дарё) — 246
Ғилон — 67, 196
Ғулжа (шаҳар) — 220
Ғўби (Гоби, чўл) — 23, 84

Ҳ

Ҳабашистон — 224
Ҳайбар (дара) — 206

Ҳалаб — 209
Ҳамадон — 52, 76, 196
Ҳимолой (төғ) — 127, 203
Ҳингон (төғ) — 220
Ҳинд (Синд, дарё) — 10, 51,
73—75, 197—215

Ҳиндистон — 10, 64, 75, 105,
140, 197—206
Ҳидикуш (төғ) — 198
Ҳирот — 51, 72, 75, 81, 138,
196, 218

ЭТНИК НОМЛАР

ашантай (?) — 225
баргут — 23
бошқирд
боёвут — 23
булғор — 78, 106
бұртас — 106
венгер — 49, 121—125
гебрлар (гебры) — 203—205
генуялик
гештим — 38
гуржи — 76, 77
жалоир — 23
илют — 11
казак — 158—162
кем — 28
кемжүт — 28
кероит (хере) — 23, 25, 26, 103
курд — 53, 76, 197
леэгин — 77
меркит — 23, 26, 27, 57—59, 89,
92, 103
мокшан — 106
мордва — 106
мұғул — 10—18, 21—28, 30, 33,
34, 36, 38—49, 53, 57—126
найман — 23, 25—27, 50, 89
њючжи — хүнн
њүгой
олон — 49, 77
орасут — 38
поляк — 119
рус — 49, 77, 104
саксин — 78
сер — 215—217

спартаниллік — 11
татар (тотон) — 10—16, 23,
25—27, 47, 49, 214—216
теленгут — 38
тойчут (тойжут) — 23, 25
тонгфут — 27, 28, 81, 90, 94, 103
тотон — татар
тумат — 92
тунгус — 82
турк — 37, 53, 57, 65, 207—216
туркий — 62, 230
туркман — 54, 61, 65, 69, 73, 76,
78—80, 132
үйгур — 28, 46, 50, 61
хүнн (њючжи) — 21, 25—28,
49, 50, 82—105
үйгур — 28, 46, 50, 61
юнон — 33
ўзбек — 129—137, 182—190
ўйрот — 23, 26, 28
ўнгфут — 26, 84—86, 102, 103
ўғуз — 54
қалмоқ — 172
қанғал — 54, 57, 62, 63, 69, 73,
78—80
қидан (қидан) — 50, 82, 86, 88,
89, 92, 103, 106, 121
қипчоқ — 77, 78, 104
қозоқ (қирғиз) — 28, 92, 161—
176
қорахитой — 51, 89
қрим-татар — 158—161
ҳинд — 201—210

МУНДАРИЖА

Сўз боши	3
Мўғул-татарлар истилоларига умумий назар	7
I қисм. МЎҒУЛ-ТАТАРЛАРНИНГ ЧИНГИЗХОН ДАВРИДАГИ ҲАРБИЙ САНЪАТИ ҲАҚИДА	
Мўгулларнинг Хитой билан муносабатлари ҳамда хитойларнинг ҳарбий санъати ҳақида	12
Мўғулистоңга бир нигоҳ: Чингизхоннинг Хитойга юриши (1211 йил)га қадар қилган ҳарбий ҳаракатлари	18
Чингизхоннинг қоңунлари ҳамда ҳарбий туэйлмалари, қоидалари ва сиёсати	24
Чингизхоннинг Хоразм султони Мұхаммад билан қилган уруши (1220—1224 йиллар)	43
Чингизхон ва Угдайининг Хитойга қилган юришлари (1211— 1234 йиллар)	71
Ботухоннинг Россияга қилган юришлари (1237—1240 йиллар)	91
Ботухоннинг Польша, Силезия, Моравия ва Венгрияга юришла- ри (1240—1241 йиллар)	105
II қисм. УРТА ОСИЁ ХАЛҚЛАРИНИНГ АМИР ТЕМУР ДАВРИДАГИ ҲАРБИЙ САНЪАТИ	
Чингизхон ва унинг авлодлари томонидан босиб олинган давлат- ларнинг Амир Темурнинг болалик йилларидағи ақволи ва Амир Темурнинг 1391 йилгача бўлган дастлабки урушлари	114
Амир Темур қўшинларининг таркиби ва тузилиши	129
Қурол-яроғ ва ҳарбий юриш заҳвралари, уйвон бериш, бош- лиқлар ҳукуки ва маош тайинлаш	130
Амир Темур қўшинлари мунтазамлигининг асоси	134
Амир Темурнинг жангдаги ҳаракатларда қўллатган тактик қон- далари ва унинг жанговар сафлари	135
12 000 дан ортиқ бўлмаган отлиқ аскарлар бўлими учун	135
12 000дан 40 000гacha бўлган отлиқ бирнекма (корпус) учун	138
Бутун бир қўшин (армия) учун	139
Үрду(лагер)ларда жойлашш ҳақида	142
Крим-татарларнинг саф тоғтиш ва ҳаракатлари таркиби ҳамда Украинага қилган босқинларидағи тадбирлари	142

Кўчманчи халқларнинг умуман урушга ва айниқса кичик уруш- ларга бўлган лаёқати ҳақида	145
Қирғизларнинг (қозоқларнинг) чегара чизиқларидан чорва мол- ларини ҳайдаб кетиш учун қўллайдиган ҳийалалари	147
Амир Темурнинг бошқа давлатлар ҳақида маълумот тўлаш учун қўллаган воситалари	150
Захиралар карвони ва таъминот усуллари ҳақида	151
Давримиздаги маълумотли ўтроқ халқларнинг ҳарбий усуллари, уруш олиб бориш хусусиятлари ва ҳарбий-сиёсий қондала- рини худди шундай кўчманчи халқларники билан қиёслаш	152
Амир Темурнинг давлатларни босиб олиш учун қўллаган ҳарбий-сиёсий ва маъмурий қондалари	159
Амир Темурнинг 1391 йилда Тўхтамишонга қарши Олтик Урдага қилган юриши	165
1398—1399 йилларда Ҳиндистонга қилинган юриш	178
Боязидга қарши 1402 йилда қилинган юриш	186
Хитойга қарши урушга тайёргарлик	198
Хулоса	200

ИЛОВА

Изоҳлар :	206
Курсatkичлар	226

Илмий-оммабол адабиёт

Михаил Игнатьев Иванки

**ИККИ БҮЮҚ САРКАРДА:
ЧИНГИЗХОН ВА АМИР ТЕМУР**

(Мұғул-татар ва Урта Оснө халқларннннг Чингизхон ҳамда
Амир Темур даврларидаги ҳарбий санъати ва истилолари ҳақыда)

Қичик мұχаррир *M. Набиева*

Тех. мұχаррир *B. Барсукова*

Мусаққиңдар *M. Хошимова, K. Зиёмухамедова*

ИБ № 6279

Босмахонаға 28. 06. 93 да берилді. Босишига
26. 11. 93 да рұксат етілді. Биічими $84 \times 108 \frac{1}{3} \text{ з.}$
2-нш босмахона корози. Адабий гарнитура. Юқо-
ри босма. 12,6 шартты босма тобоқ. Жами 10000.
нұска. 4383 рақамлы буюртма. Бағоси шартно-
ма асосида. 10—93 рақамлы шартнома.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот құ-
митасининг 1-босмахонасыда босилди. 700002, Саг-
боя күчаси, 1-берк күча, 2-үй.

Иванин М.

Икки буюк саркарда: Чингизхон ва Амир Темур (Тарж. А. Махкамов).— Т.: «Фан», 1994.— 240 б.

Бир қарашда буюк саркардалар Чингизхон ҳамда Соҳибқирон Амир Темур өгаллаган ҳарблй сањъатларни, уларнинг истилоларини ўрганишга бағишлангандек туюлувчи ушбу асарда, қандай қилини, деган саволга жавобан ёзилган. Асар Чингизхон ва Амир Темурнинг ҳарблй сањъатлари, уларнинг доимий зафарлари сирлари юришлари тарихи, сиёсалари ҳарбий мутахассис — чор Россияси генерали нуқтаи назаридан чуқур таҳлил қилинган.

Китоб тарихимизнинг эълон қилинмаган саҳифалари бўлмиш Чингизхон ҳамда Амир Темур даврларини ёритишида нафақат оддий киннослар, элшунослар, балки тарихчилар, ҳарбий мутахассислар, сиёсалари, жуғрофиюнлар учун ҳам қимматли маёнга бўлади, деган фикрдамиш.

Иванин М. И. Два полководца: Чингизхан и Амир Тумур.

63.3(2Уз).+63.3(2)4.